

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
САМАРҚАНД БҮЛИМИ  
АКАДЕМИК ЯҲЁ ФУЛОМОВ НОМИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ  
ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳукуқида  
УДК: 930.26(03) (575.192)

**ШАЙДУЛЛАЕВ ШАПУЛАТ БАЗАРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ  
ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ  
(БАҚТРИЯ МИСОЛИДА)**

Мутахассислик - 07.00.06 - археология

Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган  
**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий маслаҳатчи: тарих фанлари  
доктори, профессор, ЎзР ФА  
**академиги А.А. АСҚАРОВ**

**Самарқанд – 2009**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	1-44
I-БОБ. ИЛК ДАВЛАТЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ХУСУСИДАГИ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАР.....	45-75
1. 1. Ўрта Осиёда жамоаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ривожланиш босқичлари.....	45-51
1. 2. Илк синфий жамият белгиларининг моддий маданият ёдгорликларида акс этиши. ....	52-55
1. 3. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиш жараёнидаги шарт - шароитлар ва омиллар.....	55-58
1. 4. Илк давлатчилик белгиларининг археология манбаларида намоён бўлиши.....	58-66
1. 5. Илк давлатлар типологияси.....	66-71
1. 6. Дин, диний қарашларнинг ривожланиши ва давлатчилик.....	71-75
II-БОБ. БАҚТРИЯНИНГ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ МАДАНИЯТЛАРИ ХРОНОЛОГИЯСИ.....	76-93
III-БОБ. ҚАДИМГИ ШАРҚ ШАҲАР - ДАВЛАТЛАРИ ВА УНИНГ ЎРТА ОСИЁ БРОНЗА ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АКС ЭТИШИ...94-178	
3. 1. Қадимги Месопотамия шаҳар – давлатлари.....	94-100
3. 2. Хараппа маданияти шаҳар - давлатлари.....	101-103
3. 3. Мурғоб дехқончилик ўлкаси шаҳар - давлатлари.....	103-107
3. 4. Жанубий Бақтрияning шаҳар – давлатлари.....	107-110
3. 5. Жарқўтон - Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар - давлат..	110-111
3. 5. 1. Жарқўтон шаҳар - давлатининг топографияси.....	111-124
3. 5. 2. Жарқўтон шаҳар - давлатининг бошқарув тизими.....	124-129
3. 5. 3. Жарқўтон аҳолисининг диний қарашлари тўғрисида янги маълумотлар.....	129-135
3. 5. 4. Сополли маданиятининг пиктографик белги-ёзувлари.....	136-143
3. 5. 5. Сополли маданияти муҳрлари.....	143-156
3. 5. 6. Савдо ва маданий алоқалар.....	156-157
3. 5. 6. 1. Сополли ва хараппа маданиятлари ўртасидаги маданий алоқалар.....	157-162

3. 5. 6. 2. Сополли ва кўчманчи маданиятларнинг ўзаро маданий алоқалари .....	162-169
3. 5. 7. Жарқўтон шаҳар-давлати аҳолиси.....	169-178
<b>IV-БОБ. ИЛК ТЕМИР ДАВРИДА ҲУДУДИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.....</b>	<b>178-228</b>
4. 1. Кучуктепа маданиятининг пайдо бўлиши муаммосига доир янги мулоҳазалар.....	179-190
4. 2. Бақтрияning Кучук I даври ёдгорликлари типологияси.....	190-193
4. 3. Ўрта Осиёда зардуштийликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари.....	193-197
4. 4. «Авеста» ва моддий маданият.....	197-207
4. 5. «Авеста», илк давлатчилик ва археология.....	207-216
4. 6. Қадимги Бақтрия подшоҳлиги ёзма манбаларда.....	216-219
4. 7. Қадимги Бақтрия маданиятининг шаклланиши.....	219-221
4. 8. Қадимги Бақтрия маданияти ёдгорликлари типологияси.....	221-228
<b>V-БОБ. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ПОДШОҲЛИГИ ДАВЛАТЧИЛИГИДА АҲАМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИННИНГ ТУТГАН ЎРНИ .....</b>	<b>229-250</b>
5. 1. Ўрта Осиёда давлатчилик тарихининг империя босқичи.....	229-231
5. 2. Аҳамонийларнинг давлатни идора қилиш усули.....	231-238
5. 3. Бақтрияning Аҳамонийлар даври ёдгорликлари, типологияси ва уларни районлаштириш.....	239-250
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>251-261</b>
<b>АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>262-286</b>
<b>ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР.....</b>	<b>287-288</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишни энг долзарб масала сифатида эътироф этиб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтарди: «Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим»<sup>1</sup>. Президентимиз томонидан қўйилаётган бу масала биз тарихчилар олдига катта вазифа ва масъулият юклайди. Дарҳақиқат, мустақиллигимизгача тарихчилар ўзбек давлатчилиги тарихини, айниқса унинг пайдо бўлиш ва шаклланиш даврларини ўрганишга етарлича эътибор беришмаган.

“Ўзбек давлатчилиги тарихи” мавзусининг ижодкори Президент И.А. Каримовдир. Мустақилликкача бу ибора тарихчилар томонидан қўлланилган эмас. Бу билан тарихчилар Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг шаклланиши мавзуси билан шуғулланмаган,- дейишдан йироқмиз. “Ўрта Осиёда илк синфий муносабатларнинг шаклланиши”, “Аҳамонийлар империясига қадар Ўрта Осиёда кечган давлатчилик муносабатлари” каби мавзулар тарихчилар томонидан қизғин муҳокама этилган бўлса-да, давлатчилик маҳаллий халқларнинг миллий давлатчилиги тарихи сифатида талқин қилинмади.

Президент И.А. Каримов жорий йилнинг 25 август куни Термиз давлат университети Тарих факультети янги ўқув биносининг очилиши маросимида Бақтрия археологиясига жуда катта эътибор қаратди. Қадимги Бақтрияning Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаёти ва этник шаклланишидаги ўрни ҳақида гапириб, Қадимги Бақтрияning давлатчилигимиз тарихидаги ўрнини янада ёрқинроқ, бой археологик манбалар асосида ўрганишга кўрсатмалар берди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. – Тошкент. - 1999. – Б. 138.

Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги давлатлар ҳақидаги асосий манбалар – «Авеста» китоби, аҳамонийларнинг миххат ёзувлари, юонон-рим тарихчиларининг маълумотлари ҳисобланади. Сўнгги йилларда Бақтрия, Хоразм ва Сўғд ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар бу маълумотларни тасдиқлаш билан бирга янги маълумотлар билан бойитмоқда.

Сополли, Кучуктепа, Қадимги Бақтрия, Қадимги Сўғд маданиятларининг очилиши Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши бўйича янги маълумотлар бермоқда<sup>1</sup>.

Жаҳон тарихшунослигига илк давлатларнинг шаклланиши борасида кўплаб назариялар мавжуд:

- давлатлар мулкий табақаланиш маҳсули бўлиб, унинг куртаклари қадимги жамоалар даврида пайдо бўлган (Қадимги Шарқ);
- ривожланган жамоаларда синфий дифференция ва давлатчилик бўлган ёки ҳарбийлашган жамоалар босқинидан ўзларини ҳимоя қилиш йўлида ҳимоя воситалари ва давлат бошқарув тизимини ривожлантириб борган, акс ҳолда варварлар хужумининг қурбонига айланган. Бу ҳолатда ривожланган жамоа учун давлатчилик иккиласми, уруғ жамоа тузуми даражасида бўлган халқлар учун давлатчилик бирламчи ҳисобланади (V-VI асрларда Рим империясининг Варварлар томонидан босиб олиниши);
- синфий дифференциясиз жамиятда давлатларнинг пайдо бўлиши (Шан-Инь, Майа, Инклар, Ацтеклар - Колумбгача бўлган Америка халқлари). Бу халқларда ерга эгалик қилиш, жамоа мулки ёки синфий стратификация сезилмайди. Аввал примитив давлатларнинг шаклланиши ва кейин эса синфларнинг шаклланиши юз берган;
- тўртинчи ҳолатда синфий дифференция ва давлатчилик бир вақтда шаклланади. Албатта, бу жамоада давлатчилик қўшни халқларнинг - давлатларнинг таъсирида (Аттика) пайдо бўлади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. – Тошкент, Фан, 1977; Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Тошкент, Фан, 1979; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. - 1993; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. - Тошкент, Фан, 2000.

<sup>2</sup> Илющечкин В.П. Теория стадийного развития общества. - М.:1996. - С. 294-296.

Ушбу хулосалардан қўринадики, давлатчиликнинг шаклланишини бир қолипга солиб бўлмайди. Ўрта Осиёда илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши қайси йўлдан борган? Фанда яратилган назарияларга мос келадими? Ёки ўзининг илк давлатчилик шакли мавжудми? Диссертацияда сўнгги йилларда Қадимги Бактрияда олиб борилган археологик тадқиқотлар асосида шу саволга жавоб топишга ҳаракат қилинди.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш Президент ташаббуси билан давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Тадқиқотчилар томонидан қадимги тарихнинг асосий хусусиятлари ва давлатчиликнинг вужудга келиши масалалари таҳлил этилмоқда<sup>1</sup>. Илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва турлари, хукмдорлар унвонлари каби масалалар академик Э.В. Ртвеладзе, илк давлатларнинг шакллари ва хронологияси, бошқарув шакллари, этник миграция ва босқинчилик натижасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши А.С. Сагдуллаев, илк давлатчиликнинг бошланиши Т.Ш. Ширинов, ўзбек давлатчилигининг узлуксиз тадрижий ривожланиши Азамат Зиё асарларида таҳлил этилди<sup>2</sup>.

А.С.Сагдуллаев ва Ў.Мавлоновларнинг “Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи (қадимги давлардан XIX асрнинг ўрталариға қадар)” номли ўкув қўлланмаси нашрдан чиқди<sup>3</sup>. Кўлланмада бошқарувнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва худудий функциялари, давлатчиликнинг илк босқичларидан бошлаб XIX асрнинг ўрталариғача бўлган тарихий даврда давлатчиликнинг ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятлари, давлат бошқарувининг мазмун ва моҳиятлари очиб берилди.

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // ЎИФ. 1994. №6; Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // O'zbekiston tarixi. 2004. № 4.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В. Титулы правителей государств и владений Средней Азии в начале I тыс.до н.э // ОНУ. – 2006. -№ 5-6. – С. 46-57; Ртвеладзе Э.В, Сайдов А.Х, Абдуллеев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент, Адолат, - 2001. – Б. 239; Сагдуллаев А.С. Вопросы типологии и хронологии древнейших государств Средней Азии // Средняя Азия и мировая цивилизация. – Ташкент. - 1992. – С. 132-133; Ширинов Т.Ш. Қадимги Бактрия подшолиги “Катта Хоразм” // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент, Шарқ, 2001. – Б. 13; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент, 2000.

<sup>3</sup> Сагдуллаев А, Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи (қадимги даврдан XIX асрнинг ўрталариға қадар). - Тошкент, 2006.

Жарқўтонда эришилган янгиликлар натижасида фанга илк шаҳар, илк давлат, чифдом, квазигород, шаҳар - давлат, ном, ҳудудий - давлат, воҳа - давлат, қадимий шарқ подшолиги, митти давлат каби терминлар кириб келди. Давлатчиликнинг шаклланиши борасида турли хил йўллар таҳлил қилинмоқда. Илк давлатлар типологияси, илк давлатларнинг археологик белгилари, илк давлатларнинг бошқаруви масалалари муҳокама этилаётган бир вақтда Б.Ж. Эшов Жарқўтонга Бақтриянинг шимолида жойлашган қишлоқ деб таъриф берди<sup>1</sup>.

Ў.И. Абдуллаев Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослигига бағишлиланган китобида давлатчиликнинг шаклланиши бўйича умумлашган хulosалар чиқарган:

- бронза даврида “воҳа-давлатлар”;
- мил.ав. I минг йилликнинг бошларида “воҳа-давлатлар” ва дастлабки сиёсий уюшмалар;
- илк темир даврида ҳудудий жиҳатдан ўртамиёна давлатлар пайдо бўлган дейилган<sup>2</sup>. Бу Ўрта Осиёнинг барча миңтақаси учун бронза даврида воҳа-давлатлар шаклланган деган хulosани беради. Воҳаланки, Қадимги Шарқ дунёси билан доимий маданий алоқада бўлган Ўрта Осиёнинг жанубий миңтақалари учун бронза даврида бошқарув, давлатчилик терминларини ишлатиш мумкин, холос. Мил.ав. I минг йилликнинг бошларида Хоразм, Тошкент ёки Уструшона каби миңтақаларда сиёсий уюшмалар ёки илк темир даврида ўртамиёна давлатлар шаклланган эдими? Маълумки, Ўрта Осиёда давлатчиликнинг пайдо бўлиши бир вақтда кечмаган, шу сабабли унинг тарихшунослиги тарихий миңтақалар бўйича тадқиқ этилганда, ҳар бир миңтақа давлатчилиги учун тўғри тарихий хulosалар чиқарилган бўлар эди.

---

<sup>1</sup> Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. Ташкент, 2008. С. 42.

<sup>2</sup> Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент, Akademiya, 2009. – Б.142; Абдуллаев У.И. Историография древней системы управления и ранней государственности Средней Азии (XX-начала XXI в.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2008. – 21 с.

Муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи”нинг биринчи жилди нашрдан чиқди<sup>1</sup>. У мил.ав. II минг йилликдан милодий III асрларда қадимий давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига бағишланган. Ўрганилган давр давлатчилиги тарихи олти давр, давлатлари эса учта типга бўлинган. Биз ўрганаётган мавзуга оид “Илк давлатларнинг шаклланиши ва тараққиёти”га бағишланган боб Э.В. Ртвеладзе, А.С. Сагдуллаев ва В.Н. Ягодин томонидан ёзилган. Биринчи давр мил.ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмини ўз ичига олган. Бу даврда Шимолий Бақтрияда давлатчиликнинг ilk шакллари таркиб топган деган хulosага келинган бўлсада, Жарқўтон манбаларига етарлича эътибор берилмаган.

Президент И.А. Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва ЎзР ФА Тарих институти томонидан доимий ўтказилиб келинаётган академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарида давлатчиликнинг долзарб муаммолари муҳокама қилиниб, ilk давлатчилик тарихини яратишнинг илмий-услубий йўналишлари ишлаб чиқилмоқда.

Маълумки, Ўрта Осиёда давлатчилик тарихи «Авеста»да эслатилган Бақтрия, Сўғд ва Қадимги Хоразм давлатларининг шаклланиши билан бошланади деган ғоя тарихчиларимиз асарларида устуворлик қилиб келган. Ҳаттоқи, ҳозир ҳам давлатчилик тарихига бағишланган асарларда бу фикрлар учраб турибди<sup>2</sup>. Археология фанида давлатчилик тарихини мил.ав. II минг йилликдан бошлаш имконини берувчи археологик манбалар тўпланди. Ўзбекистон ҳудудида ilk давлатчилик тарихини ўрганишда унинг тарихшунослигини ёритиш, ундан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олиш лозим.

*Бақтрия ilk давлатчилиги тарихининг ўрганилиши.* Бақтрия - Ўрта Осиё халқларининг моддий ҳамда маънавий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган

---

<sup>1</sup> История государственности Узбекистана. - Том I. – Ташкент, Узбекистан. – 2009. – 560 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. - Тошкент: Шарқ, 2001. –176 б.

худуд. Унинг сарҳадлари ҳозирги Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон худудларига тўғри келади (1-расм).

Бақтрия худудида илк синфий муносабатларнинг вужудга келиши ва давлатчилик тарихи бўйича XIX аср сўнггида европа тарихчилари ўргасида мунозаралар бошланган. В. Гейгер<sup>1</sup>, Э. Райш<sup>2</sup>, Т. Нольдеке<sup>3</sup>, XX аср бошида Ж. Прашеклар<sup>4</sup> Бақтрия тарихи билан шуғулланиб, Аҳамонийлар империясига қадар ҳам қандайдир сиёсий бирлашмалар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар берган. Улар асосан қуйидаги антик давр тарихчиларининг ёзма манбаларига таянганлар.

Ктесий Книдский "Бақтрия қучли ва қудратли мамлакат, VIII асрда ёқ мустақил давлат бўлган" деб таърифлайди. Ктесий Книдскийнинг асарлари ўрта аср тарихчиси Фотийнинг асарида илова тариқасида бизгача етиб келган<sup>5</sup>.

Диодор ўз асарида Оссурия шоҳи Ниннинг Бақтрияга қарши жанг тафсилотларини ёзган. Асар бошида Ниннинг Семирамидага уйланиш тафсилотлари тасвирланган. Диодорнинг ёзишига қараганда Нин Бақтрияни мағлуб этиш оғирлигини, аҳолисининг кўп сонли эканлигини ва жангда моҳирлигини, қалъаларининг қўплигини билган. Шунга қарамай у кўп сонли қўшин йиғади ва биринчи жангда Бақтрия шоҳи Оксиартдан тоғ йўлдан текисликка чиқадиган жойда мағлубиятга учрайди. Нин Бақтрия билан бўладиган янги жангта тайёрланади<sup>6</sup>.

Диодор Бақтрия пойтахти Бақтр шаҳрини қуйидагича таърифлайди, «... Бақтр йирик шаҳарлардан бири, у гўзал, эгаллаб бўлмас қалъа». Нин Бақтра шаҳрини узоқ вақт қамал қиласди. Шаҳар Семирамиданинг айёргилиги натижасида ишғол қилинади. Бақтрликлар мағлубиятга учрайди. Бақтрия шоҳи ўлдирилади. Нин Бақтриянинг бойликларини талайди.

<sup>1</sup> Geiger W. Ostiranische Kultur im Altertum. Erlangen, 1982. -V. 66; Geiger W. Civilization of the Eastern Iranians in Ancient Times. – London, 1985. - V. 45.

<sup>2</sup> Reisch E. Baktrionoi // Pauly's Real-Encyclopédie. T. II. 1896.

<sup>3</sup> Nöldeke T. Iranisches Nationalepos, Grundriss der Iranische Philologie, II. 1896-1904.- V.141.

<sup>4</sup> Prasek J.D. Geschichte der Meder und Perser. Bd. I. - Gotha, 1906. - V. 50-54

<sup>5</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959 . - № 73.

<sup>6</sup> Диодор. Историческая библиотека. Кн. 17. II , 2-7. Пер. М.Е. Сергеенко; Арриан. Поход Александра. М. - Л., 1962.

Бу воқеаларни Помпей Трог<sup>1</sup>, Ариан<sup>2</sup> ва Ксенофондлар<sup>3</sup> ҳам ўз асарларида ёритган. Аммо, воқеалар тафсилотларида, шоҳларни таърифлашда айрим чалкашликлар бор. Ксенофонт ўз асарида Бақтрия ва Оссурия ўртасидаги уруш Оссурия шоҳи Киаксар замонида бўлган деб ёзади.

Тадқиқотчилар ўртасида Оссурия билан Ўрта Осиё, хусусан Бақтрия оралиғидаги узоқ масофани ҳисобга олиб, юқоридаги маълумотларни тарих сахифасидан чиқариб ташлаш керак, деган мунозаралар ҳам учрайди. Маълумки, бу масалага И.М. Дьяконов ойдинлик киритган. Унинг изланишлари туфайли топилган Оссурия айғоқчиларининг ўз шоҳига ёзган номасидаги қўйидаги маълумотдан сўнг антик давр тарихчилари маълумотлари ўз кучини сақлаб қолди: "... лекин, мен лазуритни олиб кетганимдан сўнг, мамлакатда бунга қарши қўзғолонлар бошланди, шундан сўнг катта ҳарбий қуч юборишни илтимос қилдим"<sup>4</sup>. Маълумки, Яқин Шарқда Бақтрия лазуритлари юқори баҳоланганди. Шу тариқа тарих фанига Қадимги Бақтрия шоҳлиги тўғрисидаги маълумотлар кириб келган.

Диодор маълумотларига диссертациянинг Қадимги Бақтрия подшоҳлигига бағишлиланган қисмда кенгроқ тўхталамиз. Бу ерда қисқача қилиб шуни таъкидлаймизки, Оссурия тарихшунослигига Нин ва Семирамида каби шахсларнинг учрамаслиги бу манбанинг тарихийлигига шубҳа уйғотади.

Зардуштийлик динининг асосий китоби бўлган «Авеста»да Ахурамазда барпо қилган мамлакатлар орасида Бақтрия "Бахди" шаклида тилга олинади<sup>5</sup>.

Аҳамонийлар сулоласини ва тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлган Бехустун ёзувларида Бақтрия тўрт маротаба тилга олинган. Бу ёзувлардан Бақтрия давлатчилиги ёки аҳолисининг ижтимоий табақалари тўғрисида маълумотларни ўқий олмасак-да, Суза саройини безашда Лидия ва Бақтриядан келтирилган олтинлар, Бақтрия таркибида бўлган Марғиёнадаги

<sup>1</sup> Помпей Трог. I, 1,2.

<sup>2</sup> Ариан. VI, 24.

<sup>3</sup> Ксенофонт. I, 5, 2.

<sup>4</sup> Дьяконов И.М. Ассиро-аввилонские источники по истории Урарту // ВДИ. - М.:1951. - № 2. - С. 335-336.

<sup>5</sup> «Авеста», Видевдат, 8.

Фрада бошлигидаги қўзғолон ёки географик ўрни ва чегарадош мамлакатлари тўғрисидаги маълумотлар бор<sup>1</sup>.

Геродот асарларидан ҳам Бақтриянинг Қадимги Шарқ халқлари орасида ўз ўрни бўлганлигини билиш мумкин. Жумладан, Кирнинг ҳарбий юришлари лозим бўлган мамлакатлар Вавилония ва Миср қаторида Бақтрия ва Саклар ҳам санаб ўтилади<sup>2</sup>. Бақтрияликларнинг қурол-аслаҳалари ва ҳарбий қўшинидаги тартиб ҳам Геродот эътиборидан четда қолмаган<sup>3</sup>. У бақтрияликлар яратган моддий маданият Ўрта Осиёда яшайдиган бошка халқларга ўрнак бўлганлигини айтиб, арийлар, хорасмияликлар, сўғдийлар, гандарияликлар ва дадиклар қурол ясашда бақтрияликларга ўхшатиб ясаганлигини мисол қилиб кўрсатади<sup>4</sup>.

Йирик шарқшунос олим В.В. Бартольд рус тарихчилари орасида биринчи бўлиб, Бақтрияда Аҳамонийлар империясига қадар ҳам давлатчилик бўлганлигини айтиб, Ктесий Книдский маълумотлари асосан ўша вақтда битилган Ўрта Осиё эпик традицияларига асосланиб ёзилган, деган хulosага келган<sup>5</sup>.

С.П. Толстов Диодорнинг Бақтрия шаҳарлари, хусусан Бақтр шаҳри тўғрисидаги маълумотлари, яъни шаҳарнинг арки, қалъа деворларининг шаҳарни ўраб турганлиги ҳақидаги маълумоти асосида Аҳамонийлар империясига қадар Бақтрияда давлатчилик бўлганлигини тан олади<sup>6</sup>. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давларга мансуб деярли барча илмий тадқиқотларда Аҳамонийлар босқинига қадар Қадимги Бақтрияда давлатчилик бўлганлиги қайд этилган<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. - Л., 1968.

<sup>2</sup> Геродот. История в девяти книгах. I, 153. (пер. Г.А. Страновского). - Л., 1972.

<sup>3</sup> Геродот. VII, 64.

<sup>4</sup> Геродот. VII, 66.

<sup>5</sup> Бартольд В.В. К истории персидского эпоса // Записки Восточного отделения Российской Археологического общества. XXII, 1915. - С. 258-259.

<sup>6</sup> Толстов С.П. Основные вопросы древней истории Средней Азии // ВДИ. - М.: 1938 . - № 1. - С. 183; Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948. - С. 103.

<sup>7</sup> Гафуров Б.Г. История Таджикского народа. Т. I. - М.: 1955. - С. 31-32; Дъяконов И.М. Истории Мидии. - М.: - Л., 1956. - С. 169; Дъяконов М.М. Очерк истории Древнего Ирана. - М.: 1961; Массон В.М. Проблема древней Бактрии и новый археологический материал // СА. - М.: 1958. - № 2. - С. 49-65; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, 73. - М.: 1959; Лившиц В.А. Древнейшие государственные образования // ИТН. Глава III. - Душанбе, 1963. - С. 65-71.

Француз археологи А. Фуше Бақтр шаҳрида археологик тадқиқотлар олиб бориб, шаҳарнинг қадимги маданий қатламларини топа олмайди ва "Бақтрия уйдирма, унинг ҳеч қандай қадимий тарихи йўқ. Бу ерга маданиятни, давлатчилик сиёсатини Аҳамонийлар олиб келган" деган ғоя билан чиқди<sup>1</sup>.

Шундан сўнг, Бақтрия худудида бронза даврига оид Сополли, Даштли<sup>2</sup>, сўнгги бронза ва илк темир даврига оид Кучуктепа<sup>3</sup>, Тиллатепа<sup>4</sup>, Қизилтепа<sup>5</sup>, Қадимги Бақтрия<sup>6</sup> маданиятлари очилди. Ўрганилган ушбу маданиятлар асосида Е.Е. Кузьмина "Бақтрия уйдирма эмас, тарихий ҳақиқатдир" деган гояни илгари сурди<sup>7</sup>.

М.М. Дьяконов Жанубий Тожикистон ҳудудидаги Болдойтепа, Кофирниҳон ёдгорликларини ўрганиб, «Македонский ва Эллин давридан аввал ҳам Ўрта Осиёда ўзига хос ўтроқ маданият ва синфий жамият бўлган» деган хulosага келди<sup>8</sup>. Унинг «мил.ав. VI-IV асрларда Ўрта Осиё ҳудудида иирик давлатлар бирикмаси бўлмаган, илк давлатлар ҳудудлари суғорилиш районлари чегаралари билан мос келган» деган хulosаси билан келишиб бўлмайди. Албатта, бу фикр жуда кўплаб тадқиқчиларнинг танқидига сабаб бўлди<sup>9</sup>. Бизнинг фикримизча М.М. Дьяконов бир томонлама ҳақ. Негаки, Қадимги Бақтрия подшолиги илк темир даврида шаклланган ҳудудий давлатлар конфедерациясидан ташкил топган. Кофирниҳон ва Вахш дехқончилик ўлкаларида битта ҳудудий давлатнинг шаклланганлигини инобатга олсак, М.М. Дьяконов хulosаларининг тарихийлиги кўринади.

<sup>1</sup> Foucher A. La vieille route de l'inde Baktres a Taxila. – Paris, 1942. P-149.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент, Фан, 1977; Аскаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. - Ташкент, Фан, 1983; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. - Самарканд, 1993; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. - М.: 1977.

<sup>3</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. - Ташкент, Фан. 1979.

<sup>4</sup> Сарианиди В.И. Раскопки Тилля-тепе в северном Афганистане. Вып. I. - М.: 1972.

<sup>5</sup> Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. - Ташкент, Фан, 1987.

<sup>6</sup> Дьяконов М.М. Археологические работы в нижнем течении реки Кафирнигана в 1950-1951 гг // МИА, 1953. - № 37.

<sup>7</sup> Кузьмина Е.Е. Бактрийский мираж и археологическая действительность // ВДИ. - М.: 1978. - № 2. – С. 198-211.

<sup>8</sup> Дьяконов М.М. Сложение классового общества в северной Бактрии // СА. - Вып. 19, 1954. – С. 130-138.

<sup>9</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959 . - № 73; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. - Самарканд, 1993.

Шимолий Афғонистон ҳудудида Даштли маданиятини ўрганган В.И. Сарианиди Қадимги Бақтрия давлатчилиги тўғрисида шундай дейди: «Бақтрияда бронза даврида шаҳар маданиятининг гуллаши бу ерда Аҳамонийларгача бўлган даврда давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келган»<sup>1</sup>.

Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари Бақтрия ҳудудида илк синфий муносабатлар ва давлатчилик тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қиласди. Сополлитепа ёдгорлигининг симметрик плани ва қабрларда учрайдиган идишлар таркиби ва сони марҳумлар ёшига қараб ортиб борганлиги Сополлитепа жамоасининг ижтимоий жиҳатдан тенглигини, жамоа ҳаётида оқсоқолларнинг ўрни катта эканлигини ва кам сонли аҳолининг аҳил яшаганлигини тасдиқлайди<sup>2</sup>.

Жарқўтон ёдгорлигидаги эса жамоаларнинг ижтимоий гурухларга ажralганлигини кўрсатувчи минглаб қабрлар, ёдгорликнинг шаҳар тоифасига оидлигини тасдиқловчи сарой қолдиги, мафкуравий марказ бўлганлигини билдирувчи ибодатхона, шоҳлар саройи жойлашган аркнинг мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги, аҳолисининг хунармандчиликда, меъморчиликда эришган ютуқларига қараб А.А. Аскаров ва Т.Ш. Шириновлар Жарқўтон ёдгорлигини илк шаҳарлар тоифасига киритишади ва илк давлатларнинг "карликовый" ёки "чифдом" формаси бўлганлигини тасдиқлайди<sup>3</sup>.

Ўрта Осиёning жануби, хусусан қадимги дәҳқончилик маданияти ривожланган Бақтрия, Марғиёна ва Сўғд мисолида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши соҳасида А.С. Сагдуллаевнинг тадқиқотлари диққатга сазовор. У ёзма манбаларни археологик маълумотлар билан боғлаб, илк давлатчилик тараққиётининг қуйидаги учта босқичини кўрсатиб берди:

<sup>1</sup> Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана ... - С. 151-155.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы ... – С. 87; Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Самаркандин 1990. – 21 с.

<sup>3</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... - С. 114.

1. Сўнгги бронза даврида кичик дехқончилик ўлкаларида илк давлатчилик белгиларининг пайдо бўлиши;

2. Аръйошайана - кичик давлат бирлашмалари;

3. Қадимги Бақтрия - йирик давлат бирлашмаси<sup>1</sup>.

А.С. Сагдуллаевнинг тадқиқотлари асосан илк темир даврига оид бўлиб, шу давр Бақтрия аҳолисининг ижтимоий табақаларини "Авеста" маълумотлари билан таққослаб, Бақтрия аҳолиси «Авеста»да келтирилган ижтимоий гурӯхлардан ҳам мураккаб эканлигини кўрсатди<sup>2</sup>.

Жанубий Тожикистондаги сўнгги бронза даврига оид Вахш маданияти мисолида Л.Т. Пьянкова оиласвий ва жамоа муносабатлари масалаларини очиб берди<sup>3</sup>. У Вахш маданияти қабрларининг бир хиллилиги, топилган идишлар сонининг тенглиги ва идишлар шаклининг ўхшашликларини инобатта олиб, Вахш маданияти жамоа аъзолари teng хуқуқли бўлган деган хулосага келган. Л.Т. Пьянкованинг тадқиқотлари Вахш кўчманчилари жамоасида моногомик никоҳ нормаларининг ҳукмронлигини кўрсатади.

*Қадимги Хоразм илк давлатчилиги тарихининг ўрганилиши.* Юз йилдан ошдики, Хоразм давлатчилиги тарихи олимлар ўртасида қизғин мунозараларнинг сабабчиси бўлиб келмоқда. Бу борада ёзма манбалар билан шуғулланувчи тарихчилар ва археологлар ўртасида илмий келишмовчиликлар ҳам мавжуд<sup>4</sup>. Бу бахслар асосида фанда «Қадимги Хоразм» ва «Катта Хоразм» терминлари пайдо бўлди. Афсуски, бу терминларни бир-биридан ажратса олмайдиган тадқиқотчилар ҳам борки, бу масалани янада чигаллаштироқда<sup>5</sup>. Кўйилаётган масалага бир томонлама ёндашмаслик мақсадида Хоразм давлатчилиги тарихи бўйича

<sup>1</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дис. ... док. ист. наук. - М.: 1989. - С. 40.

<sup>2</sup> Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. - Ташкент, Фан, 1987. - С. 56.

<sup>3</sup> Пьянкова Л.Т. К вопросу о семейных и общественных отношениях в эпоху поздней бронзы (по материалам могильников Вахшской культуры) // МКТ. Вып. 4. - Душанбе, 1987. - С. 43-70.

<sup>4</sup> Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. - Ашхабад, 1983.

<sup>5</sup> Аскаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎзР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишиланган халқаро илмий анжуман материаллари. - Тошкент, 2004. - Б. 76-84.

тадқиқотчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини тўлиқроқ беришни лозим кўрдик.

Маълумки, Геродот ўзининг "Тарих" китобининг учинчи қисмида Ак(ес) дарёси ва бу дарёга қурилган тўғон тўғрисида маълумот беради<sup>1</sup>. Бу маълумотга кўра Акес дарёси Гиркания, Парфия, Тамания, Дрангиана ва Хорасмияликлар чегарасида жойлашган. Шу маълумотларни асос қилиб В.В. Бартольд Қадимги Хоразм давлати бўлганлиги тўғрисида ёзган эди<sup>2</sup>.

Жуда кўплаб тадқиқотчилар Акес дарёсини ҳозирги Туркманистон худудидаги Тежен дарёси билан қиёслайдилар<sup>3</sup>. С.П. Толстов эса Акес дарёсини ҳозирги Хоразм худудида бўлган деб ҳисоблади<sup>4</sup>.

Геродотнинг шу хабари асосида немис ориенталист олими И. Маркварт «Катта Хоразм» давлати ғоясини ишлаб чиқкан. Унинг ғоясига кўра, арийларни, марғиёналикларни ҳамда Геродот таърифлаган Акес дарёси билан чегарадош мамлакатларни хорасмияликлар бошқарган. Бу сиёсий бирлашма Ўрта Осиё халқлари Аҳамонийлар империяси таркибиға киргандан сўнг емирилиб кетган, деган фикр И. Маркварт ғоясининг асосини ташкил этади. И. Марквартнинг «Катта Хоразм» давлати ғояси Геродот асарида тилга олинган, Ўрта Осиёда жойлашган тарихий ва географик терминларни локализация қилиш натижасида туғилган<sup>5</sup>. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу ғоя Совет тарихчилари учун манба бўлиб хизмат қилди<sup>6</sup>.

Геродот маълумотларини Ўрта Осиёнинг реал қадимги тарихий географияси билан боғлаш учун И.М. Дьяконов шундай ёзади: «гирканияликлар парфияликлар билан битта қабила - иттифоққа кирган»<sup>7</sup>.

М.М. Дьяконов эса "Акес дарёсидан хорасмияликлар, парфияликлар, гирканлар, арийлар ва бошқа қўшни вилоятлар бирга фойдаланганлиги

<sup>1</sup> Геродот, III.17.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Иран. - Ташкент, 1926. - С. 17.

<sup>3</sup> Markwart J. Wehrrot und Arang. - Leiden, 1938, - Р.10-12; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959 . - № 73.

<sup>4</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948. - С. 341.

<sup>5</sup> Markwart J. Wehrrot und Arang. - Leiden, 1938, - Р.10-12.

<sup>6</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948; Дьяконов И.М. Истории Мидии. - М.: Л., 1956; Дьяконов М.М. Очерк истории Древнего Ирана. - М.: 1961; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, 1959 . - № 73; Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. Ашхабад, 1983.

<sup>7</sup> Дьяконов И.М. Истории Мидии. - М.: Л., 1956. - С. 357-358.

қандайдир қабилалар иттифоқи ёки илк давлатлар бирлашмаси тўғрисидаги фикрни беради" деган ғояни илгари сурган<sup>1</sup>.

В.В. Струве эса Хоразм давлатчилиги тўғрисида шундай ёзади: «...ёзма манбалар бўйича гапирадиган бўлсак, мил.ав. VI асрда Ўрта Осиёда энг камида иккита сиёсий бирлашма, яна ҳам аниқроғи, давлатлар бўлган. Булар Амударёнинг қуи оқимидағи Хоразм, юқори оқимидағи Бақтрия давлатларири. Уларнинг маданий ва сиёсий таъсир доираси анча кенг бўлган. Хоразм Копетдоғ этаклари ва Тежен ўлкасини, мумкинки Сўғдиёнани ҳам бирлаштирган бўлса, Бақтрия ўз ҳудудидан ташқари Мурғоб ўлкаларини ҳам ўз ичига олган»<sup>2</sup>.

Археологлар И. Маркварт ғоясига танқидий кўз билан қарайдилар. Жумладан, В.М. Массоннинг фикрича "... археологлар шу кунгача Хоразм ҳудудида жойлашган VIII-VII асрларга, ҳеч бўлмаса VI асрга оид йирик ёдгорликни билишмайди. Бу шундай хulosани берадики, Аҳамонийлар давригача Хоразмда йирик давлат бирлашмаси бўлганлиги археологик жиҳатдан исботланмайди. Олиб борилган узоқ ва кенг археологик дала тадқиқотлари Хоразмда бундай давлат бўлганлиги тўғрисидаги ғояни кун тартибидан ҳозирча чиқаради"<sup>3</sup>.

И. Маркварт ғояларининг археологик жиҳатдан тасдиқланмаётганини кўрган В.Б. Хеннинг ва И. Гершевичлар устозининг фикрини бир оз ўзгартирган ҳолда қўллаб-куватлайдилар. В.Б. Хеннинг устози И. Маркварт каби арийларининг ватани Арьянэм-Вайджони Хоразм билан боғлайди. Арьянэм-Вайджони кенг ҳудудда кўришни истайди ҳамда Тежен ва Мурғобни ҳам Хоразм ҳудудига киритади. «Авеста»нинг ватани Хоразм эмас, балки Тежен ва Мурғобдир деб таърифлайди<sup>4</sup>.

И. Гершевич эса Аҳамонийларгача бўлган «Катта Хоразм» сиёсий ўюшмасини Хоразм ҳудудида эмас, балки Тежен ва Мурғобдадир деб

<sup>1</sup> Дъяконов М.М. Очерк истории Древнего Ирана. - М.: 1961. - С. 64.

<sup>2</sup> Струве В.В. Древний Иран и Средняя Азия // Всемирная история. Т. 1. - М.: 1955. - С. 590.

<sup>3</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... - С. 127.

<sup>4</sup> Henning W.B. Zoroaster: Politician or Witch-doctor? - Leiden, 1951. - P.43.

атайди<sup>1</sup>. У Тежен ва Мурғобдаги ўтроқ, ривожланган дехқончилик маданиятининг Хоразмдан анча қадимийлигини ўз назариясининг асоси қилиб олади.

В.М. Массоннинг "...нега унда бу бирлашмани Хоразм деб аташ керак?" деган саволи тарих фанида узоқ вақт очиқ турди<sup>2</sup>. Бугунги кунга келиб аниқ ишонч билан айтишимиз мумкинки, бу сиёсий бирлашмада хоразмликлар етакчилик қилган ва шунинг учун ҳам бу бирлашма фанда Катта Хоразм деб аталмоқда<sup>3</sup>.

И.Н. Хлопин ҳам Катта Хоразм давлатининг бўлганлигига шубҳа билан қараб, тарихий ва археологик манбаларни қайта кўриб чиқди<sup>4</sup>. Манбаларга Гекатей маълумотларини ҳам қўшди<sup>5</sup>. Маълумки, Гекатей маълумотларига кўра, хоразмликлар парфияликлардан шарқда истиқомат қилишган. Шундан келиб чиқиб, хоразмликларнинг аждодлари қачонлардир Тежен ва Мурғобда яшаган, кейин шимолга Қорақум орқали Амударё бўйларини ўзлаштирган деб ўйлаш мумкин. Хоразмликларнинг Тежен ва Мурғобда яшаши ва қўчиши воқеаси Гекатей асарида, Акес дарёси Геродот асарларида ифодаланган. Лекин, бу археологик жиҳатдан исботланмайди, яъни уларнинг аждодлари Тежен ва Мурғобда яшаганлиги ва шимолга кўчганлигини археология инкор қиласи<sup>6</sup>, деган хато фикрга келади. Фикримизча И.Н. Хлопин ёзма манбалардан яхши фойдаланган ва уларда ифодаланган тарихий воқеаларни жонлантириб, географик номларни тўғри жойлаштиради. Аммо, Қадимги Хоразмликларнинг шимолга кўчганлигини археология инкор қиласи деб хато хулоса қиласи, негаки, мил.ав. VI асрда Амударё делтасида Кўзалиқир, Қалъалиқир каби ёдгорликларнинг пайдо бўлиши буни исботлайди.

В.А. Лившиц "История таджикского народа" асарига ёзган бобида «Катта Хоразм» давлати ғояси тўғрисида ўз фикрини ифодалаган. У ҳам

<sup>1</sup> Gershevitch I. The Avestan Hymn to Mithra. – Cambridge, 1959. - P.298-299.

<sup>2</sup> Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес // Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. - М.: 1967. - С. 173.

<sup>3</sup> Аскаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир ... Б.76-84.

<sup>4</sup> Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. - Ашхабад, 1983.

<sup>5</sup> Пьянков И.В. Сведения Ктесия о владениях Бардии на востоке Ирана // ВДИ. - М.: 1961 №4. - С. 100.

<sup>6</sup> Хлопин И.Н. Историческая география ... – С. 32-44.

Геродотнинг Акес дарёси тўғрисидаги маълумотини Тежен-Герируд деб қабул қиласди. Хоразмликлар мил. ав. VII-VI асрларда кенг ҳудудни эгаллаган ва ҳозирги Хоразмдан анча кенг жойларни назорат қилган деган фикрда асос бор. Гекатейнинг Хоразмликлар Парфиядан шарқда жойлашган деган маълумотини Хоразмликлар ўша ерда ҳам гегемонлик қилган деб тушунмоқ лозим. Аҳамонийларгача бўлган "Катта Хоразм"да қабилаларнинг ҳарбий-демократик конфедерацияси бўлган, давлат бирлашмалари пайдо бўлаётган давр деб баҳо беради. Марв ва Хирот бу конфедерациянинг асосий марказлари бўлган. Хорасмияниклар бошчилигидаги конфедерациянинг Аҳамонийлар давригача бўлган Ўрта Осиёнинг сиёсий тарихида ўрни катта бўлган<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё халқлари тарихи бўйича энг қадимги ёзма манба бўлган "Авеста"да Ахурамазда барпо қилган мамлакатлар қаторида, яъни Мауру, Бахди, Нисайя мамлакатларидан сўнг Харойу (Хоразм) ҳам тилга олинади<sup>2</sup>.

Демак, ёзма манбаларнинг таҳлили Аҳамонийлар империясига қадар Қадимги Хоразм давлатчилиги бўлганлигини тасдиқлайди. Эслатиб ўтганимиздек, кўплаб тарихчилар ҳам шу фикрга келишган.

Қуи Амударё ва Орол бўйларида олиб борилган ва олиб борилаётган археологик тадқиқотларнинг сўнгги илмий хуносалари қандай? Шу борада археологик таҳлил қилсак. Маълумки сўнгги бронза даврида (мил.ав. II минг йиллик) Евроосиё минтақаларига хос бўлган Андроново маданияти Қуи Амударё бўйларида ҳам тарқалган. Бу маданият соҳиблари чорвадор халқлардан иборат бўлиб, ҳозирги Қозоғистон ва Сибирь чўл ва ўрмонзорларида истиқомат қилишган. Қуи Амударё бўйларига келиб ўрнашган халқ қолдирган моддий маданият археология фанида Тозабоғёб маданияти деб юритилади. Бу маданият Андроново моддий маданият бирлигининг бир кўриниши бўлиб, мил.ав. II минг йиллик охири ва I минг йиллик бошида Оқчадарё ҳавзасида ўтроклашади. Дехқончилик маданияти

<sup>1</sup> Лившиц В.А. Древнейшие государственные образования // ИТН. – Душанбе, 1963. - С. 152-153.  
<sup>2</sup> «Авеста». Видевдат. V, 8.

пайдо бўлади. М.А. Итина Тозабоғёб маданияти аҳолисининг дехқончиликка ўтишини жанубнинг таъсири деб баҳолайди<sup>1</sup>, жамоани бошқаришда матриархат, яъни она уруғи жамоаси бўлганлигини ёқлаб чиқсан<sup>2</sup>.

Мил.ав. VIII-VII асрларда Қадимги Хоразм воҳасида Амиробод ва Қуйисой маданиятлари тарқалган. Бу маданиятлар моддий манбаларида ҳам ривожланган жанубий вилоятларнинг таъсири сезиларли даражада кузатилган. Лекин бу маданиятларни юқори ривожланган ёки синфий жамиятга эришган дейиш қийин.

Бизга маълумки, ўз вақтида С.П. Толстов ирригация шоҳобчалари асосида Қадимги Хоразм давлати назариясини ишлаб чиқсан эди<sup>3</sup>. Бу назария ҳам археологик жиҳатдан исботланмаган<sup>4</sup>. Негаки, Хоразм ҳудудидаги қадимги каналлар воҳадаги Кўзалиқир ёдгорлиги асосида мил.ав. VI-V асрларда пайдо бўлганлиги кузатилмоқда. Юқорида келтириб ўтилган археологик маълумотларга таяниб В.М. Массон "Аҳамонийлар давригача Хоразмда буюк давлат бўлган" деган назарияни қўллаб-қувватламайди<sup>5</sup>.

Амударё ва Зарафшон бўйлари ирригация тарихи бўйича Я.Ф. Фуломов ва А.Р. Мухаммаджоновларнинг изланишлари суғориш иншоотлари курилиши ва давлатчилик ўртасидаги муносабатлар характерини очиб берди<sup>6</sup>.

Хоразм воҳаси мисолида қадимги давлатларнинг пайдо бўлишида ирригациянинг ўрни мавзусидаги Б.В. Андриановнинг изланишлари диққатга сазовор<sup>7</sup>. У Роберт Мак-Адамс<sup>8</sup> ва Карл Витфогел<sup>9</sup> назарияларига қарши

<sup>1</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // ТХАЭЭ. Т. X. - М.: 1977; Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств (На примере Средней Азии) // От доклассовых обществ к раннеклассовым. - М.: Наука, 1987. - С. 93.

<sup>2</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья ... С. 217.

<sup>3</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948. - С. 341.

<sup>4</sup> Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес // Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. - М.: 1967. - С. 175.

<sup>5</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... - С. 127.

<sup>6</sup> Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. - Ташкент, Фан, 1957; Мухаммаджонов А.Р. Қуий Зарабшон водийсининг сугорилиш тарихи. - Тошкент, Фан, 1972.

<sup>7</sup> Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств (На примере Средней Азии) // От доклассовых обществ к раннеклассовым. - М.: Наука, 1987.

<sup>8</sup> Adams R.Mc. History patterns of Mesopotamian irrigation agriculture // Irrigation's impact on Society. - Tucson, 1974.

<sup>9</sup> Wittfogel K. Oriental despotism // A Comparative Study of Total Power. - New Haven, 1957.

бориб, каналларнинг қадимги дәхқончилик цивилизацияларининг пайдо бўлишидаги ўрни, жамиятдаги ижтимоий дифференция натижасида катта каналларнинг қазилиши сабабларини кўрсатиб берди. Унинг асосий ғояси Хоразмдаги суғориш иншоотларининг энг гуллаган даври, бу ерда давлатчиликнинг сиёсий марказлашган даврига тўғри келади. Бу каналларни қазиши, тозалаш ишларида кўплаб қуллар меҳнатидан фойдаланилган, меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши билан бирга қулдорчиликка асосланган ишлаб чиқариш шакли пайдо бўлган деган фикрга келганлигидир<sup>1</sup>. Ю.М. Кабишинов, Ю.А. Заднепровский, В.В. Сидоровлар Б.В. Андрианов фикрига қарши бориб, Тигр, Евфрат, Қадимги Мисрдаги каби эркин жамоа аъзолари иштирокида Хоразм каналлари қазилган, шунча катта меҳнат кучини ташкил этиш учун қаттиққўл бошқарув тизими, ўша қулларни эзиб, ушлаб турадиган давлат йўқ эди, деган фикрни илгари суришган<sup>2</sup>. Б.В. Андрианов эса Хоразмда ўша катта каналлар қазилган вақтда давлатчилик бўлган, деган фикрда қолган<sup>3</sup>.

Москва Этнография институтининг Хоразм археологик экспедицияси Орол, Сирдарё ва Амударёнинг қуи қисмида, қадимги қуруқ ўзанлар бўйларида археологик изланишлар олиб бориб Тагискен, Уйгурак, Чириқрабод, Қуйисой, Кўзалиқир ёдгорликларида илк кўчманчи сак қабилаларининг ҳаётига оид манбаларни ўргандилар<sup>4</sup>. Тагискен ва Уйгурак ёдгорликлари моддий маданиятида Қозогистон худудлари учун характерли бўлган Сак қабилаларига хос манбалар ўрганилган<sup>5</sup>.

Мил.ав. VII-VI асрларда Хоразм ҳудудида тарқалган Қуйисой маданияти этник жараёнларининг шаклланиши борасида тарих фани учун

<sup>1</sup> Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств ... – С. 75-78.

<sup>2</sup> Гуляев В.И., Гусаков М.Г. Всесоюзная научная конференция «Причины перехода от классовых к раннеклассовым обществам». Москва, 1984 // СА. 1986. - № 1.

<sup>3</sup> Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств... – С. 78.

<sup>4</sup> Итина М.А. Хорезмская экспедиция - основные итоги и перспективы исследований // Культура и искусство древнего Хорезма. - М.: 1981. - С. 9.

<sup>5</sup> Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). - М.: 1996

янги маълумотлар берди<sup>1</sup>. Б.И. Вайнбергнинг фикрига қараганда Қуйисойликлар Эрон тилли чорвадор қабилалар бўлиб, мил.ав. VII асрда Эроннинг шимолий чегараларида яшаган ва сўнгроқ Хоразмга кўчган<sup>2</sup>. М.А. Итина бу фикрга қарши чиқиб, жанубнинг таъсирини инкор қилмаган ҳолда, Қуйисой маданияти маҳаллий халқ маданиятига тегишли, деган ғояни илгари суради<sup>3</sup>.

Ўрта Осиё худудларида Андроново ва Сакларнинг генетик бирлиги хусусида антропологлар<sup>4</sup> ва археологлар<sup>5</sup> ўз фикрларини билдиришган. Тарихий шароитларга қараб Андроново маданиятининг мил.ав. VIII асрдагача яшаб келганлиги Жанубий Урал ва Қозогистонда ҳам кузатилган<sup>6</sup>. Шу ерда яна бир масалага ойдинлик киритиб ўтишни лозим деб ўйлаймиз. Яъни, айрим худудларда Андроново ва Сакларнинг моддий маданиятида ўхшашлик сезилмаса, Тагисken маданияти билан Даншибой-бегази ёки Карасук маданиятлари ўртасида майитни кўмиш ва сополлар ўртасида ўхшашликлар кузатилган<sup>7</sup>. Бу ҳолат Хоразм сакларининг (массагетларнинг) ерли маданият соҳиблари эканлигини тасдиқлайди. Улар ўтрок жануб халқлари билан доимий маданий алоқада бўлишган. Орол бўйларида яшаган сак қабилалари моддий маданиятида жануб сополларининг учраши А.С. Сагдуллаев мақолаларида ҳам ёритилган<sup>8</sup>.

Яқинда академик А.А. Асқаровнинг Қадимги Хоразм тарихига бағишиланган, фанда мавжуд бўлган «Қадимги Хоразм» ва «Катта Хоразм»

<sup>1</sup> Вайнберг Б.И. Памятники Куюсайской культуры // Кочевники на границах Хорезма. ТХАЭЭ. Т. IX. - М.: 1979; Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. - М.: 1979. - С. 38-42.

<sup>2</sup> Вайнберг Б.И. Скотоводческие племена в древнем Хорезме // Культура и искусство древнего Хорезма. - М.: 1981. - С. 128; Вайнберг Б.И. Памятники скотоводческих племен в левобережном Хорезме // Археология СССР. Степи Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. - М.: 1992. - С. 117.

<sup>3</sup> Итина М.А. Охранные археологические работы в Хорезме: итоги и перспективы // СЭ. - №1. - С. 53.

<sup>4</sup> Гинзбург В.В. Материалы к антропологии гуннов и саков // СЭ. 1946. - № 4. - С. 210; Ходжаев Т.К. Динамика ареалов антропологических типов на территории Средней Азии (неолит - нач. XX в.) // СЭ. - М.: 1983 - № 3. - С. 101.

<sup>5</sup> Кузьмина Е.Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. - М.: 1980. № 6. - С. ; Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников андроновской культурной общности // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып.9. - М.: 1985. - С. 43.

<sup>6</sup> Черников С.С. Роль Андроновской культуры в истории Средней Азии и Казахстана // КСИА, 1957, XXXVI.

<sup>7</sup> Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). - М.: 1996. - С. 70-71.

<sup>8</sup> Сагдуллаев А.С. Проблемы инноваций в Среднеазиатских комплексах эпохи раннего железа // Преемственность и инновация в развитии древних культур. - Л., 1981. - С. 111-112.

муаммоларига бағишлиланган мақоласи эълон қилинди<sup>1</sup>. Мақолада мавжуд ёзма ва археологик манбалар асосида Хоразм тарихининг муаммоли масалалари бўйича тарихчилар ва археологлар ўртасидаги давом этиб келаётган мунозараларга ойдинлик киритилди деб ҳисоблаймиз. Скилак - Гекатей - Геродот, «Авеста» маълумотлари асосида хорасмияниклар Бақтриядан жанубда, Ареядан шарқда, Герируд ва Хилменд дарёларининг юқори ҳавзасида, яъни ҳозирги Хирот водийсида яшаганлигини ишончли манбалар асосида исботлаб берилди. Аҳамоний шоҳларининг Хелменд тоғ дараларига тўғонлар қурганлиги, сув эвазига катта божлар талаб қилганлиги, бу тайзиқлардан қийналган хорасмийларнинг Хирот водийсидан ҳозирги Хоразм ҳудудига - массагетлар юртига кўчиши ёзма манбалар асосида, у ерда юқори ривожланган дехқончилик маданиятига, Қўзалиқир, Қалалиқир каби илк шаҳарлар, қалъаларга асос солинганлиги археологик манбалар асосида ёритилди.

Келтирилган маълумотлар асосида шундай хулоса қилсак бўладики, мил.ав. VII-V асрларга келиб Қуйи Амударё ва Орол бўйларида икки маданиятнинг шаклланиш жараёни кечган. Биринчи маданият Даншибегази (Карасук), Тагискен маданиятлари асосида Сак-Массагет кўчманчи қабилалари маданияти шаклланган бўлса, Хирот водийсидан хорасмияникларнинг бу ерга кўчиб келиши натижасида Қадимги Хоразм маданиятига асос солинган. Хирот водийсидан кўчиб келган хорасмийлар сунъий сугоришга асосланган дехқончилиқда, монументал иншоотлар қуриш, ҳунармандчиликнинг барча соҳаларида бой тажрибага эга бўлиб, А.А. Аскаровнинг фикрича «Хоразм воҳасининг қирларида Қўзалиқир, Қалалиқир, текисликларида Қўйқирилган қалъа, Жонбос қалъа каби маҳобатли иншоотлар, канал ва ариқлар асосида ривож топган суформа дехқончилик маданияти шаклланди ва юрт мана шу маданият соҳиблари номи билан аталадиган бўлди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир ... – Б. 76-84.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир ... – Б. 82.

*Қадимги Сүғд илк давлатчилиги тарихининг ўрганилиши.* Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини бирлаштирувчи Қадимги Сўғд ҳудудида илк давлатларнинг шаклланиш тарихи масаласи жуда кам ўрганилган. Ваҳоланки, у “Авеста”да Ахурамазда бунёд этган иккинчи мамлакат сифатида тилга олинган: Гава сўғдийлар истиқомат қиласиган юрт. Асосий дарёси Дарджи<sup>1</sup>. И.В. Пьянков “Дарджи” дарёсини ҳозирги Дарғом билан боғлайди<sup>2</sup>.

Бошқа ёзма маълумотлар асосида ҳам Сўғд давлатчилиги бўйича жўяли маълумотларни топишимиз қийин. Геродот маълумотларига кўра Аҳамонийлар империясининг XVI сатраплигига Парфия, Хоразм, Арийлар билан бирга Сўғд ҳам кирган<sup>3</sup>. Маълумки, Сўғднинг XVI сатраплик таркибига кирганлиги тадқиқотчиларда шубҳа уйғотган<sup>4</sup>. Бу ҳолатга И.М. Дъяконов анча ойдинлик киритиб, бир киши подшоҳлик қиласиган ҳудуд битта сатрапликка кирган, Доронинг отаси Гистасп бир вактда Парфия ва Гирканиянинг сатрапи бўлган, Доро “шоҳлар шоҳи” бўлганидан сўнг Арийлар, Хоразм ва Сўғд Гистаспга берилган бўлиши мумкин, деган фикрни билдирган<sup>5</sup>.

Александр Македонский юришларини ёритган юон тарихчилари Квинт Курций Руф ва Арриан асарларида Мароқанд воқеликлари ёдга олинади. Биз учун энг қимматли бўлган маълумот Александр Македонскийнинг мил.ав. 328-327 йиллардаги Мароқанд-Бақтр юришидир. Маълумки, юон тарихчиларининг маълумотларига кўра Александр Македонский Мароқанддан чиқиб Ксениппа ва Наутакага боради. Наутакада қишини ўтказиб, Габаза, Паретайка ва Бубакена орқали Бактргача борган<sup>6</sup>. Ксениппа ва Наутака Сўғд ҳудудлари, аниқроғи Қарши ва Шахрисабз

<sup>1</sup> «Авеста» Видевдат, I,4.

<sup>2</sup> Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции) // ВДИ. - М.: 1996. №3. - С. 3-23.

<sup>3</sup> Геродот, III, 117.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Аму Дарьи с древнейших времен до XVII века // ИТОРГО, т. IV. Вып. II. - Ташкент, 1902. - С. 6-7.

<sup>5</sup> Дъяконов И.М. Истории Мидии. - М.: Л., 1956.

<sup>6</sup> Арриан. Поход Александра. (Пер. М.Е. Сергеенко). М.-Л., 1962; Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. (Под. ред. В.С. Соколова, М.: 1963).

воҳалари деб локализация қилинган<sup>1</sup>. Габаза, Паретайка ва Бубакена эса Бақтрия вилоятлари сифатида талқин қилинади<sup>2</sup>.

Археологик тадқиқотлар натижасига кўра, Сўғд худудида илк синфий муносабатлар ва унинг давлатчилиги тарихи ойдинлашмоқда. Сўғднинг ажralmas қисми бўлган Панжакентдан Саразм ёдгорлигининг топилиши Сўғд давлатчилиги асоси бўлган жамоаларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётини кузатиш имкониятини берди. А. Исҳоқовнинг маълумотларига кўра энеолит даврида Саразм аҳолиси уруғ жамоа бўлиб, бронза даврида эса қишлоқ жамоа шаклида ҳаёт кечиришган<sup>3</sup>.

Илк бронза даврига оид Замонбобо ёдгорлиги манбалари асосида Е.Е. Кузьмина Замонбобо жамоаси учун она уруғи, яъни матриархат формаси хослигини кўрсатиб берган<sup>4</sup>. Шундан сўнг кўплаб тадқиқотчилар бутун Андроново маданияти жамоалари учун матреархат формаси характерли эканлигини таъкидлашган<sup>5</sup>. Бизнинг фикримизча, Замонбобо маданиятида матриархат тузуми бўлган бўлиши мумкин, лекин бу ҳолатни Андроново маданияти учун қўллаш тарихий методологик жиҳатдан тўғри бўлмаса керак, чунки юқори ривожланган фортификацияга эга бўлган Синташта ва Аркаим ёдгорликларининг топилиши, Андроноволикларнинг отдан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтиши минтақалараро алоқаларнинг ўрнатилишига йўл очган. Бу ҳолатларда жамоада эркакларнинг ўрни баланд бўлганлигидан далолат беради.

А.С. Сагдуллаевнинг Шахрисабз ва Яккабог худудларида илк темир даври ёдгорликларида (Даратепа, Узунқир, Сангир тепа I) олиб борган тадқиқотларида Жанубий Сўғдда шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва илк

<sup>1</sup> Ртвеладзе Э.В. Ксениппа-Паретака // Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. - Л., 1981; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. - Ташкент, Фан, 2000.

<sup>2</sup> Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о локализации Паретака, Бубакена и Габаза // Формирование и развитие трасс ВШП в Центральной Азии в древности и средневековье. Тез. докл. международного семинара ЮНЕСКО. - Ташкент, Фан, 1990.

<sup>3</sup> Исаков А.И. Саразм. - Душанбе, 1991.

<sup>4</sup> Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскarov А.А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. - Ташкент, 1966; Кузьмина Е.Е. Могильник Замон-баба // СЭ, 1958 . - № 2. - С. 31; Кузьмина Е.Е. Некоторые спорные вопросы истории первобытной культуры в низовьях Зарафшана // СА, 1968. - № 2. - С. 309.

<sup>5</sup> Хазанов А.М. Материнский род у Сарматов // ВДИ. - М.: 1970, №2. - С. 147-148; Хлобыстина М.Д. Вопросы изучения структуры Андроновских общин «алакульского типа» // СА. - М.: 1975 №4. - С. 26-34; Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // ТХАЭЭ, Т. X. - М.: 1977. - С. 217.

давлатчилик формаларининг шаклланиш жараёнлари кузатилди<sup>1</sup>. Бу борада Р.Х. Сулаймоновнинг Қарши воҳасида (Ёрқўрғон), М.Х. Исомиддиновнинг Челак туманида (Кўктепа) олиб бораётган археологик изланишлари диққатга сазавор<sup>2</sup>. Эслатиб ўтилган ёдгорликларда илк шаҳарларнинг арк ва шаҳристон қисмлари таркиб топган. Бу шаҳарлар эгаллаб турган худудларнинг нафақат иқтисодий ва маданий, балки сиёсий ва мафкуравий марказлари ҳам бўлганлигини тадқиқотчилар тъкидлашмоқда.

Сўғд давлатчилиги тарихида Афросиёбнинг алоҳида ўрни бор. У жуда кўплаб ёзма манбаларда қайд этилган. Кўрсатиб ўтилган илк темир даври Сўғд шаҳарлари воҳа-давлатлар марказлари ролини бажарган бўлса, Афросиёб ёдгорлиги ҳам ўзининг илк даврида воҳа-давлат, сўнг эса бутун Сўғд мамлакатининг пойтахти вазифасини бажарган<sup>3</sup>.

Маълумки, илк синфий жамият икки хил йўл билан пайдо бўлади<sup>4</sup>. Биринчи йўл, иқтисоди ва маданияти юқори ривожланган жамоаларда тараққиётнинг маълум бир босқичида давлатчиликнинг янги ўчоғи шаклланса, иккинчи йўл, ибтидоий даражада яшаётган жамоаларни ривожланган бошқа бир жамоа томонидан босиб олиниши ва бу ерда давлатчиликнинг ташкил этилиши натижасида янги давлат бунёд этилади. Сўғд худудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши мазкур умумий моделнинг биринчисига тўғри келади. Шу билан бирга бу ерда илк давлатчилик қўшни халқларнинг маданий таъсирида ҳам ривож топганлиги кузатилади.

Сўғд ўзининг географик жойлашувига кўра маданиятларнинг ўзаро қоришуви кечган минтақадир. Сўнгги бронза даврига оид Зарчахалифа, Жом қишлоқларидан олинган археологик маълумотлар, яъни бир ёдгорликдан, ҳаттоқи, бир қабрдан турли маданиятларга - шимолий ҳудудларга хос бўлган

<sup>1</sup> Сагдулаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии ... - С.42; Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда. (По материалам памятников Китабского и Яккабагского районов). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Самарканд, 1998. - С.21.

<sup>2</sup> Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандинского Согда (Проблемы взаимодействия культурных традиций в периоды раннекоринфского века и античности). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Самарканд, 2000, - С.42; Сулайманов Р.Х. Древний Нахшаб. - Ташкент, Фан 2000.

<sup>3</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандинского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннекоринфского века и в период античности). - Ташкент, 2002.

<sup>4</sup> Jacobsen Th. Primitive Democracy in Ancient Mesopotamia // JNES, II, 1943. - P.159; Jacobsen Th. Early Political Development in Mesopotamia // ZA, NF, 18, 1957. - P.104.

кўчманчи Андronово, жанубий ўтроқ Сополли маданиятларига хос бўлган моддий маданият намуналарининг топилиши маданиятлар синтези жараённи кўрсатади<sup>1</sup>. Жомдан топилган бронзадан ясалган ойна бу жараённи кўрсатувчи ашёвий далил сифатида хизмат қилади. Ойна ясалиши ва шакли бўйича Сополли маданияти ойналарига, ундаги чизилган безаклар эса кўчманчи чорвадор маданиятларга хослиги кузатилади.

Бу жараён илк темир даврида ҳам давом этади. Чироқчи қишлоғи ёдгорлигидан дашт қабилаларига хос ашёвий далилларининг топилиши, Тўрткўлтепа ёдгорлигидан сўнгги Чуст ва Қадимги Бақтрия маданиятлари кулолчилиги намуналарининг аралаш учраши Сўғд худуди бронза ва илк темир давриларида доимий равишда маданиятлар қоришуви кечган худуд эканлигини кўрсатади<sup>2</sup>.

Шахрисабз ва Қарши худудларидаги илк темир даври ҳаробалари (Даратепа, Узунқир Сангиртепа, Еркўрғон) Бақтриянинг маданий таъсирида вужудга келган. Бу ерда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва илк давлатчилик формаларининг пайдо бўлиш жараёнлари кузатилган<sup>3</sup>.

Марказий Сўғд худудларида илк шаҳар ва давлатчиликнинг пайдо бўлишида Кўктепа ёдгорлиги алоҳида ўрин тутади<sup>4</sup>. У Қадимги Шарқ илк шаҳарларига монанд арк ва шаҳар қисмлардан иборат. Уни бошқаришда зардуштий оташпастларининг роли катта бўлган. Бу шаҳар ўз атрофларидаги худудларининг нафақат маданий, балки сиёсий маркази ҳам ҳисобланган.

Бронза даврида Сўғд худудида яшаган жамоалар жамият тараққиётининг қишлоқ жамоаси даражасида бўлган бўлса, илк темир даврига келиб (Сангиртепа, Еркўрғон, Кўктепа, Афросиёб ёдгорликлари

<sup>1</sup> Avanesova N, Šajdullaev Š, Ėrkulov A. Dzam - ein neuer bronzezeitlicher Fundort in der Sogdiana // AMIT. Band 33. - Berlin, 2001.

<sup>2</sup> Дуке Х.И. Чиракчинское поселение // ИМКУ. Вып.17. - Ташкент, ФАН, 1982. - С.19-29; Раимкулов А. А, Исамиддинов М. Х. Турткултепа - новый памятник эпохи финальной бронзы в Южном Согда // Археологические работы на новостройках Узбекистана. - Ташкент, ФАН, 1990. - С. 30-37.

<sup>3</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии ... С.42; Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда ... С.21.

<sup>4</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры ... С.127.

мисолида) Сўғд ҳудудида илк давлатчиликнинг воҳа типидаги шаҳардавлатлар босқичлари таркиб топган.

*Қадимги Фарғона илк давлатчилиги тарихининг ўрганилиши.* Хитой ёзма манбалари асосида Фарғона шаҳарлари, уларнинг жойлашиши, локализация масалалари хитойшунос олимлар томонидан ёритилаётган бўлса<sup>1</sup>, археологик манбалар асосида ҳам Фарғона шаҳарлари тарихи ўрганилмоқда<sup>2</sup>. Ёзма манбаларнинг маълумот беришича, Фарғонада давлатчилик мил.ав. III-II асрлардан бошланади. Хитой манбаларида Фарғонада Давань (Да Юань) давлати бўлганлиги тўғрисида ўқишимиз мумкин<sup>3</sup>.

“Авеста”нинг мил.ав. II асрда Пахлавий ёзувида битилган, фанда “Кичик Авеста” номини олган вариантида “Хваджандда (Хўжанд) Ахшарий дарёси борлиги, бу дарёning Парикандан (Фарғона) оқиб ўтиши қайд қилинган<sup>4</sup>.

Тўғри, энг қадимги ёзма манба ҳисобланган «Авеста»нинг Вендиот қисмида, Ахурамазда бунёд этган мамлакатлар қаторида қадимги Фарғона тилга олинмайди. Албатта, бу ҳолат Фарғонада илк давлатчилик бўлмаган, деган тушунчани бермайди. Чунки, «Авеста»да эслатилган ҳудудлар Қадимги Шарқ цивилизацияси туркумига кирган вилоятлар бўлиб, уларнинг тарихий минтақа сифатида шаклланиши бронза даврига тўғри келади. Худди шундай ҳолатни Хоразм мисолида ҳам айтиш мумкин, чунки у ҳам Гатларда эмас, балки Вендиотда тилга олинган.

Қадимги Фарғона водийси дехқончиликка энг қулай ҳудуд бўлганлиги боис, бу ерда бронза давридан бошлаб ўтрок дехқончилик ва илк шаҳар маданиятига асос солинган.

<sup>1</sup> Хўжаев А, Хўжаев К. Қадимги манбаларда ҳалқимиз ўтмиши. - Тошкент, 2001. 117 б.

<sup>2</sup> Анарбоев А.А. Города Северной Ферганы в древности и раннем средневековье // ОНУ, 1-2, 1994. С.31-43; Матбобоев Б.Х. К локализации древних городов Ферганы // ОНУ. 1995. - № 9. – С.29-31

<sup>3</sup> Бичурин Н.Н. Собрание о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М.: - Л., 1950 №2; Литвинский Б.А. Проблемы этнической истории древней и раннесредневековой Ферганы // История культуры народов Средней Азии. - М.: 1976.

<sup>4</sup> «Авеста» Видевдат, 19-20; Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции) // ВДИ. - М.: 1996 №3. - С. 3-23.

Археологик манбалар Чуст маданиятининг сўнгги босқичларида қадимги Фарғона ҳудудларида илк синфий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва давлатчиликнинг шаклланиши борасида янги маълумотлар бермоқда<sup>1</sup>. Шундай бўлса-да, фанда Чуст маданияти даврида илк шаҳарларнинг шаклланганлигига шубҳа билан қаровчилар ҳам бор<sup>2</sup>.

Чуст маданиятига оид археологик манбалар асосида Фарғона ҳудудида нафакат илк шаҳар маданиятининг шаклланиши тўғрисида маълумотлар олинди, балки синфий муносабатларнинг ўрнатилиши ва шу асосда Қадимги Фарғона ҳудудида илк давлатлар тарихини ўрганиш ҳам бошланди<sup>3</sup>. Б.Х. Матбобоевнинг фикрича, Чуст маданиятининг сўнгги даврида Фарғона ҳудудида илк давлатларнинг шаҳар-давлатлар ёки воҳа-давлатлар кўриниши мавжуд бўлган. Чуст маданиятининг ноёб ёдгорлиги Далварзинтепада илк шаҳар маданияти белгиларининг мавжудлиги Б.Х. Матбобоевнинг фикри тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Б.Х. Матбобоев ўз тадқиқотларида ўзбек давлатчилиги тарихида Даван давлатининг ўрни катта эканлигини таъкидлайди. Унинг Даван давлатининг тузилиши, ҳудудий чегаралари, бошқарув тизими ва давлат ҳудудида жойлашган шаҳарлар тарихига бағишлиланган тадқиқотлари эълон қилинди<sup>4</sup>.

Маълумки, Чуст маданиятига оид 80 дан ортиқ археологик ёдгорликлар аниқланган ва маълум даражада ўрганилган. Бу ёдгорликлар орасида шаҳар тоифасига оид Чуст, Далварзинтепа каби ёдгорликлар икки қисмдан, яъни арк ва «шаҳристон»дан иборат. Далварзинтепанинг умумий майдони 25 гектарни ташкил этади.

<sup>1</sup> Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып.118. 1962; Горбунова Н.Г. К истории Ферганы в эпоху раннего железа // СА., 1962. № 4; Анарбоев А.А. Города Северной Ферганы в древности ... С.31-43; Матбобоев Б.Х. К локализации древних городов Ферганы ... С.29.

<sup>2</sup> Сарианиди В.И, Кошаленко Г.И. Средняя Азия в раннекомплексном веке // Археология СССР. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. - М.: 1985. - С. 202.

<sup>3</sup> Заднепровский Ю.А. Раннекомплексный век Ферганы и проблемы возникновения Даванского государства // Раннекомплексный век Средней Азии и Индии. Тезисы докладов Советско-Индийского симпозиума. - Ашгабад, 1984; Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона // Ўзбек давлатчилиги тарихида Қадимги Фарғона. Академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарининг маъruzалари матнлари (15-16 май, 2001 йил, Наманган). - Самарқанд, 2001. Б. 23-40.

<sup>4</sup> Анорбоев А, Исломов У, Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. - Тошкент, Фан, 2001.

Чуст маданияти ёдгорликлари суғорилиш тармоқлариiga асосланган ҳолда районлаштирилган. Ҳар бир иқтисодий районда биттадан йирик шаҳар, шаҳар атрофида эса кўплаб қишлоқ типидаги ёдгорликларнинг жойлашиши кузатилмоқда. Бу аломатлар, ҳақиқатан ҳам Чуст маданиятининг сўнгги даврларида Фарғона худудида шаҳар-давлатларнинг таркиб топа бошлаганинидан далолат беради. Мазкур ёдгорликлар орасида энг йириги Далварзинтепа бўлиб, у сўнгги бронза ва илк темир даврларида бутун Фарғона шаҳар-давлатларининг маркази вазифасини бажарган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас<sup>1</sup>.

Фикримизча, Чуст маданияти ёдгорликлари мисолида Қадимги Фарғона подшоҳлиги муаммосини кўтариш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Чунки, фанда мавжуд Қадимги Хоразм подшоҳлигига нисбатан Фарғона подшоҳлиги муаммосини ечиш археологик жиҳатдан анча енгил кўринади. Эслаб ўтганимиздек, 80 дан ортиқ ёдгорликлар мажмуаси, шаҳар типидаги ёдгорликларнинг тоифаларга бўлиниши, Чуст маданияти ёдгорликлари географиясининг Бақтриягача кенгайиб бориши каби фактлар бу масалага ижобий ечим беради. Қадимги Фарғона подшоҳлиги шаҳар-давлатларнинг (воҳа-давлатларнинг) худудий бирикиши натижасида шаклланган. Б.Х. Матбобоев таъкидлаганидек, Фарғона шаҳар-давлатларининг ёки сиёсий бирлашманинг маркази вазифасини Далварзинтепа бажарган бўлиши мумкин.

*Ўрта Осиё кўчманчиларининг ижтимоий табақалари ва давлатчилигининг ўрганилиши.* В.М. Массон Аҳамонийларгача бўлган Ўрта Осиёning сиёсий харитасини қуидагича тасаввур қиласи: «Бақтрияда йирик сиёсий бирлашма (давлат) бўлган, унинг маданий ва сиёсий доираси Марғиёна, мумкинки, Арийлар ва Сўғдийларгача ёйилган. Иккинчи сиёсий куч кўчманчилар дунёсидир. Уларнинг ҳар хил конфедерацияси бўлган ва

---

<sup>1</sup> Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып.118. М.: 1962; Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона ... - Б. 23-40.

турли кўчманчи қабилаларни бирлаштириб турган. Мил. ав. VI аср ўрталарида гегемонлик ролини Массагетлар бажарган»<sup>1</sup>.

Кўчманчилар дунёсида илк синфий муносабатлар ва давлатчиликнинг ривожланиши тўғрисида фанда ҳар хил ғоялар кураши мавжуд. А.И. Першиц ва А.М. Хазановлар, "кўчманчилар ўз ҳолича фақат илк синфий муносабатлар даражасигача ўсиши мумкин. Кейинги ривожи фақат қўшни дехқон ва шаҳар жамоаси таъсирида ривожланади" деган бўлса<sup>2</sup>, Ю.В. Павленко, "кўчманчилар дунёси ўз ҳолича, яъни цивилизациялашган қўшни жамоалардан ташқарида ривожланганда, уларга бўйсунган дехқон ва шаҳар жамоалари бўлмаганда, улардан солиқлар йигилмаганда ва ниҳоят уларнинг бир гурӯҳи ўтроқлашмаганда, ўтроқлашган ҳудудларда шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши жараёнлари кечмаганда кўчманчилар жамоаси ҳаттоқи илк синфий муносабатлар даражасига ҳам чиқа олмаган бўларди", деб ҳисоблайди<sup>3</sup>.

Бу фикрлар кўчманчи халқлар яратган моддий маданиятга эътиборсизлик ва уларнинг яшаш тарзини яхши англамаслик натижасида пайдо бўлган. Ишлаб чиқаришнинг асоси дехқон жамоаларида ер, шаҳарда хунармандчилик бўлган бўлса, чорвадор-кўчманчи қабилаларда чорвачилик ҳисобланади. Албатта, чорва шахсий мулк ҳисобланади. Чорва молларини боқадиган яйловлар жамоа тараққиётининг илк босқичларида умумий бўлган. Лекин, чорва моллари сонининг ошиши натижасида яйловлар ҳам қабила ёки қабила иттифоқчилари ўртасида бўлина боради. Сув ҳавзалари молларни боқиш ва кўпайтириш учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Яйловларни, молларни, сув ҳавзаларини қўриқлаш учун эса қуролланган қўриқчилар ёки жангчилар тўдаси вужудга келади.

Кўчманчи жамоаларда қўпроқ иккита ижтимоий қатлам кузатилади. Булар катта чорвага эга бўлган ҳукмдорлар ва улар хизматида бўлган

<sup>1</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959. - № 73.

<sup>2</sup> Першиц А.И. К вопросу о социальных отношениях у кочевников // Основные проблемы африканистики: Этнография. История. Филология. - М.: Наука, 1973. - С. 3-23; Хазанов А.М. Социальная история скифов: Основные проблемы развития древних кочевников евразийских степей. - М.: Наука,, 1975. - С. 275.

<sup>3</sup> Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. - Киев, 1989.

камбағал жамоалардир<sup>1</sup>. Марказий Осиё илк кўчманчиларининг оиласи муносабатлари ва ижтимоий табақаланиши масалалари «Авеста»да, антик давр тарихчилари, жумладан Геродот асарларида ўз аксини топган<sup>2</sup>.

И.В. Пьянков маълумотларига кўра, антик давр тарихчилари Ўрта Осиё кўчманчиларини қуидагича тасаввур этган: Ўрта Осиёнинг ғарбидаги чўл ва дашт қисмларини "Массагет" ("Дербик") қабилалари ..., шарқида тоғ ва дашт қисмларида "Сак" қабилалари ..., Танаис (Сирдарё) бўйлари ва унинг нариёғида "Дай"лар истиқомат қилишган<sup>3</sup>.

Геродот: "Массагетлар оддий кишилар, Форс тўкин-сочинликларидан бехабар", деб ёзган бўлса, Ариан "... ўта қашшоқ ҳолда яшайди, камбағал ва ҳақпарвар кишилар, ягона ютуғи ёй ва ўқ, овқати гўшт ва сут, кийимлари теридан, хукмдорлари ҳам, оддий кишилари ҳам баравар, меҳмондўст, тинчликтарвар ва озоддир<sup>4</sup>, дейди.

Сак қабилалари тўғрисида ҳам шунга ўхшаш маълумотлар бор. "Кишлоқ ва шаҳарлари йўқ. Аравада яшашади, фақат чорвачилик билан шуғулланади". Ктесий эса Сакларнинг деҳқончилик билан шуғулланиши ва оз бўлса-да, шаҳарлари борлиги хусусида ёзган<sup>5</sup>.

Ўрта Осиё кўчманчиларининг сиёсий ҳаёти тўғрисида қуидагича маълумотлар бор: ҳар бир кўчманчи қабилаларнинг бошида шоҳ ёки малика туради. Массагетларда малика Томирис; Сакларда малика Зарина, шоҳ Аморг, шахзода Спаретра (Мавак) ва бошқалар. Шоҳ ёки малика уруш вақтида қўмондонлик қилган, бошқа қабила шоҳларига тинчлик ёки иттифоқ тўғрисида элчилар юборган. Шоҳлик авлоддан авлодга ўтган. Ктесий маълумотларига кўра, Саклар ўлган шоҳларга катта қўрғон-қабрлар қурган.

<sup>1</sup> Генинг В.Ф. Проблема социальной структуры общества кочевых скотов IV-III вв. до н.э. по археологическим данным. Ф. Энгельс и проблемы истории древних обществ. - Киев, 1984. - С. 215-234.

<sup>2</sup> Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов // Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. ТД. Ноябрь 1975. - Л., 1975. - С. 84.

<sup>3</sup> Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии ... - С. 84-93.

<sup>4</sup> Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии ... - С. 84-93.

<sup>5</sup> Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии ... - С. 85.

Қабрлар учбурчак шаклда бўлиб, учи баландга қараган. Томонлари 3, баландлиги 1 стадий. Бу пирамидалар олтин тақинчоқлар билан безатилган<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё қўчманчилари сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган халқ йиғини тўғрисида ҳам И.В. Пьянков маълумотлар тўплаган. Халқ йиғинида барча қуролли жангчилар қатнашган. Йигинда уруш ёки сулҳ масалалари ҳал қилинган. Агар уруш тўғрисида битимга келинса, ҳамма жангга отланган. Ёзма қонунлар тўғрисида гапириш нотўғри бўлса-да, дербикларда енгил жиноятлар учун ҳам ўлим жазоси берилганлиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>2</sup>.

Ўрта Осиёнинг кўчманчи ахолиси ўртасидаги ижтимоий табақаланиш тўғрисида ҳам мушоҳада қиласа бўлади. Маълумки, массагетларда отлик кўшин ва пиёда аскарлар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Пиёда аскарлар камбағал табақани англатса, жангвар кийимлари олтин тақинчоқлар билан безатилган, тўлиқ қурол-аслаҳага эга бўлган, отлари ҳам безатилган отлик аскарлар эса юқори табақани англатади. Манбаларда ҳукмдор сўзини билдирувчи "династи" термини ҳам учрайди. Династилар ўз кўшинини тузиши, жангга чиқиши ва шу йўл билан ўз худудини кенгайтириши ва бойлигини ошириши мумкин бўлган. Шу маънода Сак ҳукмдорининг 30.000 бош моли бўлганлиги тўғрисида манбалар бор<sup>3</sup>. Албатта, шунча молни қарам кишиларсиз ёки хизматкорларсиз боқиб бўлмайди.

Массагет, Сак ёки Даи қабилалари қолдирган моддий маданиятни ўрганиш ва шу асосда Ўрта Осиё қўчманчиларининг ижтимоий табақалари ва давлатчилиги борасида археолог олим Б.А. Литвинский изланишлари мавжуд. У Помир Сак қабилаларининг келиб чиқиши, ижтимоий қатламлари тўғрисида маълумотлар тўплаган<sup>4</sup>.

Юқорида зикр этилган фикр ва мулоҳазалардан қўриниб турибдики, илк синфий муносабатлар ва умуман давлатчиликнинг пайдо бўлиши республикамиз ҳудудида бир текисда ривожланмаган. Қадимги Шарқ

<sup>1</sup> Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии ... - С. 87.

<sup>2</sup> Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии ... - С. 89.

<sup>3</sup> Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии ... - С. 84-93.

<sup>4</sup> Литвинский Б.А. Древние кочевники «крыша мира». - М.: 1972.

цивилизациялари билан доимий маданий ва иқтисодий алоқада бўлган Бақтрия ҳудудида аҳолининг ижтимоий табақаларга бўлиниш жараёни, илк синфий муносабатлар, илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ёки "карликовый" давлатларнинг шаклланиш жараёни сўнгги бронза даврида юз берганлиги археологик тадқиқотлар натижасида исботланмоқда. Бақтрия Аҳамонийлар империяси таркибига кириш арафасида катта сиёсий бирлашма сифатида Ўрта Осиё халқлари тарихида ўз ўрнига эга бўлган.

Хоразм давлатчилиги тарихи борасида тарихчилар ва археологлар ўртасидаги қизғин мунозараларни ечишнинг ҳозирги кунда имконияти анча оғир. Сўнгги бронза ва илк темир даврида Қуи Амударё ва Орол бўйларида тарқалган Тозабоғёб, Амиробод ёки Қуйисой маданиятларида ривожланган жамият ёки давлатчилик белгилари бўлганлиги тўғрисида гапириш қийин<sup>1</sup>. Бу борада археологларнинг тарихчиларга қўшилиши учун Амиробод ёки Қуйисой маданиятларига оид янги шаҳар типидаги ёдгорликларни топиши ва ўрганиши лозим бўлади. Ҳозирги кунда Хоразм давлатчилиги борасида А.А. Асқаров олға суроётган ғоя заминида тарихий ҳақиқат бор кўринади, бунга қўшимча қилиб С.П. Толстовнинг "Хоразм подшоҳлиги халқларнинг ҳарбий демократик бирлашмасидан иборат бўлиб, доимо ҳудудини бошқа халқлар ерлари эвазига кенгайтириб борган"<sup>2</sup>, деган сўзларини келтириб ўтиш мумкин.

Илк давлатлар тарихи бўйича ёзма манбалар жуда кам. Юқорида таҳлил қилиб ўтганимиздек, уларни ўрганишда тадқиқотчилар талқини ҳам ҳар хил. Бу борада янги ёзма манба топилиши эса ҳақиқатдан жуда йироқ. Шу мақсадда Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлишида археология фани ютуқларидан фойдаланиш зарур. Археология фани ютуқлари асосида ишлаб чиқилган жамоаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини, меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши ва жамоаларнинг

<sup>1</sup> Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. - М.: 1979; Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарыкамышской дельты Амудары в 70-80 годах // Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма. - М.: 1991; Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. - М.: 1998.

<sup>2</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948. - С. 341.

ижтимоий гурухларга бўлинишини, шу асосда синфларнинг пайдо бўлишини, шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ниҳоят шаҳар-давлатлар ва унинг формаларини ўрганиш ушбу диссертациянинг мақсади ҳисобланади. Қадимги Шарқнинг ажралмас бир бўлаги бўлган Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Қадимги Шарқдан алоҳида бўлганми ёки ўзаро алоқалар таъсирида рўй берганми? Шу каби масалалар билан шуғулланиш ҳозирги кунда ўзбек археологларининг бирламчи вазифасига айланмоқда ва бу масала ушбу диссертацияда баҳоли қудрат кўриб чиқилди.

**Диссертациянинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация ЎзР ФА Археология институтининг ФА-Ф8-027 - “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ўтроқ деҳқон ва кўчманчи чорвадор маданияти: анъаналар ва инновация муаммоси (мил.ав. II-I минг йилликлар)” лойиҳаси доирасида ёзилди.

**Тадқиқотнинг хронологик доираси.** Мил.ав. II – I минг йилликнинг биринчи ярми.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Археологик манбалар асосида Қадимги Бақтрияда сўнгги бронза даврида илк давлатчиликка асос солинганлигини Жарқўтон мисолида ёритиш, илк темир даврида ҳудудий давлатларнинг шаклланиши ва уларнинг конфедерацияси натижасида Бақтрия подшоҳлигининг ташкил топишини асослаб бериш. Аҳамонийлар босқини натижасида Бақтрияда давлатчилик институтларининг такомиллашган шаклларининг жорий этилишини археологик ва ёзма манбалар асосида ёритиш, мавзу бўйича янги назарий билим ва қарашларни шакллантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Сўнгги 15 йил ичida Ўзбекистон-Германия Бақтрия археологик экспедицияси қўлга киритган, давлатчиликка оид манбаларни фанга киритиш.

- Мавзуга оид илмий адабиётларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш асосида, Бақтрия мисолида Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихини яратиш.

**Тадқиқот обьекти ва предмети.** Жанубий Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчилик шаклларининг вужудга келиши. Археологик ва ёзма манбалар, тарихий тадқиқотлар.

**Қўлланилган илмий услублар.** Археологик қазишмалар микростратиграфия услубида ўтказилиб, топилмалар статистик ва таққослаш услуби асосида таҳлил қилинди, қазишмалар ва маданий қатламларнинг ёши радиокарбон анализлари ва маданиятлараро тарқалган ашёлар ёрдамида аникланди.

**Диссертациянинг илмий манбалари.** ЎзР ФА Археология институти Шеробод отрядининг 1982-1993 йиллар давомида Шимолий Бақтриянинг илк темир даври ёдгорликларида, 1994-2003 йиллар мобайнида Жарқўтон ёдгорлигига олиб борган тадқиқотлари натижаси, «Авеста», Геродот ва бошқа юонон тарихчилари қолдирган маълумотлар диссертациянинг илмий манбаларини ташкил этди.

#### **Ҳимояга қўйилаётган асосий холатлар:**

- Бошқарув ибтидоий бўлса-да давлатчиликдан аввал, жамоалар давридан бошлаб шаклланган (оила, патриархал оила, қишлоқ жамоаси бошқаруви);

- Илк давлатларнинг археологик белгилари ишлаб чиқилди. Бунда В.М. Массон ишлаб чиққан “Илк синфий жамият шаклланишининг археологик схемаси” асос қилиб олинди;

- Қадимги Шарқ цивилизасияси учун ишлаб чиқилган, бугунги кунда жаҳоннинг қадимги давлатлари шаклланган ҳудудлари учун қўлланилаётган илк давлатлар типологиясини (шаҳар-давлатлар, ҳудудий давлатлар ва империялар) такомиллаштирган ҳолда Бақтрия учун қабул қилиш таклиф қилинди;

- Радиокарбон анализлар ва маданиятлараро тарқалган моддий маданият ашёлари ёрдамида Бақтриянинг бронза ва илк темир даврининг қадимийлаштирилган хронологияси таклиф этилди;
- Жарқутон Қадимги Шарқ дунёсининг шаҳар-давлатлари билан қиёсий таққосланди. Ёдгорликнинг топографияси, бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимининг шаклланганлиги натижасида яратилган моддий маданият намуналари, маданий алоқалар даражаси ёдгорликни шаҳар-давлатлар тоифасига киритиш имконини берди;
- Жарқутонда марказлашган диннинг шаклланиши билан бирга, жамоаларда зоолатирик, аждодлар руҳига ибодат каби диний қарашлар сақланиб қолган;
- Бақтрияда оромий ёзувига қадар пиктографик белги ва пиктографик ёзув турлари мавжуд бўлган;
- Сополли маданияти аҳолиси шимолда Андроново, жанубда Хараппа маданияти аҳолиси билан яқиндан маданий алоқада бўлган;
- Сополли маданияти аҳолиси соч соқоллари қора, қирра бурун, европоид типидаги одамлар бўлиб, мумкинки, Шарқий Эрон тил гурухи лаҳжаларида гаплашган;
- Илк темир даврида Бақтрияда ҳудудий давлатлар шаклланган;
- Ҳудудий давлатларнинг конфедерацияси натижасида мил.ав. VIII асрда Бақтрия подшоҳлиги барпо этилган;
- Ўрта Осиё халқлари мил.ав. VI-IV асрларда Аҳамонийлар империяси таркибиға кирган бўлса-да, унинг моддий маданияти намуналарида, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларида аҳамонийларнинг маданий таъсири сезилмайди. Ўзгаришлар географик бўлиниш ва сиёсий бошқарув соҳаларида амалга оширилган;

#### **Диссертациянинг илмий янгиликлари:**

- Давлатчилик ҳар бир ҳудудда ўзига хос тарихий жараёнда вужудга келиши инобатга олиниб, унинг назарий асослари ишланди;

- Илк давлатларнинг археологик белгилари қайта ишланиб, такомиллаштирилди;
- Хусусий мулкчилик ва давлатчиликнинг ашёвий далили бўлган муҳрларнинг классификацияси яратилди;
- Илк цивилизациянинг асосий белгиси бўлган пиктографик белги ёзувнинг пайдо бўлиши жараёнлари кузатилди;
- Археологик манбалар «Авеста» маълумотлари билан таққосланди ва “Авеста археологияси” бўйича янги илмий йўналиш ривожлантирилди;
- Мил.ав. VI-IV асрларда Ўрта Осиё халқларининг Аҳамонийлар империяси таркибига киритилиши муносабати билан империянинг бошқарув услуби XIX аср ғарб шарқшунос олими Франсуа Ленорманъ тадқиқотлари асосида ёритилди.

**Диссертация натижаларининг амалиётда қўлланиши.** Диссертация натижалари асосида «Ўзбек давлатчилиги тарихи», «Ўзбекистон тарихи» асарларининг маълум бир бобларини, шу мавзу бўйича ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар ёзишда фойдаланиш мумкин. Шимолий Бақтриянинг бронза ва илк темир даври ёдгорликларида ўтказилган қазишмалар чоғида олинган топилмалар Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига бағишлиб ташкил этилган Сурхондарё археология музейининг асосий экспонатларини ташкил этди. Жарқўтон ёдгорлигидан топилган ашёларнинг бир қисми Темурийлар тарихи Давлат музейида ташкил этилган «Ўзбекистон дурдоналари» кўргазмасида, АҚШнинг Метрополитен музейида, Германиянинг Ганновер шаҳрида, Япониянинг бир қатор шаҳарларида ташкил этилган кўргазмаларда намойиш этилди.

**Диссертациянинг апробацияси.** Диссертацияда қўтарилиган асосий ғоялар республика ва халқаро илмий конференциялар, симпозиум ва семинарларда, жумладан «Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда» (Самарқанд, 1992, 1993), «Бақтрия-Тоҳаристон қадимда ва ўрта асрларда» (Термиз, 1993), «Ўрта Осиё шаҳарлари ва Буюк Ипак Йўли» (Самарқанд, 1994), «Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва

ривожланиши» (Самарқанд, 1994), «Бақтрия-Тоҳаристоннинг шаҳар маданияти» (Термиз, 1995), «Зараутсой-1998» (Термиз, 1998), «Ўш ва Ўш вилоятининг мӯғиллар давригача бўлган тарихи ва маданияти» (Ош, 1998), «Сўғд-Марказий Осиёнинг маданий алоқалари тизимида» (Самарқанд, 1999), «Жаҳон маданияти тарихи тизимида қадимги Хоразм цивилизациясининг ўрни» (Нукус, 2000), «Авеста» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни» (Тошкент-Урганч, 2001), «Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни» (Тошкент-Термиз, 2001), «Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти» (Тошкент, 2002), «Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихидаги ўрни ва рольи» (Тошкент-Шаҳрисабз, 2002), «Кўчманчи ва ўтрок халқларнинг маданий алоқалари» (Самарқанд, 2002), “Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих” (Тошкент, 2004), Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишлиланган халқаро конференция (Самарқанд, 2007) ва ЎзР ФА Археология институтида ўтказиладиган Ўзбекистонда археологик тадқиқотларга бағишлиланган йиллик хисобот сессияларида, ЎзР ФА Тарих институти қошидаги академик Яҳё Үуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарларида (СамДҚҲИ, 2004; ТермДУ, 2009) маъруза қилинди.

**Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий ишлар.** Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон ва Европа давлатларида чоп этиладиган илмий журналларда 64 та мақола, 2 та рисола ва 1 та монография чоп этилди, ушбу монография германиялик олимлар томонидан немис тилига тўлиқ таржима қилинди ва Берлинда нашр этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хуроса, адабиётлар рўйхати, шартли қисқартмалар рўйхати ва альбомдан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 288 бет, альбомда 57 та расм жамланган.

Президент И.А. Каримовнинг бир гурух тарихчи олимлар ва оммавий ахборот ходимлари билан учрашувидан сўнг унинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асари чоп этилди. Бу асар тарих фани ривожида

янгидан-янги илмий йўналишлар, тарихга муносабат масаласида янги қарашларнинг пайдо бўлишига асос бўлди.

И.А. Каримов ўзбек халқининг тарихий ўтмишини, унинг давлатчилиги тарихини ўрганишда ягона илмий концепциянинг йўқлиги хусусида гапириб, тарихчи олимларни бу соҳага дикқат-эътиборини янада кучайтиришга чақирди. Президент таъкидладики, «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ислоб талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур»<sup>1</sup>. Тарихни ёритишда бирёкламаликка, субъектив фикрларга йўл қўймаслик зарур, «фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади»<sup>2</sup>.

Президентимиз ҳар бир ўзбек фарзанди «менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган»<sup>3</sup> деган саволларни ўзига-ўзи бериши кераклигини қайта-қайта уқтиради. Бу масалада «Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми?»<sup>4</sup> деган зарурий саволни беради ва Шўролар даврида, ўзгалар ёзиб берган сохта ғоялар асосидаги тарихни қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлайди. У рус олимларининг илмий тадқиқотларини камситмаган ҳолда ўзбек олимларига қаратса мурожаат қиласи: «шундай улкан даврда юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий- сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган тадқиқотлар нега яратилмаяпти? Археология, Тарих, Шарқшунослик ва бошқа бир қатор институтларимиз бор. Мутахассислар нима билан машғул, қаёққа қарашяпти? Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган?»<sup>5</sup>. Янгидан шаклланаётган мустақил Ўзбекистон давлати бошида турган инсон сифатида Президентимиз бу ишга жонини, борлигини беришга тайёрлигини,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз кўнимиз билан қурамиз. - Тошкент, 1999. – Б. 134.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... – Б. 134.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... – Б. 136.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... – Б. 137.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... - Б. 138.

давлатчилик масаласи тобора ҳаётий мазмунга эга бўлиб бораётганлигини таъкидлайди. Бу масаланинг ечимини нафақат Президент, балки бутун халқ билишни истаётганлигини айтади. «Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим»<sup>1</sup>. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш ҳозирги вақтда ўта долзарб масала бўлиши билан бирга, ўткир сиёсий аҳамият касб этаётир: «Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган деб, орқаворотдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор... Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишидир»<sup>2</sup>.

Қадим тарихимиз борасида Юртбошимизнинг айтган фикрлари биз археолог-олимларга дастуруламал бўлиб қолмоқда. «Бугунги бой маданиятимиз қайси цивилизациянинг маҳсули? Шундай маданият бор экан, уни шу заминда яшаган халқ яратганми ёки у бўм-бўш жойда пайдо бўлганми?»<sup>3</sup> деган саволларга фақат археологларгина жавоб бера олади. Негаки, биз цивилизациялар тарихи муаммолари билан моддий манбалар асосида шуғулланамиз. Цивилизациялар тарихини яратища Президентимизнинг қуидаги гаплари иш услубимизга айланиб бормоқда: «Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва ўзаро самарали таъсирининг маҳсулидир...»<sup>4</sup>.

Тарихчи олимлар «...сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-кудрат баҳш этсин, ғурурини

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... Б. 138.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... Б. 139.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... Б. 146.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... Б. 146.

үйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»<sup>1</sup>. Президентимиз ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишларини нимадан бошлаш кераклиги хусусида фикр юритиб таъкидладики, «энг аввал кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини, қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал, кадрлар масаласини аниқлаб олишдан зарур... Аниқ, босқичлари белгиланган дастур асосида ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилади»<sup>2</sup>. Иш услубимиз аниқ, тарихимизни яратишнинг дастурий йўл-йўриқлари ёрқин кўрсатиб берилган. Демак, гап энди ҳар бир илмий муассаса етук кадрлар билан таъминланишида, танланган мавзулар бўйича илмий ишларни ҳар томонлама пишиқ-пухта ташкил этишларида қолган.

«Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари»ни ўрганиш тарихчиларимизнинг долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Бу мавзу факат археология фани ва археологик манбаларни Қадимги Шарқ дунёси илк давлатчилиги билан, аниқроқ қилиб айтсак, Месопотамия, Қадимги Ҳиндистон, хуллас Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларида бронза даврида шаклланган шаҳар-давлатлар тарихи билан таққослаш усули воситасида ўз ечимини топади. Негаки, кейинги йилларда ўтказилган археологик тадқиқотлар Ватанимиз ҳудудида илк давлатлар алфабетли ёзувнинг пайдо бўлишидан анча илгари, сўнгги бронза даврида шаклланганлигини тасдиқламоқда. Демак, бу илмий мавзу Археология институти жамоаси бажариши керак бўлган долзарб мавзу ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек «мазкур вазифани амалга ошириш учун Академияга қарашли Тарих, Шарқшунослик, Археология институтлари ўз иш фаолиятини ўзгартиришини замон талаб қилмоқда»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... - Б. 153.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... – Б. 153.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... - Б. 153.

Мұхокамага қўйилаётган ушбу диссертация Президентимизнинг тарихчилар олдига қўйган вазифанинг маълум маънода бажарилиши деб қаралса хато бўлмайди. Тарихчилар билан бўлган учрашувда Президентимиз, ўзбек давлатчилиги тарихини бирламчи манбалар асосида ёритиш шарт эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши масаласи академик А.А. Аскаров, академик Э.В. Ртвеладзе, тарих фанлари докторлари Т.Ш. Ширинов, А.С. Сагдуллаев, М.Х. Исомиддинов, тарих фанлари номзодлари А.А. Анорбоев, Б.Х. Матбобоевларнинг монография ва мақолаларида ўз аксини топган<sup>1</sup>.

Яратилган асарларда давлатчиликнинг шаклланиши борасида янгидан-янги фикрлар айтилмоқда, аммо шуларга қарамасдан Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнлари талаб даражасида ёритилди деб айтиш қийин. Қўйилаётган масаланинг энг мураккаб томони шундаки, ёритилаётган мавзу бўйича маҳсус ёзма манбалар умуман йўқ. Ватанимиз ҳудудида илк давлатчилик ёзувнинг пайдо бўлишидан анча аввал пайдо бўлган. Шу сабабдан ҳам юзага келган вазият Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши масаласини фақат археология фани кўмагида ҳал этишни тақозо этади.

Шуни тан олиб айтиш лозимки, хусусий мулк, синфий муносабатлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши масаласи фан тарихида илк бор Ф. Энгельс томонидан «Оила, хусусий мулк ва давлатларнинг пайдо бўлиши» асарида ишлаб чиқилган. Бу масалаларни ёритишида у Фарбий Европанинг қадимги ва ўрта асрлар даври манбаларидан фойдаланган. Ф. Энгельс давлатларнинг пайдо бўлишида учта йўлни кўрсатиб берган. Биринчи йўл Аттика,

<sup>1</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... - С. 96; Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии ... - С. 42; Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самарканского Согда ... – С. 127; Анорбоев А. Ўзбек давлатчилиги тарихида Қадимги Фарғона ... – Б. 3-19; Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона ... – Б. 21-26.

иккинчиси Рим йўли ва учинчиси Гервон варварларининг уруғ жамоа тузумидан ўсиб, Рим томон кенгайиши, яъни босиб олиш йўлидир<sup>1</sup>.

XX аср мобайнида барча фанлар сингари тарих фанида ҳам қатор кашфиётлар, янгиликлар яратилди. Шу жумладан, давлатчиликнинг шаклланиши мавзусини оладиган бўлсак, Месопотамиянинг «ном» типидаги шаҳар-давлатлари, Мисрдаги династиялар давригача бўлган шаҳар-давлатлар, Қадимги Ҳинд цивилизациясига тегишли шаҳар-давлатлар, Шан-Инь ва Чжоу - Қадимги Хитой давлатлари, Майя давлатлари, қўйингки, тарих-археология илмида аввал номаълум бўлган цивилизациялар очилиб, фан оламига олиб кирилди. Фандаги шу янгиликларга монанд равища илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши масалалари бўйича ҳам илмий ишланмалар ишлаб чиқилди.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб фанда илк давлатларнинг «предгосударств», «чифдом», «потестарных» каби ўнлаб шакллари мавжудлиги ҳақида фикр мулоҳазалар айтилди. Бу шакллар «ижтимоий-сиёсий организм» бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши ҳамда яшши эксплуатацияга ва эксплуататорлик муносабатларга асосланмаган<sup>2</sup>.

Қадимги Шарқ тарихининг ажralmas бир бўлаги бўлган Ўрта Осиёда, хусусан мустақил Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиш жараёнлари қачон бошланган ва у қайси шаклда ривожланган, деган саволларга жавоб топиш ушбу диссертациянинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Қўйилган масалани ечишда илк давлатчилик соҳасида қилинган назарий ишланмалардан фойдаланилди. Улар Ўрта Осиёда кечган тарихий жараёнларга солиштирилди. Жаҳон археология фани ютуқларидан, хусусан Қадимги Шарқ «ном» типидаги шаҳар-давлатларнинг шаклланиши билан Ўзбекистон ҳудудида шаклланган илк дехқончилик, илк шаҳар

<sup>1</sup> Фридрих Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатларнинг пайдо бўлиши. К Маркс, Ф Энгельс. Асарлар тўплами. Том 21. - С. 169.

<sup>2</sup> Крадин Н.Н. Вождество: современное состояние и проблемы изучения // Ранние формы политической организации. - М.: Восточная литература РАН, 1995. - С. 11-61; Васильев Л.С. Протогосударство-чифдом как политическая структура // Народы Азии и Африки. №6. - М.: 1974. - С. 157-175; Першиц Л.И. Вождество // Свод этнографических понятий и терминов. Социально - экономические отношения и соционормативная культура. - М.: Наука. 1983. - С. 34-36.

маданиятлари ёдгорликларидан олинган илмий маълумотлар ўзаро таққосланди.

Муаллиф сўнгги 25 йил ичида бронза даврининг «шоҳ» ёдгорлиги – Жаркўтонда, Бақтрияning илк темир даври ёдгорликларида археологик қазишмалар ўтказиб, илк давлатчиликнинг шаклланиши борасида бой манбалар тўплади. Бирламчи манбалар асосида Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчилик муносабатларининг пайдо бўлиши мавзусини ёритиш имконияти туғилди.

Диссертацияда, шунингдек, илк давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари соҳасида тарих фани эришган ютуқлар асосида Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг ривожланиш босқичлари археологик ва ёзма манбалар асосида ёритилди.

## **ИЛК ДАВЛАТЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ХУСУСИДАГИ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАР**

1.1. Ўрта Осиёда жамоаларнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш босқичлари.

Жамоалар тарихини ўрганишда, илк шаҳар ва давлатларнинг пайдо бўлиш жараёнларини тадқиқ этишда археологик материаллар асосий манба бўлиб ҳизмат қиласи. Жамоаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласи Қадимги Шарқ мисолида жуда яхши ўрганилган. Бу масалада А.И. Тюменов ва И.М. Дьяконовларнинг Шумер жамоаларини ўрганишдаги тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш мумкин<sup>1</sup>. Олд Осиё мамлакатлари мисолида Н.Б. Янковская<sup>2</sup>, Угарит ва Финикия бўйича М.Л. Гельцер<sup>3</sup>, Фаластин бўйича И.Д. Амусина<sup>4</sup>, Элам бўйича Ю.Б. Юсифов<sup>5</sup>, Вавилон бўйича Г.Х. Саркисян<sup>6</sup>, Эрон бўйича М.М. Дьяконов<sup>7</sup>, Хитой жамоалари бўйича бир қатор хитойшунос олимларнинг тадқиқотлари мавжуд<sup>8</sup>. Ҳиндистон жамоаларини ёзма манбалар асосида Г.М. Бонгард-Левин ва Г.Ф. Ильинлар ўрганган<sup>9</sup>. Т Якобсен тадқиқотлари эса жамоаларни бошқариш масалаларига бағишлиланган<sup>10</sup>.

<sup>1</sup> Тюменов А.И. К Вопросу о наемном труде в царском хозяйстве времени III династи Ура // ВДИ. - М.: 1950, №1. - С. 48-52; Дьяконов И.М. Община на древнем востоке в работах Советских исследователей // ВДИ. - М.: 1963, №1. - С. 43-51.

<sup>2</sup> Янковская Н.Б. Хурритская Аррапха // ВДИ. М.: 1957, №1. - С. 17-33; Янковская Н.Б. Землевладение большесемейных домовых общин в клинописных источниках // ВДИ. - М.: 1959, №1. - С. 35-51.

<sup>3</sup> Гельцер М.Л. Материалы к изучению социально-экономической структуры Угарита // ВДИ. - М.: 1952, №4. - С. 28-34; М.Л.Гельцер. Новые данные о социальной структуре Угарита // ВДИ. - М.: 1954, №4. - С. 72-74; М.Л.Гельцер. Некоторые вопросы политической структуры Алалаха // ВДИ. - М.: 1956, №3. - С. 29-36.

<sup>4</sup> Амусина И.Д.. «Народ земли» // ВДИ. - М.: 1955, №2. - С. 14-35.

<sup>5</sup> Юсифов Ю.Б. Купля-продажа недвижимого имущества и частное землевладение в Эламе II тыс. до н.э. «Кею», XXXVIII, 1960. - С. 5-22.

<sup>6</sup> Саркисян Г.Х. Самоуправляющийся город Селевкидской Вавилонии // ВДИ. - М.: 1952, №1. - С. 68-83.

<sup>7</sup> Дьяконов М.М. Очерк истории древнего Ирана. - М.: 1961. - С. 194-206.

<sup>8</sup> Рубин В.А. Народное собрание в древнем Китае в VII-V вв. до н.э // ВДИ. - М.: 1960, №4. - С. 22-40; Переломов Л.С. Империя Цинь. - М.: 1962; Т.В.Степучина. К вопросу о социально-экономических отношениях в Китае в XIV-XII вв. до н.э // ВДИ. - М.: 1950, №2. - С. 56-76; М.В.Крюков. Род и государство в иньском Китае // ВДИ. - М.: 1961, №2. - С. 3-22.


<sup>9</sup> Бонгард-Левин Г.М, Ильин Г.Ф. Древняя Индия. - М.: 1969.

<sup>10</sup> Jacobsen Th. Primitive Democracy in Ancient Mesopotamia // JNES, II, 1943, 3. - P.159; Jacobsen Th. Early Political Development in Mesopotamia // ZA, NF, 18, 1957. - P.104.

Юқорида эслаб ўтилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Қадимги Шарқнинг маданият ўчоқларида жамоаларнинг ривожланиши бир-бирига айнан ўхшамаса-да, бир-бирига монанд ҳолда ривожланган.

### 1.1.1-жадвал

#### Қадимги Шарқда жамоаларнинг ривожланиши



Қон-қариндошликка асосланган уруғчилик жамоаси. Энг қадимги уруғчилик жамоаси. Бу босқичда гуруҳли никоҳ (бир уруғ эркакларининг иккинчи уруғ аёллари билан жинсий алоқа қилиш тартиби) ҳукмрон. Ўрта Осиё шароитида неолит даврининг Калтаминор маданияти жамоасини шу босқичга киритиш мумкин. Бу босқичда иқтисодий ҳаёт ўзлаштирувчи хўжаликка асосланган. Мулк ижтимоий характерда бўлган. Уруғ жамоалари катта чайласимон кулбаларда яшайди. Бу босқичнинг сўнггида аста-секин аёллар ташаббуси билан оила куртаклари пайдо бўла бошлади (Жонбасқалъя чайласи).

Қон-қариндошликка асосланган жамоада барча маҳсулот умумжамоа мулки ҳисобланиб, ўзаро кўмак бош ролни бажарган. Жамоанинг бу яшаш тарзи улар орасида меҳнат тақсимотининг пайдо бўлишига олиб келмайди. Маҳсулотларнинг жамоа аъзолари ўртасида teng бўлиниши жамоа тараққиётининг янада ривожланишига йўл бермайди.

Оила жамоаси. У урuf жамоасидан ажралиб чиқсан бўлиб, эркин хўжалик юритувчи ҳисобланади. Лекин бу жамоа ўз ҳолича яшай олмайди. Бу босқичда она жамоада ўз мавқеини сақлаб қолади. Мулк ҳали ижтимоий характерда бўлади. Булар давр нуқтаи назаридан Ўрта Осиёning дехқончилик минтақаларида неолит ва энеолит даврини ўз ичига олади. Бу даврда аёллар ўз тақдирини бошқа уруғдан бўлган эркакларнинг бири билан боғлайди. Шунга қарамай, болалар олдида отага нисбатан тоганинг нуфузи ҳали юқори бўлган. Она уруғи доирасида оила таркиб топа бошлайди, яъни аёллар фарзандларини, болаларининг отасини ўз уруғи жамоаси учун фойдали меҳнат билан машғул бўлишини талаб қиласи. Натижада, гурӯхли никоҳ қоидалари парчаланиб, аёллар ташабbusi билан шакллана бошлаган оила кулбалари таркиб топади. Этнографик манбаларда кўплаб кузатилганидек, ичкуёвлик (эркакларнинг аёл жамоасида яшай бошлиши) никоҳ тартиби вужудга келади. Бироқ ичкуёв аёл жамоасининг teng ҳукуқли аъзоси бўла олмайди. У ўз «жазмани» ва ундан орттирган фарзандлари туфайли аёл жамоасида яшашга ва аёл жамоаси манфаати учун меҳнат қилишга мажбур бўлади. Дастлаб жамоа оилалари бир хонали кулбаларда яшайди. Бу манзара неолит даврининг Жайтун жамоаси ва Номозгоҳ I даври жамоалари ёдгорликларида кузатилади. Бу даврда ҳали ичкуёвлик никоҳ тартиби таркиб топмаган, эркаклар ўз жамоасига вақти-вақти билан қайтиб келиб ёрдам бериб туради. Оила иплари мустаҳкамлана бошлайди, эркаклар ўз жуфти ҳалоли хонадонига кўчиб ўтиб, тўла маънода эр вазифасини бажара бошлайди. Айнан шу даврдан бошлаб дехқончилик ва чорвачилик билан боғлик бўлган меҳнат муносабатлари мустаҳкамланиб, оилаларнинг жамоа мулкига қўшадиган ҳиссаси орта бошлайди. Оқибатда жамоага кўпроқ даромад келтирувчи оилалар урuf бошлиқларидан қўшган ҳиссасига яраша оилавий мулк тақсимоти бўлишини талаб қила бошлайди. Аъзоларининг кўпайиши туфайли энди оилага бир хонали уйлар торлик қиласи. Натижада, кўп хонали уй-жойлар, бутун бошли ҳовлилар пайдо бўлади. Бу манзара Номозгоҳ II-III босқичларига оид ёдгорликларда кузатилади. Эркакларнинг

нуфузи ортиб, жамоадаги ўрни кўзга ташлана бошлайди. Ўзлаштирилган умумжамоа ерларини (суғориладиган ерларни) оила жамоаси ўртасида тақсимлаш бошланади. Эркакларнинг масъулияти ортиб, биринчи бор эр ва хотин ўртасида меҳнат тақсимоти юз беради. Жамоада ҳали аёлларнинг ижтимоий мавқеи юқори бўлганидан она уруғи доирасида эрлар оиласибошқарув тизгинини ўз қўлига ҳали олмайди. Эрлар қанчалик тиришмасинлар оиласида ва жамоада аёлнинг ҳукмронлиги сақланиб қолаверади. Натижада, эрлар ўз оиласини она уруғи жамоасидан ажратиб олишга урунадилар. Жамоада кўзга ташланадиган ер танқислиги сабабидан бир неча ана шундай оилалар бирлашиб, янги ерлар излаб жамоадан ажраб чиқадилар ва шундай қилиб, янги ишлаб чиқариш, патриархал оилалар жамоаси таркиб топади.

Кон-қариндошликка асосланган уруғ жамоалари Жанубий Туркманистон худудидаги неолит ва энеолит даври ёдгорликлари мисолида яхши ўрганилган<sup>1</sup>. Неолит даврига оид Жайтун<sup>2</sup>, илк энеолит даврига оид Анау, Монжукли депе, Овадан депе, Гавич депе, Чақмоқли депе, ўрта энеолит даврига оид Дашибадже депе, Муллали депе, Геоксур I каби ёдгорликларда 8-10 та оила бирга яшаганлиги кузатилади. Бу оилаларда ўчоқлар, омборхоналар ва сифиниш хоналарининг умумийлиги кузатилган<sup>3</sup>.

Патриархал оила жамоаси (катта оила, қўшничилик жамоаси). Бизнинг тасаввуримизда Номозгоҳ IV даври ана шундай тарихий жараёнга ўтишни эслатса, Номозгоҳ V даврида матреархат жамоаларидан патреархат оила жамоаларининг ажралиши юз беради. Шундай қилиб, уруғчилик жамоасининг учинчи босқичи ҳисобланган патриархал оила жамоаси таркиб топади. Номозгоҳ V даврининг охири ва Номозгоҳ VI даврида бу жараён жуда фаол кечади. Натижада, нафақат Ўрта Осиёнинг Мурғоб водийси, балки

<sup>1</sup> Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. - М.: -Л., 1962; Сарианиди В.И. Некоторые вопросы древней архитектуры энеолитических поселений Геоксюрского оазиса // КСИА, 1962. Вып. 91. - С.29.

<sup>2</sup> Массон В.М. Поселение Джейтун. - Л., 1971.

<sup>3</sup> Хлопин И.Н. Геоксюрская группа поселений эпохи Энеолита. - М.: Л., 1964; В.М. Массон. Джейтун и Карадепе // СА. - М.: 1957, №1; В.М. Массон. Изучение энеолита и бронзового века Средней Азии // СА. - М.: 1957, №4; В.И. Сарианиди. Энеолитическое поселение Геоксюр (Результаты работ 1956-1957гг // Тр. ЮТАКЕ, Т. Х. Ашгабат, 1960.

Жанубий ва Шимолий Бақтрия ерлари ўзлаштирилиб, Даشتли ва Сополли каби қадимги дәхқончилик маданиятлари шаклланди. Қадимги Шарқ цивилизациясининг бронза даврига оид Марғиёна ва Бақтрия маҳаллий ўчоқлари таркиб топди. Энди жамоа мулки ўрнида хусусий мулк, патриархал оила мулки пайдо бўлди. Оила жамоаси ривожланиб, ўз навбатида катта патриархал оиласа айланди. Бизнинг тасаввуримизга кўра, агар Номозгоҳ IV даври патриархал оиласининг шаклланиш жараёнини эслатса, Номозгоҳ V, Даشتли ва Сополли даврида катта патриархал оила жамоаси ривожини кузатиш мумкин.

Бу жамоани оила бошлиқлари - оталар иштирокидаги кенгаш бошқарган. Доимий ишлаб чиқариш усули, товар алмашиш, меҳнат тақсимоти, хусусий мулкнинг шаклланиши мана шу даврда пайдо бўлган.

Маълумки, ишлаб чиқариш натижасида ҳамма вақт ҳам ортиқча маҳсулот олинавермайди. Бу ҳолатда бирор индивид эмас, балки оила жамоасининг бойиши ёки камбағаллашуви кузатилади. Натижада, камбағал оиласалар моддий жиҳатдан бой оиласарга қарам бўлиб қолади<sup>1</sup>. Патриархал оиласалар жамоасини бошқаришда камбағал оила "ота"си иштирок этмай, бой оила бошлиқлари қатнашадиган бўлган<sup>2</sup>. Меҳнат тақсимотининг ортиб бориши билан патриархал оила жамоаси ўртасида хусусий мулкка эгалик қилиш кайфиятлари кучайиб боради.

Қишлоқ жамоаси. Бир неча оила ва патриархал оиласарнинг ўзаро бирикиши натижасида шаклланиб, ибтидоий жамият ўз умрини ўтаб бўлаётган даврда юзага келади ва синвлар пайдо бўлишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Айрим холларда қишлоқ жамоалари уруғларга асосланмаган ҳолларда ҳам пайдо бўлади. Қадимги Ҳиндистон ҳудудида қўшни бўлиб яшаш ва янги ерларни ўзлаштириш мақсадида ҳамкор бўлган кишилар жамоаси бунга мисол бўлади<sup>3</sup>. Бу манбада Қадимги Ҳиндистон жамоаларининг, яъни ҳар хил тилда сўзлашувчи ва хилма-хил тарзда хаёт

<sup>1</sup> Янковская Н.Б. Из истории Хурритского общества // XXV международный конгресс востоковедов. Доклады советской делегации. - М.: 1961.

<sup>2</sup> Jacobsen Th.. Early Political Development in Mesopotamia // ZA, NF, 18, 1957. - P.104.

<sup>3</sup> «Атхарваведе», II, I; Г.М.Бонгард-Левин, Г.Ф.Ильин. Дреняя Индия. - М.: 1969. - С. 362.

кечирувчи кишилар бирикмаси ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳайдалган ерлар хусусий мулк бўлган<sup>1</sup>. Қишлоқ жамоаларида судлов тартиби ҳам мавжуд бўлган. Енгил қилмишлар жамоанинг ўзида, оқсоқоллар иштирокида ҳал қилинган бўлса, оғир жиноятлар жамоа судида ҳал қилинган. Суд жиноятчини жамоадан қувиб юбориши, жарима солиши мумкин бўлган<sup>2</sup>. Қишлоқ жамоасидаги колектив меҳнат, фуқаролар ўртасидаги ўзаро алоқалар, давлатнинг заруратини туғдирмаган. Ўз қишлоқларини ўzlари кўриқлашган, деворлар билан ўрашган<sup>3</sup>.

Қишлоқ жамоасини патриархал оила бошлиқлари, яъни оқсоқоллар кенгаши бошқарган. Бу жамоани кишиларнинг диний қарашлари ҳам бирлаштириб турган<sup>4</sup>. Уларнинг яшаш тарзи, патриархал оилаларнинг ўзаро жойлашиш тартибини бронза даврига оид археологик ёдгорлик - Сополли тепа мисолида таҳлил қилиш мумкин<sup>5</sup>.

Сополлитепа қалъаси - уч қатор мудофаа девори билан ўралган ва квадрат шаклидадир (82x82м). Қалъа ичida саккизта квартал - катта патриархал оила жойлашган. Биронта оила якка ҳукмдор бўлганлиги тўғрисида археологик маълумот йўқ. Ёдгорликнинг симметрик плани ҳам патриархал оилаларнинг teng ҳуқуқли бўлганлигини тасдиқлайди. Сополлитепа ёдгорлигидан топилган 158 та қабр ва улардан топилган ашёлар сонининг статистик таҳлиллари ҳам Сополлитепа аҳолисининг teng ҳуқуқли бўлганлигидан далолат беради<sup>6</sup>. Демак, бу ёдгорлик саккизта катта патриархал оиладан иборат бўлган қишлоқ жамоасидир.

Сополлитепа аҳолиси хунармандчиликнинг барча турларини (кулолчилик, нафис санъат-тақинчоқлар, бронзадан ясалган ашёлар), уй қурилиши, ҳарбий ишлар, дехқончиликни ривожлантирганлар. Бунинг учун

<sup>1</sup> «Ману» VIII, 24; Г.М. Бонгард-левин, Г.Ф. Ильин. Древняя Индия. - С. 364.

<sup>2</sup> Вишну, V, 167; Атхарваведе, III, 10; Бонгард-Левин, Ильин. Древняя Индия. - С. 366.

<sup>3</sup> Брихаспати, XVII, 5-6; Бонгард-Левин, Ильин. Древняя Индия. - С. 366.

<sup>4</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Давлат ва дин // «Сўғд Марказий Осиёнинг маданий алоқалари тизимида». Р.Х.Сулаймонов таваллудининг 60-йиллигига бағишланган конференция. - Самарқанд, 1999. Б. 42-43.

<sup>5</sup> Аскаров А.А. Сапаллитепа. - Ташкент, Фан, 1973. – С. 144.

<sup>6</sup> Ионесов И.В. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Самарқанд, 1990. – С. 19.

бор ички имкониятларнинг барчасидан фойдаланганлар. Бизнинг фикримизча жамоани янада ривожлантиришнинг учта йўли бўлган:

- 1) жамоа ҳудудини янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига кенгайтириш;
- 2) савдони ривожлантириш;
- 3) қўшни халқларни босиб олиш, талаш.

Сополлитепа аҳолиси биринчи йўлни танлаган. А.А. Аскаров Сополлитепанинг инқирози масаласини янги жойга, аҳолининг Жаркўтон ҳудудига кўчиши билан боғлайди<sup>1</sup>.

Демак, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида жамоаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари Қадимги Шарқ жамоалари билан монанд ҳолда ривожланган. Жамоалар тараққиёти ҳудудларда давр жиҳатидан мос келмаслиги мумкин, лекин Қадимги Шарқнинг барча ҳудудида жамоалар юқорида таҳлил қилинган босқичлардан ўтган.

Жамоалар ибтидоий жамоа тузуми сўнгтида пайдо бўлган ишлаб чиқариш хўжалигидан иборат бўлиб, ўзига хос бошқарув усулларига эга бўлган. Ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, тартибни ва жамоа аъзолари тинчлигини сақлаш, қўшни жамоалар билан алоқа қилиш кабилар жамоа ҳаётининг асосини ташкил этган.

Жамоаларни бошқариш усулларини, айниқса қишлоқ жамоасини бошқаришни бир қолипга солиб бўлмайди. Бунда шу қишлоқнинг ишлаб чиқариш усули нимага асосланганлигига асосий эътиборни қаратиш лозим. Жамоа аъзоларини жисплаштириб турган дин бирлигига ва дин намояндадарининг ёки бошқа бир қатlam - ҳарбийларнинг (қуролли кишилар гурӯҳи) жамоада тутган ўрнини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Жамоаларнинг ривожланиши шуни кўрсатмоқдаки, илк давлат белгилари турли босқичларда пайдо бўлган. Ибтидоий жамоа заминида бошқарув усулининг такомиллашиб бориши, савдо ва товар айрибошлиш усулларининг ривожланиши жамоалар иттифоқининг давлатчиликка бўлган эҳтиёжини янада оширган.

---

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы ... С. 173.

1.2. Илк синфий жамият белгиларининг моддий маданият ёдгорликларида акс этиши.

Илк синфий муносабатларнинг пайдо бўлиши масаласи тарих фанида жуда кўп тортушувларга сабаб бўлган. Ю.В. Павленконинг сўнгги асари ушбу мавзуда қилинган сўнгги ишлардан бири ҳисобланади. У илк синфий жамиятнинг пайдо бўлиши борасида К. Маркс ва Ф. Энгельснинг ишлари, Совет тарихчиларининг 1930-1980 йиллардаги, Англия ва Америка археологлари ва этнографларининг илк давлатлар ва цивилизацияларнинг пайдо бўлиши хусусидаги ишлари тўғрисида алоҳида тўхталган<sup>1</sup>. Шу боис мана шу масала бўйича фақат Ўрта Осиёда бажарилган ишларни илмий таҳлил этишга ва илк синфий жамиятнинг археологик белгиларини ишлаб чиқишига ҳаракат қиласиз.

Ю.В. Павленко илк синфий муносабатлар, илк давлатчилик, илк шаҳарлар ва илк цивилизация терминлари синоним сўзлар эканлигини таъкидлайди ва булар жамият тараққиёти жараёнида бир - бирини тўлдириб боради деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. У илк синфий жамиятнинг археологик белгилари кўринишлари борасида В.М. Массон ишлаб чиқсан археологик схемани таҳсинга сазовор деб ҳисоблайди. Бу схема Олд Осиё, Яқин Шарқ ва Колумб давригача бўлган Америкадаги қадимги дехқончилик жамоалари археологик манбалари асосида тузилган<sup>3</sup>. Схеманинг асоси қилиб, эксплуататорлик муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган барча археологик белгилар ҳисобга олинган. Бунда аҳоли сонининг ўсиши ва шунга монанд ёдгорликларнинг ҳудудий кенгайиши, хунармандчиликнинг ривожланиши ва уни ташкил этиш масалалари, унинг марказлашув жараёнлари, дехқончиликнинг агротехник такомиллашуви (каналлар), кўчманчи - чорвачилик, аҳолининг ижтимоий табакаланиш жараёнининг ўсиши (бой ва

<sup>1</sup> Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества (генезис и пути развития). Киев, 1989. - С. 11-51.

<sup>2</sup> Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества ... – С. 69.

<sup>3</sup> Массон В.М. Экономический и социальный строй древних обществ. - Л., Наука, 1976. - С. 184.

камбағал табақаларга оид уйлар ва қабрлар, ҳарбий саркардалар ва ҳарбийлар қабрлари), мудофааланган илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ёзув, йўллар ва савдонинг ривожланиш жараёнлари ҳисобга олинган.

В.М. Массон томонидан ишлаб чиқилган бу схемани бронза даврига оид ривожланган дехқончилик маданиятига асосланган Қадимги Шарқ жамоалари учун, уларда синфий муносабатларнинг пайдо бўлишини ўрганиш учун кўллаш жуда ҳам ўринли. Лекин, Ўзбекистон ҳудуди бронза ёки илк темир даврлари учун бу схемани тўлиқ қўллаб бўлмайди. Негаки, Ўзбекистоннинг шимолий минтақаларида кўчманчи чорвадор маданиятлар истоқомат қилган бўлса, жанубий вилоятларда илк шаҳар маданиятига асос солинган. Чунончи, Тозабоғёб ёки Бургали маданиятларида ёдгорликлар иерархияси ёки ривожланган ҳунармандчилик ҳали шаклланмаган. Шунингдек, Бақтрия, Сўғдиёна ёки Хоразмнинг илк темир даврига оид қабрлари археологияда ҳозирги кунгача номаълум бўлиб қолмоқда.

Фикримизча, В.М. Массон таклиф этаётган схемадан воз кечиш эмас, балки Ўзбекистон ҳудудида илк синфий муносабатларнинг пайдо бўлишини ўрганиш учун уни мослаштириш, такомиллаштириш лозим деб ўйлаймиз. Бунинг учун В.М. Массон таклиф этаётган археологик белгиларни биринчи ва иккинчи даражали белгиларга ажратиш лозим.

Бизнингча, қадимги халқларнинг ижтимоий-моддий тенгсизлигини кўрсатадиган асосий археологик белгилар кишилар яшаган уйларнинг оддийлиги ёки маҳобатлигидадир. В.М. Массон Жанубий Туркманистондаги илк шаҳар ёдгорлиги Алтин депе мисолида уч хил яшаш уйларини ажратган. Шунга монанд равишда шаҳар аҳолисини уч хил ижтимоий қатламга ажратган<sup>1</sup>.

Иккинчи археологик белги қабрлар ҳисобланади. Қабрларда учрайдиган ашёларнинг сони, турлари ва сифатига қараб ижтимоий гуруҳларга ажратилади. Ушбу йўналиш бўйича В.А. Алексиннинг Қадимги Шарқ (Шумер, Анатолия) ва Жанубий Туркманистон ҳудудларидаги энеолит

<sup>1</sup> Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. - С. 100-104.

ва бронза даври аҳолисининг ижтимоий табақаларига бағишиланган тадқиқотлари<sup>1</sup>, Сополли маданияти қабрлари бўйича И.В. Ионесов<sup>2</sup>, Қадимги Хитой Чжоу вақти учун М.В. Крюков тадқиқотларини кўрсатиш мумкин<sup>3</sup>.

Учинчи археологик белги ривожланган ҳунармандчилик бўлиб, унинг марказлашуви ва ихтисослашиш жараёни кузатилиши шарт. Бу борада алоҳида илмий иш қилинмаган. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг бозор учун тайёрланганлигини тасдиқловчи Оклахома штатидан топилган иккита топилмани эслатиб ўтиш кифоя. Бу топилмаларнинг бирида икки мингта чақмоқ тошдан ясалган пайкон бўлса, иккинчиси мингта пайкон ва пичноқлар мажмуасидан иборат. Ёки Сополли маданияти хумдонларининг ёдгорликдан ташқарига чиқарилиши, кулолчилик ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотлари шаклларининг айнан ўхшашлиги ва сифат даражаларининг бир хиллиги шу соҳа бўйича фақат ҳунармандлар, яъни бир гурӯҳ ихтисослашган кишилар бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарганлигини тасдиқлайди.

Тўртинчи асосий археологик белги - бу илк шаҳарларнинг пайдо бўлишидир. Ўрта Осиё ҳудудида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши борасида Т.Ш. Ширинов ва Б.Ж. Эшовнинг тадқиқотлари диққатга молик. Улар археология фанида бу борада қилинган барча илмий тадқиқотларни илмий таҳлил қилган. Г. Чайлд, В.И. Гуляев, В.М. Массон, В.И. Сарианидиларнинг илк шаҳарлар тўғрисидаги тушунчаларини қайта ишлаб, Ўрта Осиё илк шаҳарларининг археологик белгиларини ишлаб чиққанлар<sup>4</sup>.

### 1.2.1-жадвал

#### Илк синфий жамиятнинг археологик белгилари

<sup>1</sup> Алекшин В.А. Социальный строй раннеземледельческих обществ по погребальным памятникам культур Средней Азии и Ближнего Востока. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - М.: 1977. - С.21; Алекшин В.А. Социальная структура и погребальный обряд древнеземледельческих обществ. - Л.: Наука, 1986. - С. 89.

<sup>2</sup> Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Самарканд, 1990. - С.19.

<sup>3</sup> Крюков М.В. Социальная дифференциация в древнем Китае: Опыт сравнительно-исторической характеристики // Разложение родового строя и формирование классового общества. - М.: Наука, 1968. - С. 199-293.

<sup>4</sup> Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс. ... д.и.н. - М.: 1992. - С.42; Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. Ташкент, 2008. С. 42.

Илк синфий жамиятнинг археологик белгилари			
Ёдгорликлар иерархияси	Қабрлар, унда учрайдиган топилмаларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари	Ривожланган хунармандчилик	Илк шаҳарлар

Шуни таъкидлаш лозимки, кўрсатиб ўтилган мана шу тўртта археологик белгидан биронтаси аниқланмаса, иқтисодий жиҳатдан дехқончилика асосланган маданиятни илк синфий жамият сирасига киритиб бўлмайди. Аммо ўрганилаётган маданият аҳолиси ижтимоий гурухларга ажralган бўлиши табиий ҳол ҳисобланади.

1.3. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши жараёнидаги табиий шарт-шароитлар ва омиллар.

Илк давлатлар шаклланаётганда унинг шарт-шароитлари, иқтисодий ва ижтимоий омиллари етилган бўлиши зарур. Сўнгги бронза даврида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ҳудди шундай омиллар мавжуд эди.

Давлатчиликнинг шаклланишидаги энг асосий омиллардан бири, қулай табиий географик муҳитdir. Табиий географик муҳитнинг қулайлиги дехқончилиқда юқори ҳосил олиш гарови ҳисобланади. Юқори ҳосил эса эҳтиёждан ортиқча маҳсулот етиштириш учун йўл очади. Қадимги Шарқ цивилизациялари жойлашган ҳудудларнинг барчаси табиий географик муҳитнинг қулайлиги билан характерланади<sup>1</sup>.

Қадимги Шарқ цивилизацияси ўчоқларидан бири бўлган Жанубий Ўзбекистон дехқончиликка энг қулай ҳудудлардан бири ҳисобланади. Асосий дехқончилик кичик дарё ўзанларида амалга оширилган. Шундай дарёлардан бири Шеробод дарёси тоғликлардан воҳага ўтганда, айниқса Амударёга қуйилиш ерларига яқинлашганда ўнлаб ўзанларга ажралиб

<sup>1</sup> Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи. - Тошкент, 1964. – Б.17.

кетганлигини унинг қуруқ ўзанлари тасдиқлади. Айнан мана шу ўзанлар бўйларида бронза даври ёдгорликлари жойлашган. Шеробод воҳаси табиий шароитининг яна бир характерли томони шундаки, қуёш ўз нурларини энг аввал Кўхитангтоқقا таратади. Баҳор, ёз ва куз ойларининг дастлабки кунларида қуёш иссиғидан ташқари Кўхитангтоғдан ҳам иссиқ ҳаво оқими - тафти воҳага уфуриб туради. Тун ярмигача ҳавонинг тафти қайтмайди. Бу ҳолат дехқончилик экинларининг яхши ривожланиши ва серхосил бўлишига имконият яратади.

А.А. Аскаров ва Т.Ш. Шириновларнинг Жарқўтон ёдгорлигига олиб борган тадқиқотлари натижасида бу ерда ўтрок дехқончилик маданиятининг ривожланганлиги, дехқончиликда сунъий суғориш системасининг кашф этилганлиги, Бўстонсойдан магистрал каналлар орқали янги ерларга сув чиқарилганлиги, ерни ишлашда омочдан ва ҳайвон кучидан фойдаланилганлиги исботлаб берилган<sup>1</sup>. Шундан хулоса қилиш мумкинки, сунъий суғоришга асосланган дехқончилик Ўзбекистоннинг жанубий худудларида бронза даврида ёқ шаклланган. В.М. Массон таъкидлаганидек, ҳар қандай дехқончилик эмас, балки экинни кўп марта суғориш тизими ҳосилдорликни ошириб, меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишига олиб келган<sup>2</sup>. Бошқа воҳаларда, жумладан Хоразм, Тошкент, Фарғона водийсида бу жараён бирмунча кечроқ, илк темир даврида содир бўлади<sup>3</sup>.

Сополли маданияти моддий манбаларини ўрганиш унинг тадқиқотчиларига шудай хулосага чиқаришга имкон берганки, Сополли даврида дехқончиликдан иккинчи меҳнат таҳсимоти – хунармандчиликнинг ажralиб чиқиши юз берган. Хунармандчиликнинг тўқимачилик соҳасида йигириув ва тўқув дастгоҳининг, кулолчиликда чархнинг ва мураккаб хумдоннинг, металл эритиш ва қуийиш технологиясининг кашф этилиши, уй ҳайвонларидан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтилиши,

<sup>1</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 77.

<sup>2</sup> Массон В.М. Экономические предпосылки сложения раннеклассового общества // Изучение истории первобытного общества, рабовладения и феодализма. - М.: 1970. - С. 52; Кудратов С. Ўзбекистон худудида илк давлатлар пайдо бўлишининг баъзи масалалари // O'zbekiston tarixi, 1999 . - № 2. – Б. 11.

<sup>3</sup> Кудратов С. Ўзбекистон худудида илк давлатлар пайдо бўлиши ... –Б. 11.

курилишда режа асосида уй-жой ва монументал бинолар қуришга ўтилиши бой моддий манбалар асосида кўрсатиб берилди<sup>1</sup>. Сополли даврида ҳунармандлар дехқонлар билан биргаликда ҳаёт кечиришган. Ҳаёт Жарқўтон ёдгорлигига ўтгандан сўнг, яъни илк шаҳарлар шаклланиши даврида ҳунармандлар маҳсулотига бўлган талабнинг ошиши уларнинг алоҳида жойлашишига имкон яратди. Шу туфайли Жарқўтонда ҳунармандлар кварталлари пайдо бўлган. Бу ҳолат сулолавий ҳунармандларнинг шаклланишига ва етук малакали мутахассисларнинг етишишига, ишлаб чиқариш унумдорлигининг сезиларли ўсишига ва ниҳоят ҳунармандлар гурухининг шаклланишига олиб келган. Демакки, ҳунармандчиликда ҳам эҳтиёждан ортиқча қўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлишига имкон яратилган. Ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳажмининг ошиши давлатчиликнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган қўшимча маҳсулот ҳамда хусусий мулкнинг шаклланишига олиб келган.

Илк давлатларнинг шаклланишида яна бир муҳим омил маҳсулот айирбошлиш ва савдо-сотик муносабатларининг ривожланишидир. Сополли маданиятига хос бўлган сополларнинг Шимолий Қозогистон ҳудудларида жойлашган бронза даври ёдгорликларида учраши ёки Хараппа маданияти савдогарларининг Бақтрияга келиб ўрнашиши (Шўртўғай) ва ўзаро савдо ҳамда маданий алоқалар ўрнатиши, Бақтрия ва Марғиёна аҳолисининг Эрон орқали Хетитлар билан маданий алоқасини тасдиқловчи кўплаб муҳрларнинг топилиши Сополли маданияти аҳолисининг маданий ва савдо муносабатларини жуда кенг ҳудудларда олиб борганлигини тасдиқлайди<sup>2</sup>. Бақтрия ложувардлари Қадимги Шарқ дунёсида юқори баҳолангандиги ҳаммага маълум, ҳаттоқи фанда “Буюк ложувард йўли” атамасининг пайдо бўлишининг ўзи ҳам Бақтрия аҳолисининг савдо муносабатларида эришган ютуқларидан далолат беради<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 93.

<sup>2</sup> Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии (III-II тыс. лет до н.э.) // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО. - Ташкент, 1990. - С. 142.

<sup>3</sup> Сарианиди В.И. О великом лазуритовом пути на Древнем Востоке // КСИА, вып. 14. 1968. - С. 3-9.

Савдо-сотиқ муносабатларининг тараққиёти жамиятда товар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига имкон яратади. Сополли маданияти хунармандчилик ашёларининг барчасини, уларнинг сифатига қараб, савдо учун ишлаб чиқарилган таварлар деб тарифлаш мумкин. Юқорида эслаб ўтганимиздек, савдо-сотиқ муносабатлари жамоалар ўртасида ва бошқа қўшни халқлар билан амалга оширилган.

Сополли маданияти аҳолисининг деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо соҳаларида эришган ютуқлари одамларнинг ижтимоий жиҳатдан табақаланишига олиб келган. Бу эса давлатчиликнинг шаклланишида учинчи ва асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жамиятнинг ижтимоий табақаланиши давомида уни диний, ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан бошқариш тизими туғилади.

А.А. Аскаров Сополли маданиятида давлатчиликнинг пайдо бўлишида қўйидаги иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг мавжудлигини таъкидлайди:

1. Табиий шароит, яъни унумдор тупроқ, сув ва бошқа географик омиллар;
2. Ҳосилдор суғорма деҳқончилик ва уни таъминловчи агротехника;
3. Иқтисодий ҳаётда юз берган туб ўзгаришлар туфайли ижтимоий табақаланишнинг юз бериши. У ана шу табақаланиш жараёни маълум нуқтага етгач, жамиятни бошқариш зарурияти туғилади деб ҳисблайди<sup>1</sup>.

Т.Ш. Ширинов томонидан ўрганилган ва фан оламига олиб кирилган Жарқўтон шоҳлар саройи ва Жарқўтон олов ибодатхонаси сўнгти бронза даврида Жанубий Ўзбекистоннинг аҳолиси ижтимоий табақаланганлигини тўлиқ тасдиқлайди. Ушбу ёдгорликда сарой ва ибодатхонанинг мавжудлиги Жарқўтон аҳолисини онгли бошқариш заруратининг туғилганлигини кўрсатади<sup>2</sup>.

#### 1.4. Илк давлатчилик белгиларининг археология манбаларда намоён бўлиши.

<sup>1</sup> Аҳмадали Аскаров. Энг қадимий шаҳар. Тошкент, 2001. З-бет.

<sup>2</sup> Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 42.

Ватанимиз ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлишини ўрганиш ўз ечимини кутаётган масалалардан бири ҳисобланади. Қадимги тарихимизга оид ёзма манбаларнинг йўқлиги илк давлатчилик муаммосини ечишни янада оғирлаштирум оқда. Шу ўринда айтиш жоизки, Ватанимиз тарихига оид энг қадимги ёзма манба «Авеста»да эслатиладиган «Аръяна - Вайджа»<sup>1</sup>, «Гава Сугда»<sup>2</sup>, «Бахди»<sup>3</sup> каби мамлакатлар «Авеста» тенгдошлари ҳисобланади.

Қадимги Шарқда илк давлатчилик масалаларини ўрганиш фанда анча прогрессив усулда - типларга ва хронологик даврларга бўлиш билан ҳал қилинган. Энг қадимги давлатлар шаҳар-давлатлар, ҳудудий давлатлар ва империялар босқичига бўлиб ўрганилган<sup>4</sup>. Шу усул асосида Месопотамияда илк давлатчилик мил.ав. IV минг йиллик охири III минг йиллик, Вавилонияда эса мил. ав. III минг йиллик билан белгиланган. Ўрта Осиё ҳалқларининг қадимги тарихидан фарқли ўлароқ Қадимги Шарқда илк давлатчилик бўйича ёзма манбалар ҳам сақланиб қолган<sup>5</sup>.

Сўнгги йилларда ўзбек археологлари томонидан қадимги Бақтрия ҳудудида бронза даврига оид бир қатор ёдгорликлар топилди, бу ёдгорликларнинг ташқи тузилиши, топилаётган моддий маданият намуналарини Қадимги Шарқдаги, жумладан Месопотамия, Хараппа, Марказий Эрон шаҳар - давлатлари моддий маданияти билан таққослаш имконияти туғилди.

Жарқўтон ёдгорлигига олиб борилган археологик қазишмалар натижасида бу ёдгорлиқда илк шаҳарларга хос бўлган ибодатхона, ҳукмдорлар саройи, мудофаа қурилмалари, ҳунармандчилик иншоотлари, аҳоли яшайдиган турар-жой қолдиқлари ва юқори моддий маданият намуналари топилганки, шу осори-атиқалар туфайли Жарқўтон ёдгорлиги

<sup>1</sup> Авеста. Видевдат. I. 2. Душанбе, 1985.

<sup>2</sup> Авеста. Видевдат. I. 4.

<sup>3</sup> Авеста. Видевдат. I. 5.

<sup>4</sup> Дъяконов И. М, Якобсон В. А. «Номовые государства», «территориальные царства», «полисы» и «империи». Проблемы типологии // ВДИ. - М.: - № 2, 1982. - С. 3-12.

<sup>5</sup> История древнего востока. Часть I. – М.: 1983.

илк шаҳарлар тоифасига киритилган<sup>1</sup>. Т.Ш. Ширинов Жарқутон ёдгорлиги мисолида илк шаҳарларнинг қуидаги археологик белгиларини кўрсатиб берди:

1. Жамоа бошлиqlари ёки ҳукмдорлари истиқомат қиласиган саройларнинг бўлиши;
2. Ўлканинг диний маркази бўлган маҳобатли ибодатхоналарнинг бўлиши;
3. Мудофаа деворлари билан ўралган аркнинг бўлиши ва арк худудида сарой аҳолиси яшайдиган уйларнинг жойлашиши;
4. Кенг ҳудудда шаҳар аҳолиси яшайдиган иморатларнинг бўлиши, умумжамоа учун хизмат қиласиган иншоотларнинг жойлашиши, ўша ҳудудда ишлаб чиқариш кучлари-хунармандчилик устахоналари ва дастгоҳларининг жамланиши;
5. Юқори даражада ривожланган хунармандчилик (кулолчилик, чилангарлик, тўқимачилик, қурилиш, тошга ва терига ишлов берувчи кўнчилик) кварталларининг бўлиши;
6. Муҳр ёки қимматбаҳо буюмлар учрайдиган «бой» қабрларнинг мавжудлиги;
7. Шаҳар аҳолисининг иерархиясини кўрсатувчи аҳоли истиқомат қиласиган уйларининг бир-биридан тубдан фарқ қилиши;
8. Савдонинг ривожини кўрсатувчи, бошқа маданиятларга хос бўлган ашёларнинг топилиши;
9. Глиптика, эпиграфика ва ибтидоий ёзув шаклларининг бўлиши<sup>2</sup>.

Т.Ш. Шириновнинг илк шаҳарларнинг археологик белгилари борасидаги илмий тадқиқотларини қўллаган ҳолда, Ўрта Осиё шаҳарларининг тараққиёти - ривожланиши борасида ўз қарашларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

---

<sup>1</sup> Аскаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 168.  
<sup>2</sup> Аскаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 20.

Маълумки, шаҳарлар илк синфий жамиятлар даврида, яъни давлатлар билан бир вақтда пайдо бўлади<sup>1</sup>. Ўрта Осиё археологиясида шаҳарлар ва давлатлар ўртасидаги муносабат етарлича ўрганилмаган. Шу сабабдан шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасида олимлар ўртасида ягона фикр йўқ.

Сўнгги бронза даври илк шаҳар-ёдгорликларини айрим тадқиқотчилар «бронза даврининг урбанизациялашган қишлоқлари» деб таърифлашган бўлса<sup>2</sup>, бошқалари шаҳармонанд (протогород) деб атайдилар<sup>3</sup>. Илк темир даври шаҳарларини таърифлашда ҳам шу ҳолат кузатилади. Э.В. Ртвеладзе бу давр шаҳарларини «шаклланаётган шаҳарлар» тоифасига киритса, Б.А. Литвинский «шаҳарлашаётган қишлоқлар» деб таърифлайди<sup>4</sup>.

Шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасидаги олимлар ўртасидаги илмий мунозараларнинг асосий сабаби, шаҳар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласини алоҳида илмий муаммолар сифатида ўрганилишидадир. Бу тарихий методологик жиҳатдан нотўғри, чунки илк шаҳарлар илк давлатларнинг маркази сифатида пайдо бўлади ва уларнинг ривожланиб бориши ҳам ўзаро бир - бирига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини қўйидаги давларга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Дехқончилик ўлкалари доирасида таркиб топган шаҳарлар (шаҳар-давлатлар). Бу давр шаҳарлари мил.ав. II. минг йилликда ташкил топган. Қадимги Бақтрия ҳудудида ўрганилган Жарқўтон, Дашли I каби ёдгорликлар бу давр шаҳар - давлатлари бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатларини ва бир - бирлари билан узвий боғлиқлигини кузатиш мумкин.

2. Худудий давлат маркази ролини бажарган шаҳарлар. Бу давр шаҳарлари асосан мил.ав. I минг йиллик бошларида таркиб топган.

<sup>1</sup> Дьяконов И.М, Якобсон В.А. «Номовые государства» ... - С. 3-16.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В. Формирование городов Бактрии-Тохаристана // Городская среда и культура Бактрии - Тохаристана и Согда (IV в. до н.э. - VII в. н.э.). Тезисы докладов Советско - Французского коллоквиума. - Ташкент, 1986. С. 68-71.

<sup>3</sup> Литвинский Б.А. Древний среднеазиатский город. (Местные традиции и иноземные модели) // Древний Восток. Города и торговля (III-I тыс. до н.э.). - Ереван, 1973. С.131.

<sup>4</sup> Ртвеладзе Э.В. Формирование городов Бактрии-Тохаристана ... С.69; Литвинский Б.А. Древний среднеазиатский город ... С. 131.

Қизилтепа, Жондавлаттепа, Хайтободтепа (Бактрия), Далварзин, Чуст, Ашқолтепа (Фарғона), Кўктепа, Подаётоктепа (Сўғд) ва бошқа ёдгорликлар худудий давлатларнинг сиёсий ва мафкуравий маркази бўлган. Бу даврда битта худудий давлат доирасида фақат битта шаҳарнинг бўлиши характерлидир.

3. Марказлашган давлатлар, империялар даври шаҳарлари. Ўрта Осиё худудларида Қадимги Бактрия, Катта Хоразм подшоҳликларининг вужудга келиши ва бу подшоҳликларнинг Аҳамонийлар империяси таркибига кириши билан шаҳарлар тараққиётининг ушбу босқичи бошланади.

Марказлашган давлатлар ҳудуди жуда катта бўлиб, бир ва бир неча ўлкаларни ўз ичига олади. Бу даврга келиб, шаҳарлар тоифаларга ажрала бошлайди. Марказлашган давлат ёки империя пойтахтлари сифатидаги шаҳарлар (Суза, Персополь), марказлашган давлат ҳудудидаги сатраплик марказлари (Бактр). Сатрапликлар ҳудудидаги шаҳарларни сиёсий мавқеига ва иқтисодий имкониятига қараб катта ёки кичик шаҳарларга ажратиш мумкин (Афросиёб, Қизилтепа, Хайтободтепа, Кўктепа каби).

Археология фанида илк синфий муносабатлар<sup>1</sup>, илк шаҳарларнинг археологик белгилари<sup>2</sup> ёки цивилизациялар масаласи кенг ёритилган бўлса, илк давлатлар ва уларнинг археологик белгилари масаласи биринчи маротаба муҳокамага қўйилмоқда. Илк давлатларни археологик жиҳатдан тадқиқ этиш учун қуйидаги моддий маданият белгиларини аниқлаш мумкин:

1. Аҳолининг ижтимоий табақаланишини билдирувчи ёдгорликлар иерархиясининг пайдо бўлиши, яъни ҳашаматли ёки оддий уйларнинг бўлиши, ёдгорликларнинг типларга ажралиши, қабрлар ва унда учрайдиган топилмаларнинг сон ва сифат жиҳатдан фарқ қилиниши.

2. Аҳоли демографияси ва уни тасдиқловчи ёдгорликларнинг ҳудудий кенгайиши ва ёдгорликлар сонининг ошиши ҳамда типларга бўлиниши.

<sup>1</sup> Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ, Том XVIII. – Л., 1981; Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. - Киев. 1989. - С. 52-74.

<sup>2</sup> Гуляев В.И. Типология древних государств: Месопатамия и Мезоамерика // Древние цивилизации Востока. Материалы II Советско- Американского симпозиума. - Ташкент, 1986. - С. 81-85.

3. Илк давлатлар билан бир вақтда унинг сиёсий, маданий, идеологик ва иқтисодий маркази сифатида шаҳарларнинг пайдо бўлиши, шаҳар атрофида кичик ёдгорликларнинг жамланиш жараёнининг кечиши.

4. Дехқончиликнинг ривожланганлигини тасдиқловчи меҳнат қуролларининг такомиллашуви, сунъий сугориш каналлари ва шоҳобчаларининг пайдо бўлиши, дехқончилик маҳсулотларини, яъни истеъмолдан ортиқча захира бойликларни сақлаш учун омборхоналарнинг бўлиши ва экин турларининг ошиши.

5. Хунармандчиликнинг юксак даражада ривожланганлигини кўрсатувчи хунармандчилик маҳсулотлари турларида сифат ўзгаришларининг содир бўлиши. Хунармандчиликда марказлашув жараёнининг кузатилиши.

6. Чорвачиликнинг ривожланиши ва унинг таркибида йилқичиликнинг пайдо бўлиши.

7. Ҳарбий ва мудофаа ишларининг такомиллашуви белгиловчи ҳарбий истеҳком, қалъаларнинг қурилиши, мудофаа деворлари ва буржларнинг қўлланилиши, жанг қуролларининг такомиллашуви.

8. Кишиларни маънавий, руҳий бирлаштирувчи ва жамиятни бошқарув ишида фаол бўлган, якка худоликка асосланган диннинг мавжудлигини тасдиқловчи археологик белгилар - монументал ибодатхоналар, оила алтарлари, илохий предметлар (илохий идишлар)нинг бўлиши.

9. Савдо ва бошқа халқлар билан маданий алоқанинг ривожини аниқлашда қўл келадиган, бошқа халқларга хос бўлган моддий маданият намуналарининг қўплаб топилиши, савдо йўлларининг такомиллашуви.

10. Хусусий мулк ёки сиёсий бирлашма белгиси ҳисобланган муҳрларнинг бўлиши.

11. Жамиятнинг цивилизацияга эришганлигининг маҳсули сифатида - глиптика, эпиграфика ва ибтидоий ёзувнинг пайдо бўлиши.

1.4.1-жалвал

Илк давлатларнинг археологик белгилари

<p><b>Илк давлатларнинг археологик белгилари</b></p> <p><b>Ижтимоий белгилар</b></p> <p><b>Аҳоли сонининг ошиши ва ижтимоий табакаланишини кўрсатувчи</b></p> <p><b>Илк давлат маркази - шаҳарнинг бўлиши</b></p> <p><b>Хунармандчиликнинг ривожланиши</b></p> <p><b>Дехқончиликнинг ривожланиши</b></p> <p><b>Чорвачиликнинг ривожланиши</b></p> <p><b>Кишиларни руҳий бирлаштирувчи марказлашган дин</b></p> <p><b>Савдо ва маданий алоқа</b></p> <p><b>Хусусий мулк, сиёсий бирлашма белгиси</b></p> <p><b>Жамиятнинг цивилизация даражаси</b></p>	<p><b>Археологик белгилар</b></p> <p><b>Турар жой манзилгоҳлари сонининг ошиши</b></p> <p><b>Манзилгоҳларнинг худудий қенгайиши</b></p> <p><b>Манзилгоҳлар иерархиясининг шакланиши</b></p> <p><b>Қабрлар, унда учрайдиган топилмаларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари</b></p> <p><b>Шаҳарларнинг пайдо бўлиши</b></p> <p><b>Шаҳар атрофида қишлоқ-манзилгоҳларнинг жамланиш жараёни</b></p> <p><b>Хунармандчилик соҳаларининг марказлашиш жараёни</b></p> <p><b>Хунармандчилик маҳсулотлари турларнинг ошиши, сифат ўзгаришлар.</b></p> <p><b>Мехнат қуролъларининг такомиллашуви</b></p> <p><b>Суний сугориш шаҳобчалари ва каналларнинг пайдо бўлиши.</b></p> <p><b>Экин турлари сонининг ошиши</b></p> <p><b>Уй ҳайвонлари суяклари сонининг ошиши</b></p> <p><b>Ҳарбий истехкомларнинг бўлиши</b></p> <p><b>Қуролъларнинг такомиллашуви</b></p> <p><b>Мудофаа деворлари, буржалар</b></p> <p><b>Оила алтарларининг бўлиши</b></p> <p><b>Монументал ибодатхоналар</b></p> <p><b>Бошқа маданиятларга хос бўлган моддий маданият намуналари</b></p> <p><b>Йўлларнинг такомиллашуви</b></p> <p><b>Муҳр</b></p> <p><b>Ёзув</b></p>
---	--

Илк давлатларнинг ушбу археологик белгиларини юқори ривожланган дехқончилик маданиятлари жамоаларига ва илк цивилизацияга эришган шаҳар жамоаларига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Илк давлат бўлиши учун ўрганилаётган маданиятнинг характеристига қараб, кўрсатиб ўтилган ҳамма белгилар бўлиши шарт эмас. Масалан, иқтисоди кўчманчи - чорвачиликка асосланган маданиятда ривожланган дехқончиликни белгиловчи археологик белгилар ёки иқтисоди савдога асосланган маданиятда дехқончилик, чорвачилик ёки овчиликнинг ривожланганлигини кўрсатувчи археологик белгиларнинг бўлиши шарт қилиб қўйилмайди. Худди шу сингари, кўчманчи-чорвачиликка асосланган маданиятларда меъморчилик ёдгорликлари иерархияси кузатилиши шарт бўлмаса-да, улар қолдирган қабрлар ва уларда учрайдиган ашёларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари натижасида кишиларнинг ижтимоий табақалари ўрганилади.

Илк давлатларнинг кўрсатиб ўтилган барча археологик белгилари Ватанимиз ҳудудидаги энг қадимги шаҳар деб таърифланаётган Жарқўтон ёдгорлигига мужассамлашган. Жарқўтон ёдгорлигини нафақат илк шаҳар деб, балки шаҳар - давлат деб атасак тарихий хақиқат бўлади, негаки бу ёдгорликнинг археологик белгилари Қадимги Шарқ шаҳар - давлатларига монандлиги ва мослиги билан характеристланади<sup>1</sup>.

Жарқўтон ёдгорлигига аҳоли сонининг кўплиги ва ижтимоий табақаланганлигини кўрсатувчи археологик белгилар, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожини кўрсатувчи хунармадчилик, дехқончилик, чорвачилик, меъморчилик, ҳарбий ишларнинг гуллаб-яшнаганлигини кузатишимииз мумкин.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожи натижасида пайдо бўладиган ортиқча маҳсулот эвазига истиқомат қиласиган хукмдорлар табақаси - давлат бошлиқлари бўлганлигини кўрсатувчи археологик белги - саройнинг бўлиши илк давлатчиликнинг бўлганлиги хусусида фикр юритишга имкон беради.

---

<sup>1</sup>Ахмадали Аскаров. Энг қадимий шаҳар ... – Б. 24.

Т.Ш. Ширинов томонидан Жарқұтон олов ибодатхонасининг очилиши ва фанга киритилиши бу ерда бронза даврида марказлашган диннинг шаклланғанligини күрсатувчи археологик манба бўлиб ҳизмат қилди.

Жарқұтон аҳолиси ҳалқаро савдога ҳам асос солғанligини тасдиқловчи археологик манбалар тўпланди. Бу ёдгорликдан Месопотамия ҳудудига хос бўлган моддий маданият излари - муҳрларнинг топилиши, бронза даврида факат Месопотамия ва Хараппа ҳудудига хос бўлган сирланган идишларнинг бу ердан топилиши Жарқұтонликларнинг Қадимги Шарқ шаҳар - давлатлари аҳолиси билан узвий маданий алоқада бўлғанligини тасдиқлайди. Бундан ташқари Жарқұтонликларнинг Хараппа маданияти ёки Евроосиё минтақаси кўчманчи - чорвадор Андроново маданияти билан яқиндан маданий ва иқтисодий алоқада бўлғанлиги тўғрисида ҳам археологик маълумотлар етарлича тўпланган<sup>1</sup>.

Таклиф этилаётган илк давлатчиликнинг археологик белгилари орасида ёзув масаласини ҳам ижобий ечиш имконияти туғилмоқда. Негаки, сўнгги йилларда Жарқұтон ёдгорлигидаги тадқиқотлар натижасида, сополларга битилган пиктографик ёзув - белгиларнинг топилиши бунга мисол бўлади. Шу бугунга қадар 47 та шундай белги - ёзув топилган бўлиб, шу сингари пиктографик ёзувлар Хараппа, Марказий Эрон ёдгорликларида аниқланган<sup>2</sup>. Демак, ишлаб чиқилган илк давлатларнинг археологик белгилари асосида ва Жарқұтон ёдгорлигидан топилган моддий маданият намуналарини Қадимги Шарқ шаҳар-давлатлари билан таққослаш натижасида Жарқұтон ёдгорлигини илк шаҳар-давлатлар тоифасига киритиш мумкин.

### 1.5. Илк давлатлар типологияси.

Илк давлатларни типларга бўлиш масаласида тарих фанида икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, биринчи ёндашувда формацион қарашлар, иккинчи

<sup>1</sup> Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... С.42; Рахманов У.В, Шайдуллаев Ш.Б. О влиянии культур степной бронзы на керамические комплексы Сапаллинской культуры // ОНУз, 1985, № 11. - С. 58-63; Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннезеленого века. - Ташкент, 2000. - С. 85-93.

<sup>2</sup> Ali Xakemi. Shahdad. - Roma, 1997. – Р.239.

йўналишда цивилизацион қараш асос қилиб олинган. Биринчи йўналиш асосчилари Марксизм асосчилари бўлса, иккинчи йўналишга инглиз олими А. Тойнби асос солган. А. Тойнби ер юзида инсоният тарихи 21 та цивилизацияни ўз бошидан ўтказганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Илк давлатлар типологияси масаласида Ўзбекистон тарихида жуда кам иш қилинган. Бу масалада А.С. Сагдуллаев тадқиқотлари диққатга молик. У Ўрта Осиёning жанубий ҳудудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини қуидаги давларга - типларга бўлиб ўрганган:

1. Бронза даврига оид қадимги деҳқончилик ўлкаларида илк давлатчилик белгиларининг пайдо бўлиши даври;
2. Бронза давридан илк темир даврига ўтиш (мил.ав. X-VIII асрлар) даврида Арёшайана - кичик давлат бирлашмаларининг пайдо бўлиши даври;
3. Илк темир даврида (мил.ав. VII-IV асрлар) Қадимги Бақтрия типидаги - йирик давлат бирлашмаларининг пайдо бўлиш даври<sup>2</sup>.

Бу масалада яқинда чоп этилган «Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқук тарихидан лавҳалар» китобида академик Э.В. Ртвеладзе Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлатларни бошқарилиш усулига қараб қуидаги типларга бўлган:

1. Подшоҳлик, бошқарув усули - мутлақ монархия;
2. Конфедератив подшоҳлик, бошқарув усули - чегараланган монархия;
3. Ер эгалиги (владения) бошқарув усули - авлоддан авлодга ўтувчи шоҳлик<sup>3</sup>.

Худди шу китобда Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари олтида босқичга бўлинган<sup>4</sup>. А.С. Сагдуллаев ҳам Э.В. Ртвеладзе ҳам Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик тарихини сўнгги бронза давридан бошлайдилар ва мил.ав. II минг

<sup>1</sup> Тойнби А.Ж. Постигнение истории. - М.: 1991; Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. - М.: 1992; Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқук тарихидан лавҳалар. - Тошкент, Адолат, 2001. Б. 18-19.

<sup>2</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии ... - С. 40-41; Сагдуллаев А.С., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I-қисм. - Тошкент, Академия, 2000. Б. 22-31.

<sup>3</sup> Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси ... Б. 54-57.

<sup>4</sup> Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси ... Б. 48-50.

йилликнинг иккинчи ярмида давлатчиликнинг илк куртаклари пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар.

Бронза ва илк темир даври бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчилар эса бронза даврида - Жарқўтонда илк давлатчиликнинг «Чифдом», «Карликовое государства» каби кўринишлари бўлган, деган хуносага келишган<sup>1</sup>.

Илк давлатлар типологияси масаласида И.М. Дъяконов ва В.А. Якобсон тадқиқотлари диққатга сазовор. Улар Яқин Шарқ мисолида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги қуидаги учта босқични кўрсатиб беришган:

1. Давлатларнинг энг қадимги формаси «шаҳар-давлатлар» ёки «ном»;
2. Худудий подшоҳликлар (худудий давлатлар);
3. Йирик давлатлар - империялар<sup>2</sup>.

Давлатчиликнинг энг қадимги шакли шаҳар-давлатлар қадимги Шумерда нисбатан яхши ўрганилган. Бу ерда шаҳар-давлатлар мил.ав. III минг йилликда пайдо бўлади. Улар унча катта бўлмаган ҳудудда, аниқроғи, бир жамоа эгаллаган ҳудудда ёки бир-бири билан узвий боғлиқ бир неча жамоа ҳудудларида ташкил топади. Аксарият ҳолларда шаҳар-давлатлар бирон-бир табиий чегара (тоғ, денгиз, чўл) билан чегараланган бўлган. Мана шундай аниқ чегараланган ҳудудга эга бўлган давлатлар «номлар» деб юритилган. Бундай шаҳар-давлат марказида шу ҳудуднинг бош «илоҳ»ига бағищлаб қурилган ибодатхона турган. Унинг атрофида маъмурият, озиқовқат, қурол-яроғ омборлари, хунармандчилик устахоналари жойлашган. Уларнинг ҳаммаси ҳимояланиш мақсадида мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шу тариқа, илк давлат маркази - шаҳар юзага келган. Шаҳар атрофларида эса бир неча қишлоқлар жойлашган бўлган. Улар сиёсий жамланган ҳолда илк давлатларнинг биринчи босқичи - шаҳар-давлатларни ташкил қилган<sup>3</sup>. Қадимги Шумерда мил.ав. III минг йиллик давомида шаҳар-

<sup>1</sup> А.А.Аскarov, Т.Ш.Ширинов. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... - С.85.

<sup>2</sup> И.М.Дъяконов, В.А.Якобсон. «Номовые государства» ... - С. 3-11.

<sup>3</sup> И.М.Дъяконов, В.А.Якобсон. «Номовые государства» ... - С.3-11.

давлатлар босқичи давом этган. Шумер ҳудудида 13 та мустақил шаҳар-давлатлар ҳукм сурган<sup>1</sup>.

Илк давлатлар ривожланишининг иккинчи - ҳудудий давлатлар босқичига тадқиқотчилар Қадимги Шарқдаги Хетт, Метаний, Ўрта Оссурия подшоҳликларини мисол қилиб кўрсатишади<sup>2</sup>. Бу подшоҳликлар «шаҳар-давлат»ларнинг ҳарбий иттифоқи характерида бўлган. Бунда кучсизроқ шаҳар-давлатлар ўз ички муҳториятини сақлаган ҳолда, ўзидан кучлироқ марказий давлатга хирож тўлашга ёки ҳарбий ёрдам беришга мажбур бўлган.

Давлатчилик ривожланишининг учинчи босқичи - «империя»лар даври бўлиб, И.М. Дъяконов ва В.А. Якобсонларнинг фикрича бу мил.ав. IX-VII асрлардаги Оссурия империяси давридир. «Империя»лар учун давлатга зўрлик билан бириктирилган иқтисодий, жўғрофий, маданий ва этник жиҳатдан ҳар хил бўлган улкан ҳудудлар характерлидир. Ушбу ҳудудлар ягона марказдан бошқарилган. Шунингдек, ҳудудий подшоҳликлар давридан фарқли равишда «империя»лар учун маъмурий бўлинишлар (вилоят, ўлка, сатраплик) ҳам хос бўлган. «Империя»нинг бўлиши учун мукаммал қуролланган ва яхши ҳарбий тайёргарликка эга бўлган доимий қўшиннинг бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир<sup>3</sup>.

Сўнгги йилларда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида олиб борилаётган археологик ишлар натижасида ilk давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари борасида янги маълумотлар олинмоқда. Бу маълумотларни Қадимги Шарқ ilk давлатлари ашёвий манбалари билан таққослаш имконияти туғилди. Марказий Осиё ҳудудидаги Алтиндепе, Намозгоҳдепе, Улуғдепе, Гонур, Тоголок (Жанубий Туркманистон), Дашли (Шимолий Афғонистон) ва Жарқўтон (Жанубий Ўзбекистон) ёдгорликлари барча археологик белгилари билан ilk давлатлар тараққиётининг биринчи - «шаҳар-давлат» босқичига тўғри келиши кузатилмоқда. Улар кичик бир воҳа миқёсида ташкил топган «шаҳар-давлат»лар маркази вазифасини

<sup>1</sup> В.И.Гулев. Типология древних государств: Месопотамия и Мезамерика ... - С.76-77.

<sup>2</sup> И.М.Дъяконов, В.А.Якобсон. «Номовые государства» ... - С. 5-6; Гулев В.И. Типология древних государств: Месопотамия и Мезамерика ... - С. 83.

<sup>3</sup> И.М.Дъяконов, В.А.Якобсон. «Номовые государства» ... - С. 3-11.

бажарганлиги ёки Қадимги Шарқ «шахар-давлат»ларига монандлигини кузатиш мумкин. Ўрта Осиёда жойлашган бу ёдгорликларни, ўзаро таққослаш ва шу асосда бу ердаги «шахар-давлат»лар типини аниқлаш, давлатчиликнинг илк босқичи ҳисобланган «шахар-давлат»ларнинг хронологик даврларини аниқлаш лозим бўлади.

Қадимги Шарқдаги давлатчиликнинг иккинчи босқичи - подшоҳлик (худудий давлат)ларни ҳам археологик жиҳатдан кузатиш имконияти туғилмоқда. Археологик ёдгорликларни типларга ажратиш ва уларни сұғориши иншоотлари асосида жойлашишига қараб, районларга, дәхқончилик воҳаларига ажратиш имкониятлари туғилди.

Илк темир даврида Шимолий Бақтрия худудида учта дәхқончилик воҳаси бўлганлиги, уларнинг марказлари (Қизилтепа, Жондавлаттепа, Хайтободтепа) археологик жиҳатдан аниқланмоқда<sup>1</sup>. Худди шундай ҳолат Сўғдда (Сангиртепа, Узунқир, Еркўргон, Кўктепа, Афросиёб), Фарғонада (Далварзинтепа, Чуст, Ашқолтепа) ҳам кузатилмоқда<sup>2</sup>. Бу дәхқончилик ўлкаларини худудий давлатлар типига киритиш, уларнинг конфедерацияси натижасида эса Қадимги Бақтрия подшоҳлиги, Қадимги Сўғд подшоҳлиги пайдо бўлганлиги ёки Қадимги Фарғона подшоҳлиги назариясини фан оламига олиб кириш вақти етди. Олдимиизда турган мана шу вазифани бажара олсак, Қадимги Бақтрия ёки Қадимги Хоразм давлатлари шу вақтгача айтилиб келинаётганидек, Марказий Осиёнинг энг қадимги давлатлари эмас, балки Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг иккинчи - ҳудудий давлатлар босқичига оидлигини исботлаган бўламиз.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Қадимги Шарқда илк давлатлар типологиясининг учинчи - империялар босқичи Оссурия империяси билан боғланса, Ўрта Осиёда бу босқич мил.ав. VI-IV асрлар билан характерланади, яъни бу худудлар ҳам Аҳамонийлар империяси таркибиға киритилган. Ўрта

<sup>1</sup> Ш.Б.Шайдуллаев. Северная Бактрия в эпоху раннежелезного века ... - С. 18-21.

<sup>2</sup> Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самарканского Согда ... – С.42; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Ташкент-Самарканд, 2000; Заднепровский Ю.А. Раннежелезный век Ферганы и проблемы возникновения Даваньского государства // Раннежелезный век Средней Азии и Индии. Тезисы докладов Советско-Индийского симпозиума. - Ашгабад, 1984; Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона ... – Б. 23-40.

Осиёда Аҳамонийлар даврида давлатчиликнинг энг илғор усуллари жорий этилган, деган фикр тарихчилар ўртасида ҳукмронлик қилиб келади. Диссертациянинг Аҳамонийлар даврига бағишлиланган қисмида янги маълумотлар асосида бу фикрларга холис муносабатларимизни билдирамиз.

### I. 6. Дин, диний қарашларнинг ривожланиши ва давлатчилик.

Диний қарашларнинг пайдо бўлиши тўғрисида ҳеч қандай ёзма манбалар йўқ. Негаки, диний қарашлар ёзув пайдо бўлишдан анча олдин юзага келган. Аниқ ишонч билан айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда халқларнинг ибтидоий диний қарашлари сўнгги палеолит давридан бошлаб пайдо бўла бошлаган. Мустеъ даврига оид Тешиктош горидан топилган неандертал бола қабридан қизил ранг, охра изларининг топилиши ва қабрнинг ҳайвон шохлари билан ўралиши бу фикрнинг ашёвий далили бўлиб ҳизмат қиласди<sup>1</sup>.

Неолит ва энеолит даврида, яъни қон - қариндошликка асосланган уруғчилик жамоаси даврида жамоанинг алоҳида ажратилган саждагоҳ-сифиниш хоналари пайдо бўлади. Бу даврда бутун жамоа учун битта умумий сифиниш хонасининг бўлиши характерлидир. Худди шундай хоналар Песседжик, Чакмакли, Яссидепе, Ялангач ёдгорликларида ўрганилган<sup>2</sup>.

Патриархал оилаларнинг пайдо бўлиши билан ҳар бир оиланинг ўз сифиниш хоналари бўлиши В.М. Массон томонидан Алтындейпен ёдгорлиги мисолида кузатилган<sup>3</sup>. Ялангач ёдгорлигига шу сингари хоналар оддий хоналарга нисбатан бир неча марта катта бўлиб, деворларига лой ёпиширилиб, илоҳий белгилар билан безатилган. Ушбу хоналарда жойлашган илоҳий ўчоқлар хўжалик ўчоқларидан тубдан фарқ қилиб, оловхона иккига ажратилган. Ўчоқларда олов паст ёнганлигидан ўчоқ

<sup>1</sup> Окладников А.П. Исследование мустеъской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш. Южный Узбекистан. Тешик-Таш. Палеолитический человек. - М.: 1949.

<sup>2</sup> Сарианиди В.И. Культовые здания поселений анауской культуры // СА, 1962, №1. - С.64; Хлопин И.Н. Геоксюрская группа поселений эпохи энеолита. - М.: Л., 1964. – С. 158; Бердыев О.К. Материальная культура Туркменистана в период неолита и раннего энеолита // Первобытный Туркменистан. - Ашгабад, 1976. – С. 87-91.


<sup>3</sup> Массон В.М. Алтындейпен эпоху энеолита. // СА, 1977, №3. - С. 165.

деворлари оловда куймаган<sup>1</sup>. Патриархал оилаларнинг ўз сифиниш хоналарининг бўлиши, бу хоналарда доира шаклидаги алтарларнинг жойлашиши сўнгги бронза давригача сақланади<sup>2</sup>.

Илк шаҳар - давлатларнинг пайдо бўлиши билан алоҳида ёки маҳсус жамоа ибодатхоналари шакллана бошлайди. Уларнинг хўжалиги ташкил этилган, иқтисодий жиҳатдан оёққа турган ибодатхона хизматчилари йирик диндорларга айланган. Улар ҳам давлатни бошқариш ишларида фаол иштирок этган<sup>3</sup>. Ўрта Осиёда жамоалар тараққиётини кузатиш мобайнида диний қарашларнинг ривожланишини ҳам кузатиш мумкин. Уларнинг ривожланиши бир-бирига ўзаро тадрижий боғлиқ ҳолда кечган.

#### 1.6.1-жадвал

##### Жамоалар тараққиётига монанд диннинг ривожланиши



Қадимги Шарқда ибодатхона коҳинлари йирик ер эгалари ҳамда қул эгалари ҳисобланишган. Савдо билан шуғулланишган. Давлат одамлари диндорларга ва ибодатхоналарга таянишган<sup>4</sup>. Давлатлар тўлиқ шаклланганидан сўнг дин ўша давлатнинг мафкурасига хизмат қилган, давлат бошликлари эса илохийлаштирилган. Нубиядан то Шимолий

<sup>1</sup> Хлопин И.Н. Геоксюрская группа поселений эпохи энеолита. - М.: Л., 1964. – С.161.

<sup>2</sup> Массон В.М. Алтын-депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. - Л., 1981. - С. 35-55.

<sup>3</sup> Дьяконов И.М. Община на древнем востоке в работах Советских исследователей // ВДИ. - М.: 1963, . - № 1.

<sup>4</sup> Дьяконов И.М. Община на древнем востоке в работах Советских исследователей ... - С.5-17.

Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда империя тузган Аҳамонийлар шоҳларига «худонинг ердаги вакиллари» деб таъриф берилган ва уларга сифинишган<sup>1</sup>.

Қадимги Шарқда бир халқ ўз динини иккинчи халқ динига қарши кўймаган. Жарқўтон, Бўстон ёдгорликларида крематориянинг, мурдаларни куйдирадиган иншоотларнинг пайдо бўлиши<sup>2</sup>, ерли халқ урф-одати ва кўчманчи халқ анъаналарининг бир ҳудуд, яъни бир шаҳар ҳудудида бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Аҳамонийлар империяси шоҳлари ҳам нафақат ўз дини, балки Миср, Бобил, Юнон ва бошқа ерли ҳалқлар худоларига сифинишган. Ерли аҳоли ибодатхоналарига форс шоҳлари номидан қурбонликлар келтиришган<sup>3</sup>. Бу албатта, империя бирлигини сақлаш учун давлат амалдорларининг диндан моҳирона фойдаланганлигининг бир кўринишидир.

Демак, диннинг ривожланиши жамоалар тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан, якка худоликка асосланган динлар юзага келади ва давлат мафкурасига ҳизмат қиласди.

Ушбу бобга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки:

1. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида жамоаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Қадимги Шарқ жамоалари тараққиётига монанд ҳолда ривожланган. Жамоалар тараққиёти ҳудудларда бир текисда ривожланмаган, аммо Қадимги Шарқнинг барча ҳудудларида жамоалар оила → патриархал оила → қишлоқ жамоаси → илк шаҳар босқичларидан ўтган.

Жамоалар ибтидоий жамоа тузуми сўнггида пайдо бўлган ишлаб чиқариш хўжалигидан иборат бўлиб, ўзига хос бошқарув усусларида эга бўлган. Жамоа оқсоқоллари ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, тартибни, осойишталикни сақлаш ва қўшни жамоалар билан алоқа қилиш каби муносабатларни бажарган.

<sup>1</sup> Дандамаев М.А. Государства и религия на древнем ближнем Востоке // ВДИ. - М.: 1985, №2. - С. 3-9.

<sup>2</sup> Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры // Российские вести. Вып. 4. - С. 63-70; Avanесова N.A. Spatbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flussoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // AMIT 29, 1997. - Р. 147-178.

<sup>3</sup> Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. М.: 1980. - С. 340.

Жамоаларни бошқариш усулини, айниқса қишлоқ жамоасини бошқаришни бир қолипга солиб бўлмайди. Қишлоқ жамоасини бошқаришда шу қишлоқнинг ишлаб чиқариш усули нимага асосланганлигига асосий эътиборни қаратиш лозим. Жамоа аъзоларини жисплаштириб турган дин бирлигига ва дин намоёндаларининг ёки бошқа бир қатлам - ҳарбийларнинг (куролли кишилар гурухи) жамоада тутган ўрнини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Жамоаларнинг ривожланиши шуни кўрсатмоқдаки, илк давлат белгилари давлат пайдо бўлмасдан аввал, жамоанинг турли босқичларида пайдо бўлган. Ибтидоий бўлса-да, бошқарув усули ва унинг такомиллашиб бориши, меҳнат таҳсимоти ва маҳсулотларни айрибошлашнинг бошланиши ва ниҳоят жамоалар иттифоқининг шаклланиши давлатчиликка бўлган талабни янада оширган.

2. Ўрганилаётган маданиятда илк синфий жамият шаклланганлигини асосан тўртта археологик белги асосида гапириш мумкин. Булар ёдгорликлар иерархиясининг кузатилиши, қабрлар ва уларда учрайдиган археологик топилмаларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари, ривожланган ҳунармандчилик ва илк шаҳар маданиятининг шаклланганлигидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўрсатиб ўтилган мана шу тўртта археологик белгидан биронтаси аниқланмаса, иқтисодий асоси дехқончиликка асосланган маданиятда илк синфий жамият ўрнатилган деб бўлмайди. Аммо ўрганилаётган маданият аҳолиси ижтимоий гурухларга ажralган бўлиши табиий ҳол ҳисобланади.

3. Илк шаҳарлар илк давлатларнинг маркази сифатида пайдо бўлган. Уларнинг ривожланиши ҳам бир-бирига боғлиқ ҳолда кечган. Шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қуйидаги даврларга бўлинади:

- а) шаҳар - дехқончилик ўлкалари доирасидаги «ном» типидаги ҳокимликлар маркази (шаҳар-давлатлар);
- б) шаҳар - ҳудудий давлат маркази;
- в) шаҳар - марказлашган давлатлар, империялар маркази.

4. Тарих фанида биринчи марта илк давлатларнинг 11 та ижтимоий ва 24 та археологик белгиси ишлаб чиқилди. Ижтимоий белгиларни археологик белгилар белгилайди. Шу белгилар асосида Жарқўтон ёдгорлигини илк давлатларнинг шаҳар-давлатлар тоифасига оидлиги кўрсатиб ўтилди.

5. Қадимги Шарқ тарихи учун ишлаб чиқилган илк давлатлар типологиясини (шаҳар-давлат, ҳудудий давлат ва империя) Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун қўллаш таклиф этилди. Ушбу типологиянинг Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига мос келиши кўрсатиб ўтилди.

6. Жамоаларни ва илк давлатларни бошқаришда муҳим рол ўйнаган диннинг ривожланиши жамоалар ва илк давлатларнинг ривожланиши билан ҳамоҳанг кечган.

## **П-БОБ. БАҚТРИЯНИНГ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ МАДАНИЯТЛАРИ ХРОНОЛОГИЯСИ**

Ўрта Осиёning бронза ва илк темир даври ёдгорликларини даврлаштириш масаласи археология фанида энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу масалада тадқиқотчиларнинг фикрлари ҳам ҳар хил. Узок йиллар фанда В.М. Массоннинг Номозгоҳ ва Ёз депе ёдгорликлари асосида ишлаб чиқилган хронологик жадвали Ўрта Осиёning бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг хронологиясини аниқлашда асосий «дастур ул амал» сифатида қўлланиб келинди<sup>1</sup>. Шу жадвал асосида Ўрта Осиёning бошқа бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг хронологик даври аниқланди.

Ҳар бир ёдгорлик ёки маданиятнинг хронологик даврини аниқлашда ёдгорликнинг ички стратиграфияси асосида кетма-кет маданий қатламлардан олинган намуналарни бошқа маданият ашёлари билан таққослаш туфайли объектнинг хронологик даври аниқланади. Бу археология амалиётида кенг қўлланиб келинган энг ишончли усуллардан бири ҳисобланади. Сополли, Кучук ва Қадимги Бақтрия маданиятларининг хронологияси худди шу усулда ишлаб чиқилган<sup>2</sup>. Қадимги маданиятларнинг ёшини аниқлашда кенг қўлланиб келинаётган яна бир усул - бу радиоуглерод усулидир (C/14). Маданиятларро кенг тарқалган ашёлар ёрдамида ёдгорлик хронологиясини аниқлаш ишончли усуллардан ҳисобланади. Масалан, Қадимги Шарқ маданиятларида кенг тарқалган хлорид (стеотит), лазурит, аргелит тошлардан ясалган бежирим буюмларни айтиб ўтишимиз мумкин. Ушбу усул Сополли маданияти хронологияси учун биринчи марта қўлланилмоқда. Негаки, шу сингари идишлар Жарқўтон ёдгорлигидан сўнгги йилларда топилди.

Маълумки, Сополли ва Кучуктепа маданиятлари ёдгорликларининг хронологик даврини аниқлашда асосан Номозгоҳ ва Ёз депенинг хронологик

<sup>1</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959, №.73. – С.178.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы ... - С.117; Аскаров А.А, Абдуллаев Б.Н. Джаркутан... - С. 91; Рахманов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы южного Узбекистана. Автореф.дисс. ... канд.ист.наук, Самарканд, 1987. – С.21.

даври асос қилиб олинган эди. А.А. Аскаров ва у яратган археология мактаби аззолари томонидан сўнгги йилларда Шимолий Бақтрияниг бронза ва илк темир даври учун ўзига хос хронологик даврлаштириш жадвали таклиф этилди. Бу жадвалга кўра Сополли маданияти 5 та босқичга бўлинди: Сополли, Жарқўтон, Кўзали, Мўлали ва Бўстон<sup>1</sup>. Давр жиҳатидан бу хронологик жадвал мил.ав. XVII - X асрларни ўз ичига олади.

Ўз навбатида Шимолий Бақтрияниг илк темир даври 4 та босқичга бўлинган, яъни Кучук I, Кучук II, Кучук III, Кучук IV<sup>2</sup>. Давр жиҳатидан илк темир даври мил.ав. X-IV асрларни ўз ичига олади. Бронза ва илк темир даври ёдгорликларида икки хил - горизонтал ва вертикал стратиграфия кузатилган.

Сополлитепа ёдгорлигига З та, Жарқўтон ёдгорлигининг Жарқўтон босқичига оид З та, Кўзали, Мўлали ва Бўстон босқичларига тегишли биттадан қурилиш даври хослиги кузатилган. Маълумки, А.С. Сагдуллаев Бақтрияниг илк темир даври ёдгорликларида бир қурилиш даврини ўртacha 75-100 йил давом этган деб ҳисоблайди<sup>3</sup>. Бундан ташқари Алтын-депенинг юқори 10 та қурилиш босқичи мил.ав. 3000-2000 йиллар оралиғида фаолият кўрсатгани, яъни ҳар бир қурилиш босқичининг хронологик даври 100 йил атрофида давом этганлиги қайд этилган<sup>4</sup>. Агар мана шу ҳисобни Сополли маданияти учун қўлласак, унинг умумий давом этган вақти 9 та қурилиш босқични, яъни 900 йилни ташкил этади.

## 2.1 - жадвал

### Сополли маданияти ёдгорликларида қайд этилган қурилиш босқичлар

Сополли маданиятининг	Ёши (мил.ав.)	Давом этган қурилиш даври	Қайд этилган қазишма
-----------------------	---------------	---------------------------	----------------------

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана ... - С. 89-101; Аскаров А.А, Абдуллаев Б.Н. Джаркутан ... - С. 91; Рахманов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы ... - С. 21; Аскаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... - С. 81-92.

<sup>2</sup> Аскаров А.А, Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... – С. 37-41; Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... – С. 67-71.

<sup>3</sup> Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии ... С. 37.

<sup>4</sup> Кирчо Л.Б, Попов С.Г. К вопросу о радиоуглеродной хронологии древнейших цивилизаций Средней Азии. // Stratum plus. №2. От Балкан до Гималаев: Время цивилизаций. - Санкт-Петербург, - Кишенёв, - Одесса, 1999. - С. 350-361.

хронологик даври			
Сополли босқичи	1700-1500 йиллар	3	Сополлитепа
Жарқұтон босқичи	1500-1350 йиллар	3	Жарқұтон, № 5, 6 тепаликлар
Күзали босқичи	1350-1200 йиллар	1	Жарқұтон, № 6, 8 тепаликлар
Мұлали босқичи	1200-1050 йиллар	1	Жарқұтон, № 6 тепалик
Бўстон босқичи	1050-900 йиллар	1	Жарқұтон, № 7 тепалик

А.А. Аскаров археология мактаби аъзолари таклиф этган Сополли маданиятининг умумий давом этган хронологик даври 800 йилни ташкил этади. Ҳар бир қурилиш даврини А.С. Сагдуллаевнинг минимал ҳисоби бўйича 75 йил деб оладиган бўлсак, Сополли маданиятининг умумий давом этган вақти тўғри олинганилиги кўринади. Лекин, ҳар бир даврнинг давом этган вақтини аниқлашда Сополли маданияти тадқиқотчилари томонидан аниқланган қурилиш даврларининг давом этиш сони инобатга олинмаган. Агар қурилиш даври бўйича ҳисоблайдиган бўлсак, Сополли даври 225-300, Жарқұтон даври 225-300, қолган даврлар эса бир қурилиш давридан, яъни 75-100 йилдан давом этган.

Қурилиш даври қанчалик кўп давом этган бўлса, олинган маълум бир қабристонда шу даврга оид шунча кўп қабрлар учраган. Масалан, тўлиқ ўрганилган Жарқұтон IVa қабристонида жами 719 та қабр очилган бўлиб, шундан 350 таси Жарқұтон, 161 таси Кўзали, 220 таси Мұлали даврига оидлиги аниқланган<sup>1</sup>. Шуни айтиб ўтиш жоизки Жарқұтон IVa қабристони ўрганилган вақтда Бўстон даври Мұлали давридан ажратилмаган эди. Шунинг учун Мұлали даври қабрлари статистик жиҳатдан Кўзали даври қабрларидан бироз кўпроқ учраган. Демак, Жарқұтон IVa қабристонида энг узоқ давом этган Жарқұтон даври қабрлари сон жиҳатдан энг кўп, қолган даврлар қабрлари сони ҳам қурилиш даври сонларига монанд равишда учрайди.

Сўнгги йилларда Америка ва Европа олимлари Ўрта Осиёнинг бронза даври ёдгорликлари ёшини 300-400 йилга қадимийлаштириш ғояси билан

<sup>1</sup> Аскаров А.А, Абдуллаев Б.Н. Джаркутан ... - С. 8-13.

чиқдилар. Бу ғоянинг асосида Ўрта Осиё ёдгорликларидан олинган С/14 радиокарбон анализлари натижалари ва моддий маданият намуналарини Қадимги Шарқнинг энг ривожланган маданият марказлари моддий манбалари билан таққослаш ётади<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё археологияси билан шуғулланаётган тадқиқотчилар ўртасида ушбу ғоя, яъни маданиятларни «қадимилаштириш» ғояси тарафдорлари ҳам пайдо бўлган бўлса<sup>2</sup>, айрим тадқиқотчилар энг аввал ички стратиграфияга таяниш кераклиги хусусида гапириб, С/14 анализларини қабул қилишда эҳтиёт бўлиб ёндашишга, С/14 усулини янада такомиллаштиришга, бу борада археологлар билан аниқ фанлар вакилларини ҳамкорликка чақиради<sup>3</sup>.

А.А. Аскаров томонидан Сополли маданияти ёдгорликлари маданий қатламларидан олинган органик қолдиқлар радиокарбон (С/14) анализи қилинган<sup>4</sup>. Сополлитепадан олинган анализ мил.ав. 1690 йилни, Жарқўтондан олинган анализ эса мил.ав. 1560 йилни қўрсатган. Шундан сўнг С/14 усули анча такомиллашиб, аниқланган ёшни калибрлаштириш ҳам бошланди. Ф. Колл Сополлитепанинг ёшини калибрлаштириш бўйича мил.ав. 2190-1880 йиллар деб белгилаган бўлса<sup>5</sup>, Ф. Хиберт мил.ав. 2277-1745 йиллар оралиғида деб ҳисоблайди<sup>6</sup>.

Ўзбек-Олмон Бақтрия экспедицияси томонидан Жарқўтон ёдгорлиги ёшини аниқлаш учун 23 та радиокарбон (С-14) анализи ўтказилди. Радиокарбон анализлар Германия археология институти Евроосиё бўлими

<sup>1</sup> Kohl Ph.L. Central Asia. Palaeolithic Beginnings to Early Iron Age. - Paris, 1984. P.310; Kohl Ph.L. Central Asia (Western Turkestan): Neolithic to the Early Iron Age // Chronologies in Old World Archaeology. Ed. by Ehrich R.W. - Chicago. Vol. I: - P.179-195; Vol. II: - P.154-162; Hiebert F.T. Chronology of Margiana and Radiocarbon Dates // Information Bulletin of IASCCA. - Moskov, 1993, Issue 19: -P.136-148; Hiebert F.T. Origins of the Bronze Age Oasis Civilization in Central Asia // American School of Prehistoric Research Bulletin. 42. - Cambridge, 1994. – P.89-95; Salvatori S. Protohistoric Margiana: on a Recent Contribution // «IASCCA. Information Bulletin», 19. - Moscow 1993 // Revista di Arheologia. - Venice, 1995. Anno XIX: -P. 38-54.

<sup>2</sup> Массон В.М. Древние цивилизации востока и степные племена в свете данных археологии // Stratum plus. №2. От Балкан до Гималаев: Время цивилизаций. - Санкт-Петербург. – Кишинев. – Одесса, 1999. - С. 265-297; Сарианиди В.И. Маргуш (Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб). - Ашгабат, 2002; Долуханов П.М-, Щетенко А.Я., Тоси М. Серия радиоуглеродных датировок наслойений эпохи бронзы на Намазга-депе // СА. 1985, №4. - С. 118-123.

<sup>3</sup> Кирчо Л.Б, Попов С.Г. К вопросу о радиоуглеродной хронологии ... - С. 352.

<sup>4</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана ... - С. 101.

<sup>5</sup> Kohl Ph.L. Central Asia (Western Turkestan): Neolithic to the Early Iron Age ... –P. 154-162.

<sup>6</sup> Hiebert F.T. Origins of the Bronze Age Oasis Civilization in Central Asia ... - P. 89-95.

қошидаги лобараторияда амалга оширилда. Анализлар учун ашёлар Жарқұтоннинг «арқ», № 4 ва № 6 тепаликларидан олинди<sup>1</sup>. Қуйида ушбу анализларнинг хulosасини берамиз.

## 2. 2 - жадвал

### Жарқұтон ёдгорлигидан олинган радиокарбон анализлари натижалари

№	Қазишло жойи	Анализ олинган вакт	Лаборатория анализ №	Қатламнинг хронологик даври	C14 анализ натижаси ва калибрлашиши
1.	Жарқұтон № 4 тепа Қазишло 1	12. 5. 2000	Bln-5303	Жарқұтон	3590+29 BP 2010-2000 cal BC 1980-1970 cal BC 1960-1880 cal BC
2.	Жарқұтон № 4 тепа Қазишло 1	5. 4. 2000	Bln-5302	Жарқұтон	3529+33 BP 1920-1900 cal BC 1890-1720 cal BC
3.	Жарқұтон № 4 тепа Қазишло 1	10. 5. 1997	Bln-5008	Жарқұтон	3505+37 BP 1890-1740 cal BC
4.	Жарқұтон № 4 тепа Қазишло 1	30. 4. 1998	Bln-5017	Жарқұтон	3474+29 BP 1880-1840 cal BC 1820-1790 cal BC 1780-1740 cal BC
5.	Жарқұтон «арқ» Қазишло 4	8. 4. 1997	Bln-5009	Жарқұтон	3465+37 BP 1880-1840 cal BC 1820-1884 cal BC 1780-1730 cal BC
6.	Жарқұтон № 6 тепа Қазишло 16a	15. 5. 2000	Bln-5290	Жарқұтон	3636+32 BP 2110-2100 cal BC 2040-1940 cal BC
7.	Жарқұтон № 6 тепа Қазишло 12c	4. 4. 2000	Bln-5300	Жарқұтон	3494+29 BP 1880-1740 cal BC
8.	Жарқұтон № 6 тепа Қазишло 5X	17. 5. 2000	Bln-5301	Жарқұтон	3323+47 BP 1690-1670 cal BC 1660-1650 cal BC 1640-1520 cal BC
9.	Жарқұтон № 6 тепа Қазишло 5X	16. 5. 2000	Bln-5304	Жарқұтон	3459+29 BP 1880-1840 cal BC 1810-1800 cal BC 1780-1730 cal BC 1710-1690 cal BC
10.	Жарқұтон № 6 тепа Қазишло 14a	14. 5. 1999	Bln-5140	Жарқұтон	3544+31 BP 1940-1870 cal BC 1850-1810 cal BC 1800-1770 cal BC

<sup>1</sup> Görsdorf J., Huff D. C/14-Datierungen von Materialien aus der Grabung Džarkutan, Uzbekistan // AMIT. Band 33. - Berlin, 2001. - P.75-87.

11.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 13f	30. 4. 1999	Bln-5146	Жарқұтон	3505+29 BP 1890-1770 cal BC
12.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 11c	26. 4. 1998	Bln-5012	Жарқұтон	3274+33 BP 1620-1510 cal BC
13.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 13b	17. 4. 1997	Bln-5010	Жарқұтон	3336+31 BP 1690-1600 cal BC 1570-1520 cal BC
14.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 13b	24. 4. 1997	Bln-5011	Жарқұтон	3418-37 BP 1860-1840 cal BC 1770-1680 cal BC 1670-1660 cal BC 1650-1660 cal BC
15.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 13d	9. 5. 1998	Bln-5013	Жарқұтон	3414+29 BP 1750-1680 cal BC 1670-1660 cal BC
16.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 13e	30. 4. 1999	Bln-5141	Жарқұтон	3510+35 BP 1890-1750 cal BC
17.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 13e	1. 5. 1999	Bln-5142	Жарқұтон	3433+29 BP 1860-1840 cal BC 1770-1680 cal BC
18.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 12 c	24. 4. 1998	Bln-5015	Жарқұтон	3322+32 BP 1680-1670 cal BC 1660-1650 cal BC 1640-1520 cal BC
19.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 12 c	19. 5. 1998	Bln-5016	Жарқұтон	3375+33 BP 1740-1710 cal BC 1700-1610 cal BC
20.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 12d	16. 4. 1999	Bln-5145	Жарқұтон	3388+32 BP 1740-1620 cal BC
21.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 14 a	23. 4. 1998	Bln-5014	Күзали	3285+39 BP 1620-1510 cal Bc
22.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 5 p	18. 4. 1999	Bln-5143	Күзали	3337+29 BP 1690-1600 cal BC 1570-1530 cal BC
23.	Жарқұтон № 6 тела Қазиши ма 15	15. 5. 1999	Bln-5144	Күзали	3256+34 BP 1610-1560 cal BC 1540-1490 cal BC 1480-1450 cal BC

Шуни айтиш керакки, олинган 23 та анализнинг 18 таси Жарқұтон олов ибодатхонаси жойлашған № 6 тепаликдан олинди. Негаки шу тепаликда 5 та қурилиш босқичи аниқланған ва бу ерда Жарқұтон ёдгорлигининг барча даврида ҳаёт узлуксиз давом этган. Жарқұтон даврида учта қурилиш босқичи, Күзали, Мұлали даврларида биттадан қурилиш босқичи кузатилған. Үтказилған радиокарбон анализлар бүйича энг қадимги даврни Bln-5303

номерли анализ берди. Анализ учун ашё №6 тепалик, яъни Жарқўтон олов ибодатхонаси жойлашган тепаликнинг энг қуи қатламларидан олинган. Анализ олинган қатлам илк Жарқўтон даврига оид бўлиб, калибрлашган ҳисоб бўйича мил.ав. 2010-2000, 1980-1970 ва 1960-1880 йилларни кўрсатди. Умуман, №6 тепаликдан Жарқўтон даврига оид 15 та анализ ўтказилди. Жарқўтон даврига оид учта қурилиш даври қатламларидан олинган 15 та анализ мил.ав. 1950-1600 йилларни, яъни 300-350 йил оралиғидаги вақтни кўрсатди.

Бундан ташқари, Жарқўтон олов ибодатхонаси жойлашган №6 тепаликдан, аниқроғи кул қатлами жойлашган катта суфали хонадан Ф. Хиберт ҳам C/14 анализи учун ашёлар олган ва Америкада C/14 анализини ўтказган<sup>1</sup>. Ушбу анализлар Жарқўтон даври маданий қатламидан олинган бўлиб, калибрлашган ҳисоб бўйича мил.ав. 1950-1750 йилларни берган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бронза даври ёдгорликларининг хронологиясини аниқлашнинг учинчи усули - маданиятлараро тарқалган ашёлар ёрдамида аниқлашдир. Жарқўтон «арк»ининг марказий қисмида ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида Жарқўтон даври қатламидан хлорит тошдан ясалган идишлар мажмуаси кўлга киритилди (Расм №8). Булар кичик ҳажмли бўлиб, ташқи тарафида чизиб ишланган безаклар мажмуаси жойлашган<sup>2</sup>. Шу идишлар ёрдамида Жарқўтон даври хронологиясини Қадимги Шарқ манбалари асосида ёритиш имконияти туғилди.

Хлорид тош - юмшоқ таркибли яшил ва кулранг бўлиб, шу тошдан ясалган ашёлар ташқи тарафидан чизиб ва ўйиб ишланган безакларнинг мавжудлиги билан характерланади. Ҳозирги кунгача Месопотамиядан то Ҳинд ўлкасигача бўлган 30 та ёдгорликдан 300 дан ортиқ шундай ашёлар топилган. Бу идишлар шакллари ва уларда ифодаланган тасвирларнинг бир-

<sup>1</sup> Hiebert F.T. Origins of the Bronze Age Oasis Civilization in Central Asia ... - P.89-95

<sup>2</sup> Dietrich Huff, Chakir Pidaev, Chapulat Chaydoullaev. Uzbek-German arhaeological researches in the Surkan Darya region // La Baktriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie centrale. - Paris, 2001. - Fig.10; Ш.Б.Шайдуллаев, Дитрих Хуфф. Некоторые результаты работ Узбекско - Германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ, Вып.30. - Самарканд, 1999. - Рис.5.

бирига яқинлиги билан харктерланади. Тош идишларда ифодаланган тасвиirlар тадқиқотчилар томонидан 12 та мотивга бўлинган: жанг қилаётган реал ва фантастик ҳайвонлар, антропоморф тарзда ифодаланган мифологик персонажлар, меъморий қўринишлар, пиллапоя қўринишили ва ўсимликлар дунёси ифодаланган тасвиirlар<sup>1</sup>. Шаклан ва тасвирий ифода жиҳатидан бир-бирига айнан ўхшайдиган хлорид тошдан ясалган идишларнинг пайдо бўлиши тўғрисида фанда анча тортишувлар бўлиб ўтган. Г. Франкфорт бу идишларни Месопотамия усталари ясаган, деган бўлса, Л. Вулли жануби-шарқий Эронни, С. Пиготт эса Булижистонни ушбу идишларнинг ясалган жойи сифатида эътироф этган<sup>2</sup>.

Г. Франкфортнинг фикрича Месопотамияда хлорит тошдан ясалган идишлар илк династиялар (I, II, III) даврида учрайди ва вақт ўтган сайин тасвирий ифодалар сийқалашиб борган<sup>3</sup>. Сўнгги тадқиқотлар натижасида ушбу идишларнинг хронологик даври ҳам аниқланди<sup>4</sup>.

Ф. Колл Эроннинг Керман вилоятида, Тепа Яхъя ёдгорлиги яқинида хлорид тошларнинг макони ва идишлар ясайдиган устахонасини топганидан сўнг, археология илмида хлорид тошларнинг «ватани» масаласи ҳам ўз ечимини топди<sup>5</sup>. Ламберг-Корловскийнинг фикрича, хлорид тошдан ясалган идишлар фақат экспорт учун ясалган<sup>6</sup>.

Қадимги Шарқда тарқалган хлорид тошларнинг хронологик жадвалига кўра, Жарқўтондан топилган ва хлорид тошлардан ясалган идишларнинг хронологик даври мил.ав. XIX-XVIII асрларга оид эканлигига шубҳа қолмади.

Хлорид каби бронза даврида маданиятларо кенг тарқалган минерал манбалардан бири - аргелитдан ясалган ашёлардир. Бундай ашёлар мил.ав. III минг йиллик охири II минг йиллик бошида Месопотамия (Киш, Телло, Ур),

<sup>1</sup> Frankfort H. The Art and Architecture of the Ancient Orient. - L., 1977. - P. 39-40.

<sup>2</sup> Frankfort H. The Art and Architecture of the Ancient Orient. - L., 1977. - P. 40; Woolley L. The Development of Sumerian Art. - N.Y. 1935. - P.96; Piggott S. Prehistoric India. - L., 1950. - P.119.

<sup>3</sup> Frankfort H. The Art and Architecture of the Ancient Orient. - L., 1977. - P. 41.

<sup>4</sup> Amiet P. L'age des echanges inter-iranians 3500-1700 avant. - Paris, 1986. - P.133.

<sup>5</sup> Kohl Ph.L. Central Asia (Western Turkestan): Neolithik to the Early Iron Age ... – P. 154-162.

<sup>6</sup> Lamberg-Karlovsky. Third Millenium Models of Exchange and Models of Production // Ancient Civilizations and Trade. - Albuquerque, 1975. - P. 358.

Эрон (Суз, Тепа Мусиян, Тепа Али-Абад, Тепа Хиссар, Шахдод, Шахри Сўхта), Жанубий Туркманистон, Афғонистон ёдгорликларида кенг тарқалган<sup>1</sup>. Аргелит минералининг макони Эрон, Афғонистон, Покистон ва Ўрта Осиё ҳисобланади<sup>2</sup>. Аргелитдан ясалган тақинчоқлар, муҳрлар, аёллар косметикасида ишлатиладиган митти идишлар, олтин сирғаларнинг кўзлари алебастр билан тўлдирилганлиги Жарқўтон ёдгорлигига ҳам кузатилган<sup>3</sup>. Алебастрдан ясалган топилмалар, уларнинг тарқалиши, типологияси ҳамда хронологияси М. Касанова томонидан ишлаб чиқилган. У ишлаб чиқсан хронологик жадвалга асосан Бақтрияниг алебастрдан ясалган ашёлари мил.ав. II минг йиллик бошларига оид<sup>4</sup>.

Маданиятлараро тарқалган яна бир ашё фаянсдан ясалган топилмалар бўлиб, буйрак шаклидаги «илоҳий» идишлар, кичик ҳажмли кося шаклли идишлар, ҳар хил тақинчоқлар мажмуасидан иборат. Жарқўтон ёдгорлигининг илк даврига оид қатламларидан ушбу идишлар ва тақинчоқлар кўплаб топилганки, бу топилмалар ҳам ёдгорликнинг хронологиясини аниқлашда катта рол ўйнайди (Расм №9; №39; №42). Буйрак шаклидаги фаянсдан ясалган идишлар Месопотамиядан кўра Хараппа ёдгорликларида кўпроқ учрайди. Шунинг учун Дюринг Касперс бу идишларни Хараппа маданиятига хос деб ҳисоблайди<sup>5</sup>. Олимнинг фикрини Жарқўтондан топилган фаянс идиш ва ундаги «*ripal*» дараҳтининг ифодаси ҳам исботлайди. Маълумки «*ripal*» дараҳти факат Ҳиндистон ва Покистон ҳудудларига хос бўлган ўсимликлар дунёсига киради (Расм №39). Фаянсдан ишланган ва «*ripal*» тасвирланган идишлар Ҳинд-Месопотамия ҳудудларидаги Асмар<sup>6</sup>, Теллодаги Иштар ибодатхонасидан<sup>7</sup>, Телл Брек

<sup>1</sup> Casanova M. La vaisstlt d’albatre de Mesopotamie, d’Iran et d’Asia Centrale aux III et II Millénaires avant J.-C. MMAFAC // Memoires de la mission archéologie orientale. T. IV. - Paris, 1991. - P. 73-74.

<sup>2</sup> Casanova M. La vaisstlt d’albatre de Mesopotamie ... – P. 39.

<sup>3</sup> Шайдуллаев Ш.Б., Аванесова Н.А. Қадимги Бақтрия олтиnlари // Фан ва турмуш. 2000, - № 1, - Б. 8.

<sup>4</sup> Casanova M. La vaisstlt d’albatre de Mesopotamie ... – P. 49.

<sup>5</sup> During Caspers E. Some Motifs as Evidence For Maritime Contact Between Sumer and Indus Valley // Persica, V, 1970. - P. 112-114.

<sup>6</sup> Frankfort H. Tell Asmar, Khafadje and Khorsabad // OIP, 16, 1933. - P. 52. - Fig. 32.

<sup>7</sup> Parrot A. Le Temple D’Ishtar. - Paris, 1956. - Fig.93.

ёдгорлигидан<sup>1</sup>, Ҳиндистоннинг деярли барча бронза даври ёдгорликларидан топилган<sup>2</sup>. Эслатиб ўтилган ёдгорликлардан топилган, фаянсдан ясалган идишлар Жарқўтондан топилган идишларга ўхшаш бўлиб, мил.ав. XIX-XVIII асрнинг биринчи ярми билан даврлаштирилган.

Бронза даврида маданиятлараро жуда кенг тарқалган, фил суюгидан ясалган предметлар бўлиб, улар квадрат, доира, таёқча шакллари дадир. Юза ва ён томонларига айлана кўринишидаги «циркульный» безакнинг чизилиши характерлидир. Таёқча кўринишли фил суюгидан ясалган предметларга энг кам, 1-3 та айлана чизилган бўлса, квадрат шаклли предметларда 5-11 тагача, айлана шаклли предметларда эса 9-11 тадан айлана чизилган (Расм №40. 1, 2). Ушбу предметларнинг вазифаси хусусида савдога бағищланган қисмда алоҳида тўхталамиз. Ҳозир эса унинг тарқалиш географияси ва ёши хусусида ўз фикримизни баён этамиз. Ушбу предметларнинг тарқалиш географияси Хараппа маданиятининг тарқалиш географиясига мос келади ва ишонч билан айтиш мумкинки, у Хараппа маданиятининг таъсир доирасидаги ҳудудларда тарқалган. Жарқўтон ёдгорлигининг №4 тепалигидан, Жарқўтон даври қатламидан фил суюгидан ясалган иккита квадрат шаклидаги шундай предметлар топилган бўлиб, худди шундай ашёлар Алтын-депе<sup>3</sup>, Хараппа, Махенжодаро, Чанхударо<sup>4</sup>, Ироқ ҳудудида Жамдет Наср<sup>5</sup> каби кўплаб ёдгорликларда қайд этилган ва мил.ав. II минг йиллик бошлари билан даврлаштирилган.

Демак, C/14 анализлари бўйича Сополли маданиятининг Жарқўтон даврини 1950-1600 йиллар оралиғи деб ҳисоблайдиган бўлсак, худди шу даврларни маданиятлараро тарқалган - хлорид тошдан, фаянсдан, гипсдан ясалган археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди.

Жарқўтон ёдгорлигининг №6 тепалигидан, Кўзали даврига оид маданий қатламдан олинган учта C/14 анализи мил.ав. 1620-1510 йиллар оралиғидаги

<sup>1</sup> Mallovan M. Excavations at Brak and chagar Bazar. - Iraq, IX, 1947. - P. 39-40.

<sup>2</sup> Маккей Э. Древнейшая культура долины Инда. -М.: 1951; Mackay E. Early Indus civilizations. -London, 1948.

<sup>3</sup> Ганялин А.Ф. Раскопки в 1959-1961 гг. на Алтын-депе // CA. 1967, 4. - С. 216. - Рис.6.

<sup>4</sup> Gupta S.P. Archaeology of Soviet Central Asia and the Indian Border lands. Vol.II. B.R. Publishing corporation. - Delhi, 1979. - P.167. - Fig. 3.17.

<sup>5</sup> Matthews R.J. Defining the style of the period: Jemdet Nasr 1926-28 // IRAQ, Volume LIV, 1992. - Fig.12

вақтни күрсатди (Қаранг 21, 22, 23 анализлар), яъни 100 йил оралиғидаги вақт. Маълумки, Жарқұтон ёдгорлигіда Кўзали даври ашёлари фақат бир курилиш вақти давомида кузатилади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, Кўзали даврини саналашда С/14 ҳамда маданий қатламлар стратиграфияси бир-бирини түлдирайпти.

Ўзбек-Олмон Бақтрия археологик отряди аъзолари Майк Тойфер ва Кай Канютлар Сополли маданиятининг хронологик даврилари кетма-кетлиги хусусида янги фикрга келишган<sup>1</sup>. Эслатиб ўтганимиздек, тадқиқотчилар Сополли маданиятини давр жиҳатидан 5 та босқичга бўлинишини тан олишган: Сополли, Жарқұтон, Кўзали, Мўлали ва Бўстон. Аммо, германиялик олимлар Жарқұтон давридан сўнг Мўлали, Бўстон ва ундан сўнг Кўзали даври келади деган, хато фикрга келишган. Уларнинг бундай фикрга келишига асосий сабаб Жарқұтон З қабристонини қазиш давомида стратиграфик жиҳатдан Кўзали даври қабри Мўлали даври қабридан тепада учраганлигини биринчи фактор деб ҳисобласалар, иккинчи фактор қилиб, Н.А. Аванесова тадқиқотлар олиб бораётган Бўстон 6 қабристонида Жарқұтон ва Мўлали даври сополларининг бир қабрда учрашидир<sup>2</sup>. Учинчи фактор қилиб, Жарқұтон даври сополлари билан Мўлали даври сополларининг шакл жиҳатдан ўхшашлиги (вазалар) ва қизил ангобнинг илк Жарқұтон ва Мўлали давларида учраши ва Кўзали даврида учрамаслиги аломатлари асос қилиб олинган.

Фикримизча бу олимлар шошқалоқлик билан фикр юритган. Негаки, бир ёки бир нечта қабр асосида хронологик даврга ўзgartириш киритиш мумкин эмас. Жарқұтон ва Мўлали даври сополларининг шакл ва ясалиш услубларидаги ўхшашликлар хусусида А.А. Асқаров ўз асарларида тўхталиб ўтган ва бу ҳолатни кулолчилик анъаналарида эски урф-одатларга қайтиш деган фикрга келган. А.А. Асқаров ва унинг шогирдлари яратган Сополли

<sup>1</sup> Kaniuth K., Teufer M. Zur Sequenz des Gräberfeldes von Rannij Tulchar und seiner Bedeutung für die Chronologie des spätbronzezeitlichen Baktrien // AMIT. Band 33. - Berlin, 2001. - P. 89-115.

<sup>2</sup> Аванесова Н.А., Ташпулатова Н. Символика огня в погребальной практике сапаллинской культуры // ИМКУ Вып. 30. - Ташкент, 1999. - Погр. 230; Avanesova N.A. Spätbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // AMIT 29, 1997. - P. 147-178. - Grab. 148.

маданияти хронологияси босқичлари минглаб қабр ва кенг кўламли қазишмалар натижасида яратилганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Бу хронологик босқичларни фақатгина янги маълумотлар билан бойитиш мумкин, холос.

Муаллифларнинг келтириб ўтган иккинчи асоси, яъни Бўстон 6 қабристонида ҳақиқатдан ҳам бир қабрда икки давр сополларининг учраши кузатилган, яъни 148-қабрда Мўлали даври сополлари билан бирга бир дона Жарқўтон даври қадаҳи (кубок) учраган<sup>1</sup>. Бу ҳолат Н.А. Аванесова томонидан бўстонликларда аждодлар руҳини эслаш анъанасининг мавжудлиги деб тушунтирилган.

Ўзбек-Олмон археологик экспедицияси Жарқўтон ёдгорлигига олиб борган тадқиқотлари давомида Мўлали ва Бўстон даврига оид маданий қатламлардан C/14 анализи учун ашёлар олишга муваффақ бўла олмади. Ёдгорликнинг маданий қатламлари бўйича фикр юритадиган бўлсак, Мўлали ҳамда Бўстон босқичлари бир қурилиш даври давомида фаолият этган. Демак, 200 йил давомида, яъни мил.ав. 1300 йилгача. Биз Сополли маданиятининг инқироз даврини ҳам шу давр билан белгилашни таклиф этамиз.

Ўрта Осиё археологиясида Номозгоҳ - Ёз I, Сополли - Кучуктепа, Даشتли - Тилла I маданиятлари ўртасидаги давомийлик хусусида ҳам илмий адабиётларда янги фикрлар пайдо бўлди. Бу борада шуни айтиб ўтиш жоизки, бевосита шу маданиятлар билан шуғулланувчи, археологик қазув ишлари олиб бораётган олимларнинг ҳаммаси хронологик жиҳатдан бу маданиятлар узлуксиз давом этган деб хисобласалар<sup>2</sup>, бошқа тадқиқотчилар, хусусан бу ҳудудларда археологик қазув ишлари ўтказмаган айрим олимлар бу маданиятлар ўртасида бўшлиқ, «хаос» борлиги хусусида фикр юритадилар. Бошқа олимлар, жумладан Б. Лионнет ва Ф. Хибертлар эса Ёз I

<sup>1</sup> Avanesova N.A. Spätbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flussoase ... Р. 149.

<sup>2</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959 . - № 73. – С.173; Сарианиди В.И. Раскопки Тилля-тепе в северном Афганистане. Вып. I. - М.: 1972. –С. 27; Аскarov А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. - Ташкент, Фан. 1979. - С.94; Ширинов Т.Ш., Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о хронологической периодизации Кучуктепа // ИМКУ, Вып.22. - Ташкент, ФАН, 1988. - С.13-26.

маданиятини мил.ав. XV асргача қадимилаштириш ғояси билан чиқдилар ва бутун Қадимги Шарқдаги айрим муаммоли саволларни, яъни Хараппа маданиятининг инқирози масаласини ҳам «ешиб» қўйишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар.

Улар Ўрта Осиё археологлари билан янги маданиятнинг ёши масаласида ҳам, пайдо бўлиши масаласида ҳам келишмайдилар. Ёз I маданиятини мил.ав. II минг йиллик ўрталари - XV аср билан белгилайдилар, этник жиҳатдан Ёз I маданияти аҳолисини индо-арийлар деб атайдилар. Индо-арийларнинг Ўрта Осиё орқали Ҳиндистонга тарқалиши масаласини Хараппа маданиятининг инқирози масалалари билан боғлайдилар<sup>1</sup>.

Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳақиқатан ҳам улар таклиф этаётганлари каби Ёз I маданиятининг ёшини қабул қиласак, тарихда ўз ечимини кутаётган кўп масалалар ойдинлашади. Масалан, улар ва Е.Е. Кузьмина таклиф этаётгандек, Андроново маданиятини арийлар деб, бу маданиятнинг Ўрта Осиё орқали Ҳиндистонга ёйилиши ва Хараппа маданиятини инқирозга учратганлигини тан олсак, шунда Марказий Осиё ва Ҳиндистонда қўлда ясалган сополлар мажмуасининг тарқалиши масалалари ўз ечимини топади.

Лекин, Ёз I маданиялари туркумига кирувчи ёдгорликларнинг стратиграфияси бунга қарши фактлар беради. Улар Шимолий Бақтриядаги Бандиҳон I<sup>2</sup>, Бўйрачи I<sup>3</sup>, Жарқўтон ёдгорлиги аркida<sup>4</sup>, Жанубий Туркманистон ҳудудидаги Анау<sup>5</sup>, Елкен депе<sup>6</sup>, Улуг депе<sup>7</sup> ёдгорликларида

<sup>1</sup> Хиберт Ф. Хронология Маргианы и радиокарбонные данные. Информационный бюллетень МАИКЦА, 1994. Вып.19. - С.76; Hiebert F.T. Origins of the Bronze Age Oasis Civilization in Central Asia // American School of Prehistorik Research Bulleten. 42. - Cambridge, 1994. – Р. 67; Lyonnet B. Ceramique et peuplement du chalcolitique a la conquete arabe. (Prospections archeologiques en Bactriane orientale (1974-1978). Soes La direction de Jean-Claude Gardin. V.2). - Paris, 1997. – Р. 192.

<sup>2</sup> Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа (по материалам памятников района Шурчи-Байсуна). Автореф. дисс ... канд. ист. наук. - Л., 1978. - С. 5.

<sup>3</sup> Сагдуллаев А.С. Некоторые аспекты проблемы происхождения Среднеазиатских комплексов типа Яз I // СА, 1989, №2. - С. 62.

<sup>4</sup> Аскarov А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа // Этнография и археология Средней Азии. - М.: 1979. - С. 34-37.

<sup>5</sup> Pampelly R. Explorations in Turkestan. V.1. - Washington, 1908. - Р. 52-53.

<sup>6</sup> Качурис К. Раскопки на Елкен-депе в Южной Туркмении // АО, 1966, М.: 1967. - С. 335-336.

<sup>7</sup> Сарианиди В.И. Исследование слоев раннежелезного века на Улуг-депе // АО, 1970. - М.: 1971. - С. 443.

Сополли ва Намозгоҳ маданияти ашёларининг бевосита Кучук I ва Ёз I ашёлари билан алмашишига эътибор бермайдилар.

Ёз I даври энг узоғи билан тўртта қурилиш даври давомида фаолият этган. Шу давр ашёлари Бандихон I ёдгорлигига 3,1-3,6 м, Тилла тепада 3 м, Кучук тепада 3 м, Сангир тепада 1-2,7 метрни ташкил этади<sup>1</sup>. Ёз I даврининг ёши масаласида ҳам фанда кўплаб тортишувлар давом этмоқда. Чет эл археологлари Ўрта Осиё археологияси билан шуғулланаётган тадқиқотчиларни ушбу давр маданиятини бир хил давр билан, яъни мил.ав. II минг йиллик охири ва I минг йиллик бошлари билан саналашда айблайдилар<sup>2</sup>. Ваҳоланки, шу давр маданиятларининг ёшини белгилашда олимлар ўртасида тортишувлар борлигини европаликлар эслашмайди. Улар А.А. Марущенконинг Елкен II ашёларини ёз I моддий маданияти билан солиштириб, мил.ав. XII-VII асрлар билан саналаганлигини билмайдилар<sup>3</sup>.

Шуни айтиб ўтишимиз лозимки, Кучук I даврининг бошланиш даврини В.М. Массон, В.И. Сарианиди ва А.А. Аскаровларнинг изидан бориб, мил.ав. X аср билан белгилаган эдик<sup>4</sup>. Жарқўтон ёдгорлигидан олинган C/14 анализлари, Шимолий Бақтрияning сўнгги бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг ички стратиграфиялари бу масалага янгича ёндашишга мажбур этмоқда. Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки В.М. Массон ва В.И. Сарианидилар ҳам Ёз I даврини қадимийлаштириш тарафдори бўлдилар<sup>5</sup>.

Шимолий Бақтрияда Кучук I даври энг узок давом этган ёдгорлик Кучуктепа бўлиб, А.А. Аскаров бу ерда учта қурилиш даврини кузатган<sup>6</sup>. Ҳар бир қурилиш даврини 100 йил оралиғида вақт билан ҳисоблайдиган бўлсак, Кучук I даври 300 йил вақтни, яъни мил.ав. XII-X асрларни ўз ичига олади.

<sup>1</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области в эпоху раннего железа ... - С. 8.

<sup>2</sup> Lyonnnet B. Ceramique et peuplement du chalcolitique a la conquete arabe ... - Р. 187.

<sup>3</sup> Марущенко А.А.Елькен-депе (Отчет о раскопках 1953, 1955 и 1956 гг.). Труды института истории, археологии и этнографии. - Ашхабад, 1959. - С. 65.

<sup>4</sup> Ширинов Т.Ш., Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о хронологической периодизации Кучуктепа ... - С. 13-26.

<sup>5</sup> Sarianidi, V.I. Seal-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. Ed. by Kohl P. L. - New York, 1981, - Р. 221-225; Masson V. M. La dialectique des traditions et des innovations dans le développement culturel de la Bactriane. // L'archéologie de la Bactriane antique. Actes de colloque Franco-Sovietique. - Paris, 1985.

<sup>6</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... – С. 69.

Мил.ав. IX асрдан бошлаб Қадимги Бақтрия маданияти шакланган ва у Аҳамонийлар империясига қадар 300 йил давомида мустақил ривожланиш даврини бошидан кечирган (Кучук II-III). Кучук II даврига оид маданий қатламлар Шимолий Бақтриянинг Кучуктепа<sup>1</sup>, Қизилтепа<sup>2</sup> Жанубий Бақтриянинг Тиллатепа<sup>3</sup> ёдгорликлари орқали ўрганилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Кучук II даври моддий маданияти фақат Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларидагина, яъни бронза даврида қадимги дехқончилик маданиятлари тарқалган ҳудудларда учрайди. Шу давр моддий маданияти Кучуктепада 1,5 метрлик қатламда учраган<sup>4</sup>. Кучук II даврини 150 йиллик вақт билан, яъни мил.ав. IX аср ва VIII асрнинг биринчи ярми билан саналашни таклиф этамиз.

Кучук III даври моддий маданияти Шимолий Бақтриянинг Кучуктепа, Пшактепа, Талашқонтепа, Хайтободтепа, Қизилтепа, Фозимулла, Бандихон II<sup>5</sup>, Жанубий Бақтриянинг Тиллатепа, Қумли, Қутлуғтепа<sup>6</sup>, Жанубий Туркманистоннинг Марв, Шимолий Парфия, Серахс ўлкаларидаги қўплаб ёдгорликларда учраса<sup>7</sup>, Сўғдиёнининг Даратепа<sup>8</sup> ва Афросиёб<sup>9</sup> каби ёдгорликларда ҳам тарқалганлигини кузатиш мумкин. А.С. Сагдуллаевнинг кузатувларига қараганда, Жанубий Сўғдиёнининг шу давр ёдгорликлари Бақтрия билан чегарадош ҳудудларда ёки Бақтрия билан маданий алоқа йўллари устида жойлашган<sup>10</sup>. Демак, Қадимги Бақтрия моддий маданияти Кучук III даврига келиб, ўз сарҳадларидан ошиб, қуруқлик йўли орқали Сўғдиёнага ҳам тарқалганини кузатишимиш мумкин. Кучук III даври моддий маданияти Кучуктепада икки метр қалинликдаги маданий қатламда кузатилса, Талашқонтепанинг асосий иншоотлари шу даврда қурилган. Икки

<sup>1</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... – С. 74.

<sup>2</sup> Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа ... – С. 21.

<sup>3</sup> Сарианиди В.И. Раскопки Тилля-тепе в северном Афганистане ... - С. 55.

<sup>4</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... - С. 102.

<sup>5</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... - С. 103-104.

<sup>6</sup> Сарианиди В.И. Раскопки Тилля-тепе в северном Афганистане ... - Рис. 15,17,46.

<sup>7</sup> Марущенко А.А.Елькен-депе (Отчет о раскопках 1953, 1955 и 1956 гг.). Труды института истории, археологии и этнографии. - Ашхабад, 1959. - С. 65.

<sup>8</sup> Сагдуллаев А.С. Поселение раннекоринфского века в бассейне Кашкадарья // СА. - М.: №3. 1984.

<sup>9</sup> Кабанов С.К. Изучение стратиграфии городища Афрасиаб // СА. №1, 1969. – Рис. 3,23; Шишкина Г.В. О местонахождении Мароканды // СА №1, 1969. - С. 65.

<sup>10</sup> Сагдуллаев А.С. Поселение раннекоринфского века в бассейне Кашкадарья ... – С. 64.

метр маданий қатlamни 200 йил оралиғидаги вақт билан белгилаш ҳақиқатта түғри келади деб ўйлаймиз ва Кучук III даврини мил.ав. VIII асрнинг иккинчи ярмидан VI асрнинг ўртасигача бўлган вақт билан белгилашни таклиф этамиз.

Кучук IV даври маддий маданияти Шимолий Бақтрияниг Кучуктепа<sup>1</sup>, Талашқонтепа I<sup>2</sup>, Қизилтепа<sup>3</sup>, Бандихон I<sup>4</sup>, Хайтобод<sup>5</sup>, Жондавлаттепа<sup>6</sup> ва яна жуда кўплаб ёдгорликларда қайд этилган. Шимолий Бақтрия ёдгорликлари орасида шу давр моддий маданияти энг узоқ давом этган ёдгорлик Фозимулла тела ҳисобланади. Э.В. Ртвеладзенинг ёзишича, унда учта қурилиш даври давомида шу давр ашёлари кузатилган<sup>7</sup>. Кучуктепада эса Кучук IV даври сополлари 2 метрга яқин қалинликдаги маданий қатlamда учрайди<sup>8</sup>. Тарқалиш жуғрофияси жуда кенгайиб, шимолда қуруқлик йўли орқали Бухоро воҳасигача ва сув йўли бўйлаб Хоразмгача, жанубда Эрон ҳудудларигача тарқалади<sup>9</sup>.

Кучуктепада кузатилган 2 метр маданий қатlam ва Фозимуллада кузатилган учта қурилиш даври мисолида Кучук IV даврини VI асрнинг ўртасидан V аср охиригача бўлган вақт билан саналашни таклиф этамиз. Қадимги Бақтрия маданияти кулолчилик буюмларининг шундай кенг ҳудудда тарқалишини Бақтрияниг қўшни ҳудудлар ўртасида нуфузи баланд бўлганлиги билан изоҳлаймиз. Бу ўринда Бақтрияниг нафақат кулолчиликда, балки ҳарбий соҳадаги ютуқларининг Аҳамонийлар

<sup>1</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... – С. 43.

<sup>2</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... - С. 98.

<sup>3</sup> Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа ... – С. 21.

<sup>4</sup> Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа ... – С. 21.

<sup>5</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... - С. 88.

<sup>6</sup> Dietrich Huff, Chakir Pidaev, Chapulat Chaydoullaev. Uzbek-German archaeological researches in the Surkan Darya region // La Baktriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie centrale. - Paris, 2001. – P. 178.

<sup>7</sup> Ртвеладзе Э.В. Новые бактрийские памятники на юге Узбекистана // ИМКУ. Вып.21. - Ташкент, 1987.

<sup>8</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... - С. 105.

<sup>9</sup> Chirshman R. Recherches préhistoriques dans la partie Afghane du Seistan // MDAFA, XVIII. - Paris, 1959. – P. 164; Antonine C.S. Swat and Central Asia // East and West. Vol.19. - Rome, 1969; Воробьева М.Г. Керамика с городища Кюзели-Гир // ТХЭ, Том II, М.: 1958. - С. 87; Вайнберг Б.И. Памятники Куюсайской культуры // Кочевники на границах Хорезма. Тр. ХАЭЭ, XI. - М.: 1979.

империясининг бошқа ҳудудларига ҳам таъсир этганлиги ёзма манбаларда ҳам сақланиб қолган<sup>1</sup>.

Илк антик даврга ўтиш даври моддий маданияти намуналари ва хронологияси масаласи биринчи маротаба ўтган нашрларимизда ёритилган эди<sup>2</sup>. Шу давр моддий маданияти Термиз шахри ҳудудидаги Номсизтепа, Хайтободтепа, Бобуртепа каби ёдгорликларда кузатилган бўлиб, 0,5-0,6 метр қалинликдаги маданий қатламдан олинган. Кўлга киритилган моддий маданият намуналари Хоразмдаги Дингилжи қўрғони, Жанубий Тожикистондаги Болдайтепа, Туркманистондаги Эрк қалъа, Афғонистондаги Ойхоним ёдгорликлари моддий маданиятлари намуналари билан таққосланган ва мил.ав. IV асрнинг биринчи ярми билан белгиланган<sup>3</sup>. Шу давр моддий маданиятининг ёшини аниқлашда ўша фикримизда қоламиз.

Шундай қилиб, сўнгги йилларда Жарқўтон ёдгорлиги бўйича 23 та радиокарбон анализи ўтказилди. Бу анализларнинг даврий хронологияси Германия Археология институти радиокарбон анилизлари лабораториясида аниқланди. Бу анализлар Сополли маданиятининг умумий ёшини қадимиylаштириш учун янги маълумотлар берди.

Қадимги Шарқ ёдгорликларида маданиятларора тарқалган археологик манбалар, яъни хлорид тошлардан, алебастран, фил суягидан ясалган топилмалар ёрдамида ҳам Сополли маданияти ёшини қадимиylаштириш имконияти туғилди.

Сополли маданияти мил.ав. XIII асрда инқирозга юз тутгани ва шу даврдан бошлаб бу ерда Кучуктепа маданиятининг тарқалганлиги янги археологик манбалар асосида тасдиқланди. Кучук I даври учта қурилиш даври давомида фаолият этади. Мил.ав. X асрда Қадимги Бақтрия маданиятининг тўлиқ шаклланганлигини кўрамиз. Кучук II, Кучук III ва Кучук IV даврлари ҳам янги стратиграфик маълумотлар асосида кўриб чиқилди ва Шимолий Бақтрияning бронза ва илк темир даври ёдгорликлари

<sup>1</sup> Гафуров Б.Г. К 2500 летию Иранского государства. История Иранского государства и культуры. - М.: 1971. 1971. - С. 24.

<sup>2</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бақтрия в эпоху раннего железного века ... - С. 106-107.

<sup>3</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бақтрия в эпоху раннего железного века ... - С. 106-107.

учун қуидаги хронологик жадвални таклиф этамиз.

## 2. 3 - жадвал

### Шимолий Бақтриянинг бронза ва илк темир даври хронологияси

Шимолий Бақтриянинг бронза ва илк темир даври маданиятлари ва уларнинг хронологик босқичлари		Даврий санаси Мил.ав.
Сополли маданияти	Сополли босқичи	XXII аср ярмидан XX аср
	Жарқўтон босқичи	XIX-XVII асрлар
	Кўзали босқичи	XVI аср
	Мўлали босқичи	XV аср
	Бўстон босқичи	XIV аср
Кучуктепа маданияти	Кучук I	XIII-XI асрлар
Қадимги бактрия маданияти	Кучук II	X асрдан VIII асрнинг ярмигача
	Кучук III	VIII аср ярмидан VI аср ярмигача
	Кучук IV	VI асрнинг иккинчи ярми V аср
Илк антик даврга ўтиш даври		IV асрнинг биринчи ярми

## **ШАХАРДАВЛАТЛАРИ ВА УНИНГ ЎРТА ОСИЁ БРОНЗА ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АКС ЭТИШИ**

### **III. 1. Қадимги Месопотамия шаҳар-давлатлари.**

Ўтган бобдаги «илк давлат типологияси» бўлимидан маълум бўлдики, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи соҳасида “шахар-давлат”, “худудий давлат” тушунчалари биринчи маротаба қўлланилмоқда. Ваҳоланки, Қадимги Шарқ - Месопотамия тарихида шаҳар-давлатлар ёки «ном» типидаги давлатлар мил.ав. IV минг йиллик охири ва III минг йиллик давомида фаолият кўрсатган<sup>1</sup>. Ушбу бобда Ўзбекистон давлатчилиги тарихига «шахар-давлат», «худудий давлат» тушунчаларини олиб кириш ва Ўзбекистон ҳудудидаги бронза ва илк темир даври ёдгорликларини Қадимги Шарқ шаҳар-давлатчилиги билан таққослаш орқали олдимиизга қўйган мақсадга эришишимиз мумкин.

Дастлаб Қадимги Шарқда энг яхши ўрганилган Месопотамия «шахар-давлатлари», уларнинг географияси, бошқарув усуслари, қадимги шаҳарлар топографияси, шаҳар аҳолисининг ижтимоий қатламлари тўғрисидаги маълумотларга мурожаат қиласиз.

Мил.ав. III минг йиллиқда Месопотамияда 20 га яқин «ном» типидаги «шахар-давлатлар» бўлган. Ҳар бир «ном» ўз худудига эга бўлиб, уларнинг худудлари каналлар, табиий дарё ёки чўллар билан чегараланган.

Қадимги Шумерда қуийдаги «ном» типидаги шаҳар-давлатлар ёзма ва археологик манбалар асосида кузатилади:

1. Диали «ном»и, маркази Эшнун шаҳри (ҳозирги Тель-Асмар ёдгорлиги), жамоа худоси - Тишпак.
2. Сиппар «ном»и, маркази Абу-Хабба ёдгорлиги, жамоа худоси - Уту (Шамаш), Марказий Месопотамия худудларини ўз ичига олган.

---

<sup>1</sup> История древнего Востока. Зарождение древнейших классовых обществ и первые очаги рабовладельческой цивилизации. Часть первая. Месопотамия. Под. Ред. И.М.Дьяконова. - М.: 1983.

3. Ирнин «ном»и, маркази Куту шахри (ҳозирги Телло-Иброҳим ёдгорлиги). Жамоа худоси - Неунучал (Нергал), ҳудудлари Ирнин канали бўйларини бирлаштирган. Сўнгги даврларда маркази Жемдет-Наср ва Телль-Укайр ёдгорликлари бўлган.

4. Евфрат бўйидаги Киш «ном»и, маркази Киш шахри (ҳозирги Телль-Ухаймир ёдгорлиги). Жамоа худоси Зобаба, Евфрат дарёсининг Ирнин канали билан параллел бўлган ҳудудларни эгаллаган.

5. Кеш «ном»и, маркази ҳозирги Абу-Салабих ёдгорлиги. Ҳудудлари Евфратнинг Ирнин канали билан туташган ерларни ўз ичига олган.

6. Ниппур «ном»и, маркази ҳозирги Ниффер ёдгорлиги, жамоа худоси Энлиль. Ҳудудига Евфрат дарёсининг юқори оқимлари кирган.

7. Шуруппак «ном»и, маркази ҳозирги Фира ёдгорлиги, жамоа худоси Шуруппак. Евфратнинг ўрта оқими ҳудудларини бирлаштирган.

8. Урук «ном»и, маркази Э-Анс, жамоа худоси Ан ва Иннин, ёки Инана. Шу «ном» ҳудудида сўнгги даврларда Ларса шахри бунёд бўлган.

9. Ур «ном»и Евфрат делтасида, Урук «ном»и жанубида жойлашган. Жамоа худоси - Нанна. Маркази Ур шахри. Ур «ном»и ҳудудида Муру, Эреду, Убайд каби ёдгорликлар ҳам жойлашган.

10. Адаб «ном»и Итурунгалянинг юқори қисмларида жойлашган. Маркази ҳозирги Бисмайя ёдгорлиги, жамоа худоси Дингармах.

11. Умма «ном»и - Итурунгалянинг қуий қисмлари ҳудудларини эгаллаган. Маркази ҳозирги Йоха тепаликлари. Жамоа худоси Шара. Бир томондан Урук «ном»и билан чегарадош.

12. Ларак «ном»и - Тигр канали бўйларини ўз ичига олган.

13. Лагаш «ном»и - Ларак билан қўшни И-Нина-гена бўйларида жойлашган. Лагашдан ташқари Нгурса, Ниня, Гуаба каби шаҳарлари (қишлоқлари) бўлган.

14. Якшак «ном»и - жойлашган жойи ҳозирча номаълум, шундай бўлсада, Тигр дарёси бўйларида деб тахмин қилинади.

15. Мири «ном»и - Евфратнинг ўрта оқими бўйларида жойлашган, Сурия худудидаги, ҳозирги Абу-Кемаль шахри атрофлари Мири «ном»и худудига кирган. Жамоа худоси Даган ва Иштир.

16. Ашшур «ном»и - Тигрнинг ўрта оқими ҳудудларини ўз ич<sup>1</sup>ига олиб, жамоа худоси - Ашшур.

17. Дер «ном»и - Эламдаги Диали ўлкаси ҳудудларини ўз ичига олган. Иштаран жамоа худоси ҳисобланган. Ҳозирги Ал- Бадра ёдгорлиги «ном» маркази ҳисобланган<sup>2</sup>.

И.М. Дьяконов ва В.А. Якобсонларнинг кузатувлари шуни кўрсатмоқдаки, қабилалар иттифоқи кенг ҳудудларни эгаллаши мумкин, лекин «ном» типидаги илк давлатлар кичик ҳудудларни, бир ёки бир неча сугорилиш районларини ўз ичига олиб, шунга монанд бир ёки бир неча кичик шаҳарларни бирлаштирган<sup>3</sup>. Қишлоқ жамоаларининг бир ҳудудда жойлашиши натижасида илк шаҳарлар вужудга келган. «Ном» давлатларининг маркази сифатида шаклланган шаҳарларда ибодатхоналар, ҳалқ йиғинлари ўтказиладиган майдонлар, хунармандчиликнинг шу ерда марказлашуви, йирик омборхоналар, бозорлар шаҳар ҳудудида тўпланиши кузатилади. Қадимги Шарқдаги Шумер ёки Аккад тилларида «шаҳар» ёки «қишлоқ» терминлари учрамайди. Ҳар қандай аҳоли пунктлари Шумер тилида – “uru”, аккад тилида эса – “alu” деб аталган. Бу ҳамма аҳоли пунктлари бир хил бўлган деган тушунчани бермайди. «Ном» марказлари ўзининг салобатлилиги, жамоа ҳудоларига атаб қурилган ибодатхоналарнинг меъморий жиҳатдан бошқа иморатлардан тубдан фарқ қилиб туриши, уруш хавфлари натижасида «ном» марказларининг мудофаа деворлари билан ўраб олиниши уларнинг бошқа аҳоли пунктларидан тубдан фарқ қилишини кўрсатади.<sup>4</sup>

---

<sup>2</sup> История древнего Востока ... - С. 84.

<sup>3</sup> Дьяконов И.М, Якобсон В.А. «Номовые государства» ... - С. 3.

<sup>4</sup> Nissen H.J. The City Wall of Uruk // Man, Settlement and Urbanism. Ed. by P.J.Ucko, R.Tringham and G.W.Dembleby. - L., 1972. - P.793-798.

Илк династиялар даврида «ном»ларнинг бошқарилиши тўғрисида қадимги Шумерда ёзма манбалар учрамайди. Лекин, Аррапхидан топилган хужжатлардан Ашшур шаҳар-давлатида мил.ав. III минг йилликда сиёсий институтларнинг бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>1</sup>.

Месопотамия илк шаҳар - давлатларининг сиёсий институтлари тўғрисида гап кетганда, учта адабиётни кўрсатиб ўтиш мумкин<sup>2</sup>. Бу адабиётларда таъкидланишича Ашшур «ном»и ҳукумати бошлиғи «issiak Assum» (ишшок Ашшум) титулида бўлган. Шундан хулоса қилиниб, бутун Месопотамия ва Аккад шаҳар-давлатларининг илк ҳукмдорлари Ишшок титулида бўлган деган хулосага келса бўлади.

Урук ҳукмдори бундан мустасно, чунки у «ен» (эн) титулида бўлган. Бу эса илоҳий никоҳ, яъни Урук ҳукмдорининг шу шаҳар худоси Инаннага уйланиши муносабати билан олган титулидир.

Месопотамия шаҳар-давлатлари ҳукмдори сўнгги даврларда шумер тилида «lugal» (лугаль), аккад тилида «sarrum» унвонларида бўлган. Бу сўзлар «катта одам», «хўжайин» ёки «шоҳ» маъноларини англатган ва аввал ҳарбий ҳукмдорларга тегишли бўлган<sup>3</sup>. Бу титулнинг ҳукмдорларга нисбатан ишлатилишини Месопотамиянинг сиёсий ҳаётида уруш ва ҳарбийларнинг кучайиб борганлигидан деб тушуниш лозим бўлади.

Бу ҳолатни Месопотамия ёзма манбалари асосида ҳам кузатса бўлади. Киш ҳукмдори Агга Урук ҳукмдори Гильгамешга элчи юбориб, уларнинг бўйсунишини талаб қиласди<sup>4</sup>. Маълумки, Гильгамеш бу ҳолатдан чикиш учун оқсоқоллар кенгашига мурожаат қиласди. Шунда оқсоқоллар кенгаши: «Бизнинг урушишимиз лозим эмас, Киш оиласига бўйсунамиз» деган қарорга келган. Оқсоқоллар кенгашининг бу қароридан қониқмаган Гильгамеш ҳарбийлар кенгашига (халқ йифинига) мурожаат қиласди. Ҳарбийлар кенгаши

<sup>1</sup> Якобсон В.А. Цари и города Древней Месопатами. Государство и социальные структуры на древнем Востоке. - М.: Наука, 1998. - С. 19.

<sup>2</sup> Larsen M.T. The City and its King // On Old Assyrian Notion of Kingship. Rencontre assyriologique internationale. XIX. La hlfis et la royaunte. - P., 1971. - P. 285-300; Larsen M.T. The old Assyrian City-State and its Colonies Mesopotamia. - Copenhagen, 1976; Garelli. P. Les pouvoirs locaux en Assyrie. Les pouvoirs locaux en Mesopotamie et dans les regions adjacentes. - Bruxelles, 1982. - P.76-91.

<sup>3</sup> Erzard D.O. Fischer Weltgeschichte. Bd.2, 1965. - P.73.

<sup>4</sup> Cooper J.S. Gilgamesh and Agga // Journal of Cuneiform Studies. 33. - New Haven, 1981. - P.238;

эса: «Биз Киш оиласига бўйсунмаймиз, жанг қиласиз. Урукни худо яратган, бизни Эанну (жамоа худоси) қўллаб-қувватлайди. Сен, Гильгамеш бизнинг лугал. Шу жангга бошчилик қиласан»<sup>1</sup> дея жавоб беради. Бу манбадан ойдинлашадики, Қадимги Шарқда «шоҳ»-ҳарбий саркарда сифатида ҳалқ йиғинида сайланган. Оқсоқоллар ва ҳарбийлар кенгаши ёки ҳалқ йиғинлари шаҳар-давлатларнинг сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи ролни бажарган. Бу манбадан яна шуни билиш мумкинки, Месопотамия «ном»лари орасида доимо гегемонлик учун жанглар бўлиб турган.

«Киш лугал»и титули борасида тадқиқотчилар ўртасида тортишувлар бор. Кўплаб тадқиқотчилар бу титулни «шоҳ-гегемон» деб талқин қилади. В.Я. Якобсон эса, Киш шоҳи «ном»лар ўртасидаги чегара жанжалларини ечадиган судья ва «ном»лар ҳарбий иттифоқининг бошлиғи вазифасини бажарган, деган хulosага келган<sup>2</sup>. Айрим тадқиқотчилар эса Киш бошчилигига Шумерда ўзига хос «империя» бўлган, деган фикрга ҳам келишган<sup>3</sup>. 1983 йилда чоп этилган «Қадимги Шарқ тарихи» асарида эса Ниппур Қадимги Шумернинг идеологик-диний маркази, Киш “ном”и эса сиёсий ва савдо маркази бўлган, деб ёритилган<sup>4</sup>.

Шумер «ном»ларини бошқариш тўғрисидаги ҳужжатлар борасида Ж.С. Копер ва В. Хаймпелнинг «Саргон ҳақида Шумер қиссалари» асари диққатга сазовордир. Бу асарда шундай маълумот бор: “Э-Сикил илоҳий ибодатхона эмасми? Қўли қон бўлган одам бу ерга кирмасин”<sup>5</sup>. Лугал энг аввало ҳарбий бошлиқ, шу аснода у шоҳга айланганлигини Гелгамеш мисолидан биламиз. Шумер «ном»лари ўртасидаги доимий жанглар эса лугалнинг обрўсини ошириб борган. Шу билан бир қаторда диний жиҳатдан у ибодатхоналардан узоқлашиб борган. Саргон воқелигидан маълумки, Қадимги Шумерда

<sup>1</sup> Cooper J.S. Gilgamesh and Agga ... –Р. 239; Finet. A. Introduction au colloque. Le trone et la rue en Mesopotamie: l'exaltation du roi et les techniques de l'opposition. Le voix d'opposition en Mesopotamie. - Bruxelles, 1973. - Р. 2-27; Якобсон В.А. Цари и города Древней Месопотами // Государство и социальные структуры на древнем Востоке. - М.: Наука, 1989. - С. 21-22.

<sup>2</sup> Якобсон В.А. Межгосударственные отношения и дипломатия на древнем Востоке. - М.: 1987. - С. 8.

<sup>3</sup> Cooper J.S. Reconstructing History from Ancient Inscriptions: The Lagash-Umma Border Conflict, Sources from the Ancient Near East. 1983. - Р.7.

<sup>4</sup> История древнего Востока ... - С. 142-143.

<sup>5</sup> Cooper J.S., Heimpel W. The Sumerian Sargon Legend // JAOS, 103, 1983 - P.67-82.

ибодатхоналар энг тоза ва илоҳий жой ҳисобланиб, гуноҳкорларнинг бу ерга кириши ман этилган. Лугал эса ўз вазифасига кўра доимо гуноҳкор, чунки унинг урушлар туфайли ҳар доим қўли қон бўлишга мажбур. Шу мисоллар асосида Шумер «ном»лари шоҳлар («ишшок», «лугал») ва ибодатхона «илоҳ»лари томонидан бошқарилганини кўрамиз.

Месопотамия «ном»лари худуди, уларнинг бош шаҳри ва шаҳар атрофида жойлашган аҳоли пунктларини Ўзбекистон худудидаги бронза даври ёдгорликлари билан таққослаш натижасида Месопотамияга нисбатан кам ўрганилган Ўзбекистоннинг бронза даври тарихини янада яққолроқ тасаввур қилиш мумкин бўлади. Шу мақсадда Месопотамиянинг ҳамма «ном»ларини эмас, балки энг яхши ўрганилган Ур “ном”и хақида батафсилроқ тўхталишни лозим топдик (Расм №5).

Ур «ном»и Евфратнинг қуи ҳавзасида, Урук «ном»и жанубида жойлашган. Маркази Ур шаҳри. Умумий майдони 90 кв.км.ни ташкил этади. Бу ҳудудда Ур шаҳридан ташқари Муру (девор билан ўралган, умумий майдони 8 га), Убайд (деворсиз) ва бир неча кичик шаҳарлар (ёдгорликлар) жойлашган. Ур «ном»и ҳудудида 6000 га яқин аҳоли яшаганлиги тахмин қилинади. Шундан 3\2 қисми Ур шаҳрида, 3\1 қисми Муруда ва жуда кам аҳоли Убайд ва атроф қишлоқларда яшаганлиги эътироф этилади.

Ур шаҳрининг шимолий ва ғарбий томонларидан Евфрат дарёси оқиб ўтган, шарқий томонида эса Евфратдан сув олган канал жойлашган. Ур шаҳри атрофи қалин мудофаа девори билан ўраб олинган (сақланган девор қалинлиги 25-34 метр). Шаҳарнинг бир томони 1030 м., эни эса 685 м.ни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, Ур шаҳрининг умумий майдони 20 гектарга яқинлиги аниқланган<sup>1</sup>.

Шаҳар ҳудудида Этеменнигур зиккурати ва шаҳар илоҳларига атаб қурилган «Гипар», «Кисаль-санг», «Иганунмах», «Нингублаги», «Ниминтаби» каби ибодатхоналар, шаҳар аҳолиси турар жойлари, қабристонлар, шаҳарнинг иккита порти, жанубий дарвозаси, омборхоналар

<sup>1</sup> История древнего Востока ... - С. 167-170.

археологлар томонидан тадқиқ этилган<sup>1</sup>. Ур шаҳри тадқиқотлари билан шуғулланган Л. Вулли ва Д. Шарпенларнинг фикрига кўра, шаҳар ҳудудида боғлар, савдо расталари - бозорлар, илоҳий ҳовузлар, ибодатхоналар ҳовлиларида ортиқча маҳсулотларни сақлайдиган омборхоналар жойлашган.

Илк династилар даврида ҳар бир «ном» алоҳида сиёсий уюшма сифатида фаолият кўрсатган бўлса, II династилар даврига келиб Қуий Месопотамиянинг шимолида Киш, жанубида эса Ур «ном»лари сиёсий гегемонликни қўлга киритади. Энди Месопотамия «ном»ларининг ҳарбий иттифоқлари пайдо бўлади. Ҳарбий иттифоқ бошлиғи «эн» титулида бўлган бўлса, «ном» бошлиқлари «ҳарбий ҳукмдор» - «лугал» титулинин олишга ҳаракат қилганлар.

Месопотамия ерларига эгалик қилиш икки кўринишда, биринчиси, жамоа ерлари, иккинчиси ибодатхона ерлари бўлган. Ибодатхона ерлари аввал ибодатхона илоҳлари, сўнг «ҳарбий ҳукмдорлар» ва «шоҳ»лар томонидан бошқарилган<sup>2</sup>.

Месопотамия «ном»лари ўзаро ва ташқи дунё, аникроғи Эрон ҳудуди (Яхё тепа) билан доимий савдо ва иқтисодий алоқада бўлганлигини тасдиқловчи ашёвий далиллар мавжуд<sup>3</sup>.

Илк династилар даврига оид Лагаш хужжатлари шуни кўрсатмоқдаки, Лагаш савдо шаҳри бўлиб, Месопотамия ҳаётида муҳим ўрин тутган. Месопотамиянинг табиий бойлиги шу қадар кам бўлганки, нафақат металл, балки қурилиш, ҳайкал ва муҳрлар тайёрлаш учун ишлатиладиган тошлар, ҳаттоқи камон ясаш учун ишлатиладиган ёғочлар ҳам четдан келтирилган<sup>4</sup>.

Бу алоқалар икки йўл - савдо ва ҳарбий куч ишлатиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам савдо ва карвон йўлларига эгалик қилиш Месопотамия «ном»лари ўртасидаги муносабатларга таъсир этган.

<sup>1</sup> Woolley L, Litt D. Ur Excavations. Volume VI. - Piladelphia, 1974; Charpin D. Le clerge d' Ur au siecle d' Hammurabi. - Geneve-Paris, 1986. - P.140.

<sup>2</sup> Дъяконов И.М., Якобсон В.А. «Номовые государства» ... - С. 4.

<sup>3</sup> Якобсон В.А. Представления о государстве и древней Месопотамии. Древний Восток. Вып.3. - Ереван, 1978. - С. 8.

<sup>4</sup> Lambert. M. Textes Commerciaux de lagash // Rerue d'Assyriologie. 1953. - P.47.

### III. 2. Хараппа маданияти шаҳар-давлатлари.

Ҳозирги кунгача қадимги ҳинд цивилизацияси - Хараппа маданиятига оид 700 дан ортиқ ёдгорлик борлиги аниқланган. Улар еттита дехқончилик ўлкаларига бўлинган. Ҳар бир дехқончилик ўлкасида биттадан энг йирик ёдгорлик-шаҳар мавжудлиги аниқланган. Булар Мохенжодоро, Хараппа, Ганверивале, Калибанган, Ракхигархе, Банавале, Дхолавире (Котада). Таниқли археолог олим Б.Б. Лалнинг фикрича ҳар бир дехқончилик ўлкаси алоҳида - алоҳида чифдом типидаги давлатлардан иборат бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Лотхал шаҳар-давлатлар ўртасида судьялик вазифасини бажарган<sup>1</sup>.

Ёзув, ўлчов бирликлари, муҳрларнинг мавжудлиги ва савдонинг ривожланганлиги Хараппа маданиятининг характерли томонларидан бири ҳисобланади. Фикримизча, Хараппа маданиятида савдонинг юқори даражада ривожланганлиги ҳисоб-китоб ишлари учун қадимги хараппа ёзувининг пайдо бўлишига, товарларни сақлаш ва маркировка қилиш ишлари эса муҳрларни, сотиш ва сотиб олиш амалиётларини бажариш учун ўлчов бирликларининг кашф этилишига олиб келган. Албатта, хараппа ёзувларини ўқишига муваффақ бўлмагунча, Хараппа маданиятининг ижтимоий негизи ва давлатчилик тарихи факат археологик маълумотлар асосидагина ёритилиб борилади.

Археологик маълумотларга қараганда, Хараппа маданияти шаҳарлари арк ва шаҳар қисмларидан иборат бўлган. Арклар мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ундаги иморатлар платформа устига қурилган. Шаҳарларда ўзаро кесишувчи бир хил йўллар қурилган. Уларда ҳар хил қўламдаги ва турли вазифаларни бажарган уй қолдиқлари, ибодат учун фойдаланилган алтарлар, покланиш ҳовузлари, устахоналар - ишлаб чиқариш хоналари, хумдон мажмуалари ва шаҳардан ташқарида барак услубида қурилган уй

<sup>1</sup> E.R.Servis. Primitve social organisation. An evolutionary perspective. - Nev York, 1971. – P. 68-73

қолдиқлари ўрганилган. Шу ашёлар асосида Б.Б. Лал Хараппа маданияти ахолисини қуйидаги учта ижтимоий гурухга ажратади:

1. Аркда истиқомат қилған диний хукмдорлар, илоҳлар, дин хизматчилари (мубодлар).

2. Ўрта синф - деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар, яъни шаҳар ахолиси.

3. Қуи қисм - шаҳар деворларидан ташқарида, баракларда яшовчилар.

Маълумки, Хараппа маданияти ёдгорликларидан бой қабрлар - хукмдор ва йирик диндорлар қабрлари топилмаган. Ҳарбий ишларнинг ривожини кўрсатувчи қурол-аслаҳалар унчалик такомиллашмаган.

Тадқиқотчилар ўртасида қадимги ҳинд цивилизациясининг сиёсий тузилиши тўғрисидаги муноザаралар давом этмоқда. Айрим тадқиқотчилар Хараппа маданияти ахолисининг сиёсий таркиби Шумернигига монанд бўлиб, қулдорлик тузуми бўлган десалар, бошқа олимлар бу ерда илк синфий давлат ўрнатилган, деб ҳисоблайдилар. Яна бошқа олимлар эса буни «илк синфий характерда», «диний таркибдаги демократия», «савдо олигархияси» ёки «империя» деб атайдилар<sup>1</sup>.

Б.Б. Лал Хараппа маданиятининг илк босқичлари учун давлат бошқарувининг чифдом усули характерли бўлиб, ривожланган Хараппа маданияти даврида кичик чифдомлар бирлашиб, уюшган давлатчиликка асос солинди, дейди. У Хараппа маданиятининг ягона «империя» таркибида бўлганлигига ҳам эътиroz билдирамайди. Балки, ушбу ғояга ҳизмат қилувчи мисолларни ҳам келтиради, яъни Хараппа маданияти шаҳарларида Месопотамия ва Мисрга хос бўлган саройларнинг йўқлиги, хукмдор ва шоҳларнинг бой қабрлари учрамаганлигига ишора қилиб, саройлар ва

---

<sup>1</sup> Ф.Я. Щетенко Первобытный Индостон. – Л.: Наука, 1979. - С. 183-187; Ф.Я. Щетенко. Новые серийное издание по проблематике древнеиндийской цивилизации // Археологические вести. №4. РАН ИИМК, 1995. - С. 244-253.

ибодатхоналар бирон бир марказий шаҳарларда жойлашганлигига ва келажакда очилишига умид қиласи<sup>1</sup>.

### III. 3. Мурғоб дехқончилик ўлкаси шаҳар-давлатлари.

Қадимги Шарқнинг маданий ўчоқларидан бири бўлган Жанубий Туркманистоннинг Мурғоб дехқончилик ўлкасида мил.ав. II минг йиллиқда илк давлатларнинг шаклланиш жараёни археологик маълумотлар асосида яхши кузатилади. Қадимги Бақтрия - Сополли маданиятининг илдизлари айнан шу худудлардан изланган ва Сополли маданиятининг шаклланишида Мурғоб воҳаси ёдгорликлари асосий манба сифатида талқин қилинган<sup>2</sup>.

Марв ўлкасида бронза даврида саккизта суғорилиш райони - «микроаазис» жойлашган (6-расм). Ҳар бир ўлкада битта ёдгорлик ўзининг кўлами ва морфологик тузилиши билан бошқаларидан ажралиб туради. Бу ёдгорликлар шу кичик микроаазисларнинг маркази бўлган<sup>3</sup>.

1. Келели дехқончилик воҳасида 13 та ёдгорлик жойлашган бўлиб, ушбу худудий бирликнинг маркази сифатида Келели I ёдгорлиги кўрсатилган<sup>4</sup>.

2. Ажикуй дехқончилик воҳасида 7 та ёдгорлик жойлашган, И.С. Масимовнинг фикрича Ажикуй I, В.И. Сарианидининг фикрича эса Ажикуй 8 ўлканинг марказий ёдгорлиги сифатида талқин қилинади<sup>5</sup>.

3. Аучин дехқончилик воҳасида 14 та ёдгорлик борлиги аниқланган ва воҳанинг маркази сифатида Аучин I тепалиги кўрсатиб ўтилган<sup>6</sup>.

4. Таип дехқончилик воҳасида 8 та ёдгорлик аниқланиб, марказ сифатида Таип I ёдгорлиги талқин қилинади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> B.B.Lal. Некоторые представления о социальной стратификации и политической системе Индской цивилизации // Narappan studies. Vol.1 Editors G.L.Possehl, M.Tosi. 71 pages. 1993. – Delhi-Bombay-Callcutta. - Р. 68-69.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана ... - С. 23.

<sup>3</sup> Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш. - Ашгабад, 1990. - С. 6.

<sup>4</sup> Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш ... – С. 7; Niebert F. Origins of the Bronzeage ... - Р.17; Масимов И.С. Изучение памятников эпохи бронзы низовьев Мургаба // СА. - М.: 1979, №1. - Рис.1.

<sup>5</sup> Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш ... – С. 8-10.

<sup>6</sup> Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш ... - С. 10-13.

5. Гонур дехқончилик воҳасида Гонур I ёдгорлиги шаҳар сифатида ажралиб туради. Унинг атрофида яна 15 та кичик тепа - ёдгорлик жойлашганлиги аниқланган<sup>2</sup>.

6. Тоголок воҳасида 30 дан ошиқ ёдгорлик жойлашган бўлиб, маркази аввал Тоголок I, сўнгра Тоголок 21 ёдгорликлари бўлган деб талқин қилинади<sup>3</sup>.

7. Адам-Басан воҳасида 10 та ёдгорлик бўлиб, Адам-Басан 4 тепалиги ўлканинг маркази вазифасини бажарган<sup>4</sup>.

8. Тахирбой дехқончилик воҳасининг ёдгорликлари сонини ва марказини аниқлашда чалкашликлар бор, негаки бу ерда илк темир даври ёдгорликлари ҳам жойлашган<sup>5</sup>.

Шундай қилиб, Мурғоб дарёси бўйида 100 дан ортиқ бронза даври ёдгорликлари аниқланган бўлиб, ҳамма ёдгорлиқда ҳам бир вақтда ҳаёт бўлган, деган фикрдан йироқмиз. Тадқиқотчилар томонидан ёдгорликларнинг учта хронологик даври аниқланган<sup>6</sup>.

Ёдгорликлар иерархияси натижасида Мурғобнинг бронза даври аҳолиси икки тоифага ажратилган. Биринчиси - юқори тоифадаги аҳоли. Улар воҳа марказларида истиқомат қилганлар, қуий тоифадаги аҳоли эса бошқа кичик ёдгорликларда яшаганлиги таҳмин қилинади<sup>7</sup>.

Кичик ёдгорликлар орасида Келели 4, Келели, 3 ва Аджи-Куи 8 тепаликлари яхши ўрганилган<sup>8</sup>. Улар тўғри геометрик шаклларда қурилган бўлиб, деворлар билан ўралган, қўргон ичидаги эса уйлар ва хўжалик бинолари жойлашган. Айримларининг атрофларида хумдонларнинг жойлашганлиги

---

<sup>1</sup> Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш ... – Рис 1.

<sup>2</sup> Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш ... - С. 13-34.

<sup>3</sup> Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш ... - С. 34-51.

<sup>4</sup> Масимов И.С. Изучение памятников эпохи бронзы низовьев Мургаба // СА. - М.: 1979, №1. - С.13.

<sup>5</sup> Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш ... - С. 53-58; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргiana ... - С. 5.

<sup>6</sup> Кошеленко Г.А., Губаев А.Г., Гаивов В.А., Вадер А.Н. Мервский оазис: динамика систем расселения и ирригация // ВДИ. - М.: 1994, №4. - Карты 1-4.

<sup>7</sup> Гаивов В.А, Кошеленко Г.А, Бадер, А.Н. Система расселения в Мервском оазисе эпохи бронзы // Проблемы истории, филологии, культуры. Вып.4. Часть 1, История. - Москва-Магнитогорск, 1997. - С. 48.

<sup>8</sup> Масимов И.С. Жилой дом на Келлели // Памятники Туркменистана. №2, 1984. - С. 16-18; Масимов И.С. Новые исследования памятников эпохи бронзы на Мургабе.|| Древние цивилизации Востока. - Ташкент, 1986. - С. 171-181,

кузатилади. Ҳар бир ёдгорликни алоҳида жамоа типидаги хўжалик деб атаса бўлади. Келели 4 тепалигида 6-7 та оила-хўжалиги яшаган бўлса, Келели 3 ёдгорлигида 70-75 та шундай оила-хўжаликлари яшаганлиги кузатилади. Яна шу нарса диққатга моликки, ҳар бир ёдгорлик мудофаа деворларига эга. Лекин, ёдгорликларнинг умумий марказлашган мудофаа системаси бўлмаган, мудофаа деворлари ҳар бир патриархал оила-хўжаликлари учун хизмат килган, негаки Келели 4 ёдгорлигида ўрганилган мудофаа деворлари ва буржлари, дарвозалари оила-хўжаликлари билан меъморий боғланиб кетган.

Мурғоб дехқончилик воҳасида жойлашган саккизта кичик ўлкаларнинг марказлари деб талқин қилинаётган Аучин I, Гонур I, Тоголок 1 ва Тоголок 21 ёдгорликларида кенг кўламдаги археологик тадқиқотлар ўтказилган<sup>1</sup>.

Аучин I квадрат шаклдаги, кучли мудофаа иншоотларига эга бўлган ёдгорлик. Иккита қурилиш босқичидан иборат. Афсуски, Аучин I ёдгорлигида олиб борилган тадқиқот якунлари ҳозирча чоп этилмаган.

Гонур ўлкасидаги марказий ёдгорлик Гонур I тепалиги бўлиб, унинг майдони 20 гектардан ортиқ. В.И. Сарианиди бу ёдгорликни Марв воҳасининг маркази сифатида кўрсатади. Гонур I - икки қисмдан иборат, биринчи қисмда жойлашган ибодатхона мудофаа деворлари билан ўралган бўлса, иккинчи қисм очиқ жойда жойлашган жамоалар яшайдиган маҳаллалардан иборат. Ф. Хибертнинг бу жойда ўтказган стратиграфик изланишларига кўра Гонур I ёдгорлигида иккита қурилиш даври борлиги, қуий қатламларнинг мил.ав. 2100-1900 йилларга, юқори қатламлари эса 1900-1700 йилларга оидлиги айтилган<sup>2</sup>.

Тоголок воҳасида Тоголок I ёдгорлиги воҳанинг, Тоголок 21 ёдгорлиги эса бутун Марв дехқончилик воҳасининг маркази сифатида талқин қилинади<sup>3</sup>. Ф. Хибертнинг хронологик тадқиқотлари эса, Тоголок 1 давр

<sup>1</sup> Сарианиди В.И. Сельский храм Тоголок I в Марганде // ВДИ. - М.: 1990, №2. - С. 10-13; Сарианиди В.И. Протозароастрийский храм в Марганде и проблема возникновения зароастризма // ВДИ. - М.: 1989, №1; Хиберт Ф, Мур К. Новые стратиграфические раскопки в Гонур-депе(север) // Информационный бюллетень МАИКЦА. Вып.19. 1994. – С. 109-119.

<sup>2</sup> Хиберт Ф. Раскопки жильых кварталов Гонур-депе (северный холм, весна 1989 г) // Информационный бюллетень МАИКЦА. Вып.19. 1994. - С. 120-134.

<sup>3</sup> Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш ... - С. 34-53.

жиҳатидан аввал, сўнг эса Тоголок 21 ўлканинг маркази ролини бажарганлигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, Жанубий Туркманистонда бронза даври марказий ёдгорликларининг умумий майдони 12-20 гектаргача борган. Улар икки қисмдан иборат бўлиб, монументал ибодатхоналар жойлашган биринчи қисм мудофаа деворлари билан ўралган. Иккинчи қисм эса очик жойда жойлашган, жамоалар яшайдиган маҳаллалар мажмуасидан иборат бўлган. Воҳаларнинг маркази бўлган шаҳарлар ибодатхона мубодлари томонидан бошқарилган. Ибодатхоналарнинг меъморий қурилиш усуллари шуни кўрсатмоқдаки, улар жуда мураккаб таркибга эга бўлган. Ибодат жойига бир хона ёки ибодатхонанинг бир қисми ажратилган бўлиб, қолган қисмлар ҳўжалик, омборхона, ишлаб чиқариш, мумкинки, яшаш хоналаридан иборат бўлган. Марв дехқончилик воҳасини Қадимги Шарқ билан таққослаб шуни айтиш мумкинки, ибодатхоналар бу ерда ҳам каналларни қазиш - ирригация ишларини уюштириш ишларини ҳам бажарган. Омборхоналардан эса захирадага ҳосилни, ортиқча бойликларни сақлаш мақсадларида фойдаланишган. Яна шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, Марв ўлкасидаги ҳар бир кичик воҳа автоном - муҳтор характеристига эга бўлган. Ибодатхонани ва унинг атрофида жойлашган маҳаллаларни бошқариш, ҳўжаликни юргизиш ибодатхоналар зиммасида - ихтиёрида бўлган.

Яна битта масалага аниқлик киритиш лозим деб ўйлаймиз. Бу фортификация масаласидир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Марв ўлкасидаги барча жамоалар яшайдиган уйлар, ибодатхоналар мудофаа девори билан ўраб олинган. Бу мудофаа деворлари қайси кучларга қарши барпо этилган, деган табиий савол туғилади. Албатта, ташқи душманларга қарши қурилмаган, негаки бошқа жамоалар, археология тили билан айтганда маданиятлар юзлаб километр узоқликда жойлашган. Бизнинг фикримизча, бу деворлар шу ўлканинг ўзида жойлашган бошқа жамоалардан сақланиш учун қурилган. Негаки, Марв дехқончилик ўлкасида саккизта кичик воҳа борлиги, улар ўртасида эса гегемонлик учун кураш бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Илк

давлатлар типологияси бўйича<sup>1</sup> ҳар бир кичик воҳани «ном» типидаги шаҳар-давлат тоифасига киритиш мумкин. Бу шаҳар-давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ва, табиийки, идеологик ҳаётида, жамоаларни бирлаштиришда ибодатхоналар бошқарув вазифасини бажарган. Яна шуни ҳам тъкидлаш мумкинки, ҳар бир воҳа - «шаҳар-давлат» мустақил сиёсий бирлашма сифатида фаолият кўрсатган, буни ҳар бир воҳада жойлашган ибодатхона мисолида исботлаш мумкин.

### III. 4. Жанубий Бақтрияning шаҳар-давлатлари.

В.И. Сарианидининг фикрича, сўнгги бронза даврида Мундигак томондан кўчиб келган аҳоли Жанубий Бақтрияning тўртта суғорилиш районига - дарёлар бўйларига жойлашган (2-расм). Булар Давлатобод, Фарухобод, Даشتли ва Ничкин ҳудудий дехқончилик воҳалари бўлиб, кўчиб келган аҳоли табиий суғоришга қулай бўлган жойларга ўrnashgan<sup>2</sup>.

Давлатобод дехқончилик воҳасида бронза даврига оид тўртта ёдгорлик аниқланган. Булар Тикар 1, Тикар 2, Тикар 3 ва Тикар 4 (Гирдай тепа) ёдгорликлари бўлиб, улар топографик жиҳатдан бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Ўлчамлари бўйича Тикар 1 ёдгорлиги 75x65 м, Тикар 2 ёдгорлиги 80x50 м, Тикар 3 ёдгорлиги 65x55 м, Тикар 4 (Гирдай тепа) ёдгорлиги эса 100x95 метрни ташкил этади. Ёдгорликларнинг баландлиги 2 - 3,8 метрга этади. Ушбу дехқончилик воҳасининг сиёсий маркази вазифасини Тикар 4 ёдгорлиги бажарган<sup>3</sup>.

Чўл ва тақир ҳудудлардан иборат бўлган Фарухобод ўлкасида бир қатор бронза даври ёдгорликлари ва қабристонлари жойлашганлиги аниқланган бўлиб, уларда мақсадли археологик тадқиқотлар ўтказилмаган. Фарухобод 1 ва 2 ёдгорликлари юзасидан бронза даврига оид сопол буюмлар, мис ойналар териб олинган, холос.

<sup>1</sup> Дъяконов И.М, Якобсон В.А. «Номовые государства» ... - С. 3-11.

<sup>2</sup> Сарианиди В.И. Исследования памятников Дашилинского оазиса // Древняя Бактрия. Материалы 1969-1973 гг. - М.: Наука, 1976. - С. 21-86.

<sup>3</sup> Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана ... - С. 22-26.

Акча шаҳридан 30 км шимолда жойлашган Даشتли дехқончилик воҳасида 40 дан ортиқ бронза даври ёдгорликлари жойлашганлиги аниқланган. Топилган ёдгорликларни топографик жиҳатдан икки турга бўлиш мумкин. Булар - мудофаа деворига эга бўлмаган қишлоқ типидаги ёдгорликлар, кучли мудофааланган ёдгорликлардир. В.И. Сарианидининг фикрига қараганда мудофааланган ёдгорликлар нуфузли оиласарга тегишли бўлса (Гирдай тепа, Дашли 14), қишлоқ типидаги ёдгорликларда эса жамоанинг қуи табақа аъзолари истиқомат қилишган.

Даштли дехқончилик воҳаси ёдгорликлари орасида ҳарбий истеҳком - қалъалардан Даشتли 1 ёдгорлиги тўлиқ қазиб ўрганилган. У тўғри тўрт бурчак шаклида бўлиб (99x85 м), уч метр қалинликдаги мудофаа девори билан ўралган, қалъа бурчаклари айлана, девор бўйлаб эса ярим айлана шаклидаги буржлар билан мудофаа усули кучайтирилган. Қалъа ичida патриархал оиласарга мўлжалланган яшаш ва хўжалик хоналари қурилган.

Бақтрия илк давлатчилиги тарихини ёритишда Даشتли ўлкасида В.И. Сарианиди томонидан ўрганилган Даشتли 3 ибодатхонаси ва Даشتли 3 саройининг очилиши алоҳида аҳамият касб этади. Бу ёдгорликлар меъморий курилиши жиҳатидан Даشتли воҳасининг бошқа ёдгорликларидан тубдан фарқ қиласи.

Даштли 3 ибодатхонаси доира шаклда бўлиб, мудофаа девори билан ўралган, тўғри тўрт бурчак шаклидаги тўққизта бурж унинг меъморий ва мудофаа салоҳиятини янада оширган. Тадқиқотчининг фикрича, айлана шаклли ибодатхона ичida ибодатхона хизматчилари доимий истиқомат қилишган ва ибодатхона хизматида бўлишган. Шаҳар аҳолиси ибодатхонадан ташқарида, тўғри тўрт бурчак ва икки қатор айлана шаклли девор билан ўралган шаҳар қисмида яшашган<sup>1</sup>.

Даштли 3 ибодатхонаси ёнида квадрат шаклидаги, мудофаа иншоотлари Сополлитепа мудофаа усулини эслатувчи Даشتли 3 саройининг очилиши Бақтрия илк давлатчилигини, давлат ҳукмдорларининг

<sup>1</sup> Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. - М.: Наука, 1977. - С. 34-40.

шаклланишини ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳизмат қилади. Квадрат шаклидаги сарой ичида йирик (кўп хонали) ва кичик патриархал оиласарга мўлжалланган уй қолдиқлари очилган. Сарой ўзининг монументал қурилиш услуги билан, яъни ривожланган фортификация деворлари ва ягона меъморий ечими билан Даштли воҳасининг бошқа ёдгорликларидан тубдан фарқ қилади. Даштли ибодатхонаси ва саройидан топилган ашёвий манбалар асосида В.И. Сарианиди бу икки монументал бино бир вақтда қурилган ва ижтимоий жиҳатдан бир-бирини тўлдирган. Яъни, бири диний идеологик марказ бўлса, иккинчиси Бақтрия «аристократия»сининг шаклланганлигини кўрсатувчи манба деб баҳо беради. Нечин дехқончилик воҳасида эса моддий маданияти Даштли маданиятига хос бўлган бронза даври ёдгорликлари борлиги хусусида маълумотлар бор, холос.

В.И. Сарианидининг Жанубий Бақтрия ҳудудларида олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, айrim дехқончилик воҳалар (Давлатобод, Фарухобод) ягона сиёсий тизимга эга бўлмаган, уларда бир-биридан ижтимоий жиҳатдан фарқ қилмайдиган ёдгорликлар уюшмаси жойлашган бўлиб, Даштли дехқончилик воҳасини эса тўлиқ шаклланган «ном» типидаги илк давлат деб баҳолаш мумкин. Бу ўлка ўзининг сиёсий марказига, марказ атрофида жамланган қалъя ва қишлоқларига эга бўлган.

Қадимги Шарқда илк давлатчиликнинг шаклланиши ёзма ва археологик манбалар асосида ўрганилган. Давлатчиликнинг шаклланиши борасида кечган тарихий жараённи чуқурроқ англаш, мавзуни ёритища мазкур манбалардан қиёсий фойдаланиш, илмий муаммони тарихий ретроспектив ўрганиш мақсадида қадимги цивилизация ўчоқларида ушбу мавзу бўйича қилинган ишларнинг қисқача баёнига тўхталдик. Боз устига, Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши масаласи биринчи маротаба алоҳида мавзу сифатида ўрганилаётганини инобатга олиб, илк давлатчиликка оид манбаларни аналитик таққослаш мақсадида Қадимги Шарқнинг цивилизация марказларида шаҳар-давлатларнинг шаклланиш жараёни қисқача ёритилди. Натижада, Ўзбекистонда давлатчиликнинг пайдо бўлиш

жараёнини Қадимги Шарқ дунёси давлатчилиги билан қиёсий таққослаб ўрганиш имконияти туғилди.

Мил.ав. IV минг йиллик сўнггида инсоният тарихида илк маротаба Месопотамияда шаклланган илк давлатчилик муносабатлари жараёни мил.ав. III минг йилликда шарқقا - Эрон, Ҳиндистон томон кенгаяди. Илк давлатчилик муносабатлари мил. ав. III минг йиллик сўнггида Жанубий Туркманистоннинг Тежен, Мурғоб воҳаларида, II минг йиллик бошларида эса Бақтрияда ҳам шаклланганлигини Сополли маданиятига турдош Даشتли маданияти ёдгорликлари мисолида танишдик.

Қадимги Шарқда кечган ушбу тарихий жанаённи Жарқўтон мисолида қараб чиқиш имконияти туғилди. Албатта, давлатчиликнинг шаклланишида умумий йўналишлар билан бирга ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги ҳам кузатилади. Мана шу ўзига хосликни аниқлаш мақсадида Қадимги Шарқ ва Сополли маданияти шаҳар-давлатларини таққослаш ва янги илмий хулосалар олиш имконияти туғилди.

### III. 5. Жарқўтон – Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар-давлат.

А.А. Асқаров археология мактабининг Сополли маданияти ва унинг ёдгорликларини ўрганиш борасидаги хизматлари натижасида фанда Сополли маданияти тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилди. Ашёвий далиллар асосида Сополли маданиятининг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари, меъморий услублари, маданий алоқалари хусусида бой археологик маълумотлар тўпланди. Сополли маданияти ёдгорликларининг типологияси ишлаб чиқилди, шу илмий ишланмага асосан Жарқўтон ёдгорлиги илк шаҳарлар тоифасига киритилди.

Жарқўтон ёдгорлигига илк шаҳарларга хос бўлган ибодатхона, шоҳлар саройи, мудофаа деворлари каби монументал иншоотлар очилган. Шу манбалар асосида Т.Ш. Ширинов илк шаҳарларнинг назарий асосларини Жарқўтон ёдгорлиги мисолида кузатди. Маълумки, илк шаҳарлар билан бир

вақтда шаклланадиган илк давлатларнинг пайдо бўлиши тўғрисида ҳам Т.Ш. Ширинов ўз тадқиқотларида илмий мулоҳазалар юритган. Қилинган ишлар ўз олдимизга қўйган мақсадни бажаришимизда анча енгилликлар беради. Хусусан, Сополли ва Жарқўтон ёдгорликлари қабрлари мисолида Сополли маданиятида илк синфий муносабатларнинг шаклланиши масаласи А.А. Аскаров ва В.И. Ионесов томонидан ёритилган бўлса, Жарқўтон олов ибодатхонаси мисолида Сополли маданияти ахолисининг диний қарашлари А.А. Аскаров ҳамда Т.Ш. Ширинов асарларида ўз аксини топган.

1994-2003 йиллар давомида Жарқўтон ёдгорлигида Ўзбекистон - Германия археологик экспедицияси қўшимча илмий тадқиқотлар ўтказди. Бу қазишмалар натижасида Жарқўтон ёдгорлиги бўйича янги маълумотлар тўпланди. Ушбу қазишмалар асосан Жарқўтон ёдгорлигининг арк, шахристон ва некрополь ҳудудларида олиб борилди. Жарқўтон ёдгорлигининг тарихий топографияси борасида янги маълумотлар тўпланди (7-расм).

### III. 5. 1. Жарқўтон шаҳар-давлатининг тарихий топографияси.

Жарқўтон илк маротаба А.А. Аскаров томонидан Қадимги Шарқ цивилизациясига хос илк дехқончилик маданияти ёдгорлиги сифатида қаламга олинган. Т.Ш. Ширинов ўтказган археологик изланишлар натижасида очилган Жарқўтон олов ибодатхонаси, Жарқўтон шоҳлар саройи, аркнинг мудофаа деворлари каби монументал иншоотларнинг ўрганилиши тадқиқотчига Жарқўтон ёдгорлигини илк шаҳар сифатида талқин қилишга имкон яратди<sup>1</sup>.

Сўнгги йилларда ёдгорлиқда ўтказилаётган археологик тадқиқотлар натижасида ушбу ёдгорликнинг топографияси борасида янги маълумотлар тўпланди, қазишмалар ўтказилган тепаликларнинг функционал вазифалари

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юге Узбекистана ... – С. 217; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... - С. 168.

аниқланди, энг муҳими, олинаётган ашёвий манбалар асосида ёдгорликнинг эгаллаган мавқеига янгича назар, янгича қараш, яъни «ном» типидаги шаҳардавлат сифатида қараш ғояси туғилди<sup>1</sup>.

Жарқўтон ёдгорлиги Бўстонсойнинг чап томонида, табиий тепаликлар устида бунёд бўлган. Жарқўтоннинг қарама-қарши томонида, Бўстонсойнинг ўнг қирғофида эса Бўстон ёдгорлиги жойлашган. Ҳар икки ёдгорлик мажмуаси Сополли маданиятига оид бўлиб, улар Сополли маданиятининг турли хронологик босқичлари ҳақида маълумотлар беради.

Жарқўтон ёдгорлиги тепаликларида вертикал ва горизонтал стратиграфия қайд этилган. Айрим, масалан №5 ва №6 тепаликларда горизонтал стратиграфия кузатилган бўлиб, Жарқўтон ёдгорлигининг ҳамма даврий босқичлари ашёлари учрайди. Бошқа тепаликларда эса фақат бир ёки бир неча қурилиш даври ашёлари кузатилган (№ 8 тепалик, арк ва бошқа тепаликлар).

Адабиётларда таъкидланиб келинаётган Жарқўтон ёдгорлигининг умумий майдони «100 гектардан ошиқ» деган маълумотни нисбий тушунча деб қараш керак. Ёдгорликнинг горизонтал стратиграфиясини инобатга олсак, ҳеч қачон бир вақтда 100 гектарлик майдонда шаҳар фаолият этмаган. Ундан ташқари ёдгорликнинг қабристон жойлашган тепаликларини шаҳар ҳудудидан ажратадиган бўлсак, янада соддароқ шаҳар планини кўришимиз мумкин. Булар А.А. Аскаров ва Т.Ш. Шириновлар ўз асарларида кўрсатиб ўтган «арк» ва унинг атрофида жойлашган саккизта катта патриархал уруғ жамоалари мажмуасидан иборат бўлган «шаҳристон»дир. Тепаликлар баландлиги жиҳатидан бир - биридан унчалик фарқ қилмайди (7-расм).

Жарқўтон арки. Жарқўтон ёдгорлигининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган тепалик тадқиқотчилар томонидан «арк» деб аталган. У топографик жиҳатдан бошқа тепаликлардан ажралиб туради. Унинг умумий майдони 3 гектар бўлиб, Т.Ш. Ширинов ўтказган тадқиқотларга кўра, атрофи

<sup>1</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатларнинг археологик белгилари // O'zbekiston tarixi. Фан, 2002. №3. –Б. 3-10.

1,20-1,50 метр қалинликдаги мудофаа девори билан ўралган. Ички қисми эса кичик тепаликлар мажмуасидан иборат.

Аркда кенг кўламли археологик изланишлар олиб борилган. 1975 йилда «арк»нинг ғарбий қисмидаги А.А. Аскаров томонидан қазилган стратиграфик шурф натижасида Сополли маданияти ашёлари билан бирга Кучук I даврига оид сополлар мажмуаси ҳам топилган<sup>1</sup>.

Т.Ш. Ширинов томонидан аркнинг ғарбий қисмидаги сарой, жануби-шарқий ва шарқий қисмларида аркнинг мудофаа девори очиб ўрганилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон - Германия экспедицияси томонидан сўнгги йилларда Жарқўтон аркининг тўртта жойида қазиш ишлари олиб борилди. Асосий мақсад - аркнинг умумий қурилиш услубини аниқлашдир. Негаки, Т.Ш. Ширинов томонидан ўрганилган сарой фақат Жарқўтон даврига оид бўлиб, сўнгги (Кўзали, Мўлали) даврларда сарой қаерда бўлган деган саволга жавоб излашдан иборат бўлди.

Жарқўтон аркининг мудофаа деворлари - фортификация масаласи ҳам, бизнинг фикримизча, ўз ечимини топиши зарур. Эслаб ўтганимиздек, Жарқўтон арки 1,20-1,50 метр қалинликдаги деворлар билан ўралган. Арк ичида жойлашган сарой эса 4,5 метрлик деворга эга эканлиги Т.Ш. Ширинов томонидан аниқланган<sup>3</sup>. Жарқўтон аркини ўраб турган девор фортификация вазифасини бажарганми ёки Жанубий Туркманистон энеолит даври ёдгорликларида сингари совук шамолларга тўсик вазифани бажарганми деган саволлар ўз ечимини топиши керак. Шу мақсадларда аркда қазиш ишлари давом эттирилди. Археологик қазиш ишлари аркнинг шарқий, жанубий ва марказий қисмларида олиб борилди.

Жарқўтон аркининг шарқий қисмидаги олиб борилган қазишмалар натижасида 4 та хонадан иборат оила яшаган уй қолдиғи очилди. Бу уй битта қурилиш давридан иборат бўлиб, Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичига оид. Хоналари узунчоқ - коридорсимон шаклда (12-расм). Уй

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юге Узбекистана ... - С. 217.

<sup>2</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С.168.

<sup>3</sup> Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы ... – С. 42.

деворлари хом ғиштдан терилган (58x24x14; 62x30x17 см). Деворлар баландлиги 0,20 метрдан 1,20 метргача сақланган. Уйнинг поллари сомон сувоқ билан шувалган, айrim жойларига - эшик атрофларига тош тўшалган.

Уйнинг умумий кўриниши тўғри тўрт бурчак шакли бўлиб, бурчакларига меъморий тиргаклар (контрфорс) қурилган. Уйнинг умумий узунлиги 16 метр, эни 10,5 метр.

Очиб ўрганилган уйнинг иккита хонаси оддий яшаш хоналаридан (12-расм. № 2, № 3 хоналар) иборат бўлса, № 4 хона қолган хоналарни боғловчи – даҳлиз (коридор) вазифасини бажарган. Барча хона эшиклари мана шу хонага чиқади. Эътиборга молик № 1 хона бўлиб, қўлами жиҳатидан бошқа хоналардан катта, фақат мана шу хонада сандал-ўчоқ, алоҳида қурилган суфа жойлашганлигига қараб ушбу хонани кичик патриархал оиланинг ижтимоий хонаси ёки уйнинг меҳмонхонаси деб таърифлаш мумкин.

Уйнинг хўжалик ўчоқлари алоҳида жойда, уйнинг шарқий деворига тақаб қурилган. Бу ерда битта хўжалик ўчоғи ва тош тўшалган ҳовли очилди. Қазишманинг шимол томонида шу уйнинг эҳтиёжига мўлжалланган кичик хумдон ҳам топилдики, бу меъморий комплекс Жарқўтон даврида яшаган кичик патриархал оиланинг мустақил ҳаёт кечирганлигини кўрсатади (12-расм).

Топилмалар орасида энг эътиборга молик ашё, бронзадан ишланган пичноқ дастаси бўлиб, унинг гулмихлари темирдан ясалган (13-расм, 7). Тарих фанида А. Гётце ва Э. Лароша каби хеттолог олимларнинг изланишларидан сўнг темирнинг пайдо бўлиши тўғрисида янги фикрлар пайдо бўлди. Хетт ёзувлари шуни кўрсатмоқдаки, хеттликлар темирдан ҳар хил тақинчоқлар, худо ҳайкаллари ва диний маросимларда ишлатиладиган ҳар хил буюмларни ясаганлар<sup>1</sup>. Хеттликлар метеорит ва қазилма темирлардан фойдаланишган. Бу фикрни Аладжа-Хуюқ ёдгорлигидан топилган темир қиличининг металлографик анализи исботлайди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Goetze A. Kleinasiens. - München, 1957; Laroche Em. Etudes de vocabulaire. VI. Revue hittite et asianique, 1957.

<sup>2</sup> Wertme T.A. Pyrotechnology: Man's First industrial Uses of Fire // American Scientist. 1973, Vol. 61. 6. - P. 682.

Сүнгги йилларда фанда темирнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши тўғрисида янги маълумотлар тўпланди. Дж. Вальдбаумнинг изланишларига қараганда энг қадимги темир предмет мил.ав. V-IV минг йилликларга оид бўлиб, метеорит темирдан ясалган. Шимолий Ироқдаги Самарре қабристонидан топилган қурол темир рудасидан ясалган. Илк бронза даврига оид жуда кўплаб темир буюмлар Месопотамия, Анадоли ва Мисрдан топилган<sup>1</sup>.

Ўрта бронза даври (2000-1600 йиллар) ёдгорликларида темирдан ясалган буюмлар кўплаб учрайди. Алишар II ва Кусуридан топилган буюмлар бунга мисол бўлади<sup>2</sup>.

Қадимги Шарқда темир жуда қимматбаҳо металл ҳисобланган. Темир олтиндан 9-10, кумушдан 35-40, кўрғошиндан 400 марта қиммат бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар бор<sup>3</sup>.

Темир тўғрисидаги энг қадимги ёзма манба ҳам Хетт миххат ёзувларидан маълум. Энг қадимги «Анитти» тексти мил.ав. XIX-XVIII аср воқеликлари ҳақида ҳикоя қиласи. Унда Хуррит шахридан бўлган Пурусхонди ҳокими ўз вассали Аниттени темир тахтга ўтқазгани ва темирдан ясалган салтанат ҳассасини бергани ифодаланган<sup>4</sup>.

Эрон худудидан топилган энг қадимги темир мил.ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмига оидdir. Гиан I тепалигидан топилган темир қилич ва темир пайкон, Сиалк қабристонидан топилган темир қилич ва темир тўғноғич бу фикрнинг исботи ҳисобланади<sup>5</sup>.

Ўрта Осиё ҳудудида темирнинг пайдо бўлиш вақти, тарқалиши ҳозирча ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади. В.М. Массон темирнинг пайдо бўлишини мил.ав. I минг йилликнинг бошлари деб

<sup>1</sup> Waldbaum J.C. The First Archaeological Appearance of Iron and the Transition to the Iron Age // The Coming of the Age Iron. Ed. by Th.A. Wertime and J.D. Muhly. - New Haven-London, 1980. - P.69-98.

<sup>2</sup> Waldbaum J.C. The First Archaeological Appearance of Iron ... – P.74.

<sup>3</sup> Waldbaum J.C. The First Archaeological Appearance of Iron ... - P.75.

<sup>4</sup> Георгадзе Г.Г. «Текст Анитты» и некоторые вопросы ранней истории хеттов // ВДИ. - М.: 1965, 4. -С. 3-17; Георгадзе Г.Г. Протвоздство и применение железа в центральной Анатолии по данным хеттских клинописных текстов // Древний Восток (этнокультурные связи). LXXX, М.:1988. - С. 238-261.

<sup>5</sup> Forbes R.J. Metallurgy in Antiquity. - Leiden, 1950. - P. 443.

хисоблайди ва Ўрта Осиёга темир Эрон ҳудуди орқали тарқалган деб ёзади<sup>1</sup>. Далварзинтепадан топилган темир пичоқ ва шлак асосида Ю.А. Заднепровский мил.ав. X-VIII асрларни илк темир даври, деб аташни таклиф этган<sup>2</sup>.

А.А. Аскаров билан В.И. Сарианидининг темирни пайдо бўлиши хақидаги фикри айнан ўхшаш. Яъни, Кучук II ва Тилла II даврларини улар илк темир даври деб ҳисоблайдилар<sup>3</sup>.

А.С. Сагдуллаев эса X-VIII асрларни сўнгги бронза давридан илк темир даврига ўтиш, VII-IV асрларни эса илк темир даври деб аташни таклиф этади<sup>4</sup>.

Жарқўтондан топилган бронза пичоқ дастасидаги темир гулмих бу борада янги фикр юритишга мажбур этади. Эрон ҳудудида Гиан I ва Сиалқдан топилган темир қиличлар ва пайконлар ёрдамида илк темир даврининг бошланиши Ўрта Осиёга нисбатан қарийиб 500 йилга қадимийлаштирилган<sup>5</sup>. Жарқўтон аркидан топилган бу буюм Сополли маданияти аҳолисининг темирни билғанлигини кўрсатувчи ашёвий манба бўлиб хизмат қиласди. Ушбу топилманинг пайдо бўлиши тарихи билан қизиқиб, М.В. Гореликнинг Қадимги Шарқнинг меҳнат ва жанг қуролларига бағишлиган тадқиқотларига мурожаат этдик. Жарқўтондан топилган пичоқ дастасига ўхшаш пичоқлар Месопотамия, Сурия ва Хетитлар ёдгорлигидан топилган<sup>6</sup>. Бактриянинг бронза даврида Сурия ва Хетитлар юрти аҳолиси билан маданий алоқада бўлганлиги муҳрлар асосида В.И. Сарианиди, С. Салватори каби олимлар томонидан ёзилмоқда<sup>7</sup>. Шу алоқалар натижасида Жарқўтондан топилган пичоқ ҳам «импорт» сифатида келган бўлиши табиий ҳол ҳисобланади.

<sup>1</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... - С. 108.

<sup>2</sup> Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы и памятники железного века Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист.наук. - М.: Л., 1978. - С. 32.

<sup>3</sup> Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. - М.: 1977; Аскаров А.А, Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. Ташкент, 1979.

<sup>4</sup> Сагдуллаев А.С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии // СА. - №2. 1982. - С. 229-234.

<sup>5</sup> Forbes R.J. Metallurgy in Antiquity. - Leiden, 1950, - P.443.

<sup>6</sup> Горелик М.В. Оружие Древнего Востока (IV тысячелетие - IV в. до н.э.). - М.: Наука, 1993. - Табл. I.

<sup>7</sup> Сарианиди В.И. Сиро-Хеттское происхождение Бактрийско-Маргианской глиптики // ВДИ. - М.: №1, 1999. - С. 55.

Жарқұтон аркининг марказий қисмидә, күлами 25x25 метр майдонда олиб борилған тадқиқот ишләри натижасыда бирорта меъморий қурилма қолдиги учрамади. Бу ерда диаметри 0,90 метрдан 4 метргача келадиган 16 та чуқур жойлашғанлиги қайд этилди (10-расм). Бу чуқурлар ҳар хил даврларга оид бўлиб, бештаси Жарқұтон, учтаси Кўзали, учтаси Мўлали ва Бўстон даврларига оид бўлса, бештаси Кучук I даврига оидdir. Бу чуқурларнинг кўпчилиги ташландик ташланадиган чуқур бўлса, айримлари хўжалик чуқурлари вазифасини бажарган. Хўжалик чуқурлари доира шаклида бўлиб, чуқурлиги 2,10 метргача боради. Ташландик ташланадиган чуқурлар анча саёз, шакллари ҳам ҳар хил. Хронологик жиҳатдан ҳам Сополли маданиятининг турли босқичларига тегишли бўлган ушбу чуқурлардан энг ноёб топилмалар учради. Биз ушбу топилмаларнинг Жарқұтон моддий маданияти, қолаверса Ўрта Осиё археологиясининг мунозарали масалаларига тегишли бўлганларига тўхталамиз, холос.

Бронзадан ишланган топилмалар орасида барг шаклли пайконни эслатиб ўтиш жоиз (13-расм, 2). Бу пайкон Жарқұтон даври сополлари билан бирга учради. Маълумки, бронзадан ясалган пайконларнинг пайдо бўлиши Ўрта Осиё археологиясида анча мунозарали масала ҳисобланади<sup>1</sup>. Сополлитепа ва Жарқұтондан топилган пайконлар, Бақтрия ҳудудидан топилган энг қадимги бронза пайконлар бўлиб, шакли ва ўлчамлари билан чақмоқ тошдан ясалган пайконларга жуда ўхшайди. Бу борада В.М. Массон ва Б.А. Литвинскийлар ҳақ бўлиб чиқди. Чунки, улар энг қадимги бронза пайконлар чақмоқ тошдан ясалган пайконларга ўхшаш ва шу шакл асосида пайдо бўлган, деган фикрдалар<sup>2</sup>.

Чуқурдан топилган ноёб ашёлар орасида бронзадан ясалган найза учи (санчқи) бўлиб, у Сополли маданияти ашёларига хос эмас (13-расм, 3). Шу сингари бронзадан ясалган қуроллар Андроново маданиятига тегишилидир. Бу

<sup>1</sup> Толстов С.П., Итина М.А. Саки низовьев Сыр-дары // СА. - М.: 1966, №2. - С. 62; Маргулан А.Х., Акишев К.А., Кадырбаев М.К., Оразбаев А.М. Древняя культура Центрального Казахстана. - Алма-Ата, 1966. - С. 376; Медведская И.Н. О происхождении бронзовых черешковых наконечников стрел Средней Азии // КСИА, 119, М.: 1969. - С. 62-64; Смирнов К.Ф. Вооружение савроматов // МИА, №101. - С. 37.

<sup>2</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... - С. 46; Литвинский Б.А., Окладников А.П., Ранов.В.А. Древности Кайрак-Кумов. - Душанбе, 1962. - С. 222.

топилма Сополли маданияти билан Андроново маданиятларининг ўзаро алоқалари тўғрисида фикр юритишга асос бўлади.

Арк марказида олиб борилган тадқиқотлар натижасида хлорид тошдан ясалган буюмлар ҳам топилдики, бу идишлар кичик ўлчамли бўлиб, тўғри тўртбурчак, флакон ва сферик формаларда ясалган. Ташқи тарафидан ўткир асбоб билан чизиб безатилган (8-расм).

Шунга ўхшаш, тошдан ясалган идишлар Бақтрияning бронза даври ёдгорликлари - Шўртўғай ва Даштлида учраган. Эрон ҳудудидаги бронза даври ёдгорликларидан шу сингари идишлар кўплаб топилган бўлиб, уларнинг санаси мил.ав. II минг йиллик бошлари билан белгиланади. Жарқўтон аркидан топилган бу буюмларни аёллар ишлатадиган косметик буюмлар деб таърифласа бўлади.

Арк марказида жойлашган бу қазилма Жарқўтон саройидан 30-35 метр шарқда жойлашган. Шунинг учун бўлса керак, бу ердан жуда кўп (45 та) чақмоқ тошдан ясалган пайконларга дуч келинди. Бу тош пайконлар Сополли маданиятига хос бўлиб, чўкичлаш техникаси асосида ишланган. Лекин, айrim чақмоқ пайконлар ясалиш техникасига кўра Жарқўтон пайконларидан тубдан фарқ қиласи (43-расм, 5). Шу сингари чақмоқ тошдан ясалган пайконлар Замонбобо ва Андроново маданиятларига хос ва бу маданиятлар ўртасидаги алоқалар тўғрисида маълумотлар беради.

Аркнинг жанубий қисмида олиб борилган тадқиқотлар натижасида катта патриархал оила яшаган кўп хонали уй ўрни очилди (15-расм). Қазишина давомида уйнинг ҳовлиси, тошдан терилган ҳовли йўлакчалари, ҳовлига туташган яшаш хоналари ўрганилди. Иккита курилиш даври аниқланди. Ҳовли ва йўлакчалар ҳар икки даврда ҳам фаолият қўрсатган. Сигиниш жойлари - алтарлар доира шаклида бўлиб, улар хона поллари сатҳига нисбатан 0,30-0,35 метр баландликда қурилган. Алтарларнинг девори 0,20 метр баландликда бўлиб, оловда куймаган, ичида эса кул қатламлари мавжуд.

Кўп хонали уйнинг шимол томонида бир-бирига яқин қилиб қурилган иккита хумдон жойлашганлиги кузатилди (16, 17-расмлар). Улар икки ярусли бўлиб, доирасимон кўринишда. Хумдонларнинг ҳар иккаласида биринчи ярусга жойлаштирилган оловхона ва оловхоналардан уларнинг деворлари бўйлаб юқорига, иккинчи ярусга кўтарилиган тарновсимон аланга йўллари, ҳамда сопол пишириш хонаси ўрни очилди. Биринчи хумдонда унинг айланаси бўйлаб 7 та, иккинчисида эса 5 та тарновсимон аланга йўллари жойлашган. Биринчи хумдон оловхонасининг чуқурлиги 2 метр, кенглиги ҳам шунга яраша – 1,30 x 1,10 метр, иккинчисининг чуқурлиги 1,10 метр. Оловхона деворлари кучли ҳарорат туфайли кўкимтири шлакка айланиб кетган. Йирик хумдонда иккита, кичкинасида эса битта ўтин ташлаш йўлаги очилди. Ушбу хумдонлар кўп хонали уй билан бир вақтда, Жарқўтон даврида фаолият этган.

Кўп хонали уйдан топилган ашёлар ичида тош чўқморни эслаб ўтиш лозим (19-расм, 3). Чўқмор айлана шаклида бўлиб, оқ тошдан ясалган. Марказий қисми даста ўрнатиш учун тешилган. Шу сингари топилмалар Синташта, Чуст, Сумбар, Номозгоҳ, Шўртўғай ёдгорликларидан кўплаб топилган бўлиб, хукмдорлик белгиси сифатида талқин қилинади. Иккинчи гурӯҳ олимлар бу сингари топилмаларни оддий қилиб, чўқмор (булава) деб атайдилар.

Жарқўтон аркининг шимолий қисмида олиб борилган ишлар натижасида кичик мавсумий ўчоқ ва хумдон очилди (14-расм). Мавсумий ўчоқ тухумсимон шаклда бўлиб, ўтхонасининг оғзи чўзинчоқ қилиб ишланган. Ўчоқ девори қалинлиги 15-18 см, баландлиги 13-15 см. Хумдон икки ярусли бўлиб, оловхона ва сопол пишириш хоналаридан иборат. Оловхона тўлиқ сақланган бўлиб, ўтин ташлаш йўлакчasi ҳам яхши сақланган. Иккинчи ярус - сопол пишириш хонаси сақланмаган бўлса-да, пишириш хонасига уланган аланга йўллари яхши сақланган. Хумдондан топилган сополлар мажмуаси Жарқўтон даврига оид.

Жарқұтон аркининг шимолий, ғарбий ва жанубий қисмларида олиб борилған ишлар натижасида аркнинг қурилиш усули аникланди. Бу ерларда патриархал оиласы яшашған. Ҳар бир патриархал оиласының үз хумдонлари бўлганлигини уйларнинг шимол томонида жойлашған хумдонлар мисолида айтишимиз мумкин. Бу ҳолат илк Жарқұтон даврида марказлашған кулолчилик устахоналаридан ташқари уй хумдонлари бўлганлигини ҳам кўрсатади.

Жарқұтон “шахристони” аркнинг шимоли-шарқий, шарқий ва жануб томонида жойлашған. У саккизта тепаликлар мажмуасидан иборат (7-расм). Ҳамма тепаликда У.В. Раҳмонов томонидан стратиграфик шурф ва қирқимлар қазилған бўлса<sup>1</sup>, планиграфик қазишмалар шахристоннинг 1, 4, 5, 6, 8, 9 тепаликларида<sup>2</sup>. Ўзбекистон - Германия экспедицияси 5, 6 ва 8 тепаликларида қазишмалар олиб борди.

№5 тепаликда А.А. Асқаров 1979-1982 йиллар мобайнида иккита патриархал оила яшаган уйлар ўрнини ўрганған (27-28-расмлар). Бу тепаликда тўртта қурилиш даври кузатилған. I ва II қурилиш даврлари Жарқұтон, III қурилиш даври Кўзали ва IV қурилиш даври эса Мўлали даврига оидлиги қайд этилған. Уй поллари, тош йўлаклар ва деворлар тагига кўмилған 136 та Жарқұтон даврига оид қабрлар очилған бўлиб, ушбу қабрлар ва қабрлардан топилған топилмалар У.В. Раҳмоновнинг диссертациясида ёритилған<sup>3</sup>.

Ўрганилған патриархал оиласы уйларини қалин деворлар ажратиб турған. Биринчи оила уйи тўрт бурчак шаклида бўлиб, уч томондан қалин деворлар билан ўралған. Иккинчи оила уйи эса фақат бир томондан қалин деворга эга. Иккита оила уйида ҳам ҳовли борлиги кузатилади. Тўғри тўрт бурчак шаклидаги хоналар бевосита ва билвосита шу ҳовлиларга туташған (23-расм).

<sup>1</sup> Раҳманов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Самарканд, 1987. – С.19.

<sup>2</sup> Шайдуллаев Ш.Б, Дитрих Хуфф. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ, Вып.30, - Самарканд, 1999.

<sup>3</sup> Раҳманов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана ... – С. 6-9.

Иккинчи қурилиш даврида шарқий томонда жойлашган уйнинг кенгайғанлиги, яъни бир неча хоналарнинг қурилганлиги кузатилган. Патриархал оиласлар яшаган уйларнинг жануб томонида, йирик тошлардан ясалган яшиксимон мажмуа қурилган (24-расм). Уларнинг иккитаси тор ва узун, учинчиси эса айлана шаклида бунёд этилган. Ушбу мажмуаларнинг полида ёнган одамнинг сүяклари ва куллари қайд этилганлиги сабаб, А.А. Асқаров бу қурилмани Андроново маданиятининг таъсири натижасида бунёд этилган крематория деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. А.А. Асқаровнинг бу фикри сўнгги даврлар, Бўстон VI қабристонида очилган крематориялар мисолида тасдиқланди.

Учинчи қурилиш даврида ҳар иккита уйнинг ҳовлилари ўрнида ҳам уйлар бунёд этилади (25-расм). Патриархал оиласларни ажратиб турган қалин девор энди керак бўлмай, уларнинг устига тош йўлакчалар қурилади. Уй поллари, деворлари тагига майитни кўмиш одатига ҳам барҳам берилади. Шу билан бир қаторда крематория ҳам қабристон ҳудудига чиқариб юборилган. Негаки, учинчи қурилиш даврида крематория фаолият кўрсатмайди.

Тўртинчи қурилиш даврида икки патриархал оила уйларининг қўшилиб кетганлиги кузатилади (26-расм). Жануб томондан янги уйлар қурилиб, оиласларнинг кенгайғанлиги кузатилади, ҳаттоқи, II қурилиш даврида фаолият этган крематория ўрниларига ҳам уйлар қурилади.

А.А. Асқаров билан бўлган мулоқотлар, архив манбалари ва №5 тепа бўйича чоп этилган мақолалар асосида шундай хulosага келдикки, бу тепаликдан олинган археологик манбалар тўлиқ чоп этилмаган. Қазиб ўрганилган патриархал оиласлар уйи деворлари емирилиб, илмий қимматини йўқотиб бормоқда. №5 тепалик манбаларини бор ҳолиша сақлаш, янги манбалар билан бойитиш ва нашрга тайёрлаш мақсадида тепаликнинг шимолий ва ғарбий қисмида 2001 йилда қазишма ишлари олиб борилди (29-расм).

<sup>1</sup> Асқаров А.А. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Тезисы докладов советско-французского симпозиума по археологии Центральной Азии и соседних регионов. - Алма-Ата, 1987. - С. 57-58.

Иш 1981 йилда қазилган қирқимларни тозалаш ва кенгайтиришдан бошланди. Қирқимнинг ҳамма жойида тартиб билан терилган ғиштлар қаламаси учради (64x32x16см). Ғиштлар 9 қатор бўлиб, умумий баландлиги 1,25 метргача боради. Бизда бу қурилма «платформа» деган фикр пайдо бўлди ва шимол томонда жойлашган қирқим ҳам тозаланди ва бу томонда ҳам 9 қатор ғиштдан иборат бўлган қурилма аниқланди. Шундан сўнг қурилманинг юза сатхини очиш ва кўламларини ўрганиш, 1979-1981 йилларда ўрганилган уйлар билан қандай боғлиқлиги борлигини аниқлаш борасида қазишишлари давом эттирилди. Натижада, ғиштлар терилган кенг майдон очилди. Майдоннинг чегаралари қирқимда кузатилган ғиштлар қаламаси чегаралари билан мос тушди. Қазишмалар натижасида №5 тепаликда бунёд этилган уйлар 1,25 метр қалинликдаги платформа устига қурилганлиги аниқланди.

№6 тепа. Жарқўтон олов ибодатхонаси. Топографик жиҳатдан Жарқўтон тепаликлари бир-биридан унчалик фарқ қиласа-да, №6 тепалик шахристон тепаликлари орасида энг баланд ва ёдгорликнинг марказий қисмида жойлашган. Маълумки, бу ерда А.А. Аскаров ва Т.Ш. Ширинов томонидан Жарқўтон олов ибодатхонаси очилган. Улар ибодатхонанинг юқори қатламдаги учта қурилиш даврини ўрганган. Учта қурилиш даври ўз навбатида - Жарқўтон, Кўзали, Мўлали даврига оидлиги қайд этилган. Сўнгти йилларда бу тепаликда Диетрих Хуфф ҳам қазишишларини олиб борди ва ибодатхонагача бўлган қурилиш даврига оид монументал иншоот ўрнини ўрганди (22-расм).

А.А. Аскаров ва Т.Ш. Шириновлар ибодатхонанинг қуий қисмида қалъасифат иншоотнинг борлигини айтиб ўтишган бўлсалар-да, унинг қуий қатламларини очишни режалаштиришмади, тўғрироғи, ибодатхонанинг бузилишини исташмади ва Жарқўтон олов ибодатхонасини таъмирлаб, музейлаштириш режасини тузиб, таъмирлаш ишларини бошлаган эдилар. Афсуски, бу ишлар иқтисодий етишмовчиликлар туфайли қолиб кетди.

Эроннинг зардуштийлик ибодатхоналари меъморчилиги бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган Диетрих Хуфф бу ерда археологик изланишлар олиб бориши истагини билдириди. Илк зардуштийлик ибодатхонаси деб таърифланган Жарқўтон олов ибодатхонасидан ушбу диннинг пайдо бўлиши, илк меъморчилиги тўғрисида янги маълумотлар тўпламоқчи бўлди. Аммо у А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновлар ўрганган ибодатхонанинг асосий планига ўзгартишлар кирита олмади. Ибодатхонанинг қалъа деворига қурилган бир қатор ғишт баландлигига сақланган бурж изларини ўрганди, холос.

Диетрих Хуфф ибодатхона қўриқ ерда қад кўтарилимагани, ибодатхона қурилишигача ҳам №6 тепаликда маҳобатли иншоот бўлганлигини кузатди. №6 тепаликнинг энг қўйи қатламида жойлашган ушбу бино онгли равишида илк Жарқўтон даврида бузиб ташланган ва бизгача бинонинг бир қатор ғишт баландлигидаги ҳолати сақланган. Ўрганилган бино тўғри тўрт бурчак шаклида бўлиб, барча девор хом ғиштдан терилган ( $42\text{-}46x22\text{-}24x10\text{-}13\text{ см}$ ), 0,90 метр қалинликдаги девор билан ўралган. Ушбу бино ичида томонлари 7 метрдан иборат бўлган квадрат шаклли хона, шу хона атрофида эса йўлаксимон хоналардан иборат бўлган мажмуа очилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бино ичида квадрат шаклли хона ва уни ўраб турган йўлаксимон хоналарнинг деворлари ва поллари гипс билан шувалган ва бевосита «оқ сарой»ни эслатади (22-расм. Қора рангда ифодаланган).

Шундай қилиб, №6 тепаликда жами тўртта қурилиш даври кузатилди. Энг қадимгиси тўғри тўрт бурчак шаклли қалъа - «оқ сарой» бўлиб, қўйи қатламларда жойлашган мана шу қурилиш даври меъморчилиги сўнгги йилларда ўрганилди. А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновлар томонидан эса ибодатхонанинг юқори учта қурилиш даври ўрганилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Древнебактрийский храм огня в Южном Узбекистане // Градостроительство и архитектура. - Ташкент, 1989. – С. 22-35.

Шаҳристоннинг жанубий ва жунуби-ғарбий томонида қабристонлар жойлашган бўлиб, улар олтига тепаликлар мажмуасидан иборат<sup>1</sup>. Шаҳристон ва қабристонни табиий жарлик ва ботқоқлик ажратиб туради.

### III. 5. 2. Жарқўтон шаҳар-давлатининг бошқарув тизими.

Тадқиқотчиларнинг умум фикрларига қараганда илк давлатлар дастлаб жамоалар қандай бошқарилган бўлса, шундай, яъни оқсоқоллар кенгashi томонидан идора этилган. Дехқончилик жамоаларида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши янгидан янги сув иншоотлари - каналларнинг бунёд этилишини тақозо этган. Уруғ жамоалари катта меҳнат ва кўп ишчи кучини талаб этадиган сув иншоотларини қаздириш ва уларнинг доимий фаолият этишини таъминлай олмай қолган<sup>2</sup>. Бундай ишларни зўрлик йўли билан, маълум бир қисм аҳоли меҳнатини эксплуатация қилиш эвазига амалга ошириш мумкин эди. Бу ишларни амалдор шахслар, аниқроғи жамоадаги диний ишлар мутасаддилари - мубодлар (коҳинлар) бажариши мумкин бўлган. Илгари улар жамоа аъзолари орасидан сайланган бўлса, энди коҳинлик авлоддан - авлодга ўтадиган бўлган. Коҳинларнинг ибодатхона хўжаликларини ўз хусусий ерларига айлантириши натижасида янги ҳукмдорлар - шоҳларнинг шаклланишига олиб келган. Кучайиб келаётган янги коҳин-шоҳлар ён атрофдаги ерларни эгаллаб, ўз ҳокимиятларини бутун дарё ҳавзаларига ёйган. Шу тариқа бир ёки бир неча кичик дарё ўзанида илк давлатлар пайдо бўлган<sup>3</sup>.

Биз илк шаҳар-давлат деб ҳисоблаётган Жарқўтон ёдгорлигига ҳукмдор оила жойлашган сарой ҳамда диндорлар фаолият кўрсатган Жарқўтон олов

<sup>1</sup> Аскаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. - Ташкент, Фан, 1983.

<sup>2</sup> Струве В.В. Проблема зарождения, развития и упадка рабовладельческих обществ Древнего Востока // ИГИМК. Вып.77. - Л., 1934. - С. 36; Кудратов С. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатларда бошқарув тизими ва ижтимоий муносабатлар // O'zbekiston tarixi. 1999, №4, - Б. 3.

<sup>3</sup> Дьяконов И.М. Община на Древнем Востоке в работах советских исследователей // ВДИ. 1963.- № 1. - С. 34; Кудратов С. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатларда бошқарув тизими ва ижтимоий муносабатлар // O'zbekiston tarixi. 1999, №4, - Б. 3.

ибодатхонаси ўрганилган<sup>1</sup>. Демак, Жарқўтонда давлатчиликнинг энг зарурий шартларидан бири бўлган ҳукмдорлар гурухи тўлиқ шаклланган. Шундай бўлса-да, Жарқўтон ёдгорлигини тадқиқотчилар давлатчиликнинг «чифдом» ёки «карликовое» босқичига оид, деган фикрга келган. Маълумки, фан оламида қилинган янгиликларга кўра, давлатчиликнинг «чифдом» формаси оралиқ форма бўлиб, бошқарув аппаратининг шаклланмаган даврига хослиги билан характерланади<sup>2</sup>.

Кўплаб адабиётларда «чифдом»га тарихий тараққиётнинг универсал босқичи сифатида қаралмоқда. Шу фикрдан келиб чиқиб, барча жамоалар, яъни, сўнгги ибтидоий ва илк синфий жамиятдаги барча маданиятлар «чифдом» деб аталмоқда. К.Ренфрю “чифдом” босқичидаги жамоаларни типларга ажратади. «Чифдом» формасининг биринчи кўриниши бўйича диний урф - одатлар ва фортификация ривожланган жамоада табақалашган қабрларнинг бўлиши шарт эмас. Иккинчи типда қабрлар табақалашган, яъни мулкий тоифаларга ажralган бўлади. Шу билан бир қаторда фанда «чифдом»нинг ҳукмдорсиз жамоа формаси ҳам мавжуд<sup>3</sup>. Бунга Иерихон ёдгорлиги мисол қилиб кўрсатилади. Бу ерда бошқарув аппарати бўлмаса-да, иқтисодий ҳаёт тараққий этган бўлиб, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, аҳоли доимий меҳнат билан таъминланган. Бу ибтидоий демократик жамият бўлиб, шоҳ бошқарувисиз жамоани ривожлантириш йўлидир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу жамоада бошқаришнинг юмшоқ формаси - ишонч формаси бўлган<sup>4</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Жарқўтон ёдгорлиги юқорида кўрсатилган «чифдом» формасининг учта кўринишидан бирортасига ҳам тўғри келмайди. Аксинча, Сополли маданиятининг бошқа ёдгорлиги -

<sup>1</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 70-93.

<sup>2</sup> Васильев Л.С. Протогосударство - чифдом как политическая структура // Народы Азии и Африки. - М.: 1981, №6. - С. 157-175; Крадин Н.Н. Вождество: современное состояние и проблемы изучения // Ранние формы политической организации. - М.: 1995. - С. 11-61; Зданович Д.Г. Синташтинское общество: социальные основы «квазигородской» культуры Южного Зауралья эпохи средней бронзы. - Челябинск, 1997. – С.87.

<sup>3</sup> Першиц А.И. Вождество. Свод этнографических понятий и терминов // Социально- экономические отношения и соционормативная культура. - М.: 1986. - С. 34-35.

<sup>4</sup> Першиц А.И. Вождество. Свод этнографических понятий и терминов ... – С. 36.

Сополлитепа ўзининг ички ва ташқи тузилиши, яъни юқори ривожланган фортификациянинг мавжудлиги ва бошқарув аппаратининг йўқлиги, қабрларнинг дифференциал тенгсизлиги, ҳунармандчиликнинг барча соҳалари ниҳоятда ривожланганлиги Сополлитепада тарихий тараққиётнинг «чифдом» шакли бўлган деган тушунчани беради.

Т.Ш. Ширинов томонидан ўрганилган Жарқўтон шоҳлар саройи битта қурилиш давридан иборат бўлиб, фақат илк Жарқўтон даврида фаолият этган. Илк Жарқўтон даврига оид деб ҳисоблашимизга сабаб, саройнинг ички қисмида кенатаф қабр топилган бўлиб, қабрлар фақат илк Жарқўтон даврида шаҳар ҳудудига қўйилган. Саройнинг «арк» қисмда жойлашганлиги, маҳобатли фортификацияга эгалиги, маълум бир меъморий ечимда қурилганлиги тадқиқотчига бу иншоотни сарой деб аташга имкон берган.

Бизнинг фикримизча, Бақтрия ва Марғиёнада ўрганилган монументал иншоотларнинг функциясини аниқлашда Европа ва Америка археологларининг фикрларини ҳам келтириб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, С. Ламберг-Карловский Окс цивилизациясига бағишланган тадқиқотларида ўзига хос фикрга келган. У бронза даврида Бақтрия ва Марғиёнада, илк темир давридан бошлаб эса Хоразмда “khanates” бошқарув усули мавжуд бўлган, деган ғояни ўртага ташлади. Бу ғоянинг асосида обрўли кишилар бошчилигига жамоанинг ривожланишга эришиши ётади. Америкалик тадқиқотчининг фикрича Окс цивилизацияси аҳолиси агресив бўлиб, ҳудудини доимо бошқа халқлар ери ҳисобига кенгайтириб борган. Энг асосийси бу цивилизацияга юқори ривожланган фортификация характерли бўлиб, қалъа деворлари 5 метр қалинликда, квадрат ва доира шаклидаги буржлар ҳам ўрнатилган. Қалъалар тўғри тўрт бурчак ва доира шаклларида қурилган. Ушбу йирик монументал бинолар – қалъалар шоҳлар яшайдиган қўнимгоҳ, бир неча меъморий биноларни жамлаган ибодатхона, ички сарой ва бошқа меъморчилик ансамбларини ўз ичига олган. Бу йирик ҳимоя бинолари мил.ав. III минг йиллик сўнггида ва II минг йиллик бошида бу ўлкалар колонизация қилинганидан сўнг сув ва ер ресурслари учун қаттиқ

кураш сабабли юзага келган бўлиши мумкин. С. Ламберг-Карловскийнинг фикрича, қалъалар бронза ва илк темир даврида ишлаб чиқаришни, жумладан дехқончилик ишларини ташкиллаштириш вазифаларини ҳам бажарган<sup>1</sup>. У ушбу қалъалар курилишини Марказий Осиё учун шаҳар-давлатлар тизимини англатадиган модел сифатида таклиф этади.

С. Ламберг-Карловский Бақтрия цивилизациясининг пайдо бўлишида чорвачиликнинг ўрни тўғрисида тўхталиб, бой қабрлар, тасвирий санъатдаги тuya, эчки, кийикнинг ифодаланиши, мураккаб меъморий қурилмалар чорвадор ва дехқон қабилаларнинг маданий алоқалари тимсолидир, деб таърифлайди<sup>2</sup>.

Қадимги Бақтрия ҳудудларидаги бронза даври маданиятларининг пайдо бўлиши ва бошқарилиши тўғрисида француз археологи П. Амъе шундай ёзади: «Ташқи Эрон»нинг тоғли ва чўл воҳаларида Месопотамия ва Сузиананинг таъсирида «кўчманчи» ёки «кўчманчи ҳунарманд» маданиятлар шаклланган, дехқончилик маданиятлари билан бақамти чорвадор-ҳунарманд аҳоли ҳам яшаган. Унинг ёзишича, Даштли З каби Бақтрия қалъаларининг функцияси карvonсарой ва омборхона вазифасини ўтаган. Бу бинолар чорвадорларнинг аристократияси бўлганлигини ҳам кўрсатади<sup>3</sup>.

Профессор М. Тоси эса Марказий Осиёда чорвачилик, ҳунармандчилик ва дехқончилик бир-бирига уйғун равишда ривожланган, халқаро савдо уларни мувофиқлаштириб турган деб ёзади. У Сополлитепада аёллар қабрларида бой ашёларининг учрашини кўчманчиларга хос бўлган одат деб хисоблайди<sup>4</sup>.

Бақтрия ва Марғиёнада маданиятларнинг ривожланишида кўчманчи-чорвачиликнинг ўрни тўғрисидаги ушбу фикрлар В.М. Массон ва В.И. Сарианидининг танқидига учраган. Улар мил.ав. III-II минг йилликларда скиф ёки сак каби кўчманчилар эмас, балки тоғ ва чўлларда яшайдиган

<sup>1</sup> Lamberg-Korlovskiy C. The Bronze Age of Baktria // Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. - Roma-Venezia, 1989. – P. 17-32.

<sup>2</sup> Lamberg-Korlovskiy C. The Bronze Age of Baktria ... - P. 26.

<sup>3</sup> Amiet P. Elam and Baktria // Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. - Roma-Venezia, 1989. - P.137-138.

<sup>4</sup> Tosi M. The Origins of Early Bactrian Civilization // Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. - Roma-Venezia, 1989. - P. 69-71.

чўпонлар тўғрисида гапирса тўғри бўлади, деган фикрга келишган<sup>1</sup>. Е.В. Антонованинг фикрича, В.М. Массон ва В.И. Сарианиди юқоридаги тадқиқотчиларни нотўғри танқид қилишган ва чорвадор деганда ўзларининг қалъалари бўлган, дехқонларнинг қўшнисини тушуниш керак деб ёзади<sup>2</sup>.

Кези келганда қалъасифат монументал биноларнинг функционал вазифасини аниқлашда этнографик маълумотларни келтирсак мақсадга мувофиқ бўлади. Б.В. Андриановнинг маълумотларига қараганда, турктилли кошкийлар аҳолисининг 3\1 қисми ўтрок, 3\2 қисми қўчманчи ҳаёт кечиради. Улар Лур-Бахтиёр оралиғида қўчманчилик қиласи ва қишида йиғилиб келишади. Кошкий қўчманчи-чорвадорларининг доимий қишлийдиган маконлари бўлиб, улар тўғри тўрт бурчак, квадрат шакли бинолардан иборат. Уйлар девор бўйлаб қурилган ва марказий қисми очиқ майдондан иборатдир<sup>3</sup>.

Жарқўтон аркнинг жанубий қисмida олиб борилган тадқиқотлар давомида бир хонадан 1370 та суяк қолдиги топилган бўлиб, улар қўй, эчки ва қора молларга оидлиги аниқланди. Сополли маданияти аҳолисининг чорвачиликни ниҳоятда ривожлантирганлигини бир хонадан олинган суяклар сони ҳам кўрсатади. Бу дегани, П. Амье фикри тўғри, «Ташқи Эрон» аҳолисининг бир қисми чорвадорлар эди, деган хulosани бермайди. Чорва моллари чўпонлар кўмагида боқилган десак, тўғри бўлади. Демак, П Амъенинг Бақтриянинг Даشتли З каби қалъасифат бинолари чорвадор аҳолининг омборхоналари бўлган, деган фикрини қўллаб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, Жарқўтон “саройи” шаҳарнинг ilk даврларида обрўли оиланинг қалъа-қўрғони вазифасини бажарган. С. Ламберг-Карловский таърифлаганидек, қалъалар ишлаб чиқаришни, жамоани бошқариш вазифасини бажарган, аммо том маънодаги сарой эмас эди.

<sup>1</sup> Массон В.М. Протобактрийский блок древневосточных цивилизаций (К выходу книги: Amiet P. L'age des echanges inter-iraniens 3500-3700 avant J.-C. Paris, 1986) // Информационный бюллетень МАИКЦА Вып.14, М.: 1988; Сарианиди В.И. Amiet P. L'age des echanges inter-iraniens 3500-3700 avant J.-C. Paris, 1986 // Информационный бюллетень МАИКЦА Вып.14, М.: 1988. - С. 99-100.

<sup>2</sup> Антонова Е.В. Контакты Месопатами с восточными землями в IV-III тыс.до н.э // Азия диалог цивилизаций. - С. Петербург, 1996. - С. 197-240.

<sup>3</sup> Андрианов Б.В Неоседлое население мира (Историко-этнографическое исследование). - М.:1985. - С. 150-151.

Фикримизча, Жарқўтон шаҳар-давлатининг асосий бошқаруви «Жарқўтон олов ибодатхонаси»да жойлашган. «Жарқўтон олов ибодатхонаси»ни қўштириноқ ичидан ёзишимизнинг маъноси шундаки, №6 тепаликда жойлашган ушбу иншоот нафақат ибодатхона, балки сарой-ибодатхона вазифасини ўтаган. Бу ерда олиб борилган сўнгги йиллардаги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, энг аввал бу ерда тўғри тўрт бурчак шаклли, монументал бино - «оқ сарой» бунёд этилган. Бу бинони аниқ ишонч билан сарой деб аташимиз мумкин. Негаки, бу ерда 7x7 метр кўламли қабулхона, унинг атрофи йўлаксимон хоналар, энг асосийси эса саройларга хос меъморий безакларнинг бўлишидир (22-расм). Саройнинг ички хоналари оқ гипс билан сувалишидан ташқари, деворларга от ифодаланган терракот ҳайкалчаларнинг ёпиштирилиши саройларга хос безак усулидир.

Иккинчи қурилиш даврида бу ерда А.А. Асқаров ва Т.Ш. Ширинов томонидан ўрганилган «Жарқўтон олов» ибодатхонаси қурилади, яъни бу ерда 5 метр қалинликдаги мудофаа деворига эга бўлган тўғри тўрт бурчак шаклли сарой-ибодатхона бунёд этилади. Бу бинони сарой-ибодатхона деб аташ маъморий ечим жиҳатидан ва жамоанинг ижтимоий қатламлари жиҳатидан ҳам тўғри келади. Илк синфий муносабатларнинг шаклланиши даврида хукмдорлар ва коҳинлар алоҳида ижтимоий гурухлар сифатида бўлинмаганлигини инобатга олсак, биз чиқарган хулоса тарихий эканлиги кўринади.

### III. 5. 3. Жарқўтон аҳолисининг диний қарашлари тўғрисида янги маълумотлар.

Жарқўтон олов ибодатхонасининг очилиши муносабати билан бронза даврида Бақтрия аҳолисининг диний қарашлари тўғрисида А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновнинг бир қатор илмий мақолалари ва монографиялари эълон қилинди<sup>1</sup>. Уларнинг умумий фикрларига кўра, Жарқўтон олов ибодатхонаси

<sup>1</sup> Askarov A., Shirinov T. Le temple du feu de Dzarkutan, le plus ancien centre cultuel de la Baktriane septentrionale // Histoire et cultes de L'Asie Centrale préislamique. Actes du Colloque international du CNRS. - Paris, 1991, - P.129-136.

марказий ибодатхона бўлиб, бутун воҳа аҳолисининг диний маркази вазифасини бажарган. Диний марказнинг характерини эса илк зардустийлик ибодатхонаси деб аташган. Улар ибодатхонанинг зардустийлик характерини очиб берадиган бир қатор фактлар келтирган. Булар алтарлар, илоҳий қудуқлар, илоҳий кулхоналар каби ашёвий манбалар бўлиб, шу манбалар асосида Бақтрияда сўнгги бронза даврида илк зардустийлик динининг тарқалганлигини исботлашга ҳаракат қилишган. Кейинги йилларда БМАК (Бақтрия - Марғиёна археологик комплекси) ҳудудида сўнгги бронза даврида илк зардустийликнинг тарқалганлигини В.И. Сарианиди ҳам ёзмоқда<sup>1</sup>. Шуни ҳам айтиш керакки, Г. Ноъли бу ғояга қарши чиқиб, В.И. Сарианиди Бақтрия ва Марғиёнада қанча янгиликлар қилишидан қатъий назар, зардустийлик муаммосини ҳал қила олмайди деб ҳисоблади<sup>2</sup>.

Илк давлатларнинг шаклланиши билан диннинг ҳам марказлашув жараёни кечиши табиий ҳол, албатта. Кейинги йилларда Жарқўтон ёдгорлигига олиб борилаётган тадқиқотлар натижаси шуни қўрсатмоқдаки, марказлашаётган ягона дин билан бир қаторда диний қарашларнинг бошқа кўринишлари ҳам сақланиб қолганлигини ашёвий манбалар асосида кузатишига муваффақ бўлинди. Шундай қарашлардан бири зоолатрик диний қарашлардир.

Жарқўтон аҳолисининг зоолатрик диний қарашлари янги манбалар асосида кузатилмоқда. Илк синфий муносабатлар ва илк давлатларнинг шаклланиши даврида жамиятда ягона худолик шаклланиб бориши билан бирга бошқа диний қарашлар ҳам сақланиб қолаверган. Қадимги Шарқ тарихига эътибор берадиган бўлсак, кўп худоликлар орасидан ягона хукмрон худолик ажralиб чиқсан. Ушбу худолик бутун жамоа, қолаверса, бутун жамият худолигига айланиб борган. Унга хизмат қилувчи диндорлар ва ибодатхоналар вужудга келган. Ягона худолик шаклланиб бораётганда эски дин кўринишлари, жумладан тотемлар сақланиб қолаверган. Гоҳида ушбу

<sup>1</sup> Sarianidi V. Margiana and Protozoroastrism. - Athens, 1998. – P. 241.

<sup>2</sup> Gnoli G. Zoroaster in History (Biennial Yarshater Lecture Series, 2) // Bibliotheca Persica Press. - New York, 2000. - P.228.

туйғу ривожланиб, алоҳида ҳайвонларга, тотемларга сифинишнинг зоолатрия ёки теротеизмнинг (ҳайвонларга сифиниш) сақланишига олиб келган. Бу ҳолат умумий тарихий жараён бўлиб, Мисрда цивилизациянинг юксак ривожланганинига қарамай, зоолатрия диний қарашлар сифатида сақланиб қолаверган. З.П. Соколова тадқиқотларига қараганда, ҳар бир қадимги миср «ном» типидаги давлатлар аҳолисининг ўз топинадиган ҳайвонлари бўлганлиги кузатилган<sup>1</sup>, якка худоликка интилиш бўлмаган ҳудудларда зоолатрия одатлари кенг ва узоқ давом этади.

Маълумки, ҳайвонот олами уч турга бўлинади: ер ости, усти ва осмон ҳайвонлари. Ҳамма ҳайвонлар ҳам зоолатрик диний қарашларга асос бўла олмаслиги ҳам табиий ҳол, албатта. Жарқўтон мисолида зоолатрик диний қарашларни терракот ҳайкалчалар мисолида кузатишимиш мумкин. Маълумки, терракот ҳайкалчалар ўша замон кишиларининг идеологик қарашларини ўзида мужассам этади. Жарқўтон ёдгорлигидан сигир (хўқиз), тuya каби ҳайвонлар шаклида ифодаланган терракот ҳайкалчалар, муҳрларда тасвиранган илонлар, бургутлар каби ҳайвонлар борки, бу топилмалар асосида Жарқўтон аҳолисининг зоолатрик қарашларини аниқлашимиз мумкин (32-расм, 2).

Сигир ибтидоий тасвирий санъатда ҳам кенг тарқалган лавҳалардан бири ҳисобланади. Унинг тарқалиш географияси ҳам жуда кенг<sup>2</sup>.

Сигир уй ҳайвони бўлиб, инсонлар онгида оила тўкин-сочинлигини таъминловчи илоҳий ҳайвон тури сифатида ифодаланади. Сигирнинг зоолатрик дин характерини олганлигини «Авеста» маълумотлари бўйича ҳам кузатиш мумкин. Ҳайвонот (сигир) илк маротаба Ахурамазда томонидан Арьянам Вайджода яратилган. Илоҳий Дайти дарёсининг ўнг қирғоғида ой сингари ёрқин оқ ҳўқиз бунёд бўлади<sup>3</sup>. Ҳайвон (ҳўқиз) ўлганда Геус Урваннинг ўнг қўлига йиқилади. Ҳайвоннинг танасидан руҳи чиқиб дейди:

<sup>1</sup> Соколова З.П. Культ животных в религиях. - М.: 1972. - С. 149.

<sup>2</sup> Хлопин И.Н. Образ быка у первобытных земледельцев Средней Азии // Древний Восток и мировая культура. - М.: 1981. - С. 26-30.

<sup>3</sup> «Авеста», Бундахишна, VI

«...Ахура Мазда ғояси билан сугорилганман»<sup>1</sup>. Ҳайвоннинг танасидан тасаввур қилиб бўлмас даражада илоҳият содир бўлади. Ҳайвон ўлиб мияси тўкилган жойдан 55 та заҳарли қора кучлар ва 12 та кўринишдаги доривор ўсимликлар ўсиб чиқади. Шохларидан мевали дарахтлар, бурнидан пиёзсимон ўсимликлар, қонидан узум новдалари ўсиб чиқади<sup>2</sup>. Шуларнинг барчаси ҳайвонот дунёсидан (сигирдан) яратилган ва сўнг ой ва қуёш нуридан баҳраманд бўлган<sup>3</sup>. Даставвал эркак ва ургочи бузоқ, сўнг барча турдаги ҳайвонлар жуфт-жуфт бўлиб яралган<sup>4</sup>.

Ахурамазда Даити дарёсининг ўнг томонида инсонни яратди, яъни Гайомартни<sup>5</sup>. Ҳайвондан (сигир) сўнг Гайомарт ҳам ўлди ва Геус Урваннинг чап қўлига йиқилди<sup>6</sup>. У ўлиш давомида оилани яратди. Бу оилалар қуёшнинг айланиши натижасида покланди. 40 йилдан сўнг биринчи одамлар ва ер ўсиб чиқди. Ахурамазда уларга уқтириди: «...Инсон бўлинглар, жаҳоннинг отонаси бўлинглар»<sup>7</sup>. Шундай қилиб ой шохли ҳайвонот олами билан, қуёш эса инсон билан илоҳийлашади.

Яна бир зоолатрик ҳайвонлардан бири «Бақтрияликлар туяси» деб ном олган икки ўркачли туядир (32-расм, 5). У Қадимги Шарқ тасвирий санъати ва глиптикасида кенг ўрин олган. Албатта, Персополдаги Ападан қояларида ифодаланган ва Амударё хазинасидаги икки ўркачли олтин түя ўз ифодаси ва мазмуни билан бир-биридан фарқ қиласди<sup>8</sup>.

Марғиёна ва Шарқий Эронда бронза даврида түя тасвиirlари ифодаланган муҳрлар ва терракот ҳайкаллар кенг тарқалган<sup>9</sup>. Остеологик манбалар асосида Андроново маданиятида мил.ав. XV-XIII асрларда түяниңг

<sup>1</sup> Justi F. Der Bundeshesch. Lpz., 1868, 1-20.

<sup>2</sup> «Авеста», Бундахишна, XIV

<sup>3</sup> «Авеста», Бундахишна, X

<sup>4</sup> «Авеста», Бундахишна, XV.

<sup>5</sup> Тревер К.В. Гопат-шах - Царь-пастух // ТОВЭ. Т.2, 1940.

<sup>6</sup> «Авеста», Бундахишна, IV

<sup>7</sup> «Авеста», Бундахишна, XV.

<sup>8</sup> Зеймаль Е.В. Амударъинский клад. Каталог выставки. - Л., 1979. - С. 58, 98; Girshman R. Perse. - Paris, 1963. - Р.163.

<sup>9</sup> Сарианиди В.И. Протозороастрыйский храм в Маргиане и проблема возникновения зароастризма // ВДИ. - М.: 1989. №1. - С. 152.

тарқалғанлиги исботланган<sup>1</sup>. А.К. Акишев маълумотларига қараганда Хан даврида Хитойга икки ўркачли түяни ғарб кўчманчилари олиб борган<sup>2</sup>. Бу маълумотлар бронза даврида икки ўркачли түя асосий транспорт воситаси сифатида кенг тарқалғанлигидан дарак беради. В.В. Ивановнинг изланишларига қараганда икки ўркачли түя мил.ав. III-II минг йилликларда Марказий Осиёда хонакилаштирилган ва мил.ав. II минг йилликда Месопотамиягача борган<sup>3</sup>.

Икки ўркачли түянинг хонакилаштирилиши ва тарқалиши бошқа муаммо, аммо унинг илохий ҳайвон бўлғанлиги, зоолатрик характер кашф этганлигини қандай биламиз? Унинг терракот ҳайкал сифатида ифодаланиши биринчи кўриниши бўлса, «Авеста»да у «кучли», «баджаҳл» ҳайвон сифатида тилга олинади. Учинчи ва энг асосий исботи эса зардуштийлик динининг асосчиси исмида түянинг қўлланишидир. «Zaraoustra» даги «ústra» сўзи түяни англатиши бу ҳайвоннинг илохийлик белгисидир.

Аждодлар руҳига сифиниш алоҳида дин тури сифатида мавжудлиги ҳам фанда аллақачон исботланган<sup>4</sup>. У универсал бўлмаслигидан ташқари ибтидоий ҳам эмас. У тарихий тараққиётнинг патриархал уруғчилик босқичига хос. «Ўлган ота-боболар ва уруғ бошлиқларининг руҳи авлодларни доимо бало-қазолардан сақлайди», деган тушунчалар ушбу ибодат турининг моҳияти ҳисобланади. «Руҳ доимо тирик, у одамзотни кўллаб-куватлайди» тушунчаси ушбу ибодат турининг мавжудлиги асосидир.

Фикримизча, бу дин турини тотемизм билан адаштирмаслик керак. Тотемистик истак бошқа, ҳақиқий авлодлар руҳига сифиниш бошқа. Тотемистик сифиниш кўр-кўrona, табиат сирларини яхши тушунмаслик натижасида пайдо бўлган бўлса, авлодлар руҳига сифиниш онгли равища,

<sup>1</sup> Кузмина Е.Е. Древнейшая фигурка верблюда из Оренбургской области и проблема доместикации бактрианов // СА. 1963. №2. - С. 39.

<sup>2</sup> Акишев К.А. Образ верблюда в легендах Центральной Азии // Этнография народов Сибири. - Новосибирск, 1984. - С. 71.


<sup>3</sup> Иванов В.В. О соотношении археологических, лингвистических и культурно-семиотических реконструкций. На материале комплекса Тоголок-21 // ВДИ. - М.: 1989. №2. - С. 173.

<sup>4</sup> Токаров С.А. Ранние формы религии. - М.: 1990. - С. 255.

аждодларини соғиниш, уларнинг мададларига руҳий таяниш истагида пайдо бўлган. Яна шуни ҳам айтиш лозимки, авлодлар руҳига сифиниш ҳақиқий синфий жамият даврида ҳам сақланиб қолаверади. Бу дин турига кўра, уруғ, қабила бошлиқлари, оила бошлиқлари катта обрўга эга бўлади. Улар ўлганда ҳам «руҳлари авлодларини қўллаб туради». Шунинг учун уларнинг руҳларига ҳайкаллар ясаш ва уларга топиниш давом этаверади.

### 3. 5. 3. 1 - жадвал

Аждодлар руҳига ибодат турининг мавжудлиги асоси



Бу ерда ўлган одам руҳи антропоморф ҳайкалларда ифодаланиб, уларнинг руҳлари инсонни ҳаётда қўллаши, умуман ҳаётга, инсон руҳига яқинлиги билан характерланади. Тотем аждод руҳи эса ярим мифик характерда бўлиб, инсон онгидан ўчган, унutilган образлар қиёфасида намоён бўлади. Оила, уруғ ҳомийси эса оила, бутун жамоа, уруғнинг ҳимоячиси сифатида гавдаланиб, улар ҳаётлик чоғларида жамоага энг кўп ҳизмати сингган, обрўли инсонлар руҳлари бўлиб, уларнинг руҳларига атаб ҳар хил маросимлар ўтказиш, қимматбаҳо ашёлардан ҳайкаллар ясаш каби удумлар билан эслаш, хаттоки худолар даражасига кўтарилиши ҳам мумкин.

Жарқўтонда аждодлар руҳига ибодат қилиш каби дин турининг мавжуд бўлганлигини бу ердан топилган, лойдан ясалган иккита эмбрион шакли, иккиқат аёлнинг қорин қисми ва ўлган эркак кишининг бюст ҳайкали мисолида кузатиш мумкин (20-21-расмлар). Бу топилмалар оддий патриархал оила яшаган уй ўрнидан топилган бўлиб, қазишима аркнинг жанубий қисмида жойлашган. Топилмалар бир жойдан хона поли устидаги маданий қатламдан олинди. Топилмаларнинг ҳаммаси яхши қорилган лойдан ясалган, аммо хумдонда пиширилмаган. Эмбрион деб мушоҳада қилинаётган лой массаси думалоқ шаклда бўлиб, улар иккита. Биринчиси кичикроқ ҳажмда (D- 7 см),

атрофи қизил бүёк билан бўялган, иккинчиси эса бироз каттароқ бўлиб, ташқи тарафидан инсон кўзи ва қулоғи қора ранг билан чизилган, лой массанинг ўзи эса қизил ранг билан бўялган.

Аёл кишининг қорни, унинг ҳомиладорлигини англатиш учун бўрттириб, думалоқ қилиб ишланган. Сақланиб қолган икки қўли эса қорни устига қўйилган ҳолатда ифодаланган. Икки қўли билан қорни ўртасида иккита илоннинг ҳаракатланиб бораётган ҳолати ифодаланган. Қорин ва қўлнинг айрим жойлари қизил бўёк билан бўялган.

Эркак кишининг бюст-ҳайкали тўлиқ сақланган. Унинг сочи, соқол ва мўйлаблари қора рангда тасвирланган. Ёноклари қизил рангда. Қирра бурун, шалпанг қулок, оғзи очик, қўзлари эса юмуқ ҳолатда ифодаланган. Оғзи очик ва қўзларининг юмуқлигини инобатга олиб, ушбу ҳайкалда ўлган киши ифодаланган деб ҳисоблаш мумкин ва аждодлар руҳининг ҳомиладор аёлни ва у дунёга келтириши кутилаётган болаларини бало-қазолардан сақлашининг, яъни аждодлар руҳи дин сифатида ифодаланишининг археологик кузатилиши деб ҳисоблаймиз. Ҳомиладор аёл қорин қисмининг айрим қисмлари қизил рангга бўялиши, қўл билан қорин оралиғида илонларнинг ифодаланиши нариги дунё тушунчасини беради. Маълумки, мифологияда қизил ранг қонни, илон эса ер ости худолигини белгилайди. Шу азоб-уқубатлардан ҳомиладор аёлни фикримизча, «аждодлар руҳи қутқара олиши мумкин».

Ушбу топилманинг бошқа тушунчасини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Иккинчи фикр фалсафий қараш бўлиб, дунёнинг пайдо бўлиши, унинг доимийлигини кўрсатувчи, диний қарашларга нисбатан ҳаётий манзарани тасвир этиш ғояси ётган кўринади. Ўлган одам → ҳомиладор аёл → инсон сифатида шаклланган эмбрион → инсон сифатида шаклланётган эмбрион. Қон ва илонлар тасвири эса бу ерда ҳам «қора куч»лар сифатида намоён бўлади.

### III. 5. 4. Сополли маданиятининг пиктографик белги-ёзувлари.

Ёзув - илк цивилизацияларнинг асосий белгиси ҳисобланади. Айрим олимлар, цивилизациянинг белгиси деб, ёзувнинг пайдо бўлишини асос қилиб олсалар<sup>1</sup>, бошқалари шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ёзув ва ибодатхоналарни цивилизация белгилари деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>. К. Ренфрю эса жамоанинг ижтимоий табақаларга бўлиниши, ривожланган хунармандчилик, шаҳар, ёзув ва ибодатхоналарнинг бўлишини цивилизациянинг асосий белгилари деб ҳисоблайди<sup>3</sup>. Албатта, синфий муносабатларнинг пайдо бўлишида ижтимоий - иқтисодий масалани бош ўринга қўювчилар кўпчиликни ташкил этади<sup>4</sup>.

Албатта, жуда кўплаб тадқиқотчилар ёзувни илк шаҳарларнинг ва цивилизацияларнинг асосий белгиларидан бири деб ҳисоблайдилар<sup>5</sup>, бу борада Т.Ш. Ширинов янги фикр билан чиқди. У «... урф - одатларга тамомила бўйсунувчи, оғзаки ижод ривожланган, давлат бошқаруви эса кам тараққий этган жамоаларда ёзувнинг бўлишини илк шаҳарларнинг иккинчи даражали белгилари деб ҳисоблайдилар<sup>6</sup>.

Бизнинг фикримизча, илк шаҳарлар, шаҳарлар билан бир тарихий жараёнда вужудга келадиган илк давлатлар бошланғич ёзув усули, яъни инсон ўз фикрини ифода этишисиз давлатнинг ҳам вужудга келиши мумкин эмас. Бойликнинг ошиши саноққа, хўжаликни бошқариш жараёнининг мураккаблашиши эса ёзувга эҳтиёж тутдирали.

<sup>1</sup> Gelb I.J. The function of language in the cultural process of expansion of Mesopotamian society // City Invincible, and Oriental institute Symposium, 1960.

<sup>2</sup> Klackhohn C. The moral order in the expanding society // City Invincible, and Oriental institute Symposium, 1960, - P.400

<sup>3</sup> Renfrew C. The emergence of civilization: The Cyclades and the Aegean in the third millennium B.C. - London, 1972, - P.3.

<sup>4</sup> Массон В.М. Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке // ВИ, 1967, №5. - С. 82-94; Массон В.М. Экономические предпосылки сложения классового общества // Ленинские идеи в изучении истории первобытного общества, рабавладения и феодализма. - М.: Наука, 1970. - С. 58-75; Массон В.М. Экономический и социальный строй древних обществ. - Л., Наука, 1976; Массон В.М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток и античный мир. - М.: МГУ, 1980. - С.12-40; Массон В.М. Основные направления культурно-исторического процесса // Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М.: Наука, 1981. - С. 35-48.

<sup>5</sup> Childe V.G. The urban revolution // Town planning Review. Vol. 21. 1950, - P.9-16; Гуляев В.И. Города государства Мая. (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). - М.: 1979. - С. 19.

<sup>6</sup> Аскarov А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура на юге Средней Азии ... – С.27.

Қадимги Шарқ тарихига эътибор берайлик. Месопотамияда - энг қадимги шаҳар-давлат Шумерда мил.ав. IV-III минг йилликларда ёзув энг аввал расм, сўнг михсимон белгилар кўринишида пайдо бўлган. Мил.ав. III минг йиллик сўнггида Миср иероглификаси пайдо бўлиши билан ягона Миср шоҳлиги вужудга келган<sup>1</sup>.

Инсоният тарихида ҳарфларга асосланган ёзувга мил.ав. II минг йиллик сўнггида финикияликлар асос солган. Шу ёзув асосида оромий, грек алфавитлари пайдо бўлган<sup>2</sup>. Ўрта Осиёда ҳам араб ёзувига қадар юон, хитой, оромий ёзуви асосида пайдо бўлган қадимги бахтарий, хоразмий, сўғдий ёзувлари бўлганлиги эътироф этилади<sup>3</sup>.

Э.В. Ртвеладзенинг фикрига қараганда, Ўрта Осиё ёзув пайдо бўлган ҳудудга кирмайди. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунгача бўлган археологик манбалар бу ҳақда ёзишга имкон бермай келди. Қадимги Хоразмда жойлашган Катта Айбуйир қалъа ёдгорлигидан топилган, мил.ав. VI-V асрларга оид хумда битилган қисқа оромий ёзуви энг қадимги ёзув хисобланади<sup>4</sup>. Кўй Кирилган Қалъа, Амударё хазинасидан ҳам оромий ёзувида битилган хатлар топилган<sup>5</sup>.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши хусусида Сополли маданияти ёдгорликларидан янги маълумотлар тўпланди. Ушбу диссертацияда шу маълумотлар Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётir. Зоро, Сополли маданиятини Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги цивилизация ўчоги деб эътироф этилаяптими<sup>6</sup>, демак Сополли маданиятининг ёзуви тўғрисида ҳам мавжуд манбалар асосида фикр юритиш лозим бўлади.

<sup>1</sup> История древнего мира. Часть I. – М.: 1983. – С. 148.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. - Ташкент, 2000.

<sup>3</sup> Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации ... - С. 89-124.

<sup>4</sup> Мамбетуллаев М. Хум с городище Айбуйир-кала с древнейшей надписью в Средней Азии // Вестник Каракалпакского филиала АН Уз ССР. 1979. №1. - С. 46-48.

<sup>5</sup> Зеймаль Е.В. Амударынский клад. Каталог выставки. - Л., 1979.

<sup>6</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана ... С. 117; Аскаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... С.168.

Маълумки, Сополлитепа сополлариға битилган белгиларни А.А. Асқаров жамлаб чоп қилған<sup>1</sup>, лекин бу белгиларнинг ёзув эканлиги хусусида муаллиф фикр билдиrmайди. Бу белгилар асосан хум, кўза каби идишларнинг энг кўринадиган жойларида битилган. Бу белгилар сопол идишлар ясалгандан сўнг, лойлик пайтида чизилган, шундан сўнг идишлар ангобланган ва пиширилган. Пиктографик ёзувлар деб эътироф этилаётган ушбу белгиларни Сополли маданиятининг хронологик даври асосида ёритишни методик жиҳатдан тўғри деб ҳисоблаймиз, негаки идишларда ифодаланган белгилар сони ва шаклининг ўсиб ёки камайиб бораётганлигини кузатиш ҳам муҳим илмий жараён ҳисобланади.

Сополлитепа ёдгорлиги сополларида 29 та белги чизилган идишлар топилган. Уларни академик А.А. Асқаров шакллариға қараб 8 та гурухга ажратган<sup>2</sup>. Биринчи гуруҳ белгилар яrim ой шаклида бўлиб, шу сингари 4 та белги топилган. Иккинчи гуруҳ белгилар тортилган камон шаклида бўлиб, шу белги марказига перпендикуляр тўғри чизик тортилган. Сополлитепадан худди шундай 5 та шакл-белги топилганлиги қайд этилган. Учинчи гуруҳ белгилар параллел икки чизикдан иборат бўлиб, уларнинг сони 6 та. Фақат биттасида параллел иккита чизикни марказидан бирлаштирувчи учинчи тўғри чизик чизилган, натижада «Н» ҳарфи кўринишидаги белги ҳосил бўлган. Тўртинчи гуруҳ белгилар хоч шаклида бўлиб, ҳаммаси бўлиб тўртта шундай белги топилган. Бешинчи гуруҳ белги битта идишда ифодаланган бўлиб, иккита айланани бирлаштирувчи тўғри чизикдан иборат. Ушбу белгини «арава» кўриниши деб талқин қилиш мумкин, чунки Ўрта Осиё қоя тош суратларида арава худди шу кўринишда тасвиrlанган<sup>3</sup>. Олтинчи гуруҳ белгилар шакл жиҳатидан биринчи гуруҳ, яъни яrim ой кўринишидаги белгиларга ўхшайди, лекин ниҳоятда қўп букилган ҳолатда тасвиrlанган (4 та). Еттинчи гуруҳ белгилар «А» ҳарфини эслатади, учта худди шундай белги

<sup>1</sup> Асқаров А.А. Сапаллитепа ... - Табл. 31.

<sup>2</sup> Асқаров А.А. Сапаллитепа ... - Табл.31.

<sup>3</sup> Хужаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракиясая.- Самарканд, 1996. – С. 98.

топилган. Саккизинчи гурӯҳ илон шаклини эслатувчи белгилар бўлиб, иккитасида илон тасвирига монанд тасвир ифодаланган.

Сополларда ифодаланган ушбу белгиларнинг қандай фикрни ифодалаганлигини айтиш қийин, бу борада тадқиқотчиларнинг ягона бир фикрга келишлари ҳам мушкул иш. Ҳозирча бу борада тўхталмайлик-да, белгиларнинг вазифаси хусусида, яъни улар илк ёзувми ёки бошқа вазифани бажарганми? деган саволга ечим топайлик. Бу борада учта фикрни билдириш мумкин. Биринчи фикр шундан иборатки, бу белгиларни кулолларнинг уста белгиси деб айтиш мумкин. Аммо, бу фикрга қарши талайгина далиллар мавжуд. Бу далиллар шундан иборатки, мавжуд белгилар маълум бир шаклли идишларда чизилган, холос (хум, кўза, қасноқ-подставка). Сополли маданиятига энг кўп характерли бўлган ваза, қадаҳ, банка сингари идишларнинг бирортасида белгилар учрамайди. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, белгилар жуда кам сонли идишларда чизилган. Сополлитепа ёдгорлигининг тўлиқ қазиб очилганлиги ва минглаб сопол идишлар топилганлиги ва фақат 29 та белги чизилган идишнинг учраши кулолларнинг ясаган идишларига белги қўйиш одат бўлмаганлигидан далолат беради. Бу белгиларнинг кулол белгиси эмаслигига яна бир далил - худди шу шаклдаги белгиларнинг тарқалиш географияси жуда кенг, яъни Жанубий Туркманистон, Шимолий Афғонистон, Марказий Эрон, Ҳиндистон худудлари бронза даври ёдгорликларида ҳам худди шундай белгилар сополларда чизилланганлиги кузатилган<sup>1</sup>. Сополлитепадан топилган мунчоқтуморларда<sup>2</sup> ҳам худди шу шаклларда чизилган белгиларнинг топилиши бу белгиларнинг кулолларнинг уста белгилари эмаслигини тасдиқлайди.

Ушбу белгиларнинг вазифаси хусусида гап кетганда патриархал оилаларнинг тотем белгиси деган иккинчи фикрни ҳам айтиш мумкин. Бу фикрга хизмат қиласиган қандай далилларни келтириш мумкин? Маълумки, Сополлитепа ёдгорлигига 8 та маҳалла жойлашганлиги кузатилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Сарианиди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. 4. 1974. - С.49-71; Ali Hakemi. Sahdad. - Roma, 1977. -Р. 341.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Сапаллитепа ... - Табл.30.

<sup>3</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы ... - С. 13-37.

Юқорида эслаб ўтганимиздек, А.А. Асқаров топилган жами 29 та белгини шаклларига қараб 8 та типга ажратган. Демак, ҳар бир жамоанинг ўз тотем-белгиси бўлган деган тушунчани айтиш мумкин. Бундан ташқари туморларда ушбу белгиларнинг учраши ҳам тотем-белги эканлигини кўрсатувчи далил деб ҳисоблаш мумкин, лекин бу фикрга қарши бир далил бор. Яъни, худди шундай белгилар бронза даврига оид жуда кўплаб илк шаҳар сополларида учраши Сополлитепа патриархал оилаларининг тотем белгиси деган фикрга қарши далиллардир.

Сополларда чизилган ушбу белгиларни албатта пиктографик ёзув деб аташ ҳақиқатга яқин. Негаки, Қадимги Шарқ тарихига эътибор берадиган бўлсак ёзувлар, яъни ҳарфли ёзувларнинг пайдо бўлишига қадар бир неча босқичларни босиб ўтган. Юқорида эслаб ўтганимиздек, энг қадимги ёзувлар расм кўринишида бўлиб, инсонлар ўз фикрини ҳар хил расм ва белгилар ёрдамида ифодалаган. Сополлитепа ва Жарқўтон сополларида учрайдиган белгиларни худди шундай ёзув усули деб аташ мумкин. Бу фикрни қўйидаги археологик далиллар ёрдамида исботлаш мумкин. Биринчидан улар ниҳоятда кам учрайди, иккинчидан ушбу тасвирларнинг тарқалиш географияси анча кенг, яъни Сополли маданиятига турдош бўлган Қадимги Шарқ илк шаҳар маданиятлари тарқалган ҳудудларга ҳос бўлган одат. Агар, кулолларнинг уста белгиси дейилганда, ҳар бир ёдгорликда ушбу белгиларнинг ўзига хослик анъаналари сакланган бўлиши лозим эди. Сополлитепа патриархал оилаларининг тотем белгиси деб аталса тарқалиш географияси бунчалик кенг бўймаслиги лозим эди. Ҳар бир ёдгорликларга оид патриархал оилаларнинг бошқа жойларда учрамайдиган ўзига хос белгилари бўлиши лозим. Демак, Сополлитепа кулолчилигига учрайдиган бу белгиларни пиктографик белги деб аташ ҳақиқатга яқин ва бу белгиларнинг ривожланиш босқичини Жарқўтон ёдгорлиги сополларида учрайдиган белги-ёзув асосида кузатишими мумкин.

Жарқўтон даврига келиб, сополларда ифодаланган пиктографик белги-ёзувларнинг такомиллашганлигини кузатиш мумкин. Бу даврда ҳам

пиктографик белги Сополли давридаги сингари маълум бир сопол идишларда, яъни хумлар, кўзалар ва қасқонларда(подставка) учрайди. Бугунги кунгача Жарқўтон даврига оид сополларда 52 хил белги-ёзув битилганлиги аниқланди. Айрим белгилар сополларда 2-3 мартадан учраса, жуда кўп белгилар бир марта чизилган ва шаклан бошқа қайтариlmайди (33-34-35-расмлар).

Сополли давридаги белгилар сингари Жарқўтон даври пиктографик белги - ёзувларини шаклига қараб гурухларга ажратишнинг иложи бўлмайди, негаки улар шаклан турлича ва такрорланмасдир. Сополли даврида битта белги доимо алоҳида ифодаланган бўлса, Жарқўтон даврига келиб, ҳар хил шаклларнинг бирга ифодаланиши кузатилади (35-расм. 7, 10, 11, 13, 17, 21, 26, 27, 30, 31, 33, 34, 35, 37, 40, 41, 42, 43). Пиктографик шаклларнинг бирга ифодаланиши ёзувнинг давр жиҳатидан такомиллашуви жараёнини кўрсатувчи аломатdir.

Жарқўтон даври пиктографик белги-ёзувлари орасида хоч энг кўп учрайдиган белги ҳисобланади. Хоч нафақат сополларда, балки, Сополлитепа ва Жарқўтон тумор ва муҳрларида ҳам кенг тарқалган<sup>1</sup>. Сополли даври пиктографик белги-ёзувларида хоч доимо алоҳида учраса, Жарқўтон даврига келиб хоч алоҳида учраши билан бирга (35-расм, 7), яrim ой шакли ичидаги (35-расм, 17), айлана шакли ичидаги (35-расм, 20) учраши билан биргаликда хочга қўшимча чизиқларнинг бўлиши ҳам характерлидир (35-расм, 30). Бу жараён хоч белгисидан пиктографик ёзув сифатида фойдаланишда кенг қўлланилганлигидан дарак беради.

Қадимги Шарқ илк шаҳарларининг иқтисодий аҳволи асосан дехқончилик билан боғлиқ бўлган. Шундай экан, омоч ёрдамида ерни ҳайдашни ифодалаш пиктографик белги-ёзувда ифодаланиши кутилган сюжетлардан бири ҳисобланади. Худди шундай ифода Жарқўтон пиктографик белгиларида ҳам кузатилади (35-расм, 11). Бу белгиларнинг

ҳақиқатдан ҳам омоч эканлигини Миср пиктографиясида ифодаланган омоч тасвиридан билса ҳам бўлади<sup>1</sup>.

Маълумки, бронза даврида илк механикага асос солинган. Кулолчилик чархининг, араванинг кашф этилиши бунга мисол бўлади. Шундай экан, арава илк айланма механизмининг ҳам пиктографик белгиларда ифодаланиши кутилган ҳол деб ўйлаймиз ва Жарқўтон сополларида учрайдиган айлана ва айлана ичида чизилган, ўзаро марказда кесишувчи чизиқларни арава ғилдираги деб ҳисоблаш мумкин (35-расм, 13).

Жарқўтон қабрларида бронзадан ясалган «нарвон» нусхасининг (вотывний предмет) учраши жуда қўп маротаба кузатилган<sup>2</sup>. Тадқиқотчилар «нарвон» нусхасининг қабрларда учрашини нариги дунёга ўтиш ёки анимистик тушунчалар билан боғлайдилар<sup>3</sup>. Жарқўтон пиктографик белги-ёзувларида ҳам «нарвон»нинг ифодаланиши кузатилади (35-расм, 22, 25). Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказий Эронда жойлашган Шахдод ёдгорлиги пиктографик ёзувлари орасида ҳам «нарвон» тасвири туширилган ифодали ёзувнинг учраши Ўрта Осиё ва Эрон пиктографик ёзувларидаги параллелликлар хусусида гапиришга имкон яратади<sup>4</sup>. Умуман Шахдод ёдгорлиги сополларида пиктографик белги-ёзувнинг анча ривожланганлигини кузатиш мумкин. У ерда 333 та белги алоҳида ифодалангандиги, 273 та пиктографик ёзувда эса белгиларнинг уйғунлашганлигини - бир жойда ёзилганлигини айтиб ўтиш лозим. Шахдод ёдгорлигидан топилган, сополларда битилган белгилар профессор Али Ҳакими томонидан пиктографик ёзув сифатида эътироф зтилган<sup>5</sup>.

Харappa маданиятида ҳам пиктографик ёзувлар аниқланган ва С. Лангдон ва Э. Маккейлар томонидан ўрганилган. Уларнинг фикрича, Ҳинд браҳма ёзуви айнан мана шу пиктографик белги-ёзувлар асосида вужудга

<sup>1</sup> Salonen A. Agricultura Mesopotamica: Annales Asademiae Scientiarum Fennicae-Series. В 149. - Helsinki, 1968.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы ... - Табл.31; Аскаров А.А, Абдуллаев Б.Н. Джаркутан ... – Табл. XLV, 15.

<sup>3</sup> Аскаров А.А, Абдуллаев Б.Н. Джаркутан ... – С. 46.

<sup>4</sup> Ali Hakemi. Sahdad ... - P. 665.

<sup>5</sup> Ali Hakemi. Sahdad ... - P.665-688.

келган<sup>1</sup>. Биз Жарқұтон пиктографик ёзувларини бирон бир алифбога ассоң бўлган деган фикрдан йироқмиз, негаки бу белгиларнинг ривожланиш босқичларини ҳозирча ашёвий манбалар асосида кузатишнинг иложи йўқ. Сополли маданиятининг сўнгги - Кўзали, Мўлали босқичлари сополларида бирорта ҳам белги чизилмаган. Бу ҳолат Сополли маданияти пиктографик ёзув усулининг унутилганлигидан, даврий жиҳатдан ривожланмаганлигидан далолат беради. Сополли маданияти пиктографик белги-ёзувларининг Жанубий Туркманистон, Марказий Эрон, Ҳиндистонда тарқалган пиктографик ёзувлар билан бир хиллилиги ёки ўхшашлиги ўша ҳалқлар билан жуда яқин маданий алоқада бўлганлигидан далолат беради.

### III. 5. 5. Сополли маданияти муҳрлари.

Муҳрлар – шахсий мулкнинг шаклланишини кузатишида, давлатчилик тарихини ўрганишда асосий археологик манбалардан бири ҳисобланади. У жамият тараққиётининг маълум бир босқичида, яъни энеолит даврида пайдо бўлади<sup>2</sup>. Илк муҳрларда геометрик тасвиirlар ифодаланган бўлса, хусусий мулк ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан муҳрларда ифодаланган тасвиirlар мазмун жиҳатидан орта боради. Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда ҳайвонлар ва инсонлар ифодаланган муҳрлар бронза даврида пайдо бўлади. Демак, муҳрлар Ўрта Осиёда шахсий мулк шаклланганидан сўнг унинг инъикоси сифатида пайдо бўлган<sup>3</sup>.

Қадимги Шарқ ҳудудларидан топилган муҳрлар ясалиш услуби, уларда ифодаланган тасвиirlарга қараб Месопотамия, Сурия, Анадоли, Вавилония, Миср каби мактабларга бўлинади<sup>4</sup>. Сўнгги йилларда археология илмида муҳрларнинг Бақтрия-Марғиёна варианти ҳам пайдо бўлди. Бақтрия-

<sup>1</sup> Mackay E. Early Indus civilizations. - London, 1948. – P. 129.

<sup>2</sup> Mellaart J. Çatal Hüyük. A Neolithic Town in Anatolie. - L., 1967. –P. 218.

<sup>3</sup> Amiet P. Glyptique Susienne // Des origines a L'epoque des perses Achemenides (MDAI, XLIII). - Paris, 1972. – P. 147-161; Массон В.М. Первые цивилизации. - Л.: 1989. – P.191; Антонова Е.В. К проблеме функций печатей ранних земледельцев Востока // СА. №4, 1984. - С. 26-34; Сарианиди В.И. Сиро-Хеттское происхождение Бақтрийско-Марғианской глиптики // ВДИ. - М.: № 1, 1999. - С. 53.

<sup>4</sup> Baghestani Suzanne. Metallene Compartimentsiegel aus Ost-Iran, Zentralasien und Nord-China // Archaologie in Iran und Turan. Band 1. - Leidorf, 1997. - P.3-8.

Марғиёна глиптика вариантининг пайдо бўлишида юқорида эслаб ўтилган маданият марказларининг, хусусан Сурия - Анадоли глиптика мактабининг маданий таъсири тўғрисида кўплаб ёзилмоқда<sup>1</sup>.

Сополли маданиятининг энг асосий ёдгорликлари ҳисобланган Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларидан кўплаб муҳрлар топилган ва адабиётларда ёритилган<sup>2</sup>. Сўнгги йилларда Ўзбекистон - Германия археологик экспедициясининг Жарқўтон ёдгорлигига олиб бораётган илмий изланишлари натижасида топилган муҳрларни илм оламига олиб кириш ва умуман Сополли маданияти ёдгорликларидан топилган муҳрларни тартибли тарзда ўрганиш ушбу бобнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Сополли маданиятига оид муҳрлар асосан металл (мис, бронза), ҳар хил юмшоқ таркибли тошлардан ва сополдан ясалган. Улар кўпинча тақиб юришга мўлжалланганлиги сабабли балдоқли, тошдан ясалган муҳрларда эса тешикчаларнинг бўлиши характерлидир. Сополли маданияти муҳрларини хронологик давр асосида ёритиш мақсадга мувофиқдир.

**Сополли даври муҳрлари (З6-расм).** Сополлитепадан жами 22 та муҳр топилган бўлиб, ушбу муҳрлар мажмуаси А.А. Аскаров томонидан чоп этилган<sup>3</sup>. Улар шаклларига қараб тўрт гуруҳга бўлинган (чўзинчоқ, хоч, тўпбаргсимон, тўғногич-муҳрлар). Бизнинг фикримизча, муҳрларни классификация қилишда аввал улар ясалган ашёга қараб гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Сополлитепа муҳрлари сопол, тош, ёғоч ва металдан ясалган.

I. Сополдан ясалган муҳрлар бир дона бўлиб, юза қисми доира шаклида ясалган, орқа томонида балдоқ, юза диаметри 4 см, қалинлиги 2,3 см. Муҳрнинг юзаси марказида кичик, юза қирраси бўйлаб эса катта айланалар чизилган. Икки айлана орасида одам оёқларини эслатувчи, бир-бирига боғланиб кетган 9 та шакл чизилган.

<sup>1</sup> Сарианиди В.И. Сиро-Хеттское происхождение ... - С. 53; Winckelmann Sylvia. Intercultural Relations between Iran, the Murghab-Bactrian Archaeological Complex (BMAC), Northwest India and Failaka in the Field of Seals // East and West. Vol.50, 2000, - P.43-95; Salvatori S. Bactria and Margiana Seals // East and West. Vol.50, 2000, - P.97-145.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Древнеземледелческая культура ... – Табл. LI.

<sup>3</sup> Аскаров А.А. Древнеземледелческая культура ... - С.79.

II. Тош муҳрлар асосан юмшоқ таркибли тошлардан ясалган бўлиб, хочсимон, юлдузсимон, тўпбаргсимон шаклларда ишланган.

Хочсимон муҳр оқ мармар тошдан ясалган, балдоқли. Балдоқда ип ўтказишига мўлжалланган тешикча ясалган. Қалинлиги 2 см, хочларнинг узунлиги 3 см. Муҳрнинг юза қисмига, хоч шаклига мослаб бургут тасвири туширилган, яъни бир қиррасига бургут боши, кўзи ва ўткир тумшуқлари, икки ён қиррасига эса ёйилиб турган икки қаноти, тўртинчи қиррасига эса кенг думлари чизилган.

Сополлитепадан топилган учта тош муҳрнинг юзасида айлана бўйлаб гуллар чизилган, гуллар ўзаро поя-бандлар орқали боғланган. Ушбу муҳрларнинг орқа томонида балдоқлари бор.

Яна учта тош-муҳр тўпбаргсимон муҳрлар бўлиб, саккизбарг ифодаланган. Иккитаси балдоқли, биттасининг марказидан ипда тақиб юриш учун мўлжалланган тешик ясалган<sup>1</sup>.

III. Бронзадан ясалган муҳрлар 14 дона бўлиб, шакл жиҳатидан улар тош муҳрларга ўхшайди, яъни юлдузсимон, ялпоқсимон ва тўпбаргсимон муҳрларга бўлинади.

Ялпоқсимон муҳр доира шаклида ишланган бўлиб ( $d=3,5$  см.), юзасига бургут тасвири туширилган. Бургутнинг бўйни ва тумшуқлари узун, икки қанотини ёйиб турган ҳолатда, узун думлари эса тарам-тарам қилиб ифодаланган<sup>2</sup>.

Иккита муҳр юзасида геометрик - учбурчак, хочсимон ва ромбсимон шакллар ифодаланган<sup>3</sup>.

Тўпбаргсимон муҳрларнинг ҳаммаси балдоқли бўлиб, баргларнинг сони бўйича бир-биридан фарқ қиласи. Улар олтибаргли, еттибаргли, саккизбаргли, ўнбаргли бўлиб, бир-биридан тўпбарг марказида жойлашган безак-нақшдан ҳам фарқланади.

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Древнеземледелческая культура ... – С.78.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Древнеземледелческая культура ... - Табл. XLVI, 5.

<sup>3</sup> Аскаров А.А. Древнеземледелческая культура ... - Табл. XLVI, 2,9.

А.А. Асқаров томонидан Сополлитепа жамоасининг умум муҳри деб таърифланган, бронзадан ясалган муҳр квадрат шаклда бўлиб, бир томонида симметрик равишда жойлашган тўртта илон, иккинчи томонида тўртта илоҳий ҳайвонлар ифодаланган. Ушбу муҳрга аналогия ҳозирча Қадимги Шарқ дунёсида учрамаган. Агар А.А. Асқаров фикри тўғри бўлиб, у ҳақиқатан ҳам Сополлитепа жамоасининг умум муҳри бўлса, унда бошқа ёдгорликдан шу сингари муҳрлар учрамаслиги ҳам табиийдир. Сополлитепанинг саккизта кварталдан иборатлиги ва ушбу муҳрда ҳам саккизта ҳайвоннинг тасвирланиши А.А. Асқаровнинг фикри тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Бундан ташқари Сополлитепадан 29 та соч тўғнағичлар ҳам топилган бўлиб, шундан 5 донасини А.А. Асқаров муҳр деб атайди. Улар шакл жиҳатидан михни эслатади. Тўғнағичларнинг узунлиги 10,5-24,5 см оралиғида бўлиб, бош қисми доира шаклга эга. Мана шу доира шаклли бош қисм юзаси муҳр вазифасини ўтаган. Тўғнағичларнинг юза қисмида олти, етти ва саккиз баргли тўпгуллар ифодаланган. Тўпбарггуллар марказида айлана шаклли нақш жойлашган<sup>1</sup>.

Сополлитепадан топилган моддий маданият ашёларининг аксарияти Самарқанд шаҳрида жойлашган А. Иқромов номидаги Ўзбекистон тарихи музей-қўриқхонаси фондида сақланмоқда. Шу сақланаётган ашёлар-муҳрлар орасида икки дона муҳр борки, ушбу муҳрлар А.А. Асқаров эътиборидан четда қолган кўринади, негаки чоп қилинмаган.

Гипсдан ясалган биринчи муҳр тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, кўламлари  $3,5 \times 2,4 \times 1,2$  см. Муҳрларнинг икки юзасида ҳам ўйиб ишланган тасвирлар ифодаланган. Биринчи томонида тоғ эчкисининг ён томонидан кўриниши ўйилган. Оёқлари, гавдаси, калта думи, боши ва узун шоҳлари тўлиқ ифодаланган (37-расм, 1). Тоғ эчкиси ифодаланган тасвир Сополли

---

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Древнеземледелческая культура ... - С. 77.

маданияти сополларида учрайди<sup>1</sup>. Жарқүтон IV қабристони № 659 қабрда ҳам түғнағич-мухрда тоғ эчкисининг тасвири ифодаланганлигининг гувоҳи бўлганмиз<sup>2</sup>. Умуман тоғ эчкиси тотем сифатида Ўрта Осиё халқлари ибтидоий давр петрографик ёдгорликларида ҳам кенг тарқалган<sup>3</sup>. Тоғ эчкисининг тотем сифатида Жанубий Туркманистанда ҳам кенг тарқалганлигини И.С. Масимов ҳам таъкидлайди<sup>4</sup>.

Муҳрнинг иккинчи томонидаги тасвир анча хира тортган, шундай бўлса-да, ифодаланган тасвирни тушунса бўлади. Ушбу тасвир ҳақида шундай хulosага келдикки, унга қанотли икки одам - эркак ва аёлнинг эротик ҳолати тасвирланган. Думли эркакнинг курсида ўтирган ҳолати ёки «эркаклик белгиси» бўрттириб ифодаланган тасвири чизилган. Аёл тасвирининг ярми - белдан паст қисми умуман ўчиб кетган. Иккала инсон қиёфасининг юз қисми умуман ифодаланмаган, бир-бирига ёпиштириб чизилган иккита айланадан иборат.

Сополли маданияти муҳрларида инсон қиёфаси тасвири шу вақтгача учрамаган бўлса-да, Жанубий Бақтрияда одам тасвири ҳар хил образларда, яъни ҳайвонлар билан жанг қилаётган, боши қуш, танаси одам қиёфасида тасвирланган ёки курсида ўтирган ҳолда ифодаланган муҳрлар кўплаб топилган ва Бақтрия варианти деб эътироф этилган<sup>5</sup>. Жанубий Бақтрия муҳрларида инсоннинг ярим ялангоч тасвирларини ифодалаш ҳам характерлидир. Лекин, эротик ҳолатдаги тасвир Бақтрия муҳрлари учун янгилик ҳисобланади ва Сополлитепадан топилган ушбу муҳр Бақтрия глиптикаси учун янги мавзу, янги сахифани очмоқда.

Маълумки, қанотли одамлар тасвири кўпроқ мифологик рухлар билан, қадимги илоҳлар билан боғланади. В.И. Сарианиди Бақтрия глиптикасида қанотли одамлар тасвирининг пайдо бўлишини Хетт маданиятининг таъсири

<sup>1</sup> Рахманов У. Зооморфные изображения на керамике памятника эпохи бронзы Бустан IV // ИМКУ, Вып.16, - Ташкент, 1981; Рахманов У. Об орнаментации керамики с поселение Джаркутан // ИМКУ, Вып.17. - Ташкент, 1982; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... - Рис.43, III.

<sup>2</sup> Аскаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан ... -Табл. XXXII, 3.

<sup>3</sup> Хужаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракиясая. - Самарканд, 1996. -С.159.

<sup>4</sup> Масимов И.С. Новые находки печатей эпохи бронзы с низовий Мургаба // СА. №2, 1981. - С. 132-150.

<sup>5</sup> Сарианиди В.И. Сиро-Хеттское происхождение ... - С. 53-73.

деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. В.И. Сарианиди ғоясининг тўғрилигини қўллаб-қувватлаш учун яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, географик жиҳатдан Хеттликлар Миср ва Месопотамия оралиғида жойлашган. Қанотли мифологик образларни ифодалаш эса Мисрликлар учун характерли мавзу ҳисобланади. Бу образларни Хеттликлар Мисрликларнинг маданий таъсири натижасида қабул қилган бўлиши ва Эрон, Бақтрия-Марғиёна маданиятларига ёйилишида катта рол ўйнаган бўлиши мумкин. В.И. Сарианиди фикридан фарқли ўлароқ, бизнинг ўйлашимизча, Бақтрияликлар Хеттликлар билан тўғридан - тўғри маданий алоқада бўлмаган, балки билвосита, яъни Хеттликлар Эрон билан, Эронликлар Бақтрия билан бевосита алоқада бўлганлар.

Сополлитепа муҳрлари орасида сақланаётган иккинчи муҳр қора-яшил рангли, хлорид тошдан ясалган бўлиб, тўғри тўртбурчак шаклда ( $3,1 \times 2,6 \times 1,0$  см). Ушбу муҳрда тақиб юришга мўлжалланган тешикча ҳам бор. Тешикча айлана шаклда бўлиб, муҳр узунлиги бўйлаб марказидан ўтган (37-расм, 2).

Муҳрнинг биринчи томонида чаён тасвири ифодаланган. Чаённинг боши доира шаклида, тўрт жуфт оёқлари бутун гавда узунлиги бўйлаб симметрик жойлашган, юқорига қайрилган думлари эса тишли қилиб, гажак ҳолатда, даҳшатли қилиб ифодаланган (37- расм, 2).

Хлорид тошдан ясалган ушбу муҳрда тасвирланган чаённи Бақтрия-Марғиёна глиптикасига хос характерли хусусиятдир, деб ишонч билан айтиш мумкин. Негаки, чаён тасвири ифодаланган муҳр Даشتли I ёдгорлигига уч маротаба учрайди<sup>2</sup>, Афғонистон бозорларидан сотиб олинган муҳрларнинг аксариятида ҳам чаён тасвири ифодаланган<sup>3</sup>. Мурғоб воҳаси муҳрларида ҳам чаённинг кўплаб ифодаланиши бу фикрни тўлиқ тасдиқлайди. Бундан

<sup>1</sup> Сарианиди В.И. Сиро-Хеттское происхождение ... - С. 64.

<sup>2</sup> Сарианиди В.И. Исследование памятников Дашилинского оазиса. Древняя Бактрия. Вып. 1. - М.: 1976. - С. 21-86.

<sup>3</sup> Сарианиди В.И. Змей и драконы в глиптике Бактрии и Маргии // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и среднего востока. - М.: 1986. - С. 66-71.

ташқари чаён тасвири мүнайсулар Месопотамияда ҳамда Шимолий ва Жанубий Эрон ёдгорликларида ҳам кўплаб учрайди<sup>1</sup>.

Чаён Қадимги Шарқ - Месопотамияда уруг ёки қабила тотеми сифатида ҳам қабул қилинган. Умуман чаённинг тунда - қоронғида ов қилишини, қуёшдан яшириниб, сояда кун кўришини, инсонларни ўлдириш даражасида заҳарлилигини инобатга олиб «табиатнинг сирли кучлари худо»си деб таъриф берилса, қадимги яждодларимизнинг мифологик қарашларини тўғри англаган бўламиз.

Мухрнинг иккинчи тарафида геометрик шакллар тасвирланган (37-расм, 2). Бир бурчакли икки томонли геометрик шакл ёрдамида муҳр юзаси тўрт қисмга ажратилган. Ҳар тўрт қисм юзаси параллел чизиқлар билан тўлдирилган. Шу сингари муҳрлар Шахри Сўхта<sup>2</sup>, Анау IV қатламларида<sup>3</sup>, Гонур I тепаликларида учрайди<sup>4</sup>.

Юқоридаги таърифдан сўнг шуни айтиш мумкинки, ушбу муҳрлар ясалиш услуби билан Сополлитепа муҳрларидан тубдан фарқ қиласи. Шу нуқтаи назардан ушбу муҳрларни ташқи маданиятларнинг таъсири ёки бошқа маданият сохибларига тегишли деган хуносага келдик.

Шундай қилиб, Сополлитепадан жами 29 та муҳр топилган бўлиб, А.А. Асқаров томонидан чоп этилган 27 та муҳр Бақтрия-Марғиёна глиптикасига оид, Самарқанд шаҳар А. Икромов номидаги музей-қўриқхона фондида сақланаётган, Сополлитепадан топилган тўғри тўртбурчак шаклидаги гипс ва хлорид тошдан ясалган муҳрлар эса Бақтрия-Марғиёна глиптика мактаби учун характерли эмас. Аввало, бу муҳрлар ясалиш усули билан Сополлитепа муҳрларидан фарқ қиласи. Негаки, квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклли муҳрлар Сополли маданияти муҳрларига хос эмас. Бу муҳрларда ифодаланган тасвиirlар эса тарқалиш жиҳатидан жуда кенг ҳудудни

<sup>1</sup> Tanabe K., Hori A., Ishida K., Nagasawa M., Itami S. Animals in the Art of the Ancient Orient // The Ancient Orient Museum, - Tokyo, 1983. – P. 81-96.

<sup>2</sup> Tosi M. A Topographical and Stratigraphical Periplus of Sahre Suxteh // Proc.ASARI 1975, 1976, - P.130-158; Tosi M. Excavations at Shahr-i Sokhta // Preliminary Report on the Second Campaign, Sept.-Dec.1968 // EW 19, 1969, - P.283-386.

<sup>3</sup> Piggott St. Dating the Hissar Seguence-the Indian Evidence // Antiquity 17, 1943, - P.169-182.

<sup>4</sup> Сарианиди В.И. Змей и драконы в глиптике Бактрии ... - С.69.

эгаллайди. Месопотамия, Хеттит, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва ниҳоят Бақтрия-Марғиёна ҳудудлариға хос бўлган глиптика анъаналари ушбу муҳрларда ўз аксини топган.

Бошқа моддий маданият ашёлари каби глиптика соҳасида ҳам Сополли даври анъаналари Жарқўтон даврида ҳам давом этади. Жарқўтон ёдгорлигидан Жарқўтон даврига оид 20 та муҳр топилганлиги адабиётларда эслатиб ўтилган<sup>1</sup>.

Жарқўтон IV қабристонида жами 719 та қабр очилган бўлиб, шу қабрлардан 2 та бронзадан ясалган муҳр ва 8 та бронзадан ясалган тўғноғич-муҳр топилган<sup>2</sup>. Иккала муҳр ҳам балдоқли бўлиб, бири айлана шаклда. Биринчи муҳрнинг юза қисмида боши ён томондан тасвиrlанган ўткир тумшуқли бургутнинг икки қаноти ёйиб, думлари эса тарам - тарам қилиб ифодаланган. Икки қаноти тагидан иккита илон бургут боши томон ҳаракат қилаётган ҳолатда тасвиrlанган. Иккинчи муҳр саккиз баргли бўлиб, марказий қисмида геометрик тасвиrlар - тўртта айлана чизилган.

Тўғноғич-муҳрларнинг узунлиги 9,5-21 см.лар оралиғида бўлиб, муҳр вазифасини бажарган тўғноғичлар бир-биридан тўғноғич бошида ифодаланган шакл ва тасвиrlардан фарқ қиласди. б та тўғноғич-муҳрда тўпбаргсимон (олти, етти, саккиз баргли) шакл, биттасида эса олтида айлана, яна биттасида эса чопаётган тоғ эчкиси ифодаланган (38-расм, 1-4)<sup>3</sup>.

Жарқўтон шоҳлар саройини қазиши давомида учта муҳр топилганлиги қайд этилган. Уларнинг иккитаси оҳактошдан, биттаси бронзадан ясалган. Бронзадан ясалган муҳр саккизбаргли бўлиб, ҳар бир барг ичи саккизта чўзинчоқ шаклдаги безакдан иборат, юза марказида эса айлана шаклдаги безак битилган<sup>4</sup>.

Оҳактошдан ясалган иккала муҳр ҳам доира шаклида бўлиб, бирининг юзасида хочсимон шакл ва хоч атрофида айлана ва чизиқли безаклар

<sup>1</sup> Аскаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан ... - С. 19.

<sup>2</sup> Аскаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан ... – С. 20.

<sup>3</sup> Аскаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан ... - С. 20.

<sup>4</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... - Рис.63.

ифодаланган бўлса, иккинчи муҳр юзасида тўрт баргдан иборат нақш чизилган, тўрт баргли нақш марказида эса айлана ифодаланган<sup>1</sup>.

Жарқўтон олов ибодатхонасидан эса иккита муҳр топилган бўлиб, бири сополдан, иккинчиси гипсдан ясалган. Сополдан ясалган муҳр конус шаклида бўлиб, ҳар икки томонига геометрик безаклар чизилган. Юқори қисмида хочсимон, пастки қисмида тўпбаргсимон (еттига) нақш бор. Гипсдан ясалган иккинчи муҳр кўзиқорин шаклида бўлиб, муҳр юзасида ўзаро кесувчи 6 та тўғри чизиқдан иборат, натижада шахмат тахтасини эслатувчи геометрик шакл пайдо бўлган<sup>2</sup>.

1979-1981 йилларда тўлиқ очиб ўрганилган №5 тепалиқда йирик патриархал оила яшаган уй мажмуаси ўрнидан жами 5 та муҳр топилган бўлиб, учтаси бронзадан, иккитаси оҳак тошдан ясалган. Бронзадан ясалган муҳрларнинг иккитаси тўғнағич шаклида бўлиб, тўпгулли, яъни олти ва саккиз баргли нақшлар ифодаланган. Учинчи муҳр айлана шаклда бўлиб, муҳр юзаси геометрик-айлана ва бурчакдан иборат нақшли мажмуадан ташкил топган.

Оҳактошдан ясалган муҳрларнинг бири юлдузсимон-саккиз қиррали бўлиб, юзасига ҳар икки қиррани бирлаштирувчи ёйсимон безак, марказида эса хоч белгиси туширилган<sup>3</sup>. №5 тепаликдан топилган энг ноёб топилмалардан бири цилиндр шаклидаги муҳрдир. Ушбу муҳрда бир-бирига симметрик жойлашган иккита тоғ эчкиси ифодаланган. Икки эчки ўртасида илоҳий дараҳт, орқа тарафида эса икки барг ва очилиб турган гулдан иборат бўлган ўсимлик тасвиранган. Цилиндр шаклидаги ушбу муҳр ҳозирча Сополли маданиятига оид ягона топилмадир (38-расм, 7).

Демак, Жарқўтон даври муҳрларини ҳам ясалган ашёсига қараб қуийдаги уч гурухга ажратиш мумкин:

1. Бронзадан ясалган муҳрлар;
2. Юмшоқ таркибли тошлардан ясалган муҳрлар;

<sup>1</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... - Рис.63.

<sup>2</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... - Рис.64.

<sup>3</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... - Рис.64, 7

### 3. Сополдан ясалган муҳрлар.

Бронздан ясалган муҳрларни тўпбаргсимон (олти, саккиз баргли), юлдузсимон ва муҳр-тўғнағичларга ажратиш мумкин. Ўз навбатида тўғнағич-муҳрлар ҳам муҳр вазифасини ўтаган боши шаклига қараб қуидаги шаклларга ажралади:

А) тўпбаргсимон; б) тўпгуллисимон; в) юлдузсимон; г) айлана.

Тошдан ясалган муҳрларнинг аксариятини гипсдан ясалган муҳрлар ташкил этади. Улар шакл жиҳатидан а) айлана; б) қўзиқоринсимон; в) юлдузсимон; г) цилиндр каби турларга ажралади.

Сополдан ясалган муҳр бир дона бўлиб, у юқорида эслаб ўтганимиздек конус шаклига эга.

Жарқўтон ёдгорлигига 1994 йилдан буён археологик тадқиқотлар олиб борган Ўзбекистон - Германия археологик отряди ҳам Бақтрия глиптикасини ўрганиш борасида маълум муваффақиятларга эришди. Бу борада янги илмий мулоҳазалар айтиш даражасида археологик манбаларга эга бўлди.

Археолог Кай Каниут томонидан №4 тепаликда Жарқўтон даврига оид патриархал оила яшаган уй ўрни ўрганилда. Ушбу қазишмада Шимолий Афғонистон, Жанубий Туркманистон, Марказий Эрон ёдгорликларида кўплаб топилган, лекин шу вақтгача Сополли маданияти ёдгорликларида учрамаган, бронздан ясалган муҳр топилди. У қолип ёрдамида, қуйма усулида ясалган бўлиб, айлана шаклида, аммо юза сатҳига эга бўлмаган муҳрдир. Муҳр юзаси марказида хоч, унинг тўртта учидан иккитадан яrim ой шакли ифодаланган. Яrim ой тасвирлари хочдан ташқари икки уни билан айлана шаклдаги муҳр чеккаларига ҳам туташган (38-расм).

Муҳр диаметри 6 см, муҳрнинг орқа тарафида балдоғи бор. Худди шу муҳрга айнан ўхшаш муҳрлар Даشتли <sup>3</sup><sup>1</sup>, Жанубий Туркманистондаги Гонур

<sup>1</sup> Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана ... - С. 86.

I<sup>1</sup>, Марказий Эрон худудларида ҳам (Шахдод, Шахри Сўхта) шу усулда ясалган ва шу тасвири мухрлар учрайди<sup>2</sup>.

2001 йилда №5 тепаликда яна тадқиқот ишлари давом эттирилди. Бу тепаликда А.А. Аскаров 1979-1981 йилларда йирик патриархал оила яшаган уй ўрнини очган эди<sup>3</sup>. Шу тепаликда ўтказилган археологик изланишларга бағишиланган ҳисобот ва архив материалларини ўрганиб, №5 тепаликда қазишма ишлари давом эттирилди. Ўтказилаётган янги қазишмалар натижасида 2 та Жарқўтон даврига оид мухр топилди. Бу мухрларнинг бири қора хлорид тошдан (38-расм, 8), иккинчisi бронздан ясалган (38-расм, 10). Бронздан ясалган мухр балдоқли ва айлана шаклда бўлиб, юзасида доира шаклли безаклар ифодаланган. Шу сингари мухр №5 тепаликда илгари ҳам топилганлиги адабиётларда эслатиб ўтилган<sup>4</sup>.

Қора хлорид тошдан ясалган мухр-тумор айлана шаклда бўлиб, диаметри 3 см, қалинлиги 1,1 см. Марказидан диаметри бўйлаб тешикча ўтган. Мухрнинг иккала юзасида ҳам чизиб ишланган сюжетли тасвир ифодаланган.

Биринчи томонида ўлжага ташланаётган шернинг ён томонидан кўриниши чизилган бўлиб, бутун гавдаси параллел чизиқлар билан тўлдирилган. Олдинги оёғи олдга чўзилиб, панжалари ёйик, тарам-тарам думлари шер устига қайрилган кўринишда, боши устидаги ёлларининг ёйилиб турган ҳолати, оёқлари остида эса уч бошли аждар-илоннинг шерга интилиб турган ҳолати ифодаланган (38-расм, 8).

Иккинчи юзасида хўқизнинг ён томонидан кўриниши чизилган бўлиб, унинг ҳам бутун гавдаси параллел чизиқлар билан тўлдирилган. Хўқизнинг боши (шохлари билан) пастга эгилган ҳолда, оёқлари ва гавдасига ёпишаётган икки бошли илонга қарши қурашаётган ҳолати тасвирланган.

<sup>1</sup> Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. - Ашгабат, 2002. - С. 258-279.

<sup>2</sup> Hakemi A. Ecriture pictographique decouverte dans les fouilles de Shahdad // Permanent Bureau of the International Congresses of Iranian Art and Archaeology. - Teheran, 1976, - P. 3-46; Salvatori S. Sequential Analysis and Architectural Remains in the Central Quarters of Shahr-i Sokhta // Papers from the 4<sup>th</sup> international Congress on South Asian Archaeology, - Neapel 1977. - P.141-148.

<sup>3</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... – С. 93.

<sup>4</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... – С. 90.

Ушбу тумор-мухрнинг иккала томонида ифодаланган тасвир, яъни шер ва хўқизнинг ифодаланиши Бақтрия-Марғиёна глиптикасига характерли бўлган хусусият. Илонлар ёки аждарнинг ҳайвонларга ёпишаётган манзараси ҳам Бақтрия-Марғиёна муҳрларида кўплаб учрайди. Ушбу тасвир илдизларини, Бақтрияда тарқалиш удумини В.И. Сарианиди Сурия глиптика мактабидан излайди, яъни Сурия, Анадолида мил.ав. III минг йилликда кенг тарқалган ушбу тасвирий лавҳа Элам-Эрон орқали Бақтрия-Марғиёна глиптикасига тарқалган деган фикрда<sup>1</sup>.

Ўзбекистон - Германия Бақтрия археологик экспедицияси 1994 - 2003 йиллар давомида доктор Диетрих Хуфф бошчилигига №6 тепаликда - Жарқўтон олов ибодатхонаси ўрнида тадқиқот ишларини олиб борди. Натижада №6 тепаликнинг стратиграфиясига, ибодатхона ўрнининг илк курилиш даври планига муҳим янгиликлар киритилди<sup>2</sup>.

Бу ердан ҳам Бақтрия глиптикасини янада мукаммалроқ ўрганиш учун манбалар-мухрлар топилди. Бу ердан топилган муҳрларнинг иккитаси гипсдан ясалган бўлиб, балдоқли. Бирининг юзаси айлана шаклда, унга ўзаро кесувчи параллел чизиқлар чизилган, иккинчиси тўпгулли шаклда, гул япроқларига айлана кўринишидаги безаклар чизилган<sup>3</sup>.

Глиптика соҳаси бўйича топилган учинчи манба нафақат Бақтрия, балки Қадимги Шарқ глиптикаси учун янги маълумотлар берди. Шу вақтга қадар бронза даври муҳрларининг муҳр сифатида фойдаланилганлиги олимлар ўртасида ҳар хил тортишувларга сабаб бўлиб келаётган эди<sup>4</sup>. Негаки, муҳрларнинг босилган излари кўплаб сопол идишларда, хумларда учраси эди. Сўнгги йилларда эшикларни муҳрлашда ишлатилган лой, гипс ёки сопол парчалари айрим ёдгорликлардан топилди. Шундан сўнг фанда муҳрлардан шахсий мулк сақланаётган омборларни муҳрлашда

<sup>1</sup> Сарианиди В.И. Сиро-Хеттское происхождение ... - С. 55.

<sup>2</sup> Шайдуллаев Ш.Б., Диетрих Хуфф. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ, Вып.30 - Самарканд, 1999. – С. 31-42.

<sup>3</sup> Жарқўтон-1998. Ўзбек-Олмон археологик экспедициясининг 1998 йилги ҳисоботи. - Самарқанд, 1999. Ўз.Р ФА археология институти архиви. – Б. 46-48.

<sup>4</sup> Хлопин И.Н. О так называемых печатях (Индикатор собственности или штампа) // Проблемы археологии. Вып.II. - Л.,1978. - С. 33-38; Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии // СА. - М.: 1967, №3. - С. 165-190.

фойдаланилган деб фараз қилина бошланди<sup>1</sup>. Италиялик олимлар ҳам бу топилмалар омборхона эшикларини мұхрлашда ишлатилган деган фикрга келган<sup>2</sup>.

Жарқұтон олов ибодатхонаси худудидан, ибодатхона қурилиши давригача бўлган маданий қатlamдан цилиндр шаклидаги мұхр ёрдамида босилган мұхр изи туширилган лой (сопол) парчаси топилди (38-расм, 13). Сақланиб қолган парчанинг синмай сақланган чеккасига қараганда у айлана шаклида бўлган. Лойга ниҳоятда яхши ишлов берилган. Лойнинг синган изларига қараганда у икки бўлакдан иборат бўлган, ип ўтказилиб бир бирига ёпиширилган кўринади.

Цилиндр мұхрнинг изи катта ва кичик б та илон ва «кўрсаткич» белгисидан иборат тасвирдан ташкил топган бўлиб, илонлар танаси тукли қилиб ифодаланган. Яна бир эътиборли томони шундаки, лой парча юзасида мұхр босган инсоннинг панжа излари ҳам сақланган (38-расм, 13).

Тукли илонлар тасвири Бақтрия-Марғиёна глиптикаси учун характерли хисобланади. Аждарсифат илонлар билан курашаётган инсон тасвири туширилган цилиндр мұхр излари Бақтрия сопол идишларида учраган<sup>3</sup>.

Жарқұтондан топилган, цилиндр мұхрнинг тасвири босилган ушбу лой парча, нафақат Бақтрия балки Қадимги Шарқ мұхрларининг нима учун қўлланилганлиги тўғрисидаги баҳсга чек қўяди ва шахсий мулк-товарлар сақланадиган омборларни мұхрлашда қўлланилган деган назарий фикрнинг тўғри эканлигини исботлайди.

Адабиётларда Сополли маданияти инқирозидан сўнг Бақтрия худудларида тарқалган Кучук I (Тилла I, Қизил I) даври моддий маданияти учун мұхрлар характерли эмас, деган тушунча мавжуд<sup>4</sup>. Бизнинг кузатишларимизга қараганда мұхрлар Кучук I даврида эмас, балки ундан олдин, яъни Сополли маданиятининг Кўзали давридан бошлаб амалиётдан

<sup>1</sup> Baghestani Suzanne. Metallene Compartimentsiegel aus Ost-Iran, Zentralasien und Nord-China // Archaologie in Iran und Turan. Band 1. - Leidorf, 1997. - P.150.

<sup>2</sup> Fevioli P., Fiandra E. The administrative Functions of Cley Sealings in Prehistoric Iran // Iranica. - Napoli, 1979. - P.121-134.

<sup>3</sup> Сарианиди В.И. Сиро-Хеттское происхождение ... - Рис.11.

<sup>4</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучук тепа ... – С. 84.

чиқиб кетган. Жарқутон ёдгорлигининг сўнгги даврлари (Кўзали, Мўлали) маданий қатламларидан биронта ҳам муҳрнинг топилмаганлиги, сўнгги даврлар қабрларида ҳам муҳрларнинг учрамаслиги бу фикрнинг тўғри эканлигини исботлайди.

### III. 5. 6. Савдо ва маданий алоқалар.

Савдо-сотиқ жамоалар ўртасидаги юқори ривожланган алоқа тури ҳисобланади. Шахсий мулкнинг пайдо бўлиши ва ортиқча маҳсулотлардан жамоанинг бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи савдо ишининг асосини ташкил этади<sup>1</sup>.

Қадимги Шарқ ёзма манбаларидан бири Хаммурапи кодексида савдо ишларининг маълум бир тартибда олиб борилганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, унинг 99-бобида шундай дейилади: «Агар икки «дўст» савдо иши билан шуғулланишга ўзаро аҳдлашса, бири ўз маҳсулотини, иккинчиси меҳнатини қўшишидан қатъий назар савдодан келадиган фойда ва зарар teng бўлинади. Худо бунга шоҳид. Савдодан қайтгандан сўнг маҳсулотини қўшган «дўст»га маҳсулот миқдоридаги фойда қайтарилади, қўшимча фойда эса teng бўлинади»<sup>2</sup>.

Хаммурапи кодексининг 100-бобида Тамкар (йирик савдогар) ва Шамаллум (савдо ишини юритувчи) ўртасидаги муносабатлар тартибга солинган: «Тамкар Шамаллумни маҳсулот - товар билан таъминлайди, Шамаллум уни сотади. Бунда бутун фойда Тамкарга келади. Шамаллум меҳнат кунига ҳақ олади»<sup>3</sup>.

Ўша кодекснинг 103-бобида эса қароқчиларга дуч келган Шамаллум ҳақида сўз боради, яъни Шамаллум Худо (Шамаш-савдогарлар худоси) номи

<sup>1</sup> Щетенко А.Я. Обмен и торговля доисторического Индостана // КСИА №138. - М.: 1974. -С.13-22.

<sup>2</sup> Законы вавилонского царя Хаммурапи §-99 // Хрестоматия по истории древнего Востока. -М.:1980. Часть I.

<sup>3</sup> Законы вавилонского царя Хаммурапи ... §-100.

билан қасам ичади ва озод этилади<sup>1</sup>. Умуман савдо ишлари ва ундағи можаролар Шамаш ибодатхонасида ҳал этилган<sup>2</sup>.

Бронза даврида Ўрта Осиёда кечган маданий алоқалар, савдо ишлари ва алоқа йўллари ҳақида тадқиқотчилар маълум даражада изланишлар олиб боришиган<sup>3</sup>. Биз қуйида Сополли маданияти, хусусан Жарқўтон аҳолисининг Қадимги Шарқнинг юқори ривожланган маданият ўчоқлари билан маданий алоқалари хусусида ашёвий манбалар асосида фикр билдиримоқчимиз.

### III. 5. 6. 1. Жарқўтон ва Хараппа маданияти ўртасидаги маданий алоқалар.

Хараппа маданиятининг Бақтрия билан маданий алоқалари анча яхши ўрганилган. Айниқса, Бақтрия ҳудудида Шўртўғай ёдгорлигининг очилиши бу мавзунинг асоси бўлиб хизмат қилган<sup>4</sup>.

Шўртўғай ёдгорлиги Амударёning юқори оқими, чап томонида жойлашган, Хараппа маданиятининг инқирозидан сўнг пайдо бўлган ёдгорлик. Шу билан бир қаторда Сополли ва Даشتли маданиятларига хос бўлган сополлар мажмуаси<sup>5</sup> ҳамда мунчоқлар ҳам топилганки, бу ашёлар ёрдамида Шўртўғай ёдгорлигининг пайдо бўлишида ерли ҳалқларнинг ўрни тўғрисида ҳам фикр юритишга имкон туғилади. П. Франкфортнинг фикрича Шўртўғай Хараппа маданиятининг шимолий савдо ёдгорлиги бўлиб, лазурит савдо колонияси йўлида қурилган асосий таянч манзил ҳисобланади.

Бу ёдгорлик ашёлари нафақат маданий алоқалар, балки этник жараёнлар масаласини ечишда ҳам манба бўлиб хизмат қилади. П.

<sup>1</sup> Законы вавилонского царя Хаммурапи ... §-103.

<sup>2</sup> Якобсон В.А. Регулирование международной торговли по законам Хаммурапи // Древний Восток и мировая культура. - М.: 1985. - С. 53-54.

<sup>3</sup> Щетенко А.Я. О торговых путях эпохи бронзы по материалам Туркменистано-Харапских параллелей // КСИА. Вып.122. - М.: 1970. – С. 17-21; Сарианиди В.И. Об одной группе культовых изделий Бактрии // СА №3, 1979. - С. 262-265; Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии (III-II тыс. до н.э.) // Формирование и развитие трасс великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. - Ташкент. 1990. – С.34-39.

<sup>4</sup> Frangfort H.P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques. V.I.P. - Paris: Boccard, 1989.

<sup>5</sup> Frangfort H.P. Fouilles de Shortughai ... - Табл. 44-45. 1-6, 16-20.

Франкфорт Шўртўғай маданиятининг пайдо бўлишида маҳаллий Бақтрия маданиятининг ўрни тўғрисида гапириб<sup>1</sup>, Шўртўғайдан топилган муҳрлар ва уларда ифодаланган тасвирлар семантикасини Элам билан боғлади ва П. Амье назариясини - Эламнинг маданий таъсирини қўллаб-қувватлади. Шўртўғай глиптикаси намуналари ҳақида гап юритар экан Е.Е. Кузьмина бу этнопсихологик жараён, бунда фақат генетик бирлик тўғрисида гапириш лозим, бу манбалар ҳинд-эрон аҳоли бирлигигача бўлган Бақтрия аҳолиси тўғрисида маълумотлардир, деган фикрни таъкидлади. В.М. Массон III минг йиллиқда Туркманистондан то Ҳинд ерларигача Элам тилли бўлганлиги назариясини давом эттириб, лингвист Д. Мак Альпина ва И.М. Дъяконов фикрларини қўллаб-қувватлади<sup>2</sup>.

Сўнгги вақтда адабиётларда Бақтриядаги Хараппа этник гурухларининг ўрни тўғрисида янги фикрлар пайдо бўлмоқда. Бертилль Лионнет Хараппа маданиятининг Бақтрияга маданий таъсири тўғрисида эмас, балки бир этник гурух тўғрисида гапириш керак деган фикрда. В.М. Массоннинг Алтин депеда очилган «Зиккурат» қазишмалари вақтида топилган ашёвий манбалар Эронга нисбатан Хараппа маданиятига яқинроқдир, деган хulosаси Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ҳалқининг маданий алоқалари қадимдан давом этиб келаётганлигидан далолатдир<sup>3</sup>.

Сополли маданияти ашёвий манбалари асосида ҳам Бақтрия ва Қадимги Ҳиндистон маданий алоқалари маълум даражада ўрганилган. Хусусан, Кўзали даври моддий маданиятининг шаклланишида Хараппа маданиятининг ўрни А.А. Аскаров томонидан кўрсатиб берилган бўлса<sup>4</sup>, меъморчиликдаги ўхшашликлар Т.Ш. Ширинов томонидан ўрганилган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Frangfort H.P. Fouilles de Shortughai ... - P.405.

<sup>2</sup> Дъяконов И.М. Языки древней Передней Азии. - М.: 1967. - С. 85-87, - С. 108-112; Mc.Alpin D. Proto-Elamo-Dravidain: The Evidence and its Implications // Transactions of the American Philosophical Society. 1981. V.71. №3.

<sup>3</sup> Массон В.М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток и античный мир. - М.: МГУ, 1980. - С.12-40; Массон В.М. Основные направления культурно-исторического процесса // Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М.. Наука, 1981. - С. 35-48.

<sup>4</sup> Аскаров А.А. Проблема становления раннегородской культуры на юге Узбекистана и ее связи с Индостаном // Древние культуры Средней Азии и Индии. - Ташкент, 1984. - С. 87-97.

<sup>5</sup> Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии ... – С. 34-39.

Ўзбекистон - Германия Бақтрия экспедициясининг Жарқўтонда олиб борган изланишлари натижасида ҳам Бақтрия ва Хараппа маданий алоқалари хусусида янги маълумотлар тўпланди. Қуйида ушбу ашёлар хусусида тўхтамоқчимиз, зоро бу маълумотлар фанимизни янги ашёвий манбалар билан бойитади.

Кай Канют ўрганган №5 тепалиқдан иккита фил суюгидан ясалган, квадрат шаклдаги предмет топилган бўлиб, биринчисининг кўлами  $4 \times 4 \times 0,5$  см, қора, иккинчисиники  $4,5 \times 4,5 \times 0,5$  см бўлиб, оқ рангда. Иккала предметнинг юзасида айлана шаклли 9 та безак чизилган, улар учтадан учқаторда жойлашган (40-расм, 1-2).

Худди шу сингари фил суюгидан ясалган предметлар Хараппа маданиятида жуда кўп тарқалган. Улар Месопотамия худудларида ҳам кенг тарқалган бўлиб, Месопотамия ёдгорликларидан топилган ушбу предметларни тадқиқотчилар, Хараппа типидаги ёдгорликлардан келган деб ҳисоблайдилар. Фил суюгидан ясалган ушбу предмет Ўрта Осиё ёдгорликлари орасида энг кўп Алтин депедан топилган<sup>1</sup>.

Юқорида эслаб ўтганимиздек, фил суюгидан ясалган ушбу топилманинг тарқалиш географияси жуда кенг - Ҳиндистон, Месопотамия, Эрон, Ўрта Осиёning жанубий худудларини ўз ичига олади. Тадқиқотчилар бу топилмани «болалар ўйинчоғи» ёки «фолбинлик қуроли» (астроголик предмет) деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>. Бизнинг фикримизча, ушбу топилманинг фил суюгидан ясалганлигининг ўзи қимматбаҳо эканлигидан далолат беради. Ушбу топилма Хараппа маданияти ва унинг маданий таъсир доирасида бўлган худудларда тўлов воситаси вазифасини ўтаган. Бу фикрнинг исботи сифатида Алтин депеда учратилган битта сопол идиш ичида 11 та квадрат, 2 та айлана ва 8 та таёқча шаклдаги фил суюгидан ясалган топилмани эслаб ўтиш лозим. Бу топилмалар юзасида ифодалангандан айлана шаклдаги «безак»лар сони билан фарқ қиласи. Таёқча шаклдаги топилмаларда 1-3

<sup>1</sup> Ганялин А.Ф. Раскопки в 1959-1961 гг. на Алтын-депе // СА. - М.: 1967. №4. - С. 216.

<sup>2</sup> Gupta S.P. Archaeology of Soviet Central Asia, and the Indian Borderlands. Vol. II. - Delhi, 1979. - P.167, Fig. 3.17.

тадан айлана чизилган бўлса, доира шаклидаги предметларда 6-7 та, квадрат шаклидаги фил суюгидан ясалган мазкур предметларда 8-10 та айлана чизилган. Яна бир эътиборли томони шундаки, 8 та квадрат шаклдаги ушбу предметларнинг марказида битта йирик айлана бор. Айлана атрофи эса ромб шаклидаги параллел чизиклар билан тўлдирилган<sup>1</sup>. Фикримизча, айланалар сони ушбу предметнинг қийматини билдирган. Эътиборингизни яна бир ҳолатга жалб этишни истар эдикки, бу Қадимги Шарқ иероглификасида, хусусан Миср, Уартуда айлана ичида нуқта ифодаланиши рақамни билдирган<sup>2</sup>. Юқорида келтириб ўтган маълумотлар асосида яна бир бор айтамизки, фил суюгидан ясалган ушбу предметлар Хараппа маданияти таъсири доирасида бўлган ҳудудлардаги савдо ишларида тўлов воситасини бажарган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Савдода тўлов воситаси тўғрисида гап кетганда В.М. Массоннинг фикрлари ҳам ўринли. У қимматбаҳо металлар - олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар - лазурит, агат, зумрадлар тўлов воситасини бажарган, дейди. Шу билан бир қаторда В.М. Массон ўзаро товар айирбошлиш савдода бош ролни бажарганлигини уқтириб ўтади<sup>3</sup>. Бу фикрларни инкор этмаган ҳолда савдода тўлов воситаси сифатида ишлатилган яна бир предмет хусусида фикр билдиromoқчимиз. Бу предмет археология фанида «пряслица» (урчуқ бош) номини олган конус шаклидаги предмет бўлиб, диаметри бўйлаб тешиги бор. «Пряслица» кўпинча оқ, қора, қизил рангли юмшоқ таркибли тошлардан, ҳар хил рангли хлорид, лазурит тошлардан ҳамда сополдан ясалган. Улар шакл жиҳатдан бир хил бўлиб, катта-кичиклиги билан ҳам деярли фарқ қилмайди.

Тадқиқотчилар бу предметларни мунчоқ деб ҳам атайдилар, лекин бироз катталигини инобатга олиб «пряслица» деб аташга одатланиб қолишган<sup>4</sup>. Кўп йиллик кузатувлар шуни қўрсатмоқдаки, ушбу предметларнинг марказида жойлашган тешикчаларнинг диаметри 0,5 см

<sup>1</sup> Ганялин А.Ф. Раскопки в 1959-1961 гг. на Алтын-депе ... – С.215.

<sup>2</sup> Вайман А.А. Уартская иероглифика: расшифровка знака и значение отдельных надписей // Культура Востока. Древность и раннее средневековье. - Л.: Гос. эрмитажа. 1978. - С. 100-105.

<sup>3</sup> Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. – Л.: 1976. – С. 35.

<sup>4</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... – Табл. XXXI; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана ... - Табл. XXV; Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура ... – Табл. XXI.

бўлиб, биронтасида ҳам урчуқ таёғига кийдирилганда қоладиган емирилганлик белгиси учрамайди. Бу ушбу предметнинг «пряслица» эмаслигининг биринчи аломати. Иккинчидан, урчуқбошлар урчуқ айланганда оғирлик маркази вазифасини бажаради. Одатда урчуқбошлар ипни йигириш учун маълум бир вақтгачафойдаланилади, яъни ип калавасининг оғирлиги урчуқбош оғирлигидан ошганидан сўнг урчуқбош олиб қўйилади. Фанимизда «пряслица» деб ном олган предметнинг оғирлиги 200 граммдан ошмайди. Шундай экан, бу предметнинг оғирлик маркази, яъни урчуқбош вазифасини ўтамаган деб, аниқ ишонч билан айтишимиз мумкин (45-расм).

Бу предмет ҳам бизнинг фикримизча, савдода тўлов воситасини бажарган. Савдогарлар уни ипга тизиб юришган ва тўлов воситаси сифатида ишлатишган. Уларнинг қиймати ясалган ашёсига қараб белгиланган. Фил суюгидан ясалган предметлар сингари бу предметда ҳам айлана белгиларнинг бўлиши характерлидир. Бу белгиларнинг сони ҳам унинг қийматини белгилаган бўлиши мумкин.

Жарқўтон ёдгорлиги арқидан фил тасвирланган терракот-ҳайкалчанинг топилиши жарқўтонликларнинг Хараппа маданияти билан узвий маданий алоқада бўлганлигини тасдиқловчи яна бир ашёвий манба бўлиб ҳизмат қиласиди (41-расм). Ушбу терракот ҳайкалчанинг лойи, пиширилиш услуби Жарқўтон кулолчилигига хосдир. Фил эса Ўрта Осиё ҳайвонат дунёсига хос эмас. Демак, жарқўтонликларнинг филни, аникроғи, хараппаликларни билганликларидан, маданий алоқасидан дарак беради.

Жарқўтон ёдгорлиги №4 тепалигидан, Жарқўтон даври маданий қатламларидан Сополли маданиятига хос бўлмаган чиннидан ясалган ва сир билан қопланган идиш парчаларининг топилиши ривожланган Қадимги Шарқ маданиятлари билан, хусусан Хараппа маданияти билан алоқани кўрсатувчи манба бўлиб ҳизмат қиласиди (39-расм, 3). Бу идиш сиртида Ҳиндистон ўсимлик дунёсига хос бўлган «*ripal*» ўсимлигининг ифодаланиши ва шу сингари идишларнинг Хараппа маданиятида кенг тарқалганлиги ушбу идишнинг Ҳиндистон ҳудудидан келтирилганлигини кўрсатади. Чунки,

сирланган идишлар бронза даврида фақат Ҳиндистон ва Месопотамия ўлкаларида маълум бўлган ва вақт ўтиши билан унутилган технологик жараён ҳисобланади<sup>1</sup>.

Шу тепалик тадқиқотлари давомида худди шу технологик услубда ясалган «буйрак» шаклида ишланган митти идишнинг топилиши ҳам жарқўтонликларнинг ташки дунё билан маданий алоқаси тўғрисида дарак беради (43-расм). «Буйрак» шаклли идишлар Даштли 3, Тоголок 2 ёдгорликларида ҳам учраган<sup>2</sup> бўлишига қарамай Ҳинд-Месопотамия худудларига хос ҳисобланади. Хусусан Асмар<sup>3</sup>, Теллодаги Иштар ибодатхонасидан<sup>4</sup>, Тел Брак ибодатхонасидан<sup>5</sup> шундай идишларнинг қўплаб топилиши фикримиз далилидир. Дюринг Касперс Месопотамия худудларида «буйрак» шаклли идиш ва «rīpal» тасвири туширилган идишларнинг тарқалишини Ҳинд ўлкасидан, сув йўли орқали Месопотамияга тарқалган деб ҳисоблайди<sup>6</sup>. В.И. Сарианиди «буйрак» шаклидаги чиннидан ясалган идишлар жанубда (Ҳиндистонда) пайдо бўлган бўлса-да, Бақтрияда ўзига хос вариантда, яъни тошдан ясаш характерли бўлган, деган фикрда. Жарқўтондан шу кунгача тошдан ясалган, яъни В.И. Сарианиди тили билан айтганда «Бақтрия варианти»даги «буйрак» шаклли топилмалар учрагани йўқ. Бизнинг топилмаларимиз Ҳиндистонда ясалган ва олиб келинган моддий маданият намуналари ҳисобланади.

### III. 5. 6. 2. Сополли ва қўчманчи маданиятларнинг ўзаро маданий алоқалари.

Юқори дехқончилик маданиятига эга бўлган жанубий вилоятлар билан қўчманчи шимол маданиятлари ўртасидаги алоқалар мил.ав. V минг йиллик

<sup>1</sup> Маккей Э. Древнейшая культура долины Инда. - М.: 1951. - Табл. XXVII, 12.

<sup>2</sup> Сарианиди В.И. Об одной группе культовых изделий Бақтрии // СА. №3. 1979. - С. 262-265.

<sup>3</sup> Frankfort H. Tell Asmar, Khafadje and Khorsabad // OIP, №16, 1933, - P.52, - Fig.32; During Caspers E. Some Motifs as Evidence for Maritime Contact Between. Sumer and Indus Valley // Persica, V, 1970-1971. - P.112-114.

<sup>4</sup> Parrot A. Le Temple D'Ishtar. - Paris, 1956, - Fig.93.

<sup>5</sup> Mallovan M. Excavations at Brak and chagar Bazar. - Iraq, IX, 1947. - P. 39-40.

<sup>6</sup> During Caspers E. Some Motifs as Evidence for Maritime Contact Between. Sumer and Indus Valley // Persica, V, 1970-1971. - P.114.

охири ва III минг йиллик ўрталарида ҳам бўлганлигини археологик манбалар кўрсатмоқда. Бунга Жанубий Ўрта Осиё неолити билан Калтаминон маданияти алоқалари мисол бўлади. Жанубий Орол бўйидан топилган сополлар мажмуаси, яъни нақшланган, бўялган сополларни А.В. Виноградов жанубнинг таъсири деб баҳолайди<sup>1</sup>.

Қадимги даврлардаги бу алоқаларни антропологик манбалар асосида ҳам кузатса бўлади. Неолит даврига оид Тумек-Кичиджик ёдгорлиги (Жанубий Туркманистон) аҳолиси шимолдан, яъни Поволжедан келган деган ғояни Л.Т. Яблонский ёзган ва бу фикрини краниологик манбалар асосида асослашга уринган бўлса, Шарқий Орол бўйларига Сруб маданиятининг ёйилиши Л.М. Мандельштам томонидан кузатилган<sup>2</sup>. Бу манбалар қадимдан жануб ва шимол аҳолиси маданий алоқаларининг доимий эканлигини кўрсатувчи маълумотлардир.

Иқтисоди асосан дехқончиликка асосланган жануб ва кўчманчи-чорвага асосланган шимолнинг маданий алоқалари бевосита топилаётган археологик ашёлар ёрдамида ҳам кузатилади. Аввало, шимолий худудлардан топилган, жанубга хос бўлган моддий маданият намуналари тўғрисида тўхталсак.

Кўкча 15 ва Кўкча 15a ёдгорликларидан Номозгоҳ VI ёки Жарқўтон кулолчилигига хос бўлган кулолчилик чархида ишланган сополларнинг, Жонбос 35 ёдгорлигидан топилган лойдан ясалган, пиширилмаган ҳайкалча, Кўкча 15 дан топилган сирғалар бу алоқаларни кўрсатувчи ашёвий манбалардир<sup>3</sup>. Бу маданий алоқаларни Зарафшон воҳаси мисолида ҳам кузатиш мумкин. Тозабоғёб маданиятига оид Кўкча 3 ёдгорлигига қабрларнинг шимолга қаратилганлиги ва топилган идишлар мажмуаси Алакул маданияти билан боғланса, аёллар чап биқини, эркаклар ўнг биқини билан қўмилганлиги қайд этилган. Маълумки, жинсий деформизм

<sup>1</sup> Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья // ТХЭ. Т. XIII, - М.: 1981. - С. 160.

<sup>2</sup> Мандельштам А.М. Погребения срубного типа в Южной Туркмени // КСИА, 108, М.: 1966. - С. 28-33; Мандельштам А.М. Новые погребения срубного типа в Южной Туркмени // КСИА, 112, М.: 1967. - С. 14-19.

<sup>3</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья II начало I тысячелетия до н.э. // ТХЭ. Т.Х. - М.: 1977. - Рис. 18, 8, 68,1; - Рис. 69, 3; - Рис. 67,16.

дәхқончилик маданиятларига хос одат ҳисобланади. Бу ҳолат Кўкча З ёдгорлигини жанубий маданиятлар билан боғлайди. Шунга қарамай, Кўкча З моддий маданияти Алакул маданияти моддий маданиятига жуда яқинлиги ҳам тадқиқотчилар томонидан қайд этилган<sup>1</sup>.

Сумбар ёдгорлигидаги олиб борилган тадқиқотлар ҳам жануб ва шимол маданиятлари ўртасидаги алоқаларни янги маълумотлар билан бойитган. Негаки, Сумбардан топилган бронза идишлар таркибида кўпроқ қўрғошиннинг учраши шимол маданиятларга хос бўлса, жануб-дәхқончилик маданиятлари бронза идишлари таркибида мишъяқ миқдорининг кўплиги хосдир<sup>2</sup>.

Андроново маданияти сополлари Ўрта Осиёning деярли барча дәхқончилик маданиятлари ёдгорликларида учраши одатий ҳолга айланди<sup>3</sup>. Адабиётларда Андроново маданиятининг дәхқончилик маданиятлари кулолчилиги анъаналарига таъсири масалалари кўплаб ёритилган бўлса<sup>4</sup>, дәхқончилик маданиятлари кулолчилигининг қўчманчилар маданиятлари кулолчилигига таъсири масаласида ҳам кўплаб тадқиқотлар мавжуд<sup>5</sup>.

Археология фанида кўчманчи маданият билан ўтрок дәхқон маданиятлари ўртасидаги маданий алоқалар борасида Зарафшон воҳасида қилинган ишлар диққатга молик. Зарча Халифа, Дашиб Қози, Тўқайли, Жом (46-49-расмлар) ёдгорликларида олиб борилган ишлар натижасида Зарафшон воҳаси кўчманчи ва ўтрок халқларнинг «иқтисодий ва маданий мулоқот

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура ... – С. 113; Хлопин И.Н. Юга-западная Туркмения В эпохе поздней бронзы. - Л., 1983. - С. 59.

<sup>2</sup> Галибин В.А. Спектральный анализ находок из Сумбарских могильников // Хлопин И.Н. Юга-западная Туркмения в эпохе поздней бронзы. - Л., 1983. - С. 227-234.

<sup>3</sup> Рахманов У.В., Шайдуллаев Ш.Б. О влиянии культур степной бронзы ... - С. 58-63.

<sup>4</sup> Аскаров А.А. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Тезисы докладов советско-французского симпозиума по археологии Центральной Азии и соседних регионов. - Алма-Ата, 1987. - С. 57-58.

<sup>5</sup> Кузьмина Е.Е. Кубкообразные сосуды Казахстана эпохи поздней бронзы // В глубь веков. - Алма-Ата, 1974. - С. 16; Итина М.А. Иззаимодействие земледельческих цивилизаций Средней Азии и их «варварской» периферией в эпоху бронзы // Древние цивилизации Востока (Материалы II советско-американского симпозиума). - Ташкент, 1986. - С. 135.

майдони» ёки «маданиятларнинг кесишган минтақаси» бўлганлигини кўрсатмоқда<sup>1</sup>.

Сўнгги йилларда фанда қўчманчи ва дехқон маданиятларининг ўзаро алоқаларини даврлаштириш масаласи ҳам кўтарила бошланди. Бу борада В.М. Массоннинг изланишларини таъкидлаш лозим бўлади. Унинг хulosасига кўра, бу борадаги энг қадимги ёдгорлик Зарча Халифа ҳисобланади<sup>2</sup>. Бу ерда ўрганилган қабрда майит жанубий дехқончилик анъаналари бўйича кўмилган. Майит билан бирга қўй ва 32 та предмет қўшиб кўмилганлиги қайд этилган<sup>3</sup>. Топилган ашёларнинг бир қисми ўтрок дехқон маданиятига (чархда ишланган сополлар, соч тўғнағич), айримлари эса (от сувлуклари) шимолий қўчманчи маданиятга хослиги билан характерланади. Қазишма муаллифи ҳақли равища чархда ясалган идишларни Сополли маданиятининг Жарқўтон даври сополлари билан таққослайди. В.М. Массон шу қабрни икки маданият ўртасидаги маданий алоқаларнинг энг қадимгиси деб ҳисоблайди. У энг қадимги маданий алоқаларга Бақтриядаги Шўртўғай ва Бешкент маданияти ёдгорликларини, Куйи Амударёдаги Тозабоғёб маданиятларини мисол қилиб кўрсатади<sup>4</sup>.

Жарқўтон ёдгорлигига ҳам қўчманчи халқлар билан маданий алоқалар ўрнатилганлиги ашёвий манбалар асосида исботланган. Бу алоқалар Сополли маданиятининг сўнгги даврларига хослиги қайд этилган<sup>5</sup>.

Бу борада Бўстон VI қабристонида қилинган фан янгилигини алоҳида таъкидлаш зарур. Н.А. Аванесова бу ерда крематория қолдиқларини ўрганган

<sup>1</sup> Аванесова Н.А. Новые памятники андроновской культурно-исторической общности Узбекистана // Достижения советской археологии в XI пятилетке. Тезисы докладов. - Баку, 1985. – С.197; Исаев А.И., Потемкина Т.М. Могильник эпохи бронзы в Таджикистане // СА. №2, 1988. – С.198-201; Nona Avanesova, Šapulat Šajdullaev, Abdumann Ërkulov. Dzam - ein neuer bronzezeitlicher Fundort in der Sogdiana // AMIT. Band 33. Berlin, 2001.

<sup>2</sup> Массон В.М. Древние цивилизации востока и степные племена в свете данных археологии // Stratum plus №2. От Балкан до Гималаев: Время цивилизаций. - Санкн-Петербург - Кишинёв - Одесса, 1999. - С. 265-285.

<sup>3</sup> Бобомуллоев С. Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зарафшане // Stratum plus №2. От Балкан до Гималаев: Время цивилизаций. - Санкн-Петербург – Кишинёв - Одесса, 1999. - С. 307-313.

<sup>4</sup> Массон В.М. Древние цивилизации востока и степные племена ... - С. 265-285.

<sup>5</sup> Аскаров А.А. Степные компоненты в комплексах оседлых культур эпохи бронзы в Северной Бактрии // Проблемы древней истории Северного Причерноморья и Средней Азии. - Л., 1980. – С.168-175.

бўлиб, улар учтадан уч жойда, қабрлар орасида жойлашган<sup>1</sup>. Биринчи гуруҳ крематориялар тепаликнинг жануб, иккинчи гуруҳи марказ ва учинчи гуруҳи эса, тепаликнинг шимолий қисмида жойлашган. Фикримизча, қабристон қабрга тўлиб келгани сари крематориялар қабрлар орасида қолиб кетган ва янгисини қуришга мажбур бўлишган.

«Крематория»ларнинг ҳаммаси тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, материк қатлам қазилиб, текисланиб, сўнг хом ғишт узунасига териб қурилган. «Крематория»ларнинг ички томон девори оловнинг таъсирида кўқимтири рангга келиб қолган. «Крематория» полига яқинлашган сари қалин кул қатламлари қайд этилган. Қазиша муаллифининг ёзишича, кул қатламларидан ёнган одам суюклари қолдиги, Сополли маданиятининг сўнгги даври сополлари билан-бирга Андроново маданияти сополлари парчалари ҳам топилган. Бир жойда учтадан жойлашган «крематория»лар фақат кўлами жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласи, холос. Н.А. Аванесованинг мақолаларидан нега уларнинг бир жойда учтадан қурилганлигига аниқ жавоб топа олмадик. Бизнинг фикримизча, агар ҳақиқатдан ҳам ушбу қурилмалар «крематория» бўладиган бўлса, энг каттаси эркак, ўрта кўламдагиси аёл ва энг кичиклари болалар майитларини ёқишига мўлжалланган бўлиши мумкин. Негаки, Сополли маданиятида аёлларни чап, эркакларни ўнг биқини билан кўмиш анъанаси русм бўлганлигини биламиз ва жинсий деформизм нафақат ўликни кўмиш, балки ёқишида ҳам бўлганлигини табиий ҳол деб ҳисоблаймиз. Сополли маданиятида мурдани ёқиши анъанасининг пайдо бўлишини Андроново маданиятининг таъсири деб баҳоланиши тўғри, албатта. Аммо, ҳозирги пайтгача Андроново маданияти ёдгорликларида биронта крематория топилмаган. Улар мурдани очиқ усулда кремация қилган бўлишлари ҳам мумкин. Бўстон VI ёдгорлигига ўрганилган «крематория» эса меъморий ечим жиҳатидан энг мукаммал ҳисобланади. Демоқчимизки, майитни ёқиши удуми шимолдан келган бўлса-да, «крематория»ларнинг

<sup>1</sup> Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры // Российские вести. №4. - С. 63-70; Avanesova N.A. Spatbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // AMIT 29,1997, - Р.147-178; Аванесова Н.А., Ташпулатова Н. Символика огня в погребальной практике сапаллинской культуры // ИМКУ 30, 1999. - С. 27-36.

курилиши Жарқўтон қурилиш услубида бажарилган. Бу фикрга ғиштларнинг кўлами ҳамда терилиш услублари гувоҳлик беради. Яъни, бу жараён икки маданият анъаналарининг қўшилишини кўрсатади.

Сўнгги йилларда Жарқўтон ёдгорлигида олиб борилаётган тадқиқотлар бу мавзуга ҳам янги маълумотлар берди (43-расм). Хусусан, кўчманчи Андроново маданияти билан жарқўтонликлар сўнгги даврларда эмас, балки Жарқўтон давридан бошлаб маданий алоқалар ўрнатганлиги кузатилди. Жарқўтон олов ибодатхонасининг илк қурилиш даврида, мудофаа деворларига ўрнатилган буржларни очиш давомида фақат Евроосиёнинг кўчманчи халқларига хос бўлган от сувлуғи топилди<sup>1</sup>. У йирик ҳайвон шохидан ясалган бўлиб, айлана шаклида, диаметри 13 см, қалинлиги 1 см. Марказида диаметри 1,5 см келадиган тешик, сувлуқ чеккаларида ҳам тўртта кичик ( $d=0,7$  см) тешикча жойлашган. Сувлуқнинг юза қисмида тўртта тиш шаклидаги бўртик ҳам борлиги қайд этилди. Сувлуқнинг кўп ишлатилиши натижасида бўртиксимон тишларнинг емирилиб кетганлиги кузатилади. Сувлуқдаги тешикчалар ёрдамида у отнинг жағига биркитилган бўлса, емирилиб кетган тишчалар ёрдамида отни бошқарган (43-расм, 1).

Юқорида эслаб ўтганимиздек, от сувлуғи Евроосиё минтақасида, Андроново маданияти ёдгорликларида, хусусан от қўшиб кўмилган аристократлар қабрларида кўплаб учрайди. Улар айлана шаклида бўлиб, суюк ва шохлардан ясалган. Евроосиё минтақаларида ясалган от сувлуқлари археологлар томонидан типларга ва вариантларга бўлиб ўрганилган. Бўртиксимон тишларнинг фарқига қараб улар икки типга ажralади, яъни сувлуқ билан бирга ясалган тишлар ва олиб яна қўйишга мўлжаллаб ясалган сувлуқларга бўлинади. Жарқўтондан топилган от сувлуғи биринчи тоифага оид бўлиб, ҳозиргача Андроново маданиятининг қўйидаги 13 та ёдгорлигида худди шу сингари сувлуқлар қайд этилган: Синташта, Берлик, Каменный Амбар, Большекараган қабристони, Солнце II қабристони, Утевск

<sup>1</sup> Шайдуллаев Ш.Б., Дитрих Хуфф. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ, Вып.30, - Самарканд, 1999. - С. 25-31.

қабристони, Большедмитриевский, Софино, Тавликаевский, Селезни-2, Филатова, Микены<sup>1</sup>. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Жарқўтондан топилган от сувлуғи, шу предметнинг тарқалиш географиясидаги энг жанубий нуқта ҳисобланади, Жарқўтондан жанубда жойлашган бирорта бронза даври ёдгорлигига ушбу предмет учрамаган.

Икки маданият ўртасида алоқаларнинг илк Жарқўтон давридан бошланганлигини кўрсатувчи яна бир археологик манба, бу кремний тошдан ясалган пайконлардир (43-расм, 5-6). Сополли маданияти пайконлари чўкичлаб ишланган ва учринди олинганда пайконда майда излар қолган. Андроново маданияти пайконларида эса, учриндилар бир зарбда олинган ва пайконнинг эни бўйлаб учриндиларнинг узунчоқ излари қолиши характерлидир. Кўчманчи маданиятлар техник услубида ясалган пайконлар, Жарқўтон аркини қазиш давомида қўлга киритилди ва бу топилмалар Жарқўтон даври сополлари мажмуалари билан бирга учради.

Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг бронза даври ёдгорликларида, Афғонистон, Эрон ва кўплаб Хараппа маданияти ёдгорликларида кўчманчи Андроново маданиятига хос бўлган сополларнинг учраши табиий холга айланиб бормоқда<sup>2</sup>. Ушбу сополларнинг тарқалиш географияси асосида фанда арийларнинг жанубга тарқалиш масаласи ҳам кўтарилди<sup>3</sup>. Жарқўтон ёдгорлигидан ҳам Андроново маданиятига хос сополлар кўплаб учрамоқда (44-расм). Бу сополлар асосан Кўзали, Мўлали даврлари маданий қатламларида учрайди<sup>4</sup>. Улар асосан хумча ва кўзалардан иборат бўлиб, чархсиз, қўлда ясалган. Ташқи тарафидан чизиб ишланган учбурчак ва ромб шаклии нақшлардан иборат. Андроново маданияти сополларининг Жарқўтонда пайдо бўлиши билан Кўзали даврининг айрим тур сополларида

<sup>1</sup> Гончарова Ю.В. К вопросу о классификации дисковидных псалий с шипами эпохи поздней бронзы на территории Восточной Европы // Древние культуры и технологии. Новые исследования молодых археологов Санкт-Петербурга. - СПб, 1996. - С. 34-43; Гончарова Ю.В. Некоторые аспекты интерпретации погребений с дисковидными псалиями в степной и лесостепной зонах Евразии // Stratum plus №2. От Балкан до Гималаев: Время цивилизаций. - Санкт-Петербург – Кишинёв – Одесса, 1999. - С. 336-348; Генинг И.Ф., Зданович Г.Б., Генинг В.В. Синташта. Т.1, - Челябинск, 1992. - С. 111-242.

<sup>2</sup> Рахманов У.В., Шайдуллаев Ш.Б. О влиянии культур степной бронзы ... - С. 58-63.

<sup>3</sup> Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? М.: 1994. –С. 224; Кузьмина Е.Е. Арии – путь на юг. - М., - С.Пб. Летний сад, 2009. 557 с.

<sup>4</sup> Рахманов У.В., Шайдуллаев Ш.Б. О влиянии культур степной бронзы ... - С. 59.

ҳам безаклар пайдо бўлади (44-расм, 5). Бу безакларнинг Андроново маданияти сополлари безаклари билан айнан ўхшашлиги кузатилган<sup>1</sup>. Сополлардаги бу ўзгаришлар икки маданиятнинг ўзаро алоқаларини кўрсатибгина қолмай, балки ўзаро маданий таъсирини ҳам кўрсатувчи манба бўлиб хизмат қиласди.

### III. 5. 7. Жарқўтон шаҳар-давлатининг аҳолиси.

Жарқўтон аҳолисининг этник ҳамда ижтимоий таркибини ўрганишга археолог ва антрополог олимлар доимо зўр қизиқиш билан ёндашишган. Сополлитепа ва Жарқўтондан топилган антропологик манбалар асосида Т.К. Хўжаев Сополли маданияти аҳолисининг Шарқий Ўрта Ер денгизи ирқига мансублиги тўғрисида ёзган<sup>2</sup>. Умуман, бу борада антрополог олимлар деярли бир хил фикрда, яъни улар бронза даврида Каспий денгизи бўйларидан то Помиргача бўлган ҳудудларда Ўрта Ер денгизи ирқига мансуб аҳоли яшаганлиги тўғрисида маълумотлар беришади<sup>3</sup>.

Археологик жиҳатдан ўрганилаётган маданиятлар эса анча хилмахилдир. Ўрта Осиёning жанубий минтақаларида асосан ўтрок-дехқончилик билан шуғулланган аҳоли яшаган. Жанубий Туркманистонда Номозгоҳ маданияти (Номозгоҳ IV-V) очилганидан сўнг фанда ушбу маданият соҳибларини арийлар деб аташ одат бўлган эди. Айниқса, Жанубий Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистонда бронза даврига оид дехқончилик маданиятлари очилганидан сўнг бу ғоя янада кучайган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... - С. 85.

<sup>2</sup> Ходжайов Т.К. Антропологический состав населения эпохи бронзы Сапаллитепа // Тезисы докладов на сессии, посвященной итогам полевых этнографических и антропологических исследований в 1974-1975 гг. - Душанбе, 1976. - С.78.

<sup>3</sup> Ходжайов Т.К. Антропологический состав населения ... -С.79.

<sup>4</sup> Грантовский Э.А. Иран и иранцы до Ахеменидов. - М.: 1998. - С. 41.

Сүнгги йилларда Номозгоҳ маданиятининг асосий ижодкори В.М. Массон бу ғоядан қайтди. У «...бу маданият аҳолиси арийлар эмас, балки дравид ёки элам тилли бўлган», деган фикрга келди<sup>1</sup>.

Маълумки, ўтган асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида дравид тилли бўлган деган ғоя тарқалган<sup>2</sup>. Бу ғояни Марказий Осиё тарихи билан шуғулланувчи забардаст олимлар ҳам қўллаб-қувватлашган<sup>3</sup>. Б.А. Литвинский бу фикрни Амударёнинг чап томонида жойлашган Хараппа маданиятига оид Шўртўғай ёдгорлиги мисолида исботлашга ҳаракат қиласди. Афсуски, Хараппа маданиятига оид бошқа ёдгорлик Ўрта Осиё худудида топилгани йўқ. Ушбу ғоя тарафдорлари Ўрта Осиёнинг антропологик манбаларини ниҳоятда яхши билишса-да, фойдаланмайдилар. Тўғрироғи, эслаб ўтишни истамайдилар. Маълумки, дравидоидлар экватор атрофида тарқалган аҳоли ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, Сополли маданияти ва умуман бронза даври Ўрта Осиё антропологияси жуда яхши ўрганилган, лекин антропологик жиҳатдан экватор ирқига оид манбалар деярли учрамайди. Шу фактнинг ўзи ҳам Ўрта Осиё аҳолисининг бронза даврида дравид ирқига оид эмаслигини ёки дравид тилли бўлмаганлигини тасдиқлади.

Юқорида эслатганимиздек, антропологлар Каспийдан Помиргача бўлган худудда Шарқий Ўрта Ер денгизи ирқига оид аҳоли яшаганлигини қайта-қайта таъкидлашган. Э.В. Ртвеладзе Ўрта Осиё бронза даври аҳолисининг қайси тилга мансублигини ҳам шу ердан қидириш керак, дейди ва Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида хуррит тилли бўлган деган ғоя билан чиқди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Массон В.М. Печатиprotoиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока) // ВДИ. - М.: 1977, №4. – 168-175.

<sup>2</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948. - С. 68; Толстов С.П. По следам древнекорезмской цивилизации. - М.: Л., 1948. - С. 86.

<sup>3</sup> Литвинский Б.А. Бронзовый век // ИТН. Том I. - М.: 1963. - С.56-68; Массон В.М. Печатиprotoиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока) // ВДИ. - М.: 1977, №4. – С. 192-208.

<sup>4</sup> Ртвеладзе Э.В. К вопросу о субстратном языке юга Средней Азии (III-II тыс. до н.э.) // Тарих, Мустақиллик, Миллий ғоя (Республика илмий назарий анжумани материаллари). - Тошкент, Академия, 2001. - С. 124.

Э.В. Ртвеладзе Қадимги Шарқ халқларига хос бўлган ёзувларнинг тарқалиш географиясини тузиб чиқсан, яъни Каспий денгизининг жанубий қирғоқлари - Форс кўрфазининг шимоли-шарқий қирғоқлари - Марказий Эрон. Ҳақиқатан ҳам Каспий ва Урмия қўли атрофларида хуррит ёзуви тарқалган. Бу Жанубий Туркманистондан бир неча юз километр узоқликда, холос. Шу географик тарқалишни асос қилиб, Э.В. Ртвеладзе Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида хуррит тилли бўлган деб ҳисоблайди. Э.В. Ртвеладзе ўз ғоясини яна бир маълумот билан қувватлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, ўзбек уруғларидан бўлган «Митан» уруғи билан Хуррит давлатидаги «Митани» номларининг ўхшашлигини мисол қилиб олган. Ўзбек топонимларидан «Урмитан», «Хурмитан» (Бухора), «Хуаразм» (Хурритлар ери маъносида) каби этнотопонимларни ҳам хурритлар номи билан боғлайди<sup>1</sup>.

Ўрта Осиёнинг Бронза даври ёдгорликларидан биронта хурритларга оид ёзувнинг топилмаганлиги ва умуман Э.В. Ртвеладзенинг хурриттиллилик ғояси ҳақиқатдан жуда йироқ фикрлар, холос. Негаки, муаллиф биронта фактик манбага таянмаган.

Ўрта Осиёнинг бронза даври аҳолиси тўғрисида А.А. Аскаровнинг умумий фикри шундай: «...қадимги дехқончилик маданияти соҳиблари, Ўрта Осиёнинг шимолидаги чорвадор қабилалар, мумкинки, Жанубий Рус чўл зоналари халқлари бир тилда - Эрон тили ва шу тил лаҳжаларида гапиришган. Менинг фикримча, Сополли ва Кучуктепа маданияти халқлари тил жиҳатидан бир-бирини тушунишган, шу тил асосида Қадимги Бақтрия тили вужудга келган, яъни Эрон тили лаҳжаларидан бири»<sup>2</sup>.

Сўнгги йилларда А.А. Аскаров «Андроново маданиятининг бир қисм аҳолиси турктилли бўлганлиги» хусусидаги ғоя билан чиқди<sup>3</sup>. Ҳозирча ушбу ғоянинг тарафдорлари оз бўлса-да, Қозогистонлик археолог К.М. Байпаков

<sup>1</sup> Ртвеладзе Э.В. К вопросу о субстратном языке ... - С. 124-125.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Южный Узбекистан во II тысячелетии до н.э // Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. Труды международного симпозиума по этническим проблемам истории Центральной Азии в древности (II тыс. до н.э.). Душанбе, 17-22 октября 1977 г. - М.: 1981. - С. 167-179.

<sup>3</sup> Аскаров А.А. Исконная ... ИМКУ, Вып.32. – С.58-69.

ҳам Андроново маданияти аҳолисининг бир қисми турктилли бўлган, - деган фикрни олға сурмоқда<sup>1</sup>. Бу ғояларнинг асоси Қадимги Хитой йилномаларида келтирилган ёзма манбалар ҳисобланади. Маълумки, ушбу йилномаларда Хитойнинг шимолида мил.ав. III-I минг йилликларида «ди» - «ти» - «тиек» - «тиеук» - «турк» халқлари яшаганлиги асос қилиб олинган<sup>2</sup>.

Сўнгги йилларда яратилган кўплаб адабиётларда Андроново маданияти аҳолисини арийлар билан боғлаш кучайди. Маълумки, бу ғоя муаллифи К.Ф. Смирнов бўлиб, уни Е.Е. Кузмина қўллаган эди<sup>3</sup>. С.С. Черников эса Андроново маданиятининг жуда кенг ҳудудда тарқалганлигини инобатга олиб, ҳар хил тилли халққа оидлиги тўғрисида ёзган<sup>4</sup>. Яқинда М.Х. Исомиддинов ҳам С.С. Черниковнинг ҳақлигини таъкидлаб, Андроново маданияти аҳолисининг ҳаммаси эронтилли бўлмаганлиги хусусида ёзди<sup>5</sup>.

Ўрта Осиё ҳудудларида Андроново ва Сакларнинг генетик бирлиги хусусида антропологлар ва археологлар ўз фикрларини билдиришган<sup>6</sup>. Тарихий шароитларга қараб Андроново маданиятининг милоддан аввалги VIII асргача яшаб келганлиги Жанубий Ўрол ва Қозогистонда кузатилган<sup>7</sup>. Яна бир масалага ойдинлик киритиб ўтиш лозим деб ўйлаймиз, айрим ҳудудларда Андроново ва Сакларнинг моддий маданиятида ўхшашлиқ сезилмаса, Тагисken маданияти билан Даншибой-бегази ёки Карасук маданиятлари ўртасида ўхшашиклар кузатилган<sup>8</sup>. Бу ҳолат Хоразм сакларининг (массагетларнинг) ерли маданият соҳиблари эканлигини

<sup>1</sup> Байпаков К. Империя древних тюрок // Тюркский мир (Этнополитический и литературно-художественный журнал). - М.: 1999. - № 1-2. - С. 10-12.

<sup>2</sup> Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. - Ташкент, Фан, 2003. - С. 10; Аскаров А. Орийлар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндошувлар. Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. - Тошкент, Фан, 2005. - Б. 69-80.

<sup>3</sup> Смирнов К.Ф., Кузмина Е.Е. Происхождение индоиранцев в свете новейших археологических открытий. - М.: 1977. - 232 с.

<sup>4</sup> Черников С.С. Восточный Казахстан в эпоху бронзы. М.-Л., 1960. - 211 с.

<sup>5</sup> Исамиддинов М.Х. Некоторые вопросы этногенеза и этнической истории Средней Азии // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. - Ташкент, Фан, 2005. - С. 144.

<sup>6</sup> Гинзбург В.В. Материалы к антропологии гуннов и саков // СЭ, 1964. №4. - С. 210; Ходжаев Т.К. Динамика ареалов антропогенетических типов на территории Средней Азии (неолит-нач. XX в.) // СЭ. 1983, №3. - С. 10; Кузмина Е.Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. М. 1980. №6. - С. 27; Кузмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 9. -М.: 1985. -С. 43.

<sup>7</sup> Черников С.С. Роль Андроновской культуры в истории Средней Азии и Казахстана // КСИА, 1957, XXXVI.

<sup>8</sup> Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). - М.: 1996. - С. 70.

тасдиқлайди. Улар ўтроқ деҳқончилик билан машғул бўлган жануб халқлари билан доимий маданий алоқада бўлишган. Орол бўйларида яшаган сак қабилалари моддий маданиятида жануб сополларининг учраши А.С. Сагдуллаев мақолаларида ҳам ёритилган<sup>1</sup>.

Демак, А.А. Асқаровгача ҳам Андроново маданияти аҳолисининг ҳаммаси эронтилли бўлмаганлиги хусусида гапирилган. А.А. Асқаров эса ёзма манбалар асосида Хитойнинг шимолий томонида мил.ав. III-II минг йилларидан Андроново маданиятининг тарқалганлиги, шу маданиятнинг бир қисми туркӣ халқларнинг аждоди эканлигини айти билди ва бу ғоянинг фанда яшашига, янгидан-янги маълумотлар билан бойишига асос бор.

Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорлигидан шу кунга қадар икки мингдан кўпроқ қабрлар ўрганилган бўлиб, шу бой манбалар асосида ушбу ёдгорликлар аҳолисининг ижтимоий гурухлари ҳам ўрганилган<sup>2</sup>.

А.А. Асқаров Сополлитепа қабрлари асосида унинг аҳолисини учта ижтимоий гурухга ажратади:

- Жамоанинг куйи қатлами. Бу қатlam аҳоли қабрларида энг кам, ўрта ҳисобда битта идишнинг учраши, қабрларнинг эса энг оддий - чуқур усулида қазилганлиги мисол қилиб олинган.
- Жамоанинг teng ҳуқуқли аъзолари. Бу қабрларда 5-6 тадан сопол идиш ва бронзадан ясалган идиш ва тақинчоқларнинг бўлиши характерли.
- Жамоанинг бой табақаси. Қабрларда 50 тагача идиш ва ҳар хил тақинчоқларнинг, қуролларнинг бўлиши характерлидир. Сополлитепада бой қабрлар асосан аёл кишиларнинг қабрлари ҳисобланади<sup>3</sup>.

В.И. Ионесовнинг Сополлитепа ва Жарқўтон қабрлари асосида Шимолий Бақтрияда илк синфий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига бағишланган тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатдикি,

<sup>1</sup> Сагдуллаев А.С. Проблемы инноваций в Среднеазиатских комплексах эпохи раннего железа // Преемственность и инновация в развитии древних культур. - Л., 1981. - С. 111.

<sup>2</sup> Асқаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... - С. 168.

<sup>3</sup> Асқаров А.А, Буряков Ю.Ф, Квирквелия О.Р, Радилловский В.В. Теоретические и методологические проблемы исследования в археологии. - Ташкент, Фан, 1988. - С. 30.

Сополли даврида унинг аҳолиси ўртасида жинсий дифференция жуда қаттиқ бўлган. Болалар қабрларида идишларнинг учрамаслиги, катта кишилар қабрларида идишлар сонининг ёшига қараб ортиб бориши, Сополлитепа аҳолисининг (жамоасиниг) синфий ва мулкий тенглигини тасдиқлаган. Тадқиқотчи ўз фикрларини Сополлитепа ёдгорлигининг меъморий қурилиш услуби ёрдамида, яъни симметрик усулда қурилгани билан ҳам исботлашга харакат қилган. Шу манбалар асосида В.И. Ионесов Сополлитепа аҳолисининг синфий ва мулкий тенглигини қўрсатиб берган<sup>1</sup>.

Юқорида эслаб ўтганимиздек, Сополлитепада ўрганилган бой қабрлар асосан аёл кишиларга тааллуқли бўлган, муҳрлар ҳам айнан мана шу қабрларда учраган<sup>2</sup>. Бу ҳолат фанда Сополлитепа жамоасида аёлларнинг мавқеи, ўрни баланд бўлганлиги тўғрисидаги фикрни ҳам келтириб чиқарган<sup>3</sup>. Албатта, бу фикр бир томонлама бўлиб, Сополлитепа аҳолисининг дехқончиликда, хунармандчиликда, қурилиш, металлсозлик соҳаларида эришган ютуқларига етарлича баҳо бермаслик, яъни бу ишлар эркаклар бажарадиган соҳалар эканлигига эътибор бермаслиkdir. Сополлитепада бой қабрларнинг аёл кишиларга тегишлилиги ва муҳрларнинг ҳам шу қабрларда учрашишининг асосий сабаби уй хўжалигига аёллар бош ролни бажарганлигига бўлса ажаб эмас.

В.И. Ионесовнинг тадқиқотларига кўра Жарқўтон даврида сезиларли равища жамоалар ҳаётида иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар содир бўлади. Жарқўтон ёдгорлиги ўз таркибига бир неча патриархал жамоаларни бирлаштирган (Жарқўтон I -VIII тепаликлари), ҳар бир жамоа ўзининг алоҳида жойлашган қабристонига эга бўлган. Қазишмалар даврида ҳар бир қабристонда жамоа бошлиқлари, диндорлар қабрлари топилганки (бой қабрлар), улар ўз жамоаларининг бошлиқлари бўлган. Тадқиқотчи, Жарқўтон

<sup>1</sup> Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Самарканд 1990. - С. 18.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Сапаллитепа. - Ташкент, Фан, 1973. - С. 44-45.

<sup>3</sup> Антонова Е.В. Контакты Месопотамии с восточными землями в IV-III тыс. до н.э. // Азия диалог цивилизаций. - Санкт- Петербург, 1996. - С. 197-240.

аристократиясининг пайдо бўлганлигини Жарқўтон саройи ва ибодатхонасиning пайдо бўлиши билан ҳам исботлайди.

В.И. Ионесовнинг Жарқўтон қабрларида олиб борган тадқиқотлари яна шуни кўрсатадики, Кўзали ва Мўлали даврларида «аристократ»лар гурӯҳи иқтисодий ишлаб чиқаришни марказлаштирган. Жамоалар ўртасида умум ишлаб чиқариш йўлга кўйилган. Жарқўтон ибодатхонасида, яъни унинг ишлаб чиқариш қисмидаги металл ишлаб чиқаришни бунга мисол қилиб олади. Кўзали даври қабрларида металлнинг учраши 41,18 фоизга ошганлигини тадқиқотчи ишлаб чиқаришнинг марказлашганлиги деб ҳисоблайди. Шунингдек, Кўзали даврида кенатаф қабрлар сонининг ошиши ва қабрларда қуролларнинг кўплаб учрашини ҳарбий хавфнинг кучайганлигидан деб билади<sup>1</sup>.

Бўстон даврига келиб Жарқўтон аҳолиси қийин ижтимоий-иқтисодий кризисни бошидан кечиради ва В.И. Ионесовнинг кузатувларига қараганда, бу кризисдан чиқолмаганлиги туфайли Сополли маданияти инқирозга юз тутади. Унинг фикрига қараганда Жарқўтонда муентазам армия бўлмаган, негаки армия антагонистик жамият белгисидир<sup>2</sup>.

А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновларнинг Жарқўтон ёдгорлигига, хусусан, унинг қабристонида, сарой ва олов ибодатхонасида, оиласалар яшаган маҳалла ўрниларида олиб борган тадқиқотлари натижасида Жарқўтонда илк синфий муносабатлар ўрнатилганлиги исботлаб берилган. Жарқўтон аҳолиси энг камида олтида ижтимоий гурӯҳга ажралганлиги ашёвий далиллар асосида ўрганилган:

1. Шаҳар хукмдорлари, оқсоқоллар (сарой аҳолиси, бой қабрлар);
2. Диний идеология ҳизматчилари (ибодатхона аҳолиси, муҳрлар учраган қабрлар);
3. Жамоанинг ҳуқуқсиз аъзолари (камбағал қабрлар);
4. Ҳарбийлар (қуроллар учраган қабрлар);

---

<sup>1</sup> Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений ... - С. 6.

<sup>2</sup> Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений ... - С. 8.

5. Ҳунармандлар (ҳунармандчилик ашёлари билан кўмилган қабрлар);
6. Шаҳар аҳолиси (дехқонлар, чорвадорлар, савдогарлар)<sup>1</sup>.

Сополли маданияти аҳолисининг ижтимоий гуруҳларига бағишиланган юқоридаги тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, унинг аҳолиси илк синфий жамият қуришга эришган.

Жарқўтондан топилган эркак кишининг бюст ҳайкали асосида Жарқўтон аҳолисининг ташқи тузилиши ҳақида тасаввур пайдо бўлди. Шу вақтгача Жарқўтон ва Бўстон қабрларидан қўплаб ҳайкаллар топилган бўлиб, уларда инсон қиёфаси антропоморф кўринишида ифодаланган эди. Жарқўтон аркидан топилган бюст ҳайкалда эса инсон қиёфаси ҳаётий ҳолатда тасвириланган. Шу ҳайкал асосида фикрлайдиган бўлсак, Жарқўтон аҳолиси европоид ирқига оид бўлиб, қирра бурун, соч - соқоллари қора кишилар бўлган.

Албатта, Ўрта Осиёning жанубий минтақалари аҳолисининг бронза даврида арийлар бўлганлиги тарихий ҳақиқатдан жуда йироқ. «Авеста» ва «Ригведа»да таърифланган арийларга Сополли маданияти аҳолиси антропологик жиҳатдан ҳам ва улар яратган моддий маданият намуналари жиҳатдан ҳам ўхшамайди. Дравид тилли бўлганлиги эса, ҳақиқатдан жуда йироқ. Сополли маданияти аҳолиси дравид тилли халқлар билан (Хараппа маданияти) яқиндан маданий ва савдо алоқаларида бўлган. Аммо, бир халқ бўлганлиги Жарқўтон ва Хараппа маданияти ёдгорликлари моддий маданиятларини таққослаш натижасида инкор этилади. Хуррит тилли бўлмаганлигини эса юқорида кўрсатиб ўтдик. Бизнинг фикримизча, Сополли маданияти аҳолиси Мурғоб, Даشتли, Марказий ва Шимолий Эрон аҳолиси билан бир этник гуруҳни ташкил этган ва қадимги Эрон тили лаҳжаларидан бирида гаплашган. Шу тил асосида Қадимги Бақтрия ва «Авеста» тили шаклланган.

Ушбу бобга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки:

---

<sup>1</sup> Аскаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... - С. 120.

1. Жарқүтон ёдгорлиги топографик жиҳатдан Қадимги Шарқ шаҳар-давлатлариға монанд. Унинг ахолиси хунармандчилик, меъморчилик, заргарлик, металлсозлик, санъат соҳасидаги эришган ютуқлари жиҳатидан Қадимги Шарқ шаҳар-давлатлари ахолиси билан деярли бир хил ривожланиш даражасида бўлган.

2. Жарқүтон шаҳар-давлатининг бошқаруви «Жарқүтон олов ибодатхонаси»да жойлашган. №6 тепаликда жойлашган монументал иншоот нафақат ибодатхона, балки сарой-ибодатхона вазифасини ўтаган. Бу бинони сарой-ибодатхона деб аташ маъморий ечим жиҳатидан ва жамоанинг ижтимоий қатламлари жиҳатидан ҳам тўғри келади. Илк синфий муносабатларнинг шаклланиши даврида ҳукмдорлар ва коҳинлар алоҳида ижтимоий гурӯҳ сифатида бўлинмаганлигини инобатга олсак биз чиқарган хулоса тарихий эканлиги кўринади.

3. Илк давлатларнинг шаклланиши билан диннинг ҳам марказлашув жараёни кечиши табиий ҳол. Жарқүтон сарой-ибодатхонасининг бунёд этилиши бу фикрнинг исботидир. Шу билан бир қаторда жамоалар сифиниб келган дин кўринишлари ҳам сақланиб қолаверади. Бронза даврида зоолатирик ва аждодлар руҳига ибодат каби дин турларининг ривожланганлиги Жарқүтондан топилган ашёвий манбалар асосида кузатилди.

4. Цивилизациянинг асосий кўриниши бўлган ёзув ҳам Сополли маданияти даврида кашф этилган. Бу пиктографик белгили ёзув бўлиб, Жарқүтон сополларида шундай белгиларнинг 47 та хили аниқланди. Бу белгиларнинг тарқалиш худуди анча кенг бўлиб Ўрта Осиёнинг жануби, Шимолий Афғонистон, Марказий ва Шимолий Эроннинг бронза даври ёдгорликларида учрайди ва бир-бирига ўхшашлиги билан характерланади.

5. Шахсий мулк ва давлатчиликнинг археологик белгиси сифатида эътироф этилаётган Сополли маданияти муҳрлари биринчи марта типологик классификация қилинди. Улар Сополли маданияти анъаналари асосида ясалган ва маданиятлараро тарқалган муҳрларга ажратилди. Муҳрлар илгари

айтилиб келинаётганидек Сополли маданияти сүнггида эмас, балки Кўзали даврида ҳаёт тарзидан чиқиб кетган.

6. Сополли маданияти аҳолиси халқаро алоқаларга ҳам асос солган. Хараппа, Қадимги Эрон, Андроново маданиятлари билан бевосита, Сурия, Хетт, Месопотамия билан эса билвосита маданий алоқада бўлганлиги янги ашёвий манбалар асосида кўрсатиб берилди.

7. Сополли маданияти аҳолиси Мургоб, Даштли, Марказий ва Шимолий Эрон аҳолиси билан бир этник гурухни ташкил этган. Жарқўтон аҳолиси европоид ирқига оид бўлиб, қирра бурун, соч - соқоллари қора кишилар бўлган. Мумкинки, Қадимги Эрон тил лаҳжаларидан бирида гаплашган. Шу тил асосида Қадимги Бақтрия ва «Авеста» тили шаклланган.

## **IV-БОБ. ИЛК ТЕМИР ДАВРИДА ХУДУДИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

IV. 1. Кучуктепа маданиятининг пайдо бўлиши муаммосига доир янги муроҳазалар.

Қадимги Шарқ маданиятининг ажралмас бир қисми бўлган Ўрта Осиёning жанубий вилоятларида мил.ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида чуқур иқтисодий ва маданий ўзгаришлар юз беради. Бир томондан Марғиёнада Номозгоҳ, Бақтрияда Даشتли-Сополли маданиятлари худудига чорвадор аҳолининг кириб келиши юз беради<sup>1</sup>. Иккинчи томондан Чуст маданиятининг таъсирида Марғиёнада Ёзделе, Шимолий Бақтрияда Кучуктепа ва Қизилтепа, Жанубий Бақтрияда Тиллатепа ёдгорликлари қад кўтаради<sup>2</sup>. Бу маданиятлар Бақтрия ва Марғиёнада ҳар хил номлар билан аталса-да, уларнинг моддий маданиятлари айнан ўхшашлиги билан характерланади.

Бақтрия ва Марғиёнада янги пайдо бўлган бу маданиятлар туб жойли аҳолининг сўнгги бронза даври маданиятларидан энг аввало, кулолчилик соҳасидаги ўзига хослиги билан фарқ қиласди. Агар Номозгоҳ-Даштли-Сополли маданиятлари соҳиблари ўз кулолчилик маҳсулотларини кулолчилик чархларида ясад, уларни товар буюмлари даражасига кўтара олган бўлсалар, янги маданият соҳиблари кулолчилик чархидан деярли фойдаланишмаган. Оқибатда, кулолчилик буюмларининг сифати ёмонлашиб, шаклан қўпол тарзда ясалган. Айрим сопол буюмлар ташқи тарафидан қизил бўёқ билан геометрик (бурчак, учбурчак, тўғри чизик каби) шакллар билан безатилган.

---

<sup>1</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... – 227 с.; Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура ... - С. 177; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана ... – С.139.

<sup>2</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... – 227 с.; Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... –С. 83; Сарианиди В.И. Раскопки Тиллятепе в Северном Афганистане ... – С. 81; Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Л., 1978. – С. 21.

Моддий маданият соҳасидаги бу ўзгаришларни кузатган тарихчи - археолог олимлар Ёз I типидаги маданиятларининг пайдо бўлиши тўғрисида ҳар хил фикрга келганлар. Бу борада, Ўрта Осиё археологияси фанида бир-бирига тамоман қарама-қарши бўлган учта фикр айтилди. Биринчи фикр, яъни пайдо бўлган маданият «варварларнинг босқини натижаси» деб баҳоланиб, мил.ав. II минг йилликда Евроосиё минтақасида истиқомат килган чорвадор Андроново маданиятининг Ўрта Осиёга кўчиб келиши ва ўтроқлашиши, маҳаллий халқ билан ассимиляцияси жараёни билан боғланади<sup>1</sup>. Иккинчи фикр муаллифи В.И. Сарианиди бўлиб, у янги маданият илдизларини жанубдан, яъни Эрон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларидан изласа<sup>2</sup>, учинчи гурӯҳ олимлар эса янги маданият илдизларини Ўрта Осиёнинг ўзидан излайдилар. Жумладан, А.А. Аскаров Жанубий Ўзбекистонда Кучуктепа маданиятининг шаклланиши ҳақида фикр билдириб, Сополли маданияти анъаналари таъсирида чорвадор қабилалар аҳолисининг бир қисми ўтроқ ҳаётга ўтиши натижасида Қадимги Бақтрияда Кучуктепа маданиятининг шаклланишига олиб келди, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга А.А. Аскаров Чуст маданияти аҳолиси бир қисмининг бу ерларга кўчиши натижасида Кучуктепа маданияти пайдо бўлганлигини ҳам инкор этмайди<sup>3</sup>.

Биринчи ғоя, яъни Андроново маданиятининг жанубий вилоятларга тарқалиши масаласи Номозгоҳ - Сополли - Даштли маданиятлари ашёвий манбалари асосида кузатилади<sup>4</sup>. Андроново маданияти билан Кучуктепа маданиятлари сополлари чархсиз, кўлда ясалиши билангина бир-бирига ўхшайди, холос. Аммо уларнинг шакллари, пиширилиши ёки ташқи

<sup>1</sup> Pamelly R. Explorations in Turkestan. - Washington, 1908. - № II. - Р.96; Ганялин А.Ф. К стратиграфии Намазга-тепе // ТИИАЭ АН ТССР, II, 1956. - С. 86; Марущенко А.А. Елкен-депе // ТИИАЭ АН ТССР, V, 1959. - С. 70-72; Толстов С.П., Итина М.А. Проблема суюрганской культуры // СА. - М.: №1, 1960. - С.31-35.

<sup>2</sup> Сарианиди В.И. Раскопки Тиллятепе в Северном Афганистане ... – С.79; Кузмина Е.Е. Культура Свата и ее связи с Северной Бақтрией // КСИА. Вып.132, - М.: 1972. - С. 137-138; Сарианиди В.И., Кошеленко Г.А. Средняя Азия в раннем железном веке // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР. - М.: 1985. – С. 217-239.

<sup>3</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... - С.72; Дуке Х. Туябузгуские поселения бурглюкской культуры. - Ташкент, 1982. – 98 с.

<sup>4</sup> Рахманов У., Шайдуллаев Ш. О влиянии культур степной бронзы ... - С. 58-63.

безаклари жиҳатидан бир-бирига умуман ўхшамаслигини В.М. Массон алоҳида таъкидлаган<sup>1</sup>.

В.И. Сарианиди илгари суроётган, яъни Эрон ва Шимолий Афғонистон худудларидан этник гуруҳларнинг келиши масаласи А.А. Аскаров томонидан инкор этилган. Унинг фикрича, В.И. Сарианиди ашёвий манбалар асосида фикр юритмаган, ҳақиқатан ҳам, Эрон ёки Шимолий Афғонистон худудларида Ёз I, Кучуктепа, Тиллатепа маданиятларининг шаклланишига асос берувчи илдиз - фактларнинг йўқлиги В.И. Сарианиди ғоясининг бўшлигини кўрсатади<sup>2</sup>.

Эслаб ўтганимиздек, А.А. Аскаров ғояси икки қисмдан иборат. Фикрининг аввалида у, Мўлали давридан бошлаб Сополли маданияти аҳолисининг чорвадор халқлар билан ассимиляцияси натижасида Кучуктепа маданияти шаклланган, деб ҳисоблайди. Ундан ташқари Чуст маданияти аҳолисининг бир қисми бевосита Бактрияга кўчиб келиб, Кучуктепа маданиятининг шаклланишига асос солган, деган фикрни ҳам олға суради.

А.А. Аскаровнинг ҳар икки фикри археологик манбалар асосида кузатилади. А.А. Аскаров бу фикрни айтган вақтда, Жарқўтон ёдгорлигидан бир-икки дона дашт қабилалар маданиятларига хос сопол парчалари топилган бўлса, сўнгги йилларда бу ғояни тасдиқловчи моддий маданиятнинг жуда кўп намуналари Жарқўтондан топилдики, булар чорвадор дашт аҳолисининг қадимги дехқончилик минтақаларига жадал кириб келганлиги ва ерли аҳоли билан қоришиб, Кучуктепа маданияти типидаги ёдгорликларнинг пайдо бўлишига асос бўлганлигини кўрсатади.

Меъморчиликда деворлар тагига тош тўшалган пойdevорларнинг пайдо бўлиши (№5 тепалик), майитни ёққанлик аломати сифатида крематорияларнинг қурилиши (№5 тепалик, Бўстон VI қабристони), Жарқўтон ёдгорлиги маданий қатламларидан ва Бўстон VI қабристонидан кўплаб чорвадор халқларга хос кулолчилик ашёларининг топилиши,

<sup>1</sup> Массон В.М. Комплексы типа Яз I // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – Л.: 1966. – С.173.

<sup>2</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... - С.79.

бронзадан ясалган жанг қуролларининг, Синташта ёдгорлигига хос бўлган чақмоқ тошдан ясалган пайконларнинг топилиши, бу борада эслаб ўтиш жоиз бўлган - от сувлугининг топилиши Сополли маданияти билан чорвадор дашт қабилалари ўртасидаги маданий алоқалар қўп қиррали эканлигини кўрсатади. Жарқўтон ёдгорлигининг жойлашган географик ўрни ва топилаётган ашёлар мисолида айтиш мумкинки, Сополли маданияти аҳолиси шимолнинг дашт маданияти дунёси билан Қадимги Шарқ маданиятлари ўртасида маданий кўприк вазифасини ўтаган. Демак, А.А. Асқаров ўртага ташлаган ғоя Жарқўтон материаллари мисолида тўлиқ тасдиғини топади. Бу борада, Жанубий Тожикистон ёдгорликлари мисолида яна ишонарли манбаларни келтириб ўтиш мумкин. Мўлали давридан бошлаб Сополли маданиятининг Кофирниҳон, Вахш ва Қизилсу томонга ҳудудий кенгайиши ва у ердаги Бешкент маданияти билан қорушув жараёнининг кечиши ашёвий манбалар асосида кузатилган<sup>1</sup>.

Чуст маданиятининг жанубга кенгайиши масаласи Сўғд ёдгорликлари мисолида ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Сўнгти йилларда бу ердан Сангиртепа, Кўктепа ёдгорликларидан Чуст маданиятига монанд моддий маданият намуналарнинг топилиши А.А. Асқаров ғоясининг тўғрилигига хизмат қиласди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда бу масалага Европа ва Америка археологлари ҳам қизиқиб, ушбу масала ечимида бошқа ғоя билан чиқдилар. Улар Ўрта Осиё археологлари билан Чуст типидаги янги маданиятларнинг хронологияси, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиши масаласида ҳамфикр эмаслар. Улар бу борада ўз қарашларига эга бўлиб, Ёз I маданиятини мил.ав. II минг йиллик ўрталари - XV аср билан саналайдилар, этник жиҳатдан Андроново ва Ёз I маданияти аҳолисини индо - арийлар деб атайдилар. Индо - арийларнинг Ўрта Осиё орқали Ҳиндистонга тарқалиши

<sup>1</sup> Пьянкова Л.Т. Древние стотоводы Южного Таджикистана. - Душанбе, Дониш, 1989. – 208 с.

масаласини ҳамда Хараппа маданиятининг инқирози масалалари билан боғлайдилар<sup>1</sup>.

Ёз I маданиятининг хронологияси хусусида улар таклиф этаётган санани қабул қиласақ, ушбу муаммо билан боғлиқ кўп муаммолар ўз ечимини топаётгандай бўлади. Аммо, Ёз I маданиятлари туркумига кирувчи ёдгорликларнинг стратиграфияси бунга қарши фактлар беради. Тадқиқотчилар таъкидлаётгандаридек, С/14 анализлари қанчалик «аник» маълумотлар бермасин, археологлар энг аввало ўз ички имкониятлари - ёдгорликлар стратиграфияси асосида фикр юритмоқлари лозим бўлади. Ёз I даври энг узоги билан тўртта қурилиш даври давомида фаолият этган. Шу давр ашёлари Бандихон I ёдгорлигига 3,1-3,6 м, Тилла тепада 3 м, Кучук тепада 3 м, Сангирапада 1-2,7 метрни ташкил этади<sup>2</sup>. Фикримизча, ҳозирча Ёз I даврини мил.ав. XV аср билан саналашнинг имконияти йўқ. Ўрта Осиё шароитида пахса ва хом ғишталар ёрдамида қурилган уйларнинг бир қурилиш даврини 200-250 йил билан белгилаш бизнинг фикр доирамизга умуман тўғри келмайди.

Сўнгги 25 йил ичida Ўрта Осиё археологиясида юқорида эслаб ўтилган маданиятларнинг пайдо бўлиши хусусида янги фикрлар айтилмаган бўлса-да, шу вақт мобайнида Ёз I даврига оид кўплаб янги ёдгорликлар топилди ва ўрганилди. Бу борада Чуст маданияти локал варианtlарининг ўрганилиши<sup>3</sup>, Чуст маданиятига оид бронзадан ясалган ашёларнинг химик таркиби асосида ёдгорликларнинг хронологик даврларини аниқлаш<sup>4</sup>, Қадимги Сўғдда бир қатор янги ёдгорликларнинг ўрганилиши ва фанга олиб кирилиши<sup>5</sup>, Шимолий Бақтрия ёдгорликларининг микростратиграфия ва статистика

<sup>1</sup> Kohl Ph.L. Central Asia (Western Turkestan): Neolithic to the Early Iron Age // Chronologies in Old World Archaeology. Ed. by Ehrich R.W. - Chicago. Vol. I: -P.179-195; Vol. II: -P.154-162; Hiebert F.T. Chronology of Margiana and Radiocarbon Dates // Information Bulletin of IASCCA. - Moskov, 1993, Issue 19: -P.136-148; Salvatori S. Protohistoric Margiana: on a Recent Contribution. (Review of: «IASCCA. Information Bulletin», 19, Moskow 1993 // Revista di Arheologia. - Venice, 1995. Anno XIX: - P.38-54).

<sup>2</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа ... - С. 8.

<sup>3</sup> Матбабаев Б.Х. Некоторые итоги сравнительного изучения расписной керамики чустской культуры // ИМКУ. - Самарканд, 1999. Вып. 30. - С. 41-51.

<sup>4</sup> Рузанов В.В. Еще раз о хронологии Чустской культуры ферганы // Российская археология, №4. - М.: 1999.

<sup>5</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа ... – 42 с.

усулида қазилиши ва бу маълумотларнинг чоп этилиши<sup>1</sup>, Чуст, Қадимги Сўғд, Кучуктепа маданиятларининг моддий маданиятини янада тўлиқроқ ўрганишга асос бўлди.

Сўнгги йиллар тадқиқотлари натижасида айтиш мумкинки, Кучуктепа маданиятлари ёдгорликлари асосан янги суроиш районлари худудларида пайдо бўлиши билан бирга, худудий кичиклиги билан ҳам характерланади. Бақтрия худудидаги шу давр ёдгорликларининг биронтасини йирик шаҳар типидаги ёдгорликлар тоифасига киритиб бўлмайди. Кучук I даври аҳолиси дехқончиликка қулай жойларда гурух-гурух бўлиб ўтрок ҳаётга ўтганлар. Шу билан бирга Сополли маданияти меъморчилигига характерли бўлган монументал иншоотлар қурилиши анъаналарини мерос қилиб олганлар. Баланд платформалар устига уй-жой қурилиши ишлари янги маданият аҳолисига Сополли-Даштли-Номозгоҳ маданиятларидан ўтган. Жарқўтон ёдгорлигининг №5 тепалигига ўрганилган ва мазкур диссертациянинг тегишли бобида ёритилган платформа бунга мисол бўлади. Кучуктепа, Тиллатепа ёдгорликларининг қурилиш услуби, яъни уларнинг платформалар устида бунёд этилганлиги бу фикрнинг далили бўлиб хизмат қиласи.

Майитларга муносабат масаласида янги анъаналар шаклланади. Сополли-Даштли-Номозгоҳ маданиятлари даврида майитларни ерга бой ашёлар билан кўмиш одати энг характерли урф бўлса, янги пайдо бўлган маданиятнинг қабрлари шу кунгача топилмаган. Бу ҳолатни кўплаб тадқиқотчилар зардуштийлик урф-одатларининг тарқалиши натижаси деб тушунирадилар<sup>2</sup>.

А.А. Асқаровнинг кузатишларига қараганда, Сополли-Даштли-Номозгоҳ маданиятлари билан Ёз I даври моддий маданиятлари асосан кулолчилик ашёлари билан фарқ қиласи. Вақт ўтиши билан бу фарқ ҳам йўқолиб боради. Тарихдан маълумки, маданий даражаси қуи аҳоли маданий дунёси юксак даражада бўлган аҳоли мухитида унинг таъсирида юксакликка

<sup>1</sup> Ширинов Т.Ш., Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о хронологической периодизации ... - С.13-26.

<sup>2</sup> Бу масалага диссертациянинг «Авеста» ва моддий маданият» деб номланган қисмида алохида тўхталамиз.

интилади. Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида собиқ даштликларнинг Ёз I даврида кулолчилик чархидан дастлаб фойдаланмаслик сабаби, уларнинг кундалик турмуш тарзидан келиб чиққан. Кучук I даври аҳолиси янги тарихий шароитда туб аҳолининг кулолчилик анъаналарини Қадимги Бақтрия маданияти даврига келиб тўлиқ ўзлаштирадилар.

Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатадики, жамият илғор технологиядан аҳоли этник жихатдан ўзгарганда ва бунинг натижасида идеологик ғоялар, яъни диний урф-одатлар ўзгаргандагина воз кечиши мумкин, негаки бу ҳолат этник жараёнлар билан, янги диний онгнинг, диний қарашларнинг шаклланиши билан боғлиқ. Сополли ва унга турдош маданиятларга хос бўлган монументал ибодатхоналарнинг Кучук I даврида учрамаслигини диний қарашларнинг ўзгарганлигига деб ҳисоблаймиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Кучук I даврида қулолларнинг сопол чархидан фойдаланмаганликлари илғор технологиядан воз кечилиши деб баҳоланиши керак.

Илғор технологиядан воз кечиш жараёни Қадимги Хинд цивилизациясида хам кузатилган. Маълумки, у ерда Хараппа маданиятининг инқирози ва бу маданият ўрнига қўлда ясалган сополлар мажмуасининг тарқалиши юз берган<sup>1</sup>. Немис археологи С.Р. Рай Хараппа маданиятидан сўнг қўлда ясалган сополлар мажмуасининг тарқалишини арийларнинг ҳинд водийсига келиши билан боғлайди ва «Ригведа» маълумотларини Джухукар маданияти моддий маданияти намуналари билан солиширади. Джухукар маданияти даврида қўлда ясалган сополларнинг тарқалишини арийларнинг «авлодлар руҳига ибодат, садоқати» тимсоли сифатида, Хараппа маданиятига хос бўлган илғор технологиядан воз кечган, деб тушунтиради<sup>2</sup>.

Бизнинг фикримизча, Ёз I маданиятининг пайдо бўлишини жуда кенг ҳудуд доирасидаги муаммо сифатида ўрганиш керак. Бу масала жамият тараққиётида муҳим рол ўйнаган халқлар кўчиши, ўтрок ва чорвадор

<sup>1</sup> Indus civilization in Saurashtra. - Delhi, 1980. – C.291.

<sup>2</sup> Rao S.R. Excavations at Rangpur and Other Explorations in Gujarat // Ancient India. Nos. 18-19 (1963). P. 5-207.

халқларнинг ассимиляцияси, диний ва ижтимоий ўзгаришлар жараёни билан боғлиқ ҳолда, «Авеста» ва унга эгизак манба ҳисобланадиган «Ригведа» маълумотлари асосида ўз ечимини топади.

Бугунги кунда археология фанида Андроново, Сополли-Даштили ва Кучуктепа маданиятларига оид кўплаб ёдгорликлар ўрганилди. Уларнинг моддий маданиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар тўпланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сополли - Даштили маданиятининг инқирози ва Кучуктепа маданиятининг пайдо бўлиши бир-бирига боғлиқ ҳолда кечган ва бу муаммоларга бир масаланинг икки томони сифатида қараш керак.

«Авеста» ва «Ригведа»да эсланадиган арийлар бугунги кунда Андроново маданияти билан этник боғланиши кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилмоқда. Андроново маданиятининг, яъни арийларнинг жанубга, ҳаттоқи Қадимги Ҳинд ўлкаларигача бориши эслаб ўтилган ёзма ва археологик манбалар асосида кузатилмоқда.

Андроново ва Сополли маданияти ўртасидаги маданий алоқалар Жарқўтон давридан бошланган, кейинги босқичларда бу алоқалар кўп қиррали бўлганлиги юқорида эслаб ўтилди. Кўчманчи Андроново қабилаларининг Ўрта Осиё ва унинг жанубий минтақаларида ўтрок ҳаётга ўтиши, уларнинг туб жой аҳоли билан ассимиляция жараёнларининг кечганлиги табиий ҳол эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бу жараён Жанубий Тожикистон ёдгорликлари мисолида янада яққолроқ кўринади<sup>1</sup>.

Бу ҳолат Сополли ва унга турдош маданиятларнинг инқирозида кўчманчи халқларнинг ўрни бор деган хulosани бермайди, бизнинг фикримизча, ўтрок ва кўчманчи халқларнинг муносабатлари тинч, маданий алоқалар тарзида бўлган. Ҳаттоқи, бир ҳудудда қўшни халқлар сифатида ҳам яшаган. Жарқўтон ёдгорлигидан 24 км шимолда, Шеробод дарёсига қуйилувчи Жийдабулоқсой бўйида жойлашган кўчманчи чорвадор халқлар

---

<sup>1</sup> Vinogradova N. Die spätbronzezeitliche Siedlung Tasguzor in Sudtadszikistan // AMIT. Band 31, - Berlin, 1999. - P.33-46.

қабрлари бунга мисол бўлади. Бу маълумотлар Сополли маданияти билан арийларнинг тинч, бақамти яшаганлигини кўрсатади.

Сополли ва унга турдош бўлган Номозгоҳ, Даشتли маданиятларининг инқирозида ижтимоий масалалар ҳам сабаб бўлган, яъни бу маданиятлар кучли давлатчилик сиёсатининг ўрнатилмаганлиги сабабли инқирозга юз тутган. Сополли маданияти жамоалари ўртасида ягона иқтисодий ва ҳарбий бирликнинг йўқлиги, жамоа бошлиқларининг ягона бошлиқ (шоҳ) атрофида жипслашмаганлиги оқибатида аҳоли тинч йўл билан тарқаб кетиши натижасида бу маданиятлар ирқирозга юз тутган,- деган янги фикрни ҳам айтишимиз мумкин.

Ўтган бобда ёритилдики, Жарқўтон ёдгорлиги давлатчилик тарихининг илк босқичи, шаҳар-давлатлар тоифасига мансуб. Жарқўтон жамоаси том маънодаги антагонистик гуруҳларга ажralмаган. Бу ёдгорликда ўрганилган икки мингдан ортиқ қабрларнинг статистик анализи шуни кўрсатмоқдаки, унинг аҳолиси ижтимоий гуруҳларга ажralиш жараёни жадал кечеётган бўлса-да, жамоада қуллар бўлганлиги тўғрисида бирорта ашёвий далил йўқ. Иқтисодий жиҳатдан бир-бирига қарам бўлмаган жамоа тинч йўл билан янги дарё ўзанлари томон тарқаб кетган. Натижада, Бақтрияда Кучуктера маданияти даврида умумий майдони кичик, 0,6 - 1,5 гектарлик ёдгорликлар пайдо бўлган.

Сополли ва унга турдош маданиятларнинг сопол буюмлари шаклларининг бир хиллиги ва сифатлилиги кулолчилик билан фақат бир гуруҳ ихтисослашган жамоа аъзолари шуғулланганлигини кўрсатади. Кучуктепа маданияти даврида эса тарқалиб кетган ҳар бир жамоанинг ўзи кулолчилик билан шуғулланишга мажбур бўлган. Шунинг учун бу давр кулолчилик ашёлари сифат жиҳатидан қўпол ва шакллари жуда оддийдир.

Кучуктепа маданияти ёдгорликлари кичик сув ҳавзалари ўзанларида жойлашган. Шу даврдан бошлаб, сунъий каналлар қазиш йўлга қўйилган (Бандиҳон канали). Шимолий Бақтрия ҳудудида (Сурхон-Шеробод воҳасида) иккита деҳқончилик ўлкасини кўрсатиш мумкин. Булар Шеробод ва Бойсун

дехқончилик ўлкалари бўлиб, уларда Кучуктепа, Бандихон, Фозимулла, Миршоди, Қизилтепа, Қизилча каби ёдгорликлар қад кўтарган. Ҳар бир дехқончилик ўлкасини кичик худудий бирлашма деб таърифласак тарихий ҳақиқат бўлади.

Сўнгги бронза даврида, яъни Жарқўтон ёдгорлигига жамоалар бир худудда жамланиб, шаҳар-давлатни ташкил қилган бўлса, илк темир даврига келиб жамоаларнинг (ёдгорликларнинг) дехқончилик воҳалари бўйлаб, сув ўзанларига тарқалиб кетганлигини кузатамиз. Лекин, шунга қарамай ҳар бир дехқончилик воҳаси ўзининг шаклланиб кетаётган маданий ва иқтисодий марказига (шахрига) ва шу марказ атрофига бирлашган қишлоқларига эга бўлган.

Шеробод дехқончилик воҳаси учун шундай ёдгорлик сифатида Жондавлаттепани<sup>1</sup>, Бойсун дехқончилик ўлкаси учун эса Бандихон I ёдгорлигини кўрсатиш мумкин<sup>2</sup>. Бандихон I ёдгорлиги икки қисмдан - арк ва “шахристон”дан иборат.

Шеробод дехқончилик воҳаси Кўхитангтоғ яйловлари, Уланбулоқсой ва Шеробод сув ҳавзаларини ўз ичига олган. Бойсун дехқончилик воҳаси эса Бойсунтоғ яйловлари, Бандихон, Миршоди сув ҳавзаларини ўз ичига олган.

Бандихон I кичик сув ҳавзаси бўйларида, яъни стратегик ноқулай жойда жойлашганликлари туфайли, Қадимги Бақтрия маданияти даврига келиб, воҳадаги бошқа манзилгоҳ воҳа марказига - шахрига айланган. Шеробод воҳасида Жондавлаттепа, Бойсун воҳасида эса Қизилтепа ёдгорликлари воҳа, яъни «Ном» типидаги худудий давлатлар марказларига айланган<sup>3</sup>.

Илк темир даврида содир бўлган ушбу жараённи, яъни алоҳида дехқончилик воҳаларининг шаклланишини Ўзбекистон худудидаги бошқа минтақаларда ҳам кузатиш мумкин. Сўғдда Ерқўрғон (Қарши), Подаёток

<sup>1</sup> Жондавлаттепада Кучук I даврига оид 0,65 метр маданий қатlam аниқланди (Ўзбекистон-Чехия археологик отряди).

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана // Бактрийские древности. - Л., 1976. - С. 95.

<sup>3</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Памятники раннего железного века Северной Бактрии. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук, Самарканд, 1990. - С. 4.

(Шахрисабз), Кўктепа (Челак), Фарғона водийсида Ўзган (9 та ёдгорлик), Қорасув (24 та ёдгорлик), Косонсой (8 та ёдгорлик), Қорадарё ва Хўжаобод ёдгорликлари мажмуаларини кўрсатиб ўтиш мумкин<sup>1</sup>.

Бойсун ва Шеробод дехқончилик воҳалари сингари бу воҳалар ҳам маълум бир ҳудудга ва аҳолига эга бўлган. Шаҳарлар ҳам икки қисмдан (арк, шаҳристон) иборат бўлиб, Сўғд ва Фарғона ҳудудларида уларнинг умумий майдони 25 гектаргacha кенгайган.

Илк темир даврида яшаган аҳолининг ижтимоий аҳволини (тузумини) археологик манбалар асосида тиклаш мумкин. Ишлаб чиқариш қучлари ва шу асосда жамият иқтисоди доимий ривожланишда бўлган. Хўжаликнинг асосини табиий ва сунъий суғоришга асосланган дехқончилик ташкил этган. Аҳоли нафакат дехқончилик, балки чорвачилик билан ҳам шуғулланган. Олтин, мис ва бронздан фойдаланишни жуда яхши билишган. Бу соҳа бўйича аҳолининг маълум бир қисми - мисгарлар ва заргарлар шуғулланишган. Темирнинг хўжаликка кириб келиши кузатилади. Кулолчилик соҳасида Чуст, Бургулук маданиятларида бронза даври анъаналари узлуксиз давом этган бўлса, Жанубий вилоятларда сопол ишлаб чиқаришда янги анъаналар пайдо бўлган. Бу анъаналарнинг пайдо бўлиши ҳам, кўриб ўтганимиздек, ижтимоий жараёнлар билан, шаҳар-давлатларнинг емирилиши ва ҳудудий давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда кечган.

Иқтисоднинг ривожланиши ва жамиятни бошқаришнинг такомиллашган шакли пайдо бўлиши юқори фортификация санъатига эга бўлган шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Фарғона водийсида маданий жараёнларнинг бир текисда ривожланганлиги сабаб, бу ерда шаҳарларнинг ривожланиши ҳам шунга монанд бўлган. Даъварзин тепа 25 гектар, Ашқолтепа 13 гектар ва Чуст ёдгорлиги 4 гектарни ташкил этган. Бу

<sup>1</sup> Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган. - Ташкент. 1984. – С.162; Сагдуллаев А.С. Поселение раннежелезного века в бассейне Кашкадарья // СА. - М.: №3. 1984. - С. 221-230; Дуке Х. Туябугузские поселения бурглюкской культуры. - Ташкент, 1982. – С.93; Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии ... – С.42; Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда ... – С. 21; Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самарканского Согда ... – С. 198.

шаҳарлар аҳолиси сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этиб, ижтимоий жиҳатдан ҳам турли табақали бўлган.

Сўғд худудида илк давлатларнинг шаклланишида Шимолий минтаقا - Чуст маданияти ҳамда жанубий минтаقا - Кучуктепа маданиятларининг таъсир доираси кучли бўлган. Бу ердаги ёдгорликлар давр жиҳатидан ҳар хил бўлиб, фикримизча, Чироқчи ёдгорлиги энг қадимгиси ҳисобланади<sup>1</sup>. Бу ерда бронза даври Андроново маданияти ва Сополли маданиятлари таъсирида ўзига хос ўтроқ маданият шаклланган. Ерқўрғон, Сангиралепа, Кўктепа шаҳарларидан топилган ашёвий манбалар Чуст ва Кучуктепа маданиятлари билан яқин маданий алоқада бўлганлигини кўрсатмоқда. Шимолий (Чуст) ва жанубий (Кучуктепа) минтақалар ўртасидаги алоқада Сўғд маданий кўприк вазифасини бажарган.

#### IV. 2. Бактрияning Кучук I даври ёдгорликлари типологияси.

Кучук I даври ёдгорликлари кичик сув ўзанлари (дарё) бўйларида, дарёларнинг тоғлардан паст текисликларга оқиб ўтадиган ҳудудларида бунёд этилган (3-расм). Бу давр ёдгорликларининг энг характерли томони шундаки, уларнинг умумий майдони кичиклашиб боради. Шундай бўлса-да, Ўрта Осиё халқлари тарихида илк маротаба мудофаа деворлари билан ўралган арклар пайдо бўлган. Арклар баландлиги тўрт метргача бўлган платформалар устида бунёд этилган.

Кучук I даврига оид айрим ёдгорликларда учта қурилиш даври кузатилган бўлса (Кучуктепа), айрим ёдгорликларда фақат бир қурилиш даври ёки хўжалик ўраларида шу давр ашёлари кузатилган (Жарқўтон). Кучук I даври ёдгорликларида маданий қатламнинг қалинлиги 1,2-3,6 метрни ташкил этади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Дуке Х. Чиракчинское поселение // ИМКУ. Вып.17. - Ташкент, 1982. - С. 19-24.

<sup>2</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии ... - С. 8.

Мурғоб воҳасининг Ёз I даври ёдгорликлари чоп этилган манбалар асосида А.С. Сагдуллаев томонидан қуидаги типларга бўлиб ўрганилган: умумий майдони 7-16 гектар оралиғида бўлган йирик аркли қишлоқлар (Ёздепа, Аравалидепа); умумий майдони 1,5 - 9,5 гектар оралиғида бўлган айлана ва тўғри бурчакли қишлоқлар (Учдепа 6; Отлиятан); Умумий майдони 1-2 гектардан ошмайдиган тарқоқ ҳолда жойлашган, мудофаа деворлари бўлмаган қишлоқлар (Даштли 6; Учдепе 7; Чопли 2) ва майдони энг кичик, яъни 0,2-0,3 гектардан иборат уй-қўргонлардан (Учдепа 2; Айрак 2) иборат<sup>1</sup>. Мурғоб воҳаси ёдгорликларига қиёсланиб, Бақтрияning ҳам шу давр ёдгорликлари типларга ажратилган. Бақтрия ҳудудида шу даврга оид йирик аркли ёдгорликлар аниқланмаган. Қолган ёдгорликлар эса қуидаги учта типга ажратилган: доимий фаолият этган қисм ва унга туташтириб қурилган иккинчи қисм (Бандихон I, Қизилтепа арки); тарқоқ ҳолдаги мудофааланмаган қишлоқлар (Бўйрачи 2) ва ниҳоят Кучуктепа мисолидаги платформа устига қурилган, мудофааланган уй-қўргонлар<sup>2</sup>. Фикримизча, ушбу типологияда аркли ёдгорликларга етарлича эътибор берилмаган. Шу давр ёдгорликларини районлаштиришда ва типларга ажратганда шу ёдгорликлар асос қилиб олиниши керак бўлади. Негаки, ушбу ёдгорликлар шаклланиб келаётган шаҳарлар бўлиб, арк атрофида жойлашган “шаҳристон” қисмига ҳам эга ва бу ёдгорликлар ўzlари жойлашган кичик иқтисодий районнинг маданий ва иқтисодий маркази вазифаларини бажарган. Бундан ташқари Э.В. Ртвеладзе Бандихон I ёдгорлигини шаҳар тоифасига киритганлигини ҳам эътибордан чиқармаслик керак<sup>3</sup>.

Шимолий Бақтрия ҳудудида учта суғорилиш районида Кучук I даври ёдгорликлари аниқланган. Шеробод дехқончилик ўлкасининг Уланбулоқсой бўйида Кучуктепа, Бўстонсой ўзанида Жарқўтон ёдгорлиги жойлашган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии ... - С. 18.

<sup>2</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии ... - С. 18.

<sup>3</sup> Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени // СА. - М.: №2, 1975. - С. 218-226.

<sup>4</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... - С.71.

Бойсун дөхқончилик воҳасининг Бандиҳонсоӣ этакларида Бандиҳон I, Фозимулла ёдгорликлари, Миршоди (Тентаксоӣ) бўйида Миршоди ёдгорлиги ва Қизилтепа ёдгорликлари мажмуаси жойлашган<sup>1</sup>.

Ҳар бир дөхқончилик воҳада биттадан аркли ёдгорликнинг жойлашганлиги кузатилади. Шеробод дөхқончилик воҳасида Кучуктепа, Бандиҳон дөхқончилик воҳасида Бандиҳон I, Миршоди воҳасида Қизилтепа ёдгорликларини шаклланиб келаётган шаҳарлар тоифасига киритиш мумкин. Улар, энг асосийси, аркли бўлиб, арклар ёдгорликнинг бир чеккасида бунёд этилган. Аркка туташ ҳудудда майдони кичик бўлсада “шаҳристон” жойлашган. Ушбу топографик жараён шуни кўрсатадики, Кучук I даврида жамоа аслзодалари ерларни (сугорилиш районларини) ҳудудий бўлиб олишга эришган. Бу ерда кичик ҳудудий давлатларнинг шаклланиш жараёнини археология нуқтаи назаридан кузатиш мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўрта Осиё археологиясида шу даврда илк маротаба аркли ёдгорликлар шаклланган. Улар ҳар бир дөхқончилик воҳасида биттадан жойлашган. Фикримизча, шу ёдгорликлар муайян ҳудудда сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ вазифасини бажарган.

#### 4. 2. 1 - жадвал

Кучук I даври ёдгорликлари ва уларнинг воҳалар бўйлаб жойлашиши

Дөхқончилик воҳалари	Воҳа маркази	Воҳа ҳудуди	Ўлқадаги бошқа ёдгорликлар
Шеробод	Жондавлаттепа?	Уланбулоқсой, Бўстонсой ўзанлари	Жарқўтон, Кучуктепа
Бандиҳон	Бандиҳон I	Бандиҳонсой ўзанлари	Фозимулла
Миршоди	Қизилтепа	Миршоди ўзанлари	Қизилча VI, Бўйрачи 2, Номсизтепа

Кучук I даврида воҳа марказини бажарган айрим ёдгорликлар кейинги тарихий жараёнларда, яъни Қадимги Бақтрия маданияти даврида ўз сиёсий

<sup>1</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии ... - С. 14.

мавқеини йўқотиб боради. Негаки, улар жойлашган географик ўрнига кўра ноқулай, кичик сув ўзанларида жойлашган. Қадимги Бақтрия маданияти даврида катта дарёлар бўйларида жойлашган ёдгорликлар қучайиб, янги сиёсий марказларнинг пайдо бўлишини қузатамиз. Сурхондарё бўйида жойлашган Хаитободтепа ёдгорлигининг пайдо бўлиши жараёни бу фикрга мисолдир.

#### IV. 3. Ўрта Осиёда зардуштийликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари.

«Авеста» кўп қатламли, ҳар хил тарихий даврларда битилган ва шунга яраша ҳар хил давр воқеликларини ўзида мужассам этган тарихий асар. Авесташунос олимларнинг фикрига қараганда, бизгача етиб келган «Авеста» китоби сосонийлар даврида битилган ва кейинги даврларда ҳам таҳлил ва таҳрир этилган<sup>1</sup>.

«Авеста»нинг ёзилган ёки Заратуштранинг яшаган даврини аниқлашда Совет тарихчилари кўп бора Кави Виштаспанинг яшаган даврига эътиборларини қаратганлар. В.В. Струве ва В.И. Абаевнинг тадқиқотларига қараганда Заратуштра ва унинг қарашларини ҳимоя қилган Кави Виштаспа тарихий шахс бўлган. В.В. Струвенинг қатъий фикрига қараганда, «... Марғиёнада илк маротаба энг кўп халқ оммаси зардуштийликни қабул қилган»<sup>2</sup>. Зардуштийликнинг илк ватани Ўрта Осиё эканлигини деярли барча забардаст тарихчи олимлар эътироф этганлар. Жумладан, В.И. Абаев « ... зардуштийлик Шарқий Эронда, ўтроқ маданият ва Скиф кўчманчилари қўшни яшаган ҳудудларда шаклланган», деб ёзган бўлса, М.М. Дъяконов «Авеста»нинг қадимги қисмлари Бақтрияда битилган, деб ҳисоблайди<sup>3</sup>. И. Алиев «Авеста» шарқий Мидия ва Ўрта Осиё кенгликларида бунёд

<sup>1</sup> Оранский И.М. Изучение памятников древнеиранской письменности в СССР (1917-1970) // История Иранского государства и культуры (К 2500 - летию Иранского государства). - М.: 1971. - С. 45.

<sup>2</sup> Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. - Л., 1968. - С. 29.

<sup>3</sup> В.И.Абаев. Скифский быт и реформа Зороастра // Archiv Orientalni, XXIV, 1956. - С.23-36; М.М.Дъяконов. Очерк истории древнего Ирана. - М.: 1961. - С. 60,73.

этилган, деб ўйласа, К.В. Тревер Сўғдни, И.М. Дъяконов эса Бақтрия ёки Хоразмни «Авеста»нинг ватани деб хисоблайдилар<sup>1</sup>. Ўзбек авесташунос олими М. Исҳоқов «...Хоразм, Сўғд ва унга туташ ўлкалар»ни «Авеста» яратилган макон сифатида билади<sup>2</sup>.

Бир гурӯҳ европа ва америкалик шарқшунос олимлар «Авеста»да Мидия ва Аҳамонийлар сулолалари исмларининг ва жой номларининг эсланмаслиги ва «Авеста» жамоасининг ижтимоий таркиби қадимги форсийлар аҳолиси таркибидан тубдан фарқ қилишини инобатга олиб Зороастр яшаган даврни мил.ав. II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярмигача қадимилаштиришни таклиф этдилар<sup>3</sup>.

Яқинда ушбу фикр тарафдорларидан бири Г. Ньоли ўз фикридан қайтди. Г. Ньолининг янги фикрига караганда, Мидия ва Аҳамонийлар сулолалари номлари кейинги даврларда битилган «Кичик Авеста»да ҳам эсланмайди. «Авеста» жамоалари ва Аҳамонийлар даври аҳолиси ўртасидаги ижтимоий тафовут зардуштийликни қадимилаштиришга асос бўла олмайди. Унинг фикрича В.И. Сарианидининг сўнгги йилларда Жанубий Бақтрия ва Марғиёнада қилган археология янгиликлари ҳам Зороастр ва зароастризм ватани муаммоларини еча олмайди<sup>4</sup>.

Г. Ньоли Зардуштнинг яшаган даври масаласида В.Б. Хеннинг таклиф этган даврни, яъни VII аср охиридан VI асрнинг ўрталаригача бўлган даврни қабул қиласи<sup>5</sup>. У таъкидлайдики «... шу ҳисоб ҳеч қандай тарихий воқеликларга қарши эмас. Янги замон тарихчилари бу санани ўзгартиришлари ҳам мумкин эмас. Албатта, ҳамма тарихчилар ҳам бу сана

<sup>1</sup> Играп Алиев. Истории Мидии. - Баку, 1960. - С. 24; К.В.Тревер. Гопадшах - пастух-царь // ТОВЭ, II, 1940. - С. 85; И.М.Дъяконов. Истории Мидии от древнейших времен до конца IV века до н.э., М.-Л., 1956. - С. 390.

<sup>2</sup> М.Исҳоқов. «Авесто» - тарих ва маънавий дунёмиз сарчашмаси. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. - Тошкент - Урганч, 2001, - Б. 5.

<sup>3</sup> Gnoli G.. Zoroaster in History (Biennial Yarshater Lecture Series, №2) // Bibliotheca Persica Press. - New York, 2000. Distributed by Eisenbrauns. Winona Lake, Indiana. XIV. - P.37-41; Бойс М. Зороастрыйцы. Верования и обычаи. 3-ое изд. – СП.Б., 1994. - С. 27.

<sup>4</sup> Gnoli G.. Zoroaster in History ... – P. 37.

<sup>5</sup> Gnoli G.. Zoroaster in History ... – P. 165.

билан келишмаслиги мумкин, лекин қарши гапиришларига ҳам айтарли илмий маълумотлари йўқ»<sup>1</sup>.

«Авеста» даври бўйича янги илмий маълумотларни факат археология фани бериши мумкин. Ўрта Осиё археологиясида сўнгги ўн йилликлар мобайнида Бақтрия ва Марғиёнада сўнгги бронза даврига оид жуда қўплаб ибодатхоналар ўрганилди (Жарқўтон, Даشتли, Тоголок-21, Келели). Археология илмида бу ибодатхоналар илк зардўштийлик (протозороастризм) ибодатхоналари деб эътироф қилинмоқда<sup>2</sup>.

Эслаб ўтилган ибодатхоналарнинг зардўштийлик характеристини очиб беришда у ерда очилган алтарлар, алтарда ёниб-ўчган куллар сақланадиган кулхоналар, «илоҳий қудуқлар», «хаома тайёрланадиган хоналар» ашёвий манба бўлиб хизмат қилган. Ибодатхоналардан ташқари, Жарқўтон қабристонида еттига қабрда одам суюкларининг тахлаб қўмилганлиги, кенатаф қабрларда кичик остатон сифат идишларнинг топилишини ҳам тадқиқотчилар илк зардўштийлик белгилари деб ҳисоблайдилар<sup>3</sup>.

Шу билан бир қаторда, эслаб ўтилган ёдгорликларда, хусусан Жарқўтон ёдгорлигига зароастризм урф - одатларига тамоман зид бўлган археологик манбалар ҳам бор. Булар жумласига ўликни ерга ва ўлик билан бирга ашёлар қўшиб қўмиш одати Сополли маданиятининг энг характерли томони эканлиги ва бу одатнинг давом этиши<sup>4</sup>, Сополли маданиятининг сўнгти даврларида майитни ёқиш одати - крематориянинг мавжудлиги<sup>5</sup>, тотемизмнинг давом этаётганлигини исботловчи ҳар хил ҳайвонлар ва табиат ҳодисалари тасвири туширилган муҳрлар ҳамда тақинчоқларнинг учраши зардўштийлик қоидаларига тамоман зид аломатлардир.

Маълумки, маҳобатли қилиб қурилган ибодатхоналарнинг пайдо бўлиши, у зардўштийликка ёки бошқа динга оид бўлмасин, ўша диннинг

<sup>1</sup> Gnoli G.. Zoroaster in History ... – P. 165.

<sup>2</sup> Сарианиди В.И. Маргуш ... – С. 200; Sarianidi V. Margiana and Protozoroastrizm. - Athens, 1998. - P. 156; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... – С. 99.

<sup>3</sup> Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... – С. 76.

<sup>4</sup> Аскаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан ... - С. 83.

<sup>5</sup> Avanesova N.A. Spatbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // AMIT 29, 1997. - P. 147-178.

тўлиқ шаклланганлигидан далолат беради. Шу маънода, ҳақиқатан ҳам Бақтрия ва Марғиёнада ўрганилган меъморчилик обидалари илк зардустийлик (протозороастризм) ибодатхоналари бўлса, унда илк зардустийлик эмас, балки том маънодаги зардустийлик ҳақида гапириш лозим бўлади.

Илк зардустийлик ибодатхоналари деб таърифланаётган ва шу ибодатхоналар жойлашган Жарқўтон, Даштли, Тоголок ёдгорликларида том маънодаги зардустийлик дини ҳақида гапириб бўлмайди, балки унинг куртаклари ҳақида сўз юритса бўлади, негаки юқорида эслаб ўтганимиздек, сўнгги бронза даврида зардустийлик урф-одатларига тамоман зид бўлган археологик манбалар кўплаб учрайди. Демак, Бақтрия ва Марғиёнада очилган ибодатхоналарни илк зардустийлик ибодатхоналари эмас, балки Қадимги Шарқдаги сингари маълум худо - илоҳлар номига қурилган ибодатхоналар деб таърифлаш лозим бўлади ёки шаҳар ҳокимлари қароргохи десак янада ҳақиқатга яқин бўлади.

Сўнгги бронза даврини Ўрта Осиёning жанубий худудларида зардустийлик динининг айрим кўринишлари пайдо бўлишини инобатга олиб, илк зардустийлик урф-одатларининг пайдо бўлиши даври деб атаса бўлади.

Зардустийлик динининг ривожланишидаги иккинчи босқични «Заратуштра» даври деб атаемиз. Бу давр мил.ав. II минг йилликнинг сўнгти чораги ва Аҳамонийлар босқинигача бўлган даврни ўз ичига олади. Худди шу даврда Ўрта Осиёда ҳақиқий қонунлашган зардустийликнинг - «Авеста»нинг пайдо бўлишини кузатамиз. Шу даврда зардустийликнинг тўлиқ шаклланганлигини археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Бронза даврида Ўрта Осиёning жанубида ўликларни нарсалари билан ерга қўмиш одат бўлган бўлса, энди бу одатга барҳам берилган, негаки шу даврга оид кўплаб археологик ёдгорликлар қазилган бўлса-да (Кучуктепа, Бандихон I, Қизилча VI) археологлар бирорта қабрга дуч келганлари йўқ. Бу ҳолат ўлиknи кўмиш урф-одатларида тубдан ўзгариш содир бўлганлигини -

зардустийликнинг шаклланганлигини кўрсатади. Тотемизм белгиси сифатида ҳар хил ҳайвон ва табиат белгилари туширилган тумор ва муҳрларнинг ҳаёт тарзидан чиқиб кетиши ҳам диний қарашларнинг марказлашганлигидан, тўлиқ шаклланганлигидан далолат беради.

Зардустийликнинг ривожланишидаги кейинги босқичлар В.И. Абаев томонидан қуидагича бўлинган: Аҳамонийлар даврида зароастризм; Сакистон зароастризми; Сосонийлар даврида зароастризм<sup>1</sup>.

Аҳамонийлар даври зароастризми бўйича қуидаги фан янгиликлари В.И. Абаев эътиборидан четда қолган кўринади. Сўнгги йилларда Аҳамонийлар империяси марказларидан бири - Персополь шахри харобаларида олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида бу шаҳарда ўликни ерга кўмиш одатининг жуда қўплаб сақланиб қолганлиги зардустийликнинг Эрон ҳудудига, хусусан унинг марказларига ҳам тўлиқ ёйилмаганлигидан далолат беради. Бактрияда ҳам зардустийлик билан бир қаторда Аҳамонийлар даврида ўликларни ёкиш одати сақланиб қолганлигининг археологик манбалари бор. Академик А.А. Аскаров томонидан очиб ўрганилган Пишактепа ёдгорлигини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ерда тадқиқотчилар ёнган одам суюклари маълум урф-одатлар бўйича кўмилганлигининг гувоҳи бўлишган.

#### IV. 4. «Авеста» ва моддий маданият.

Ёзма манбаларда келтириладиган моддий маданият тўғрисидаги маълумотларни археологик маълумотлар билан боғлаш тарихга энг янги фан янгиликларини беришига археолог-тадқиқотчилар аллақачон ўз эътиборларини қаратганлар ва фанда маълум илмий хулосалар қилишга эришганлар. Бу борада немис археологи И.Райнинг изланишлари диққатга лойиқ. У «Ригведа» маълумотлари асосида арийларнинг Ҳиндистонга

<sup>1</sup> Абаев В.И. Два зароастризма в Иране // ВДИ. - М.: 1990, №4. - С. 198-207.

келиши ва қадимги Ҳиндистонда Хараппа маданиятидан сўнг моддий маданият намуналарининг ўзгариши сабабларини аниқлашга эришган<sup>1</sup>.

«Ригведа» билан эгизак манба ҳисобланадиган «Авеста»ни Ўрта Осиё археологиясида Ёз I даври билан боғловчи археолог ва авесташунос олимлар кўпчиликни ташкил этади<sup>2</sup>.

«Авеста»да келтириладиган айрим маълумотларни археолог олимлар бевосита Ўрта Осиё халқлари моддий маданияти тарихи билан бοлаганлар ва маълум бир илмий муваффақиятларга эришганлар.

И.М. Дъяконов «Авеста»да пул муносабатлари, солик тўловлари, алоқа йўллари, Аҳамонийлар империяси ва сатрапликлари бошқаруви усуллари тўғрисидаги маълумотлар учрамайди», деган хulosага келган. Бу маълумотлар фанда «Авеста» даври моддий маданиятини ўрганиш ва шу асосда унинг ёшини аниқлашда янги илмий йўналиш бўлиб хизмат қилган<sup>3</sup>.

М.М. Дъяконовнинг «Авеста»да ифодаланган воқеликлар асосида Авеста даври моддий маданияти хақидаги фикри ҳам диққатга молик. Унинг ёзишича, «Авеста» жамоасининг моддий маданияти архаик формада бўлган, бу жамоа хали шахар хаётини ва умуман шаҳарларни билмайди. Мехнат тақсимоти, яъни дехқончиликдан хунармандчиликнинг ажralганлиги тўғрисида маълумотлар ҳам йўқ, ҳаттоки, бу жамоа темирдан меҳнат куролларини ясашни ҳам билмаган», деган фикрга келган<sup>4</sup>.

М.М. Дъяконов тадқиқотларидан фарқли ўлароқ бошқа тадқиқотчилар «Авеста» жамоасининг дехқон ва чорвадор аҳолиси темирни билганлиги ва ундан хунармандчиликда кенг фойдаланганлиги хусусида, «Авеста»да

<sup>1</sup> Ray W. Topferei und Tongesehirr im vedischen Indian // AWL. Jg. 1972, 10. – P. 246-252; W.Ray. Zur vedischen Altertumskunde // AWL. Jg. 1983, 1. – P. 311-327.

<sup>2</sup> Lyonnet B. Ceramique et peoplement du chalcolitique a la conquete arabe ... – P. 298-321; И.В.Пьянков. Некоторые вопросы этнической предыстории таджикского народа // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. II. История и археология. - М.: 1990. – С. 224-232; М.Х.Исомиддинов. Истоки городской культуры Самаркандского Согда ... – С.221; А.С.Сагдуллаев. «Авесто»да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар // «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Ташкент-Урганч, 2001. –Б. 21-23.

<sup>3</sup> Дъяконов И.М.. Истории Мидии ... - С. 7-48.

<sup>4</sup> Дъяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА.Том XIX, 1954. – С.181-187.

максус ҳунарманд, кулол, тўкувчи каби сўзларни англатган терминларни, каналлар қазилганлиги тўғрисидаги маълумотларни топишган<sup>1</sup>.

Тадқиқотчилар томонидан «Авеста» даври аҳолисининг ижтимоий гурухларга ажralганлиги ёки жамоанинг ҳуқуқсиз аъзолари (*vira, vaesa*) ҳақида маълумотлар борлиги аниқланган<sup>2</sup>. Аслзода (*azata, asna*), ҳарбий (*ravaestar*), ҳукмдор (*sastar, satar*) каби аҳолининг ижтимоий қатламларга ажralганлиги хусусида ҳам илмий изланишлар килинган. Асада келтирилган ижтимоий терминлар асосида тадқиқотчилар «Авеста» даври жамоасининг ижтимоий таркибини ҳам ишлаб чиқсанлар: оила (*nmana*) → уруғ, уруғ жамоаси (*vis*) → қишлоқ жамоаси (*zantu*) → вилоят, мамлакат (*dahyu*). Шу изланишлар натижаси ўлароқ оила бошлиғи (*nmanopati*), уруғ оқсоқоли, яъни бошлиғи (*vispati*), жамоа бошлиғи (*zantupati*), вилоят, мамлакат ҳукмдори (*dainhupati*) каби ижтимоий терминлар ҳам аниқланган. Давлатчилик тарихи учун энг муҳим термин бўлган, «Миҳр Яшт»даги вилоятлар бирлашмаси «*dainhusasti*» термини давлатчилик тарихи учун қимматли ҳисобланади<sup>3</sup>.

«Авеста» даври жамоаси уч қисмдан - «ратайштар», «атриван» ва «вастрьо-фшуйант»дан иборатлиги аниқланган. И.В. Пьянковнинг фикрига қараганда, «ратайштар» археологик жиҳатдан платформалар устига қурилган аркларда, «атриван» арклар атрофида қад кўтарган қалъасифат қўрғонларда, учинчи қатлам «вастрьо-фшуйант» эса арксиз қишлоқларда яшаган аҳолига менгзалган<sup>4</sup>. Тадқиқотчининг аниқлашича, арклар атрофида қарам аҳоли, арксиз қишлоқларда эса озод дехқонлар истиқомат қилган.

«Авеста»да келтирилган жамоаларга оид терминларни биринчи марта И.М. Дьяконов Мидия жамоаси билан таққослаган<sup>5</sup>. Шундан сўнг кўплаб

<sup>1</sup> История таджикского народа. С древнейших времен до V века н.э. Под ред. Б.Г.Гафурова и Б.А.Литвинского, Том I, - М.: 1963. –С. 140.

<sup>2</sup> История таджикского народа ... – С.143-145;

<sup>3</sup> Авесто.Миҳр яшт. 87.

<sup>4</sup> Пьянков И.В. Социальный строй древнеземледельческих народов Средней Азии (Опыт исторических реконструкций) // Центральная Азия. Источники, история, культура. Тезисы докладов конференции, посвященной 80 - летию Е.А.Давидович и Е.А.Литвинского. Москва, 3-5 апреля 2003 года. - М.: 2003. - С. 132-135.

<sup>5</sup> Дьяконов И.М.. Истории Мидии ... - С. 382-403.

археолог-олимлар ўрганаётган маданиятлари аҳолисининг ижтимоий таркибини «Авеста» жамоаси билан таққослашган. А.А. Асқаров Сополлитепа аҳолисини, Т.Ш. Ширинов Жарқутон аҳолисини, В.И. Сарианиди ва В.М. Массон Марғиёнанинг бронза даври аҳолисини, Ю.А. Заднепровский Чуст маданияти аҳолисини, А.С. Сагдулаев Бақтриянинг илк темир даври аҳолисининг ижтимоий таркибини «Авеста» жамоаси билан таққослашган<sup>1</sup>. Шуни айтиб ўтиш лозимки, «Авеста» жамоаси умум формула сифатида бронза ва илк темир даври жамоаларига мос келади ва шу даврларга оид барча маданият жамоалари учун қўллаш мумкин.

«Авеста» жамоасининг синфий характерини белгиловчи «vīra» ёки «vaesa» терминларини И.М. Дьяконов уй хизматкори, қул деб тушунса, В.М. Массон оиланинг, жамоанинг кичик аъзоси деб билади<sup>2</sup>. Маълумки, аҳолининг антогонистик синфларга ажralганлигини билдирувчи археологик белги, бу аркларнинг пайдо бўлишидир. Ўрта Осиё археологиясида илк маротаба мудофаа деворлари билан ўралган, шахристондан алоҳида ажралиб турган, платформалар устида қурилган арклар Ёз I даврида пайдо бўлади (Ёзтепа, Кучуктепа, Тиллатепа).

Зардуштийлик урф - одатлари бўйича «насасса»ларни ҳам жамиятнинг қуи табақа аъзоларига қўшиш мумкин. Улар мурда билан боғлиқ барча маросимларни бажаришган. Насассалар алоҳида, яъни жамоадан ажратилган жойларда яшашган. Улар жамоа жойларига борганда қўнғироқ тақиб олишга мажбур бўлишган. Қўнғироқ товушини эшитган зардуштийлар улардан қочишга, тегиб кетмасликка ҳаракат қилишган. Демак, насассалар жамоанинг қуи табақаси ҳисобланиб, жамоадан ажратилган<sup>3</sup>.

Ю.А. Заднепровский Чуст маданияти ёдгорликларидан топилган иш ва жанг қуролларининг «Авеста»да тасвирланган отлиқ жангчининг қуроллари

<sup>1</sup> Асқаров А.А. Сапаллитепа; Т.Ш. Ширинов. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс. ... д.и.н. М.. 1993; А.С.Сагдулаев. Усадьбы древней Бактрии...; Ю.А.Заднепровский. Древнеземледельческая культура Ферганы ...; В.М.Массон. Древнеземледельческая культура Маргiana ...; В.И.Сарианиди. Древние земледельцы Бактрии.

<sup>2</sup> Дьяконов И.М. Истории Мидии ... - С. 180.

<sup>3</sup> Boyce M.A. History of Zoroastrianism. Vol. II. Under the Achaemenians. - Leiden-Koln, 1982, - P.305.

билан ўхшашлигини эътироф этган<sup>1</sup>. Маълумки, «Авеста»да отлик аскар камон, икки тиғли болта, ханжар, металл дубулға тақсан ҳолатда таърифланган.

«Авеста»нинг энг қадимги Гат қисмларида ахолининг кўп қисми асосан чорвачилик ва дехқончилик билан, дехқончиликдан кўра чорвачилик билан кўпроқ шуғулланганлиги эътироф этилади. Унда суформа дехқончиликнинг бўлганлигини тасдиқловчи, яъни каналлар қазилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўқиса бўлади<sup>2</sup>. Шимолий Бақтриядаги энг қадимги канал ҳам Кучук I даврига тўғри келади. Бу Бандихон канали бўлиб, Э.В. Ртвеладзе томонидан ўрганилган ва Бандихон I даврида қазилганлиги таъкидланган<sup>3</sup>. Каналлар қазиш, буғдой ундириш зардуштийликда яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси деб тушунилган. Дехқончилик билан боғлиқ бўлган қурол-аслаҳалар ҳам «Авеста» муаллифи эътиборидан четда қолмаган<sup>4</sup>.

Энг ривожланган меҳнат тури бўлган хунармандчилик тўғрисидаги маълумотларни «Авеста»дан ўз вақтида В. Гейгер топа олмаган эди<sup>5</sup>. Шундан сўнг Е.Е. Кузьмина Видевдатдан сопол пишириладиган хумдонлар тўғрисида маълумотни топган<sup>6</sup>. «Авеста»да кулолчилик чархи тўғрисидаги маълумотлар учрамайди ва кўплаб тадқиқотчилар «Авеста» жамоасини кулолчилик чархини билмаган ёки ундан фойдаланмаган деб ҳисоблайдилар<sup>7</sup>.

«Авеста»да хунармандчиликнинг яна бир тури - темирчиликнинг ва умуман темирнинг кашф этилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар бўлмаса - да, «Кичик Авеста»даги «аяҳ» сўзини В. Гейгер “темир” деб ўқиган бўлса, А. Бартоломэ эса бу терминни умумлаштириб “металл” деб таржима қилган<sup>8</sup>. Ҳар икки шарқшунос олимнинг «Авеста» тилини билганлигига шубҳа қилмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, археологик жиҳатдан Ёз I даври А.С.

<sup>1</sup> Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. МИА . №118. - М.: Л., 1962. - С. 92.

<sup>2</sup> «Авесто», Видевдат, 5,5,6,2;12,13,38; Б.В.Андианов. Роль ирригации в становлении древних государств // От классовых обществ к раннеклассовым. - М.: 1987.

<sup>3</sup> Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бақтрия - Тоҳаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). -Ташкент, 1990. - С. 22-38.

<sup>4</sup> «Авесто», Видевдат 3,32; 17,3.

<sup>5</sup> Geiger W. Ostiranische Kultur im Altertum. - Erlangen, 1882, - Р.338.

<sup>6</sup> «Авесто», Видевдат 8, 84, 85; Е.Е.Кузмина. Откуда пришли индоарии? - М.: 1994. – С. 119.

<sup>7</sup> Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? - М.: 1994. – С. 120.

<sup>8</sup> W.Geiger, Ostiranische Kultur im Altertum. - Erlangen, 1882. - Р. 147-148.

Сагдулаев томонидан Ўрта Осиёда бронза давридан илк темир даврига ўтиш даври деб аталган<sup>1</sup>.

Марғиёна ва Бақтрияниң бронза даврига оид дәхқончилик маданиятларининг аввалида майитни уйларнинг поллари, деворлари ва йўллар тагига кўмиш урф бўлган. Сўнгги бронза даврига келиб эса алоҳида қабристонлар ташкил этилади. Майит билан бирга кулолчилик ашёлари, тақинчоқлар, меҳнат қуроллари ва ниҳоят гўштли ва донли маҳсулотлар кўшиб кўмиш одат бўлган<sup>2</sup>.

Бақтрия, Марғиёна ва Сўғдиёнанинг илк темир даври ёдгорликлари сўнгги 50 йил мобайнида ўрганилиб келинмоқда. Аммо, шу даврда қабристонларнинг учрамаслиги, бу ҳудудларда зардуштийлик урфи бўйича дафн этиш маросимлари ёйилганлиги ҳақида ўйлашга асос бўлади. Бронза асрида энг кенг тарқалган майитни ерга лаҳад қазиб кўмиш одати энди учрамайди<sup>3</sup>. Археологлар томонидан Шимолий Бақтрияниң Бандихон ёдгорликлари мажмуасида, Миршоди воҳасининг Қизилча манзилгоҳида ва Қизилтепа қазишмаларида, Сўғд худудидаги Сангиртепа ёдгорлиги ва унинг атрофларида сочилган одам суюкларини топишган. Бу ҳолатни кузатган А.С. Сагдулаев Страбоннинг «Бақтрия атрофлари одам суюклари билан тўла эди. Македониялик Александр бу маросимга барҳам берди» деган хабарини тарихий ҳақиқат деб қабул қилишни таклиф этади<sup>4</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, Ёз I даврига келиб Бақтрия, Марғиёна ва Сўғд худудларида қабрларнинг учрамаслиги, ёдгорликлар ва уларнинг атрофларида одам суюкларининг сочилиб кетганлиги зардуштийлик ёки унга яқин бўлган дафн маросимининг тарқалганлигини кўрсатади.

Киши даврида, ёмғир ва қорли қунларда мурдага қандай муносабатда бўлиш тўғрисида ҳам «Авеста»дан айрим маълумотларни топишимииз

<sup>1</sup> Сагдулаев А.С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии // СА. - М.: 1982, №2. – 215-221.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Сапаллитепа ... –Табл.XXI; А.А.Аскаров. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы ... С. 58; В.М.Массон. Древнеземледельческая культура Маргiana ... – С. 97.

<sup>3</sup> А.С.Сагдулаев. «Авесто»да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар // «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. - Ташкент-Урганч, 2001. - Б. 21.

<sup>4</sup> Сагдулаев А.С. «Авесто»да акс этган диний маросимлар ... – Б. 22.

мумкин. Ҳар бир жамоада, ҳар бир қишлоқда майитлар учун алоҳида хона - «ката» қурилганлиги маълум<sup>1</sup>. Қурилган хонанинг кўлами одам тик турганда боши шипга, ётганда эса қўл ва оёқлари деворларга тегмаслиги лозим бўлган. Шу ерда мурда маълум вақт, токи «қушлар учиб келгунча ва қунлар исигунча» сақланиши мумкин бўлган. Фикримизча, археологик жиҳатдан шундай хона Қизилтепа қазишмалари чоғида ҳам ўрганилган. Ушбу хонадан одам суюкларининг бўлаклари топилган. Ўрганилган хонанинг сатҳи 9 кв.м бўлиб, қалин тоза тупроқ қатлами билан тўлдирилган. Бу хонадан ҳеч қандай археологик топилма, шунингдек иситиш ва ошхона ўчоқлари излари ҳам топилмаган. А.С. Сагдуллаевнинг фикрича, бу хона тураг жой ёки хўжалик хонаси вазифасини бажармаган ва бронза давридаги ўликни хона поллари ва деворлари тагига кўмиш анъанасининг сақланиши деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. Бизнинг фикримизча, бу ерда археология ва «Авеста» маълумотлари уйғунлашган, яъни «Авеста»да таърифланган «ката» ўрганилган.

Ёз I даври кулолчилигига ҳам янги анъаналар, янги шаклли идишлар пайдо бўлади. Ёз I даврига келиб Ўрта Осиё кулолчилиги тарихида биринчи маротаба идиш қопқоқларининг пайдо бўлганлигини ва кенг тарқалганлигини кузатишимиз мумкин<sup>3</sup>. Бу ҳолатни ҳам кишиларнинг диний ва идеологик қарашларининг ўзгарганлиги аломати деб баҳолаймиз ва зардуштийлик урф-одатлари билан боғлаймиз. Негаки, зардуштийлик урфи бўйича овқат тайёрлаш чоғида ёнаётган оловга ёки кулга овқатнинг томчилари сачраши мумкин бўлмаган<sup>4</sup>. Кучуктепа, Талашқон тепаликлиридан топилган қопқоқларнинг диаметри қозонлар гардиши диаметри билан мос келиши ва кўп ҳолларда қопқоқларнинг оловда қорайганлиги шу хulosани айтишга имкон беради.

Кучук I даврига келиб қора базальт тошидан ясалган, биконик шаклдаги ёрғучоқ ва ўғирчалар пайдо бўлади. Шу сингари тош қуроллар

<sup>1</sup> «Авесто». Видевдат, 8.5.

<sup>2</sup> Сагдуллаев А.С. «Авесто»да акс этган диний маросимлар ... – Б. 21.

<sup>3</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... – Рис. 34; Ш.Б.Шайдуллаев. Северная Бактрия в эпохе раннего железного века ... – Рис. 17.

<sup>4</sup> Мери Бойс. Зороастрийцы. Верования и обычай. - М. 1987. - С. 56.

Миршоди ёдгорликларидан топилган. Тадқиқотчилар томонидан ушбу қуроллар ибодат қуроллари деб аталиб, ўсимликларни янчишда (хаома тайёрлашда) қўлланилган деб ҳисоблайдилар<sup>1</sup>.

Сополли маданиятидан фарқли ўлароқ Кучук I даврида ибодатхоналар қурилмаган. Ҳар ҳолда, ҳозирча, археология фани шу даврга оид маҳобатли қилиб қурилган ибодатхоналарни билмайди. Одам ва ҳайвонлар тасвири ифодаланган ҳар хил терракот ҳайкалчалар ясаш одати ҳам унтилган<sup>2</sup>. Бақтрия ва унга қўшни бўлган ҳудудлардаги бу ўзгаришларни ҳам зардуштийликнинг кенг тарқалганлигида деб биламиз. Шу ерда «тарих отаси»нинг ҳаммага маълум бўлган қўйидаги ҳабарини келтирсан мақсадга мувофиқ бўлади: «... ибодатхоналар ва алтарлар қуриш уларга хос эмас. Менинг фикримча улар эллинлар сингари худоларни одам сифат деб тасаввур қилмайдилар»<sup>3</sup>.

Ёз I даври аҳолисининг этник таркиби тўғрисида ҳам фанда талайгина фикрлар айтилди. Айниқса, бу масала Ёз I маданиятининг пайдо бўлиши масаласида кўп тортишувларга сабаб бўлди. Биринчи гуруҳ олимлар Ёз I маданияти аҳолисини шимолий кўчманчи - Андроново маданияти билан боғласалар, иккинчи гуруҳ олимлар бу маданият илдизларини Эрон ҳудудидан излайдилар. Учинчи гуруҳ олимлар эса Ўрта Осиёнинг ўзидан, яъни ўтроқ аҳоли ва шимолий кўчманчи маданиятлар ва халқларнинг ассимиляцияси натижасида Ёз I маданияти шаклланган деб ҳисоблайдилар<sup>4</sup>. «Авеста» маълумотлари бўйича, зардуштийлик динининг асосчилари Арийлар бўлган. Археологик жиҳатдан Ёз I даврини зардуштийлик шаклланган давр деб ҳисоблайдиган бўлсак, Арийлар муаммоси ҳам шу масала билан боғлиқ ҳолда ечилади.

«Авеста»да арийлар «...узун бўйли, оқ танли, сариқ сочли кишилар», - сифатида таърифланган. Аёллари эса «малла кўзли, узун соchlari ўрилган», -

<sup>1</sup> Сагдуллаев А.С. «Авесто»да акс этган диний маросимлар ... – Б. 22.

<sup>2</sup> Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. - М.: 1960. - С. 37-38.

<sup>3</sup> Геродот I, 131.

<sup>4</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... – С. 47.

деб тасвирланган<sup>1</sup>. «Ригведа»да ҳам арийларнинг оқ танли эканлиги эсланади<sup>2</sup>. Арийларнинг археологик жиҳатдан қайси маданият соҳиблари эканлиги илмий жиҳатдан ўз ечимини топган масала эмас. Фикримизча, ушбу масаланинг ечимиға энг яқин келган олим Е.Е. Кузьмина ҳисобланади. Унинг фикрича, Андроново маданияти соҳиблари «Авеста» ва «Ригведа»да таърифланган Арийларга ниҳоятда яқинлиги билан характерланади<sup>3</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, Андроново маданияти тарқалган ҳудудларда қишининг узоқ давом этиши, аҳолисининг қулолчилик чархини билмаганлиги, антропологик жиҳатдан нисбатан йирик инсонлар бўлганлиги, Андроново маданиятининг жанубга, ҳаттоқи Ҳиндистонгача тарқалишининг археологик кузатилиши олимага шу фикрга келишга имкон берган.

В.И. Сарианиди ҳам Бақтрия ва Марғиёнанинг бронза даври аҳолисини арийлар сифатида билади<sup>4</sup>. Жарқўтондан топилган ҳайкал асосида гапирадиган бўлсак, Бақтриянинг бронза даври аҳолиси «Авеста» ва «Ригведа»да таърифланган «арий»лар қиёфасига умуман ўхшамайди. Маълумки, Жарқўтондан топилган эркак кишининг бюст-ҳайкалида унинг юз-ёноклари қизил, соchlари, соқол ва мўйлаблари қора рангда, қирра бурун қилиб тасвирланган<sup>5</sup>. Жарқўтоннинг аҳолиси борасида В.М. Массоннинг «Ўрта Осиёning бронза даври дехқончилик маданияти соҳиблари арийлар эмас...» деган фикрини қўллашимизга тўғри келади<sup>6</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Авеста» яратилган давр, яъни Ёз I маданиятининг пайдо бўлишида Андроново маданиятининг ўрни хусусида ҳам маълум фикрлар айтилиб, арийлар билан боғланган. Арийлар ва уларнинг этник хусусиятлари алоҳида мавзу бўлиб, ушбу параграфнинг

<sup>1</sup> «Авесто», Ясна, 26, 3; «Авесто», Яшт, 5, 7, 15, 64, 78, 126; 13, 107; 17, 11; M.Dhalla. Zoroastrian Civilization. - New York, 1922. – Р.107.

<sup>2</sup> Елизаренкова Т.Я. Древнейший памятник индийской культуры - Ригведа. - М.: 1972. - С. 11; Т.Я.Елизаренкова. «Ригведа» - великое начало индийской культуры и литературы. Ригведа, Мандалы I-IV. - М.: 1989. - С. 433.

<sup>3</sup> Кузмина Е.Е. Откуда пришли Арийцы ... – С. 247.

<sup>4</sup> Sarianidi V.I. Sial-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. - New York, 1981. - Р. 221-225.

<sup>5</sup> Шайдуллаев Ш.Б, Диетрих Хуфф, К.Рахимов. Жарқўтон - 2002 // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. № 2, - Тошкент, 2003. – Б. 17-20.

<sup>6</sup> Массон В.М. Печатиprotoиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока) // ВДИ. - М.: 1977, №4. – С. 185-194.

мақсадига кирмаса-да, Жарқұтандан топилған ҳайкал бу масалага аниқлик кириладиган ашёвий манба бўлғанлиги учун қисқача тўхталдик, холос.

Ушбу параграфга яқун ясаб шуни айтишимиз мумкинки, археологик тадқиқотлар мобайнида олинган моддий маданият намуналарини «Авеста» маълумотларига таққослаш натижасида айтишимиз мумкинки, Ёз I даврида Бақтрия, Маргиёна ва Сүғдиёна худудларида зардуштийлик урф-одатлари кенг тарқалган ва шу даврни «заратуштра» даври деб аташ мумкин.

Зардуштийлик динининг идеологиясига монанд аҳолининг моддий маданияти ва урф-одатлари ҳам ўзгариб борган. Буни биз энг аввало, майитни ерга кўмиш одатининг барҳам топғанлигига кўрамиз.

Қадимги Шарқ халқларидек, ҳар хил илоҳлар-худолар номига атаб қурилған ибодатхоналар ҳам бунёд этилмай қўйган. Кучуктепа маданияти аҳолиси Геродот маълумотларига монанд худоларни одамсифат деб тасаввур қилмаган ва уларнинг шарафига ҳайкаллар ҳам ясалмаган.

Кучук I даври аҳолиси бронза даврида кашф этилган, хунармандчиликнинг энг ривожланган ютуқларидан бири бўлған кулолчилик чархидан фойдаланмасликни ҳам афзал кўришган. Бу ҳолатни биз икки ҳил йўл билан тушунтиришимиз мумкин. Биринчи йўл, Е.Е. Кузьмина ва Бертилл Лионет фикри бўйича бориб, Арийларнинг қўлда ясалган кулолчилик ашёларидан кенг фойдаланишини аждодлар руҳига хурмат маъносида тушуниш керак. Иккинчи йўл, Кучук I маданиятининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сополли маданиятининг инқирози ва Кучуктепа маданиятининг пайдо бўлишини бир-бирига боғлиқ бир масаланинг икки томони сифатида қараш керак. Фикримизча, Сополли ва унга турдош бўлған Номозгоҳ, Даشتли маданиятлари кучли давлатчилик сиёсатининг ўрнатилмаганлиги сабабли инқирозга юз тутган. Яъни, жамоалар ўртасида иқтисодий ва ҳарбий бирликнинг йўқлиги, жамоа бошлиқларининг ягона бошлиқ (шоҳ) атрофида жипслашмаганлиги оқибатида бу маданиятлар инқирозга юз тутган.

Т.Ш. Шириновнинг илмий тадқиқотларидан бизга маълумки, Жарқўтон ёдгорлиги ўзбек давлатчилиги тарихининг илк босқичи - шаҳар-давлатлар тоифасига мансуб. Бу даврда жамоа бир-бирига қарши бўлган антогонистик гуруҳларга ажralмаган. Жарқўтонда ўрганилган икки мингдан ортиқ қабрларнинг статистик анализи шуни кўрсатадики, бой ёки камбағал тоифадаги кишилар бўлган, лекин қуллар бўлганлиги тўғрисида бирорта ашёвий манба йўқ. Ҳунармандлар, дехқонлар, чорвадорлар ёки диндорларнинг ўз жамоалари бўлиб, алоҳида-алоҳида яшашган<sup>1</sup>. Фикримизча, антогонистик жамиятга ажralмаган, иқтисодий жиҳатдан бир-бирига қарам бўлмаган жамоа тинч йўл билан янги дарё ўзанлари - дехқончилик воҳалари томон тарқалиб кетган. Натижада, Бақтрия, Марғиёна ҳудудларида Кучуктепа, Ёздела маданиятлари даврида кичик - кичик, умумий майдони 0,6 - 1,5 гектарлик ёдгорликлар пайдо бўлган. Сополли маданияти даврида кулолчилик билан маҳсус кулоллар шуғулланган бўлса, Ёз I даврига келиб тарқалиб кетган ҳар бир жамоа кулолчилик билан шуғуланишга мажбур бўлган. Натижада, маълум бир вақтда, яъни жамоада янги профессионал кулоллар шаклланиш вақтигача кулолчиликда деградация жараёни содир бўлган.

#### IV. 5. «Авеста», илк давлатчилик ва археология.

«Авеста»нинг пайдо бўлган даври археологик даврлаштириш бўйича сўнгги бронза ва илк темир даврига тўғри келади. Марказий Осиёда шу даврда Ёз I ва унга турдош бўлган Чуст, Кучуктепа ва Тиллатепа маданиятлари тарқалган. Ушбу маданиятларнинг моддий маданияти намуналари «Авеста»да келтириладиган маълумотлар билан мос келиши кўплаб Авесташунос ва археолог тадқиқотчилар томонидан қайд этилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы ... – С. 42.

<sup>2</sup> Пьянков И.В. Некоторые вопросы этнической предистории таджикского народа // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. II. История и археология. – М.: 1990. - С. 50; Ю.А. Заднепровский. Древнеземледельческая культура Ферганы ... – С. 186.

Ўрта Осиё худудларида бронза даврида «ном» типидаги шаҳардавлатларнинг пайдо бўлганлиги Алтин депе, Даشتли, Жарқўтон ёдгорликлари мисолида кузатилса<sup>1</sup>, сўнгги бронза ва илк темир даврида эса «ном» типидаги худудий давлатларнинг шаклланиш жараёнлари кечган<sup>2</sup>. Ҳудудий давлатлар бир ёки бир неча кичик дарёлар ўзанлари худудларини бирлаштириб, марказий шаҳри ва шу шаҳар атрофида жамланган қишлоқлар мажмуасидан иборат бўлган<sup>3</sup>.

Албатта, илк давлатлар тарихини ўрганишда археологик ва ёзма манбалар уйғунлашса, янада ишончлироқ илмий хулосалар чиқаришга имкон яратилади. Бу борада Ватанимиз тарихига оид энг қадимги ёзма манба «Авеста» маълумотлари ва бу маълумотларга археология фани манбаларини қиёсий таққослаш илк давлатлар тарихи борасида янги маълумотлар беради.

«Авеста» пайдо бўлган Ёз I даврида синфий муносабатлар тўлиқ шаклланган. Аҳолининг синфий табақаланганлигини тасдиқловчи археологик манба аркларнинг пайдо бўлишидир. Ёз I даврида Ўрта Осиё худудларида илк маротаба мудофаа деворлари билан ўралган арклар пайдо бўлган бўлса<sup>4</sup>, «Авеста»нинг деярли барча қисмларидан жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тенгсиз аҳолиси тўғрисидаги маълумотларни топиш мумкин. Жумладан, Митрага ибодат қилганда, сифинганда унга бой ёки камбағал одамларнинг фарқи йўқлигига ишора этилганлигини ўқишимиз мумкин:

Ибодатни ижобат -

Қилгумдир мен албат

Хоҳ фақир, хоҳ подшоҳнинг...<sup>5</sup>

Авеста даври жамоаси тўғрисида гап кетганда Митра алқовидан қуидаги маълумотларни билиб олишимиз мумкин:

Митрага топинурмиз

<sup>1</sup> Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы ... – С. 42.

<sup>2</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатларнинг археологик белгилари ... - Б. 3-10.

<sup>3</sup> Дьяконов И.М.: Якобсон В.А. «Номовые государства» ... – С. 3-12; Гуляев В.И. Типология древних государств: Месопатамия и мезоамерика ... – С. 121-130.

<sup>4</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... – С. 171; В.И.Сарианиди Раскопки Тилля-тепе в северном Афганистане ... – С. 65; А.А.Аскarov, Л.И.Альбаум Поселение Кучуктепе ... – С. 17.

<sup>5</sup> «Авесто» Яшт китоби. Митра алқови, 118. М.Исҳоқов таржимаси. - Тошкент, Шарқ, 2001.

О, уй сардори Митра.  
Уруғ, аймоқ ва халқнинг  
Мамлакат, жамоанинг  
Сардори улуғ Митра ...<sup>1</sup>

Энг кичик жамоа сифатида уй ва унинг сардори, кейинги жамоа бирлашмаси уруғ сифатида намоён бўлса, уруғлар бирлашиб мамлакат ёки давлатни ташкил этган.

Фравардин яшт алқовида жамоаларни Фравашилар руҳлари қўллашини сўраб илтижо қилганда қўйидагича куйланади:

Нманайа фравашиси,  
Висайа фравашилари,  
Зантума фравашиси,  
Дахийа фравашилари,  
Заратуштроэтма<sup>2</sup>.

Авеста даври жамоасининг такомиллашиб борганлигини қўйидаги сатрларда ўқиймиз:

Агар уйда уй боши,  
уруғда уруғ боши  
қабилада йўлбошли  
Мамлакатда ҳукмдор,  
бўлса каззоб, алдоқчи  
Митра ҳалок айлагай<sup>3</sup>.

Ушбу сатрлардан билиш мумкинки, ўрганилаётган даврнинг ижтимоий ва сиёсий бирлашмалари оила (уй) → уруғ → қабила → мамлакат (давлат)дан иборат бўлиб, буларни оила бошлиғи(ота), уруғ бошлиғи, қабила йўлбошчилари ва мамлакатни шоҳлар бошқарган.

Шоҳларнинг уруш олдидан Митрадан мадад сўраш одатининг мавжудлигини илк давлатларнинг «Авеста» даврида шаклланганлиги ва улар

<sup>1</sup> «Авесто». Митра алқови, 115.

<sup>2</sup> «Авесто». Фравардин яшт, 21.

<sup>3</sup> «Авесто». Митра алқови, 18.

үртасида якка ҳокимлик учун жанглар бўлиб турганлигига ишора деб тушуниш керак<sup>1</sup>. «Авеста» даврида илк давлатларнинг шаклланганлигини исботловчи яна бир маълумот борки, бу Митранинг унга имон келтирган мамлакатларнинг бутунлигини сақлаб, зафарларга эришишга ундаши давлатчилик тўғрисида гапиришга имкон яратади<sup>2</sup>.

«Авеста»да таърифланган мамлакатлар, подшоҳликлар тўғрисидаги хабарлар асосида илк давлатлар борасида янги маълумотларни топишимииз мумкин.

Мазда берган қўркабой  
Хаошийанха Парадата  
Хара тоги остида  
Ашига номоз йўллаб...<sup>3</sup>

Бу маълумотдан шуни англаш мумкинки, Парадата сулоласидан бўлган подшоҳ Хушанг (Хаошийанха) мамлакатни ҳар хил девлардан, офатлардан, бало-қазолардан қутқариш учун Ашидан тилак сўрайди. Аши тилакларни бажо келтиради. Бу маълумотдан шуни англаш мумкинки, Парадата сулоласи бошлиқ мамлакат ёхуд «ном» типидаги ҳудудий давлат бўлган, гап бу ерда унинг подшоҳи Хушанг тўғрисида кетмоқда.

«Авеста»да эслаб ўтилган яна бир сулола, тўғрироғи Атвийа уруғи вориси Трайтаона тўрт бурчакли Варнада (қўрғонда) Ашидан мадад сўрагани ва Ашининг унга мадад берганлиги тўғрисида маълумот бор<sup>4</sup>. Бундан шуни англаш мумкинки, «Авеста» даврида Атвийа уруғидан иборат мифологик юрт бўлган ва унинг ҳокими Трайтаона исмли шоҳ бўлган.

Яна бир мифологик юрт - Хайона тўғрисида ҳам «Авеста»да маълумотлар бор. Бу юртнинг доҳийси Арэжатаспа бўлиб, Виштаспанинг душмани саналган, яъни зардуштийликни қабул қилмаган. Виштаспа унга қарши курашда Ашидан мадад сўраганлиги тўғрисида хабарлар бор<sup>5</sup>. Бу

<sup>1</sup> «Авесто». Митра алқови, 8.

<sup>2</sup> «Авесто». Митра алқови, 26.

<sup>3</sup> «Авесто». Аши алқови, 24.

<sup>4</sup> «Авесто». Аши алқови, 33.

<sup>5</sup> «Авесто». Аши алқови, 50.

маълумотдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, «Авеста» даврида Хяона номли ҳудудий бирлашма бўлган ва бу бирлашмага зардустийликни қабул қилмаган Арэжатаспа исмли «қаҳрамон» раҳбарлик қилган.

«Авеста»нинг Яшт қисмида илк Кавилардан бўлган Усан ва Хаусравнинг «бутун арийлар мамлакати устидан ҳукмронликка интилганлиги» тўғрисида маълумотлар бор<sup>1</sup>. Ёки паҳлавон Хаусравнинг «Арийлар мамлакатини ягона бир шоҳликка бирлаштирган қаҳрамон» сифатида қуйланиши илк Кавиларнинг мустаҳкам давлат қурганлигини кўрсатади.

Кавилар мамлакати ёки Кавилар давлати масаласи илк маротаба А. Кристенсен, И.М. Дьяконов, сўнг Г. Ньоли томонидан фанга олиб кирилган. Фикримизча, ҳозирги кунда бу ғояни ривожлантираётган, янги фикрлар билан бойитаётган олим И.В. Пьянков бўлади<sup>2</sup>. Унинг «Авеста» ва «Шоҳнома» бўйича олиб борган тадқиқотларига кўра, Кавилар давлатининг ривожланиши хронологик жиҳатдан икки - илк ва сўнгги Кавилар даврига бўлинади. Илк Кавиларнинг асосчиси Кави Кавата бўлиб, унинг меросхўри Кави Апиваҳу ҳисобланади. Кави Апиваҳунинг тўртта ўғли ҳам кави унвонида бўлган. Ўғилларининг орасида Усан (Усадан) ва Усаннинг набираси Хаусрав Кавилар сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Хаусрав Кавиларни кичик подшоҳликларга бўлиб бошқарган. Шундай ҳукмдорлардан бири Кави Виштаспа бўлиб, у Бақтриянинг ҳукмдори бўлган. И.В. Пьянков «Авеста»да эсланадиган Усан, Хаусравларни илк Кавилар ҳукмдорлари деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, Зардуштнинг «ўз юртидан паноҳ тополмай» Бақтриядан, унинг шоҳи Виштаспа хонадонидан макон топишидан бошлаб Кавилар давлати ривожланишининг иккинчи босқичи бошланади. «Авеста»да илк Кавилар, яъни Зардуштгача бўлган Кавилар «мустабидлар»

<sup>1</sup> «Авесто». Яшт, V, 45, 46,49, 50.

<sup>2</sup> Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования Средней Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Материалы Международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАЕН, доктора исторических наук, профессора Б.А.Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.). - М.: 2001. - С. 334-348.

деб аталган бўлса, зардуштийликни қабул қилган Кавиларга нисбатан «Авеста» яхши муносабатда бўлган.

Илк Кавиларнинг яшаган даврини И.В. Пьянков мил.ав. 900-775 йиллар билан белгилайди, бунга асос қилиб Кави Ваштаспанинг ҳукмронлик даврини ва унинг саройида Зардуштнинг яшаган даврини VII асрнинг иккинчи ярми деб ҳисобланишини асос қилиб олади<sup>1</sup>.

Нади-Али қишлоғи ёнидан Р. Гиршман томонидан топилган, мил.ав. VIII асрга оид Сурх-даг ёдгорлигини И.М. Дьяконов илк Кавиларнинг пойтахти бўлган деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. Демак, юқорида эслаб ўтилган «Авеста» маълумотларига қараб Кави увонида бўлган ҳукмдорлар - подшоҳлар бўлганлиги аниқланмоқда. Уларнинг яшаб ўтган хронологик даврлари, ҳудудлари ойдинлашмоқда.

«Авеста»нинг Яшт қисмида кўчманчи тур қабиласининг шоҳи Франграсъян (Афрасиёб) бутун арийлар мамлакатининг ҳукмдори сифатида тилга олинади<sup>3</sup>. «Авеста» маълумотларига қараганда, Кави Усаннинг ўғли Съяваршан Франграсъянга, яъни «Турлар мамлакатига қочади» ва «баланд илоҳий Кангхе» устига Хшатросаука қўрғонига асос солади<sup>4</sup>. Бу маълумотлар кўчманчилар дунёси давлатчилиги тарихида, айниқса, уларнинг шоҳи Франграсъяннинг бутун арийлар устидан ҳукмронлик қилганлиги тўғрисидаги маълумотларни кўчманчилар дунёси илк давлатчилиги борасида янги маълумотлар сифатида қабул қилиниши мумкин.

«Авеста»нинг Яшт китобида эслатиб ўтилган халқлар, уруғлар, сиёсий бирикмалар номлари унутилган. Уларни илмий тиклаш бизнинг илмий даражамизда анча қийин кечиши ҳам табиий ҳол. Шундай бўлса-да, бу борада ўз қарашларимизни таклиф қилмоқчимиз. Юонон манбалари бўйича илк темир даврида Бақтрия худудида Паретака мамлакати бўлганлигини

<sup>1</sup> Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования Средней Азии ... – Р. 336.

<sup>2</sup> Chirshman I. Fouilles de Nad-i Ali dans le Seistan Afghan // Revue des arts asiatiques. 1939, Vol. XIII. №1. - Р.20; Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира (К возможности новых постановок вопроса) // История Иранского государства и культуры. - М. 1971. – С. 138.

<sup>3</sup> «Авесто». Яшт, XIX. 93; Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования ... – С. 340.

<sup>4</sup> «Авесто». Ардви сура алқови, Обон Яшт, V, 54, 57. (“Хшатросаука” сўзини айримлар “танг дара” (Стеблин-Каминский), бошқалар “калья”, “қўргон” сифатида талқин қилади (И.В.Пьянков).

яхши биламиз. Александр Македонский армиясининг Мароқанддан Бақтрга кетиши йўлида Наутака, Ксениппа, Бубакена ва Габаза ўлкалари билан бирга Паретакадан ҳам ўтганлиги тўғрисида ёзма маълумотлар сақланган<sup>1</sup>. Бизнинг фикримизча, «Авеста»да эсланадиган «Парадата» ва юон манбаларида таъкидланган «Паретака» бир мамлакатни, Бақтрия худудидаги «ном» типидаги давлатни англатади.

Бақтрия худудида илк темир даврида зардуштийлик урф-одатига тамоман зид бўлган майитни ёққанлик аломатлари Пишактепада кузатилган<sup>2</sup>. Ушбу археологик манбани «Авеста»да тасвирланган зардуштийликни қабул қилмай, Кави Виштаспа билан жанг қилган Хйана уруғи бошлиғи Арэжатаспа воқеалари билан боғлаш мумкин. Негаки, зардуштийлик энг ривожланган Бақтрияда майитни ёқиши одатининг сақланиб қолишини бошқа бирон бир тарихий воқеликлар билан тушунтиришнинг иложи йўқ.

Кавилар титулида бўлган ҳукмдорлар ва улар яратган илк давлат хусусида И.В. Пьянков таклиф этаётган илмий талқинларни нафақат қабул қилиш, балки археологик жиҳатдан ривожлантириш тарафдоримиз. Илк Кавиларнинг ҳукмронлик даври археологик жиҳатдан Кучук I даврига тўғри келади.

Бизнинг кузатишларимиз бўйича, Ўрта Осиёning жуда кенг минтақаларида Ёз I давридан бошлаб илк давлатлар шаклланишининг иккинчи босқичи - ҳудудий давлатларнинг шаклланиш жараёни кечган<sup>3</sup>. Бу жараёнларни биз сугорилиш районларини дехқончилик воҳаларига ажратиш орқали, сиёсий тарихга чиқиши усулини қўлладик. Натижада, ҳар бир кичик дехқончилик воҳасида шаклланиб келаётган битта шаҳарнинг ва шу шаҳарлар атрофида қишлоқларнинг жамланиш жараёни кузатилади. Сиёсий

<sup>1</sup> Ариан. Поход Александра. Пер. М.Е.Сергеенко. - М.:Л., 1962; Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Пер. В.С.Соколова. - М.: МГУ, 1963.

<sup>2</sup> Аскаров А.А. Раскопки на Пшактепе ... – С. 47.

<sup>3</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатлар типологияси // “Жаҳон маданият тарихи тизимида Қадимги Хоразм цивилизациясининг ўрни” халқаро симпозиуми ва «Қадимги Тошхирмон воҳаси археологияси» дала семинари. Симпозиум материаллари ва маъruzалар матни. - Нукус, - Бўстон, 2000. – Б. 4-5.

жиҳатдан ҳар бир дехқончилик воҳасини «ном» типидаги ҳудудий давлат деб атаганмиз<sup>1</sup>.

«Авеста»да эсланган илк кавилардан бўлган Усанинг набираси Хаусрав Кавилар мамлакатини шоҳликларга бўлиб бошқарган деган маълумотни, ҳудди шу, яъни Ёз I маданияти даврида содир бўлган тарихий жараён, илк ҳудудий давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлаш мумкин. «Авеста»да уруғлар номи сифатида эсланган Парадата, Атвийа, Хйона ва умуман илк Кавиларни сиёсий бирлашмалар, ҳудудий давлатлар сифатида эътироф этишни таклиф этамиз. Негаки, «Авеста»да улар ўз эрки учун, диний эркинликлари учун курашган шоҳликлар сифатида куйланади.

«Авеста»нинг Видевдат алқовида Заратуштра ва Ахурамазданинг савол ва жавоблари ифодаланган бўлиб, мамлакатларнинг яратилиши борасида баённомалар мавжуд. Ушбу баённомаларга мувофиқ Ахурамазданинг энг аввал Аръяна-Вайджани, иккинчи ўринда Гава Сугда, сўнг Мору, Бахди, Хоройу каби жами 16 та мамлакатни «яратганлиги» ҳақида маълумотлар мавжуд<sup>2</sup>. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики «Авеста»нинг Видевдат алқови Яшт алқовига нисбатан давр жиҳатидан кейин ёзилган деб айтиш мумкин. Чунки бу ерда тарихий географик номлар аниқ кўрсатилган.

Яшт китобида ифодаланган географик номлари ёки ургу номлари ва умуман Яшт китобининг архаик, ибтидоий характер касб этиши кўп маротаба тадқиқотчилар томонидан таъкидланган<sup>3</sup>. Юқорида эслаб ўтганимиздек, Ашт алқовларида эсланадиган Парадата, Атвийа, Хйона ва Кави каби номларни тарихчилар билишмайди. Уларни «Авеста» асосида тиклаш ишлари энди амалга оширилмоқда.

Видевдат алқовларида ифодаланган кўплаб мамлакатларнинг географик талқини (локализация) масалалари тарих фанида ўз ечимини топган масалалардан бири ҳисобланади. Аммо, Аръяна-Вайджа мамлакатининг географик жойлашиши масаласи тарихчи олимлар ўртасида кўп

<sup>1</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... - С. 91.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В, Саидов А.Х, Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации ... - С. 216-219.

<sup>3</sup> Пьянков В.И. Река Ох и Аръяна Вайджа // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом Востоке. - М.: 1983. - С. 334.

тортишувларга сабаб бўлган бўлса-да, ҳозирча ўз ечимини топгани йўқ. И.В. Пьянков «Авеста»да келтирилган Датья дарёси бўйида жойлашган Аръяна-Вайджа мамлакатини Бақтрияниг жанубий қисмида, Амударёниг чап соҳилларида жойлашган деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Бошқа тадқиқотчилар эса Хоразмни Аръяна-Вайджа сифатида кўришни истасалар<sup>2</sup>, учинчи гурух олимлар эса Аръяна-Вайджани географик термин сифатида кенг ҳудудда, яъни ўрта ва сўнгги ўрта асрлардаги Мовароуннахр ёки Туркистон сифатида биладилар<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, «Авеста»нинг Яшт китобида эсланадиган Парадата(Паретака), Атвийа, Хйана, Кави ва Тур каби юрт номларини шаклланиб келаётган ҳудудий давлатлар сифатида қабул қилишни таклиф этамиз. Фикримизча, шу ва шу каби ҳудудий давлатлар асосида Аръяна-Вайджа (Арийлар юрти), Гава Сугда (Сўғд), Мору (Марғиёна), Бахди (Бақтрия), Хоройу (Хваразм) каби йирик давлатлар пайдо бўлган.

Ушбу қисмга хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки:

- Сополли ва унга турдош бўлган Номозгоҳ, Даشتли маданиятлари йирик давлатчилик сиёсатининг ўрнатилмаганлиги сабабли инқирозга юз тутган. Сополли маданияти даврида иқтисодий жиҳатдан бир-бирига қарам бўлмаган жамоа тинч йўл билан янги дарё ўзанлари томон тарқаб кетган. Натижада, Бақтрия, Марғиёна ҳудудларида Кучуктепа, Ёз I маданиятлари даврида кичик-кичик, умумий майдони 0,6 - 1,5 гектарлик ёдгорликлар пайдо бўлган.

- Сополли ва унга турдош маданиятларнинг сопол буюмлари шаклларининг бир хиллиги ва сифатлилиги кулолчилик билан фақат бир гурух кулоллар шуғулланганлигини кўрсатади. Кучуктепа маданияти даврида эса тарқалиб кетган ҳар бир жамоанинг ўзи кулолчилик билан шуғулланишга мажбур бўлган. Шунинг учун бу давр кулолчилик ашёлари сифат жиҳатидан қўпол ва формалари жуда оддийdir.

<sup>1</sup> Пьянков И.В. Река Ох и Аръяна Вайджа ... –С. 337.

<sup>2</sup> Дъяконов И.М. Восточный Иран до Кира (К возможности новых постановок вопроса). История Иранского государства и культуры. - М. 1971. – С. 138-141.

<sup>3</sup> Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. - Тошкент. Ўқитувчи, 1996.

- Сополли маданияти даврини зардустийлик динининг айрим кўринишлари пайдо бўлишини инобатга олиб, илк зардустийлик урфодатларининг пайдо бўлиши даври, зардустийлик динининг ривожланишидаги иккинчи босқични «Заратуштра» даври деб атамиз. Бу давр мил.ав. II минг йилликнинг сўнгги чораги ва Аҳамонийлар босқинигача бўлган даврни ўз ичига олади. Кейинги даврлар Аҳамонийлар даврида зароастризм, Сакистон зароастризми ва Сосонийлар даврида зароастризм деб аталган.

- «Авеста»нинг Яшт китобида эсланадиган Парадата(Паретака), Атвийа, Хйана, Кави ва Тур каби юртларни шаклланиб келаётган «ном» типидаги ҳудудий давлатлар сифатида қабул қилишни таклиф этамиз. Фикримизча, шу ва шу каби ҳудудий давлатлар асосида Аряна-Вайджа (Арийлар юрти), Гава Сугда(Сўғд), Мору(Марғиёна), Бахди(Бақтрия), Хоройу(Хваразм) каби йирик давлатлар пайдо бўлган.

#### IV. 6. Қадимги Бақтрия подшоҳлиги ёзма манбаларда.

Аҳамонийлар империясига қадар Бақтрия подшоҳлигининг мавжуд бўлганлиги Ктесий маълумотларига бориб тақалишини биринчи бобда эслаб ўтган эдик. Аҳамонийлар империяси ўрнатилишига қадар Бақтрия подшоҳлиги бўлган ёки бўлмаганлиги хусусидаги мунозаралар тарих фанининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади<sup>1</sup>. Бугунги кунда ушбу масала бўйича ёзма ва археологик манбалар асосида жўяли гапни айтиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Қадимги Бақтрия подшоҳлиги масаласини ёритишда Бақтрия Оссурия муносабатларига қайтсак, негаки Ктесийнинг Оссурия шохи Нин ва Семирамиданинг Бақтрияга юриши воқеалари ва бу юришлар тафсилотлари натижасида тарих фанида Қадимги Бақтрия подшоҳлиги назарияси пайдо

<sup>1</sup> Грантовский Э.А. Бактрия и Ассирия (в связи с проблемой древнебактрийского «царства») // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию Южно-Таджикистанской археологической экспедиции. - М.: 1983. - С. 27-30.

бўлган. Аҳамонийлар империясига қадар Қадимги Бақтрия подшоҳлигининг бўлган ёки бўлмаганлиги икки хил - ёзма ва археологик манбалар асосида ўз ечимини топади. Энг ишончсиз ёзма манбалар сифатида ёритилиб келинаётган Сисамитра ва Ниннинг Бақтрияга юриши воқеалари тарих фанига кириб келиши билан олимлар ўртасида бу манбага қизиқиш ортиб борган ва бу масала диссертациянинг биринчи бобида етарлича ёритилган деб ҳисоблаймиз. Ўзбек давлатчилиги тарихшунослигида Ктесийнинг ушбу маълумоти тўлиқ ёритилмаган. Қуйида шу маълумотни тўлиқ келтириб ўтамиз:

- Бу қурилиш ишлари (Ниния шахри қурилишлари назарда тутилмоқда) Ниннинг жангларга бўлган иштиёқини бирмунча ҳам сўндиргани йўқ. У Бақтрияга бир неча маротаба босқинчилик юришларини амалга оширган бўлса-да, аммо Бақтрия ерларини эгаллай олмаган. Нин, Бақтрияни босиб олиш режасини туза бошлади. Бу уруш давомида биринчи маротаба Семирамида ҳам ҳамроҳлик қилди. У Асколонда энг обрўли ҳисобланган яратувчи табиат худоси Деркетонинг (Атергати) қизи бўлиб, Деркето бу бола(қиз)ни ўлимга маҳкум этилган маҳбус билан сирли севги натижасида дунёга келтирган, Сим исмли бошқа бир шаҳарлик болани топиб олади ва ўз тарбиясига олди. Шундан сўнг Сурия ҳукмдори Оаннес Семирамиданинг гўзаллигига ошиқ бўлиб уйланди, Бақтрияга қилинган урушда улар жангчиларга ҳамкорлик қилди. Семирамиданинг бир мардонавар ҳаракати уни шоҳлик даражасигача кўтарди. Нин очиқ майдонда Бақтрияликларни мағлуб этгандан сўнг, уларнинг пойтахтини узоқ вақт натижасиз қамал қиласи, шунда Семирамида оддий жангчи кийимини кийиб, сотқин айғоқчилар ёрдамида шаҳарга киради ва душман қўшинлари билан тил бириктиргани ҳақида Нинга ҳабар беради, шундан сўнг Нин шаҳарни эгаллайди, Нин Оаннесдан Семирамидани тортиб олиб, хотин қилиб олади, ҳеч қанча ўтмай Нин ўлади ва ўлими олдидан Семирамидани салтанатнинг ҳукмдори этиб тайинлайди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Botta. Monuments de Ninive. - Paris, 1850, Vol.5; Layard. Monuments of Nineveh. - London, 1851.

Фанда бу манба Ктесийнинг тўқималари, ҳеч қандай тарихий ҳақиқат йўқлиги хусусида ёзилиб, Оссурия тарихида Нин ва Семирамида каби шоҳлар умуман бўлмаганлиги европа олимлари томонидан XVII аср ўрталаридаёқ айтиб ўтилган бўлса<sup>1</sup>, бу масала рус адабиётида ўтган асрнинг ўрталарида энг қизғин масалага айланган<sup>2</sup>.

Ушбу масала бўйича Оссурия шоҳлари архивида (HABL №1240) келтириладиган ҳабарларнинг, яъни лазурит билан боғлик бўлган маълумотлар ва бунга қарши халқ қўзғолонлари ва Оссурия шоҳидан ёрдам сўраб ёзган айгоқчининг номалари ҳақидаги маълумотларнинг Бақтрияга тааллуқли жойи йўқлиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланмоқда ва ишончли далиллар билан инкор этилмоқда<sup>3</sup>. Эслаб ўтилган ёзма манбаларнинг Бақтрияга тааллуқли эмаслиги вазиятни ўзгартирмайди, яъни Аҳамонийлар империясига қадар Бақтрия подшоҳлигининг фаолият этганлигини «Báhlika» (Бахлика) тўғрисидаги ҳинд манбалари орқали исботлаш мумкин<sup>4</sup>. Э.А. Грантовский ушбу қадимги ҳинд манбасининг мил.ав. V асрдан олдинги даврларга оидлигини айтиб «Báhlika» терминини «Авеста»даги «Baxtis», қадимги форс манбаларидаги «Baxtriš» ёки «Balx»-«Baxl» сўзлари билан таққослади ва ушбу географик ва этник терминни қатъий тарзда Бақтрия билан боғлайди. Сўнгги йилларда фан оламига кириб келган ушбу манба ҳақиқатан ҳам Аҳамонийлар империясига қадар Бақтрия подшоҳлигининг мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

<sup>1</sup> Botta. Memoire sur L'ecriture cuneiforme assyrienne. - Paris, 1849; De Saulcy. Recherches sur L'ecriture cuneiforme assyrienne. - Paris, 1849;

<sup>2</sup> Дъяконов И.М. Ассирио-Вавилонские источники по истории Урарту // ВДИ. 1951. - № 2. - С. 335-336; Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. - Л., 1968; Бартольд В.В. К истории персидского эпоса // Записки Восточного отделения Российской Археологического общества. XXII, 1915. - С. 258-259; Толстов С.П. Основные вопросы древней истории Средней Азии // ВДИ. 1938 . - № 1. - С. 183; Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948. - С. 103; Гафуров Б.Г. История Таджикского народа. Т.І. - М.: 1955. - С. 31-32; Дъяконов И.М. Истории Мидии. - М.: Л., 1956. - С. 169; Дъяконов М.М. Очерк истории Древнего Ирана. - М.: 1961; Массон В.М. Проблема древней Бактрии и новый археологический материал // СА. - М.: 1958, №2, - С. 49-65.

<sup>3</sup> Грантовский Э.А. Бактрия и Ассирия (в связи с проблемой древнебактрийского «царства») // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию ЮТАЭ. - М.: 1983. - С. 27-30.

<sup>4</sup> Грантовский Э.А. Иран и иранцы до Ахеменидов. Основные проблемы. Вопросы хронологии. - М.: 1998. - С. 106-107.

Аҳамонийлар империясининг Ўрта Осиёда эгаллаган ҳудудлари ва сарҳадлари масаласини А.С. Сагдуллаев цилиндрсимон шаклли идишларниң тарқалиш ҳудудлари билан белгилашни таклиф этади<sup>1</sup>. Худди шу усул билан Қадимги Бақтрия подшоҳлиги ҳудудлари ва сарҳадларини аниқласак мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, цилиндрсимон идишлар тайёрлаш фақат Бақтрия ва Марғиёнага хос бўлиб, давр ўтиши билан шу идишларниң тарқалиш географияси кенгайиб бориши кузатилган, яъни Кучук II даврида фақат Бақтрия ва Марғиёна ҳудудлари, Кучук III даврида карвон йўли орқали Сўғдиёнанинг Бақтрияга чегарадош ҳудудларида, Кучук IV даврида бутун Сўғд ҳудуди ва сув йўли орқали қадимги Хоразм ҳудудларига тарқалиши кузатилади<sup>2</sup>.

#### IV. 7. Қадимги Бақтрия маданиятининг шаклланиши.

Шимолий Бақтрия ҳудудидаги илк темир даври ёдгорликларининг стратиграфик қатламлари шуни кўрсатадики, Кучуктепа маданияти (Кучук I) энг узоги билан учта қурилиш даври давомида фаолият этган. Кучук II даврига келиб, кулолчилик соҳасида Сополли маданияти анъаналарининг қайта тикланиш жараёни кечади (52-расм). Энди барча сопол буюмлар кулолчилик чархидаги ясаладиган бўлган. Сопол буюмлари шакл жиҳатидан Сополли маданияти сополларидан тубдан фарқ қиласа-да, ясалиш техникиси ва услуби бўйича деярли фарқ қилмайди<sup>3</sup>. Кучуктепада ўтказилган тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, сопол чархига ўтиш эволюцион йўл билан амалга ошган. Агар Кучуктепанинг энг қуи қатламларида 72 фоиз сополлар кўлда, 28 фоиз сополлар чархда ясалганлиги кузатилган бўлса, вақт ўтиши билан чархда ясалган сополларнинг нисбати ошиб, Кучук II даврига келиб сополлар 100 фоиз чархда ясалганлиги кузатилган. Ҳаттоки, ошхона

<sup>1</sup> Сагдуллаев А.С. Усадьбы Древней Бактрии. - Ташкент, 1987.

<sup>2</sup> Шайдулаев Ш.Б. Шимолий Бақтрия илк темир даври археологиясининг айрим муаммоли масалалари хусусида // Ўзбекистон-қадимда ва ўрта асрларда. (Республика ёш тарихчи олимлари анжуманининг маърузалари матн. 16-17 март). - Самарқанд, 1992. - С. 34-36.

<sup>3</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... - С. 86.

идишлари - қозонлар ҳам ясалиб бўлгандан сўнг чархларда уларга жило берилганлиги қайд этилди<sup>1</sup>.

Кучук II давридан бошлаб Бақтрия худудида Қадимги Бақтрия маданиятининг шаклланганлигини академик А.А. Аскаров ўз асарларида кўрсатиб берган<sup>2</sup>. Юқорида эслаб ўтилган ёдгорликлар стратиграфияси ва маданий қатламларидан топилган сополлар статистикаси шуни тасдиқлайдики, Қадимги Бақтрия маданияти Кучуктепа маданияти таркибида, Сополли маданияти анъаналарининг тикланиши асосида пайдо бўлган.

Биз ўз тадқиқотларимиз давомида масаланинг ҳеч ким эътибор бермаган томонига, яъни Кучук I даврида чархда ишланган сополлар мажмуасига эътиборимизни қаратдик. Натижада, Кучуктепа маданиятининг (кўлда ишланган сополлар мажмуаси) энг ривожланган пайтида ҳам айрим ёдгорликларда, жумладан Кучуктепа, Жарқўтонда сополларни чархда ясаш удумининг унутилмаганлигининг, хаёт тарзидан тўлиқ чиқариб юборилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Агар Кучук Ia, яъни Кучуктепа маданиятининг илк даврида сопол идишларнинг 4 та типи сопол чархида ясалган бўлса, Кучук Ib даврига келиб, умум сополларнинг 70 фоизи чархларда ясалганлигининг гувоҳи бўлдик ва улар 7 та типни ташкил этади<sup>3</sup>. Кучук I давридаги, чархда ясалган сополлар шакли оддийликдан мураккабликка томон ўсан. Унинг илк даврида энг оддий шаклли идишлар (коса, чапя) чархда ясалган бўлса, сўнгги даврга келиб, геометрик шаклли цилиндросимон идишларнинг ясалганлигини кўришимиз мумкин. Қадимги Бақтрия маданияти даврида геометрик шаклли цилиндросимон идишлар ушбу маданият кулолчилигининг энг характерли томони бўлиб қолади. Бу маълумотлар Қадимги Бақтрия маданиятининг шаклланиши борасидаги статистик ва ашёвий далиллар бўлиб хизмат қиласди.

<sup>1</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннега железного века ... - С. 88-89.

<sup>2</sup> Аскаров А.А, Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... –С.79.

<sup>3</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннега железного века ... - С. 88-89.

Учта қурилиш даври давомида фаолият этган Кучуктепа маданияти Қадимги Бақтрия маданияти билан алмашади. Янги пайдо бўлган маданият эволюцион йўл билан, Кучуктепа маданияти таркибидан ўсиб чиқсан. Биз таклиф этаётган хронологик даврлаштиришга кўра Қадимги Бақтрия маданиятининг шаклланиши мил.ав. I минг йилликнинг бошлари билан саналанади. Қадимги Бақтрия маданиятининг илк даври моддий маданияти ашёлари (Кучук II, Кучук III) фақатгина Бақтрия ва Марғиёна худудларида гина учрайди (Кучуктепа, Қизилтепа, Тиллатепа, Ёз депе ва бошқалар). Бундан шундай хулоса қилса бўладики, Қадимги Бақтрия маданияти Бақтрия ва Марғиёна худудларида шаклланган.

#### IV. 8. Қадимги Бақтрия маданияти ёдгорликлари, типологияси ва жойлашиши.

Қадимги Бақтрия маданияти даври ёдгорликларини ўрганиш методик жиҳатдан бироз қийинчиликлар туғдиради, негаки шу давр ёдгорликлари сўнгги даврлар, яъни Аҳамонийлар ва илк антик даврлар маданий қатламлари билан қопланиб қолган. Шундай бўлса-да, ўтказилган археологик тадқиқотлар натижаси ўлароқ, ёдгорликларнинг жойлашиш услублари ва типологиясини ёритишни ва шу усул орқали Қадимги Бақтрия шоҳлигининг шаклланиш жараёнини кузатишни мақсад қилдик. Қадимги Бақтрия маданиятининг илк даври маданий қатламлари (Кучук II) фақат Кучук I даври ёдгорликларида учрайди. Улар Шимолий Бақтрияниң еттита ва Жанубий Бақтрияниң қуйидаги тўртта дехқончилик ўлкаларида жойлашган:

1. Шеробод дехқончилик ўлкаси. Кўҳитангтоғ ён бағри яйловлари ва Уланбулоқсой ва Шеробод дарёлари ҳавзаларини ўз ичига олади. Кучук I даврида воҳанинг маркази ролини Кучуктепа ёдгорлиги бажарган бўлса, Қадимги Бақтрия маданияти даврига келиб бу ўлкада Жондавлаттепа шахри бунёд этилади ва у воҳанинг маркази вазифасини ўтайди. Агар Кучуктепа стратегик жиҳатдан ноқулай, кичик сув ўзани бўйида жойлашган бўлса,

Жондавлаттепа Шеробод дарё ўзанида, халқаро савдо, яъни Мароқанд - Бақтра йўли устида жойлашганлиги билан характерланади. Жондавлаттепанинг умумий майдони 8 гектардан иборат бўлиб, арк ва шаҳар қисмларидан иборат. Ёдгорликда ўтказилган стратиграфик тадқиқотлар бу ерда мил.ав. VIII асрдан бошлаб, эрамизнинг IV асригача шаҳар хаёти давом этганлигини кўрсатди<sup>1</sup>. Шеробод дехқончилик ўлкасида Жондавлаттепадан ташқари Кучуктепа, Талашқонтепа I каби ёдгорликлар жойлашган.

2. Бойсун дехқончилик ўлкаси ўз таркибига Бойсунтоғ ён бағри яйловлари, Бандихонсой, Миршоди сув ҳавзаларини бирлаштиради. Ҳамма сув ҳавзалари Бойсунтоғдан бошланиши билан характерланади. Воҳанинг маркази майдони 22 гектардан иборат бўлган Қизилтепа ёдгорлигидир. Қизилтепа қизил I (Кучук I) давридан фаолият этган. Қадимги Бақтрия маданияти давридан бошлаб у икки қисмдан - арк ва шаҳар қисмдан иборат бўлган. Ўз даврининг энг ривожланган фортификация элементлари бу ёдгорликда намоён бўлган<sup>2</sup>. Қизилтепа атрофида кичик ёдгорликлар гурух-гурух бўлиб жойлашган.

3. Сурхон дехқончилик ўлкаси Сурхондарёning ўрта оқими худудларини бирлаштирган. Бу ерда Хайтободтепа воҳанинг маркази вазифасини бажарган. Хайтободтепа ташқи тузилиши жиҳатидан Шеробод воҳасининг маркази Жондавлаттепадан деярли фарқ қилмайди. У ҳам арк ва шаҳар қисмдан иборат бўлиб, кучли мудофааланган шаҳарлар тоифасига киради. Хайтободтепа ёдгорлигига ҳам Қадимги Бақтрия маданияти даврида асос солинган<sup>3</sup>. Хайтободтепа шахристонининг мудофаа деворлари худудида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, унинг мудофаа девори 5 метр қалинликда бўлиб, йирик тўғри тўрт бурчакли ғиштлардан терилган (50-58x30x12-14 см). Мудофаа девор 8 метр қалинликдаги, 1,5 метр баландликдаги, пахсадан қурилган пойdevор устида қурилганлиги Қадимги

<sup>1</sup> Dietrich Huff, Chakir Pidaev, Chapulat Chaydoullaev. Uzbek-German arhaeological researches in the Surkan Darya region // La Baktriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie centrale. - Paris, 2001.

<sup>2</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа ... - С. 18.

<sup>3</sup> Shajdullaev Sh.B. Unterchungen zur frühen Eisenzzeit in Nordbakterien ... - Р. 271-276.

Бақтрия маданияти фортификациясида янгилик сифатида эътироф этилган<sup>1</sup>. Хайтободтепа атрофида ҳам Бандиҳонсойтепа каби қишлоқ типидаги ёдгорликлар жойлашган.

4. Коғирниҳон дехқончилик ўлкасида иккита суғорилиш райони бўлиб, биринчиси Коғирниҳон дарёсининг Чангоб ўзани худудларини бирлаштиради. Бу ерда Ҳисор қалъасининг қуий қатламлари, Тупхона сополлари уюми ёдгорликлари жойлашган. Иккинчи суғорилиш районига Коғирниҳон дарёси ўзанлари киради. Бу ерда Калаи-Мир ёдгорлиги ва Нахри-калон канали жойлашган. Ўлканинг маркази Калаи-Мир ёдгорлиги ҳисобланади<sup>2</sup>.

5. Вахш дехқончилик ўлкасида ҳам иккита суғорилиш райони кузатилади. Булар Вахш дарёсининг Яван-су ўзани бўлса, иккинчиси Вахш дарёсининг чап қирғоқ худудларини ўз ичига олади. Яван-суда Томошотепа ва Шўраисой ёдгорликлари, Вахшда эса Болдай тепа ёдгорлиги ва Болдай каналлари шу даврга оид<sup>3</sup>.

6. Панж дехқончилик ўлкаси шу номли дарё ўзанларини ўз ичига олиб, бу ўлкада Байдудашт ёдгорликлари жойлашган ( Байдудашт I-VI). Воҳанинг маркази Байдудашт IV ёдгорлиги ҳисобланади<sup>4</sup>.

7. Қизил-су дехқончилик ўлкаси худуди Қизил-су дарёсининг қуий оқимларини ўз ичига олади. Бу ерда Макони-мор ёдгорлиги жойлашган<sup>5</sup>.

Жанубий Бақтрия худудида шу давр ёдгорликлари тўртта дехқончилик ўлкасида жойлашган бўлиб, булар Даشتли, Фарухобод, Олтин-Дилёр ва Наибобод ўлкалариdir<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Shajdullaev Sh.B. Untersuchungen zur frühen Eisenzeit in Nordbaktrien ... - Р. 272; Сабиров К Оборонительные сооружения древних поселений и городов Средней Азии. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - М.: 1978. -С.21.

<sup>2</sup> Абдуллаев А.Л. Памятники раннекорабельного века Южного Таджикистана // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию ЮТАЭ. - М.: 1983. - С. 3-4.

<sup>3</sup> Абдуллаев А.Л. Памятники раннекорабельного века Южного Таджикистана ... – Б. 3.

<sup>4</sup> Абдуллаев А.Л. Памятники раннекорабельного века Южного Таджикистана ... – Б. 3.

<sup>5</sup> Абдуллаев А.Л. Памятники раннекорабельного века Южного Таджикистана ... – Б. 3.

<sup>6</sup> Ҳакимов З.А. Оазисное расселение в Бактрии эпохи раннего железа // Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии. Тезисы докладов. (26-29 мая 1985 г. Далварзин-тепе). - Ташкент, 1985. - С. 134.

Хар бир дәхқончилик ўлкаси алоҳида жойлашган мустақил иқтисодий район бўлиб ҳисобланади. Негаки, ҳар бир ўлка ўзининг табиий ёки сунъий сув базасига эга эканлиги шу фикрга келишга асос бўлади. Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, ҳар бир дәхқончилик ўлкаси Қадимги Бақтрия подшоҳлиги таркибидаги кичик-кичик сиёсий худудлар бўлиб ҳисобланган. Бу фикрга келишимизга сабаб шуки, ҳар бир дәхқончилик ўлкаси ўзининг сиёсий марказига - бош шаҳар ёдгорлиги ва унинг атрофида уюшган қишлоқлар типидаги ёдгорликларнинг жамланганлигидир.

Қадимги Бақтрия маданияти ёдгорликларини қуидаги типларга ажратиш мумкин:

1. Шаҳарлар. Улар ҳар бир дәхқончилик ўлкасида биттадан жойлашган бўлиб, икки қисмдан (арк ва шаҳар) иборат. Умумий майдони 22 гектаргача боради. Арк ҳам, шаҳар қисм ҳам юқори ривожланган мудофаа деворлари билан муҳофаза қилинган (Қизилтепа, Хайтободтепа, Жондавлаттепа ва бошқалар). Мудофаа деворлари 5-8 метр қалинликда бўлиб, Хайтободтепада мудофаа девори платформа устида қурилганлиги кузатилган. Ҳамма мудофаа деворлари буржлар билан мустаҳкамланган. Худди шу даврда Бақтрияда мудофаа деворлари ва буржларга шинаклар ўрнатиш бошланган. Шинаклар узунчоқ, тўғритўртбурчак шаклида ясалган.

2. Қишлоқлар. Тарқоқ ҳолда жойлашган тепаликлар мажмуасидан иборат бўлган ёдгорликлар (Бандиҳон II ёдгорлиги атрофида жойлашган ёдгорликлар мажмуаси).

3. Ҳарбий истеҳкомлар. Доира ва квадрат шаклида қурилган қалъалар. Ушбу типга оид ёдгорликлар кучли мудофаалангандиги ва ҳарбий характерга эгалиги билан характерланади (Талашқонтепа I, Бандиҳон II). Қалъанинг ички қисми очиқ ҳовлидан иборат бўлиб, яшаш уйлари фақат мудофаа деворлари бўйлаб қурилганлиги кузатилган.

4. Кўрғонлар. Шаҳарлар ва қишлоқлар атрофида жойлашган, кичик ёдгорликлар (Қизилча I, VI).

**Қадимги Бақтрия маданияти ёдгорлеклари ва уларнинг дехқончилик ўлкалари бўйлаб жойлашиши**

Дехқончилик ўлкалар	Ўлка маркази	Қишлоқлар	Ҳарбий қалъалар	Кўрғонлар
Шеробод	Жондавлат	Кучуктепа	Талашқон I	
Бойсун	Қизилтепа	Бандихон	Бандихон II	Қизилча I-XI
Сурхон	Хайтобод	Эски Термиз		Номсизтепа
Кофириҳон	Қалаи-Мир			
Вахш	Тамошотепа			
Панж	Байтудашт IV			
Қизил-су	Макони-мор			
Даштли				
Фаруҳобод				
Олтин Дилёр				
Наибобод				

Қадимги Бақтрия маданияти даврида ҳарбий ишлар ва ҳарбий қурилишларга алоҳида эътибор берилган. Бундай дейишимизга етарлича археологик маълумотлар тўпланган. Шаҳарлар энг ривожланган фортификация билан мудофаа қилинган бўлса (Қизилтепа, Хайтободтепа), ҳарбий истеҳкомлар алоҳида мудофаа иншоотлари сифатида шаклланади (Талашқонтепа I, Бандихонтепа II).

Қадимги Бақтрия подшолиги даврида ҳарбий ишлар соҳасида фортификация илми ривожига алоҳида эътибор берилади. Энг оддий планировкага эга бўлган кўрғонлар ҳам ўзига хос фортификацияга - мудофаа иншоотига эга бўлган (Қизилча VI, Қизилча I). Бу даврга келиб баланд платформа устига уй қурилишига барҳам берилган бўлса-да, Кучук Ідаврида қурилган шундай иншоотлардан фойдаланиб келинади ва улар ҳам қўшимча мудофаа деворлари билан ўралади (Кучуктепа, Қизилтепа арки). Олтиндилёр ёдгорлиги планировкасига алоҳида ёндашишга тўғри келади. У кенг худудни мудофаа қилишга мўлжалланган иншоотга эга бўлиб, бир неча қатор

мудофаа деворига эга, деворлар ярим айлана шаклидаги буржлар билан мустахкамланган.

Шаҳарларнинг арк ва шаҳар қисми ҳам мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги ва айни вақтда чукур ва кенг ҳандақларнинг ҳам қазилганлигининг гувоҳи бўламиз (Хайтободтепа, Қизилтепа). Шаҳарларнинг мудофаа деворлари пойдеворлар устига қурилиб, девор қалинлиги 5 метргача боради. Мудофаа деворларига буржлар ўрнатилиб, шаҳарларнинг мудофаа қудрати янада оширилган. Деворлар ҳам, буржлар ҳам шинаклар билан таъминланган. Ўрта Осиё археологиясида мудофаа девориларга буржлар ўрнатиш бронза давридан маълум бўлса-да, уларга шинаклар қўйиш илк маротаба Қадимги Бақтрия маданияти даврида кашф этилганлиги шу даврда мудофаа ишларига алоҳида эътибор берилганлигига яна бир бор ишорадир.

Мудофаа иншоотларининг такомиллашуви жанг қуролларининг такомиллашуви билан мутаносиб равища кечган. Қадимги Бақтрия маданияти даврида илк маротаба уч қиррали пайконларнинг кашф этилганлигини кузатишимиш мумкин (Талашқонтепа)<sup>1</sup>. Уч парракли пайконларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши борасида изланишлар олиб борган тадқиқотчи Т. Сулимировскийнинг ёзишича бундай пайконлар Олд Осиёда VII асрда, Мисрда VI-V асрларда, Грецияда V асрда пайдо бўлса, Эрондаги мил.ав. I минг йилликнинг биринчи ярмига оид қуйидаги 8 та ёдгорликда топилган: Сиалқ, Зиндони-Сулаймон, Хасанлу, Зевие, Бобожонтепа, Суз, Персопол ва Амлаш<sup>2</sup>. Ушбу таққослашдан билинадики, ҳарбий билимларнинг ривожини кўрсатувчи уч парракли пайкон Бақтриядаги ҳам Қадимги Шарқнинг маданият марказлари билан бир вақтда пайдо бўлган.

Нафақат ҳарбий ишлар, балки сунъий сугоришга асосланган дехқончилик ҳам Қадимги Бақтрия маданияти даврида ўзининг энг

<sup>1</sup> Shajdullaev Sh.B. Unterchungen zur frühen Eisenzeit in Nordbaktrien ... - P.292, Abb.41.

<sup>2</sup> Sulimirski T. Scythian Antiquities in Western Asia // Artibus Asiae, V. XVII, 1954. - P.297.

ривожланган чўққисига етган. Бандихон дехқончилик ўлкасидағи Бандихон канали, Вахш дехқончилик ўлкасидағи Болдай канали, Кофирниҳон дехқончилик ўлкасидағи Нахри-калон каналлари фикримизнинг исботидир. Эслаб ўтилган каналлар бўйларида Қадимги Бақтрияниң ilk даврига оид моддий маданият ашёлари учраган ва шу каналлар фаолиятисиз бу ёдгорликларда ҳам ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас эди<sup>1</sup>.

Шимолий Афғонистон ҳудудидаги қадимги дехқончилик ўлкалари асосан Балхоб дарёсининг қуи оқимларида жойлашган ва доимий сув билан таъминланган. Фақат Наибод дехқончилик ўлкаси бундан мустасно, бу ўлка қисқа муддатли табиий сув билан таъминланган, холос. Даштли, Олтиндилёр дехқончилик ўлкаларида Қадимги Бақтрия маданияти даврида илк маротаба каналлар қазилган<sup>2</sup>.

Қадимги Бақтрия маданияти юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Кучуктепа маданияти таркибида шаклланган, шунинг учун ҳам унинг моддий маданияти Кучуктепа маданияти тарқалган ҳудудлардагина учрайди. Ушбу маданият ашёлари ўзининг ilk даврида бошқа ҳудудларда учрамайди. Шу маънода Қадимги Бақтрия маданиятининг шаклланган ҳудуди сифатида Бақтрия ва Марғиёнани кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Қадимги Бақтрия маданияти ривожланиб, Кучук III даврига келганда ёдгорликлар сони ошиб боради ва бутун Бақтрия ва Сўғдининг Бақтрияга қўшни ҳудудлари бўйлаб тарқалади. Кучук IV даврига келиб эса, бу маданият Бақтрия сарҳадларидан ошиб, сув йўли орқали Қуи Амударё (Қуйисой маданияти), қуруқлик йўли орқали эса бутун Сўғд ҳудудларига тарқалади.

Ушбу бобга якун ясад қуидаги фикрларни айтиб ўтиш мумкин: Мавжуд ёзма манбалар ва сўнгги йиллар давомида ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида ишонч билан айтиш мумкинки, Аҳамонийлар империясига қадар Бақтрия подшоҳлиги мавжуд бўлган.

<sup>1</sup> Абдуллаев А.Л. Памятники раннекоренного века Южного Таджикистана ... - С. 3-4.  
<sup>2</sup> Хакимов З.А. Оазисное расселение в Бактрии эпохи раннего железа ... - С. 135.

Бақтрияning сўнгги бронза ва илк темир даври ёдгорликлари стратиграфияси шуни тасдиқлайдики, Қадимги Бақтрия маданияти Кучуктепа маданияти таркибida, Сополли маданияти анъаналарининг тикланиши асосида пайдо бўлган.

Қадимги Бақтрия маданияти даврида кўплаб йирик каналларнинг қазилганлиги ҳам марказлашган давлатнинг пайдо бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

## **V-БОБ. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ПОДШОҲЛИГИ ДАВЛАТЧИЛИГИДА АҲАМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

V. 1. Ўрта Осиёда давлатчилик тарихининг империя босқичи.

Ўрта Осиё халқлари мил.ав. VI-IV асрлар мобайнида Аҳамонийлар империяси таркибида бўлган. Бу даврларда Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек давлатчилиги тарихида бир қатор ўзгаришлар юз бердики, бу даврни давлатчилик тарихидаги учинчи давр - империялар босқичи деб атадик. Бу давр ерли халқлар давлатчилигининг табиий ривожланишига барҳам берилиши ва давлат бошқаруви усулида Аҳамонийлар амалиётининг кириб келиши билан характерланади.

Аҳамонийлар империясининг асосчиси Кир мил.ав. 558 йилда пасаргад, марафи, пасти каби форс қабилаларини бирлаштириб, уларнинг шоҳига айланди. Шоҳлик даврининг аввалида у Мидия подшоҳи Астиагга вассал, мил.ав. 550 йилда унга қарши қўзғолондан сўнг Мидияни ҳам ўзига қаратиб олди. Мил.ав. 549 йилда Элам, сўнгги икки йил ичида эса Мидия давлати таркибида бўлган Парфия ва Гирканияни, мил.ав. 546 йилда Лидияни босиб олди. Мил.ав. 545-539 йиллар оралиғида Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё вилоятлари - Дрангиана, Марғиёна, Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия, Саттагедия, Арахосия, Гандхара ва Сак қабилалари ерлари ҳам империя таркибига қаратилган бўлса, мил.ав. 539-526 йилларда Вавилониядан Мисргача бўлган ерлар ҳам Аҳамонийлар империяси таркибига киритилди.

Мил.ав. 525 йилда Камбиз Мисрни бўйсундириб турган бир вақтда, греклар ва ливияликлар ўз ихтиёрлари билан Аҳамонийлар империяси таркибига киришни билдиридилар. Мил.ав. 519-512 йиллар мобайнида форслар Фракия, Македония, Ҳинд ерларининг бир қисмини қўлга киритдилар. Шундай қилиб, VI аср охирида Аҳамонийлар империяси чегаралари шарқдан ғарбга томон Ҳинд дарёсидан Эгей денгизигача,

шимолдан жанубга томон эса Арман чегараларидан Нил бўйларигача бўлган кенг худудни бирлаштириди<sup>1</sup>.

Аҳамоний подшоҳларининг бунчалик тез ва муваффақиятли ҳаракатларини биз қуидаги тарихий шароитлар билан боғлаймиз:

- Форсларнинг энг кучли сиёсий рақобатчиларидан бири бўлган Вавилонияда сиёсий вазиятнинг ёмонлашиши, яъни подшоҳлик билан диний ҳукумат(Мардук) ўртасида зиддиятнинг кучайиши;
- Вавилония худудида мажбуран ушлаб турилган ҳар хил халқларга мансуб тутқун аҳолининг аҳамонийларга нисбатан ҳайриҳоҳлигининг ошиши;
- Кичик Осиё, Вавилония, Финикия каби савдо-сотик ривожланган мамлакатларда савдогарларнинг манфаатига аҳамонийлар ҳукмронлигининг мос келиши. Кенг худудда савдони юритиш, савдо йўлларида хавфсизликнинг ўрнатилиши, ягона тўлов воситаларининг, ёзув масалаларининг умумлашув жараёнлари уларнинг аҳамонийлар империясини қўллаб - қувватлашларига асос бўлган;
- Шоҳлар шоҳи Кирнинг оқилона ташқи ва ички сиёсати. Оссурия ва Вавилония шоҳлари ўzlари босиб олган ерларда талон - тарожлик, ёппасига қирғин, бошқа жойларга мажбуран кўчириш билан шуғулланган бўлса, Кир Вавилонияда акгад тилида чоп этилган «Хартия»сида халққа осойишта ҳаёт ато қилишни ваъда қиласди.
- Аҳамонийларнинг мустаҳкам армияси уларнинг ғалабаси гаровларидан бири эди. Аҳамонийлар худудида яшайдиган эркак аҳолининг кўпчилиги ҳарбийларга айлантирилиши, қўлга киритилган худудларда ҳам шу сиёсатнинг олиб борилиши, ўн минг сонли яхши қуролланган «енгилмас» армиянинг ташкил этилиши, ижтимоий жиҳатдан армия таркибининг кескин фарқ қилмаслиги ҳарбий муваффақиятнинг асосларидан бири ҳисобланади;

<sup>1</sup> Струве В.В. Поход Дария I на саков-массагетов. Изв. АН СССР, 1946, №3. - С. 229-250; Струве В.В. Восстание в Маргииане при Дарий I. Материалы ЮТАКЭ. Вып. I, - Ашгабад, 1949. - С. 9-34; Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах (VI в. до н.э.). М.: 1963; Грантовский Э.А. Ранняя история иранских племен Передней Азии. - М.: 1970; Дьяконов М.М. Очерк истории древнего Ирана. - М.: 1961; Дьяконов И.М. Истории Мидии от древнейших времен до конца IV века до н.э. - М.:Л., 1956; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргиианы. - М.: Л.. 1959. - С. 140-149.

■ Диний эркинликнинг яратилиши, бузилган ибодатхоналарни тиклаш, янгиларини қуриш каби ишларнинг олиб борилиши Кирнинг обўсими халқ орасида ошириб юборди ва форслар уни «отамиз», вавилонияликлар «Мардук худосининг ердаги вакили», греклар «буюк давлат арбоби, империя асосчиси», яхудийлар «Яхве худосининг ердаги вакили» деб атай бошладилар.

■ Ибодатхоналарнинг иқтисодий ривожланишига давлат томонидан йўл бермаслик ва фақат диний идеологияни ривожлантиришга шартшароитлар яратиш.

Кир ҳукмронлиги даврида, у қўлга киритган ҳудудларда яшаган аҳоли диний ва ижтимоий жиҳатдан турли тоифаларга хослиги билан характерланади. Аҳамонийлар империясига қадар ҳам давлатчилик институтлари бўлган Кичик Осиё, Элам, Вавилония, Сурия, Миср каби мамлакатлар билан бир қаторда уруғчилик даражасида бўлган араблар, скифлар ёки саклар ягона империя таркибиغا кирди ва уларни бошқаришнинг ечимини топиш давр талаби эди. Шу вазиятдан келиб чиқиб, Кир империя таркибидаги ривожланган мамлакатларни бошқаришда давлатчиликнинг жойлардаги усулларини сақлаб қолди, ривожланган мамлакатларни бошқаришнинг ўзларини-ўзи бошқариш усулини қўллади.


#### V. 2. Аҳамонийларнинг давлатни идора қилиш қилиш усули.

Шу кунгача аҳамонийларнинг давлатни бошқариш усувлари ва империя тарихи бўйича маълумотлар ҳеч бир ўзгартирилмасдан қоғоздан-қоғозга ўтиб келмоқда. Шу давр бўйича тадқиқотчиларнинг йўқлиги, айниқса тарихчи-тадқиқотчиларнинг йўқлиги масалани янада оғирлаштиради. Масалан, ўрганилаётган мавзу бўйича аҳамонийларнинг марказий давлат бошқаруви қуидаги кўринишда ифодаланиб келинмоқда:

5. 2. 1 - жадвал

Аҳамонийлар империясининг давлатни бошқарув усули

(диссертация тадқиқотидан олдинги кўриниш)



Бу борада ўзбек тарихшунослигига номаълум бўлган айрим янги маълумотларни келтирмоқчимизки, бу маълумотлар аҳамонийлар империяси тарихида янгилик бўлиб хизмат қиласи мебошадиган умиддамиз.

Аҳамонийларнинг ҳокимиятни бошқарув усулини ёритишда юонон тарихчиси Эсфир қолдирган маълумотлардан ва бу борада немис олимни Франсуа Ленормань тадқиқотларидан фойдаланмоқчимиз. Негаки бу асар шу вақтгача бизга номаълум бўлиб, Эсфир маълумотлари Доро I ҳукумат тепасига келганидан кейинги саройдаги жонли тарихга, воқеаларга бағишиланган<sup>1</sup>.

Қадимги эронликларда, умуман шарқ ҳалқларида шоҳ маълум уруғлар, яъни ҳукмронликка даъвогар, ҳукмронликка тааллуқли уруғлар орасидан, ҳалқ йиғинида сайланган («Kara» - ҳалқ-кўшин). Аҳамоний урф-одатига қўра, бу йиғинда шоҳлар шоҳи сайланган. Шоҳнинг номи нафақат улуғланиб, балки илохийлаштирилиб худоларга тенглаштирилган, илоҳларга

<sup>1</sup> Lenormant Ch. Introduction a l'histoire de l'Asie Occidentale. 1838; Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de L' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836.

«айлантирилган». У давлат билан бир вақтда диний ишларни ва маросимларни ҳам бошқарган. Тож кийиш маросимидан сўнг у «қайта туғилди», деб ҳисобланган. Шоҳ ўлганда эса унинг шарафига доимий ёниб турган алтарлар ҳам ўчирилган. Шоҳни кўмиш маросимида унинг яқин оила аъзолари ёки хизматкорлари ҳам ўзини ўзи ўлдириши лозим бўлган<sup>1</sup>.

Форслар Осиёга ўзларининг мулки сифатида қараган ва Осиёни ҳукмдор форс шоҳининг ерлари сифатида билганлар. Шоҳни «...юқоридан берилган, Ахурамазданинг ердаги сояси ва бутун ернинг эгаси» сифатида билганлар. Аҳамонийларнинг давлатни идора қилиш усули ҳақиқий ҳарбий деспотизмдир<sup>2</sup>. Негаки, аҳамонийларга давлатни идора қилишнинг қонун чиқарувчи, ижро ёки суд органлари каби бошқарув усуллари умуман бегона бўлган. Шоҳ ёки шоҳлар шоҳи бутун ҳокимият эгаси ҳисобланган.

Эсфир маълумотларига қараганда, шоҳнинг атрофида доимий маслаҳатчилар кенгаши бўлган. Маслаҳат кенгаши аъзолари давлатни бошқаришда вазирлик вазифасини бажарган. Улар давлат ишларини бажаришда шоҳдан кейинги бош вазифани бажарган. Бутун жамоатчилик ишлари уларнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилган.

Маслаҳат кенгашидан сўнг еттида сарой оғалари ёки сарой аъёнлари бошлиқлари, яъни шоҳнинг шахсий хизматкорлари турган. Улар асосан шоҳнинг истагини бажаришган. Саройдаги ички хизматлардан тортиб, сатрапликлар ҳудудларида комиссарлик вазифаларини ҳам амалга оширган<sup>3</sup>.

Аҳамонийлар империясида давлат миқёсидаги йирик масалалар, жумладан уруш масалалари «кенгаш»да муҳокама қилинган. Бу кенгашга пасаргад уруғи оқсоқоллари, сатраплар, давлатнинг йирик ҳарбий амалдорлари ва ҳарбий аристократлари таклиф этилган. Кенгашда муҳокама қилинаётган масала бўйича кимнинг таклифи қабул қилинса, ўша киши шу

<sup>1</sup> Widengren G. The Sacral Kingship of Iran. «Numen», Supplement, - Leiden, 1959. - P. 242-257.

<sup>2</sup> Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de L' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836. - P. 255.

<sup>3</sup> Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de L' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836. - P. 255.

ишга мутасадди, бошлиқ қилиб тайинланган. У шу ишнинг бажарилишига боши билан жавоб берган<sup>1</sup>.

Кир ва Камбиз замонида Аҳамонийлар империясининг тайинли сиёсий маркази, саройи ҳам йўқ эди. Ҳарбий фаолиятга қараб, шоҳ ҳамда унинг мажлислар ўтказадиган «сарой»и ҳам кўчиб юрган. Кир резиденцияси Экбатанда, Дейок қурдирган саройда жойлашган бўлса, Камбиз Мисрни деярли тарк этмаган<sup>2</sup>. Доро I Суз шаҳрини империянинг пойтахти сифатида танлади ва сарой қурдиришга фатво берди. Персеполни эса ўз династияси аъзоларининг хилхонасига айлантириди ва у ерда ҳам сарой қурдиришга эришди.

Сарой форслар тилида «duvara» деб аталиб, шоҳнинг олдига киришнинг маълум тартиб қоидалари ишлаб чиқилган. Вазирларга тенглаштирилган маслаҳат кенгаши аъзолари, сарой оғалари ва бошқа сарой ҳизматкорлари сарой дарвозаси олдида, эгаллаган мансаби бўйича қатор туришган. Ишлаб чиқилган қоидага риоя қилмай, шоҳ қабулига киришга уринганлар ўлим жазосига ҳукм этилган<sup>3</sup>.

Шоҳлар шоҳи Доро I аҳамонийлар давлатчилигига янги реформаларни амалга оширди. У бошқарув ва молия ишларини янги поғонага кўтарди, бутун империя худудини сатрапликларга бўлиб бошқариш усулини жорий этди. Сатраплик ҳудудлари собиқ маҳаллий давлатлар ва аҳолининг этник гуруҳлар яшайдиган чегаралари асосида бўлиб чиқилди. Кир ёки Камбиз даврида босиб олинган ерлар маҳаллий ҳукмдорлар томонидан бошқарилган бўлса, янги реформага биноан, сатраплик бошлиқлари форсийлардан тайинланадиган бўлган<sup>4</sup>.

Сатраплар ва ундаги ҳарбий бошлиқлар шоҳлар шоҳи ва марказий давлат бошқарувининг доимий назоратида бўлган. Давлат бошқаруви ва текширувлар Хазарапад томонидан амалга оширилган. У бир вақтнинг ўзида шоҳлар шоҳининг шахсий гвардиясини ҳам бошқарган.

<sup>1</sup> Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de L' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836. - P. 257.

<sup>2</sup> Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de L' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836. - P. 264.

<sup>3</sup> Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de L' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836, P. 257.

<sup>4</sup> Ричард Фрай. Наследие Ирана, М.: 1972. – С. 271.

Жойлардаги сатрапликларни бошқариш усули ва канцелярия таркиби Суздаги бош канцелярия тузилишини айнан такрорлаган, яъни канцелярия бошлиғи, хазинабон, ташаббусни бўғувчилар, хисобчилар, судъялар, ҳуснихатчилар ва бошқалар.

Оромий тили империянинг ягона давлат тили ва ёзувига айлантирилган, деган фоя Совет шарқшунослиги адабиётларида ўрнашиб қолган эди. Янги маълумотларга кўра, Доро I бир неча тилни империянинг давлат тили сифатида қабул қилишга мажбур бўлган. Кичик Осиёда канцелярия ишлари грек тилида, Каппадокия, Киликия, Сурия ва Фаластинда оромий тилида олиб борилган, Мисрда эса Фиръавнлар замонидан қўлланиб келинаётган иероглифика давом этган бўлса, форсларда ва Ўрта Осиёда миххатсимон ва оромий ёзувлари қўлланилган<sup>1</sup>. Бу маълумотдан шундай хулоса қилиш мумкинки, империя ҳудудида ягона оромий тили канцелярия тили вазифасини бажармаган ва бажариши ҳам мумкин бўлмаган. Негаки, оромий тили ва ёзуви бунчалик нуфузга эришмаган ва бошқа ривожланган халқлар бу ёзувни қабул қилиши ҳам мумкин эмас эди. «Оромий тили аҳамонийлар империясининг ягона канцелярия тили, ёзувига айлантирилди», деган фикрни рус адабиётларидан бошқа адабиётларда учратмадик ва ўйлаймизки, бу рус совет тарихшунослигининг уйдирмасидан бошқа нарса эмас.

Доро I империянинг ҳамма ҳудудида амал қиласидан ягона қонун системасини ишлаб чиқди. Бу қонунни факат шохлар шохи худо Ахурамазда номи билан ўзгартириши мумкин бўлган<sup>2</sup>.

Аҳамонийлар империяси жамоалари асосан учта ижтимоий гуруҳдан иборат бўлган: 1. Эркин фуқаролар; 2. Қарам кишилар ва 3. Қуллар. Қулларга ҳайвонлар ва бошқа мулк шакллари сингари шахсий мулк сифатида қаралган, уларни сотиш ёки бировга бериб юбориш мумкин бўлган<sup>3</sup>.

Кир ва Камбизларнинг хукмронликлари даврида ягона тартибга солинган солиқ тизими жорий этилмаган эди. Бўйсундирилган халқлар ва

<sup>1</sup> Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de L' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836. - Р. 267.

<sup>2</sup> Дандамаев М.А. Бехистунская надпись как источник по истории начала царствования Дария I. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Л., 1958. – С. 21.

<sup>3</sup> Дандамаев М.А. Социальная сущность переворота Гауматы // ВДИ. 1958, №4. - С. 36-50.

элатлар натурал шаклда совға келтиришлари одат тусига кирган бўлса, мил.ав. 518 йилда Доро I бутун империя учун ягона солиқ тизимини жорий этди. Бу тизимга биноан ҳар бир сатраплик иқтисодий имкониятига қараб солиқ тўлаши мажбур этиб қўйилди. Маълумотларга қараганда, солиқдан келадиган бир йиллик даромад 7740 вавилон талантига ёки 232200 кг кумушга teng бўлган. Доро I даврида ҳам совға келтириш удуми сақланиб қолган, илгаригидан фарқли ўлароқ энди совға микдори ва келтириш вақти аниқ қилиб белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Аҳамонийлар империяси даврида ягона пул бирлигини жорий этишга эришилган. Шоҳлар шоҳи томонидан зарб қилинган олтин «дарик»нинг оғирлиги 8,4 граммни ташкил этган. Сатрапликлар ҳам ўзининг кумуш ва мис тангларини зарб қилиш хуқуқларига эга бўлган.

Аҳамонийлар империяси таркибига кирган сатраплар тўғрисидаги манбалар Геродот<sup>2</sup>, Бехустун қоя тош ёзувларида, Доро I нинг Нақши Рустам ёзувларида сақланиб қолган<sup>3</sup>. Ушбу манбаларда сатрапликлар сони, жойлашишлари ҳамда таркиблари тўғрисида бир-бирига тўғри келмайдиган далиллар ҳам борки, бу ҳар хиллик сабабини тадқиқотчилар сатрапликлар худудларининг ўзгариб турганлигига деб ҳисоблайдилар<sup>4</sup>. Аҳамонийлар империяси таркибига кирган бутун сатрапликларни ўрганиш ушбу диссертациянинг мақсадига кирмайди. Бизнинг тарихимиз учун бевосита тааллуқли бўлган, Аҳамонийлар империяси таркибига кирган Ўрта Осиё ҳудудларида жойлашган сатрапликларнинг (XII, XVI) бошқарув усусларини ўрганиш бизнинг вазифамиз доирасидадир.

«Тарих отаси» қолдирган Аҳамонийлар империяси сатраплари рўйхатида энг яқин қўшни мамлакатлар бўлган Бақтрия ва Сўғдиёна алоҳида сатрапликлар сифатида тилга олинади, яъни Бақтрия XII, Сўғдиёна эса

<sup>1</sup> Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. - М.: 1980. - С. 192-194.

<sup>2</sup> Геродот, III. 89-97.

<sup>3</sup> Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. - Л., 1968; Абаев В.И. Антидэновская надпись Ксеркса // Иранские языки. Труды Института языка и мышления АН СССР. Т. I. - М.: Л., 1945. - С. 134-140; Абаев В.И. Пятый столбец Бехистунской надписи Дария I и Антидэновская надпись Ксеркса // ВДИ. 1963, №3. - С. 113-118.

<sup>4</sup> Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. - М.: 1980. - С. 110.

Хоразм билан бирга XVI сатраплик сифатида талқин қилинади<sup>1</sup>. Бу ҳақда тадқиқотчиларнинг турли хил фикрлари мавжуд. В.В. Бартольд ва В.М. Массон бу Геродотнинг хатоси деган фикрда бўлсалар<sup>2</sup>, бошқа тадқиқотчилар эса Доро I нинг Марғиёна, Бақтрия, Сўғдиёнанинг иқтисодий ва ҳарбий мавқеини бўлиб қўйиш сиёсати натижасида Сўғдиёна XVI сатраплик таркибиға киритилган деган фикрда<sup>3</sup>.

Е.А. Мончадская тузган Бақтрия ва Сўғдиёна сатрапликларини бошқарган сатраплар рўйхатидан шуни хулоса қилса бўладики, Аҳамонийлар даврида Бақтрия ва Сўғдиёна алоҳида сатрапликлар бўлган, фақат А. Македонский империяси даврида улар бир сатраплик таркибиға киритилган ва Александр Македонский томонидан тайинланган Бесс, Артабаз, Клитларнинг сатраплик даврларида ягона сиёсий бошқарув остида бўлган.

## 5. 2. 2 - жадвал

Аҳамонийлар империяси давридаги Бақтрия сатраплари (Е.А. Мончадская)

Бошқарув даври Мил.ав. йиллар	Сатрапнинг исми	Ким томонидан тайинланган	Тарихий манба
529 – 522	Таниоксарк (Танаоксар-Смердис - Бардия)	Кир, Камбис	Геродот, III, 30 Бехустун ёзуви III, 3
522 – 486	Дадаршиш	Камбис, Доро I	Бехустун ёзуви III, 15
486 – 480	Ариамен	Ксеркс	Плутарх, 173
480 – 465	Масиста	Ксеркс	Геродот, VII, 82
465 – 423	Артапан, Гистасп	Артаксеркс I	Диодор, XI, 69
423 – 335	Маълумотлар йўқ		
335 – 329	Бесс	Доро III	Диодор, XVII, 74

Аҳамонийлар империяси таркибиға кирган 21 та сатрапликдан учтаси бевосита Ўрта Осиё худудларига тўғри келади. Ҳар бир сатраплик маълум

<sup>1</sup> Геродот, III. 92-93.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Амудары с древнейших времен до XVII в. Соч., Том 3, М.. 1965. - С. 24-25; Массон В.М. Поход Александра Македонского в Среднюю Азию. ИТССР, 1957. - С. 65.

<sup>3</sup> Тревер К.В. Александр Македонский в Согде // ВИ, 1947, №5. – С. 21-36.

талант (оғирлик ўлчов бирлиги) миқдорида тўлов тўлаган. 1 талант 25, 92 кг.га тўғри келади. Шундан Бақтрия 360 талант кумуш (8972 кг), Харайва (Парфия, Сўғд) 300 талант (7776 кг), саклар 250 талант (6230 кг) кумуш солиқ тўлаган. Бу ҳаммаси бўлиб 910 талант, яъни 23 тонна кумуш миқдоридаги бойликка тўғри келади<sup>1</sup>. Доронинг қурдирган саройини безашда Бақтриядан олтин, Сўғдиёнадан лапис, сердолик, Хоразмдан гавҳар олиб кетилганлиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>2</sup>.

Аҳамонийлар империяси даврида сув ҳам пуллик ва ҳисоб-китобли бўлган. Геродотнинг хабар беришича Ак(ес) дарёсига қурилган дамбани очишда шоҳнинг белгиланган солиқдан ортиқ пул олганлиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>3</sup>. Келтирилган янги маълумотлар асосида Аҳамонийларнинг марказий давлатни бошқарув усулини қуидагича ифодалаш мумкин:

### 5. 2. 3 – жадвал

Аҳамонийлар империясининг давлатни бошқарув усули



<sup>1</sup> Ртвеладзе Э.В. К вопросу о фискальной службе в древней Средней Азии // ОНУЗ. 1999, . - № 9-10. - С. 55.

<sup>2</sup> Абаев В.И. Надпись Дария о сооружении дворца в Сузе // Иранские языки. - М.: Л., 1945. - С. 130.

<sup>3</sup> Геродот. III, 117.

## V. 3. Бақтрияниң Аҳамонийлар даври ёдгорликлари, типологияси ва уларни районлаштириш.

Бақтрия мил.ав. VI-IV асрларда Аҳамонийлар империяси таркибига кирган бўлса-да, унинг моддий маданиятида, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларида аҳамонийларнинг маданий таъсири сезилмаганлиги, яъни ўз йўлида ривожланганлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Ўзгаришлар географик бўлиниш ва сиёсий бошқарув соҳаларида амалга оширилганлиги хусусида ҳам тадқиқотчилар ўз фикрларини айтишган<sup>1</sup>.

Аҳамонийлар империясининг XII сатрапи ҳисобланган Бақтрия ўлкасида археологлар томонидан ўтган асрнинг 50 йилларидан бошлаб аҳамонийлар даври ёдгорликлари ўрганилиб келинмоқда. Дастреб, Жанубий Тожикистон ҳудудидаги Қалаи Мир<sup>2</sup>, Болдай тепа<sup>3</sup> ёдгорликлари ўрганилиб, шу тадқиқотлар асосида М.М. Дьяконов Бақтриядаги илк синфий муносабатлар ва давлатчилик бўйича дастребки фикрларни айтди<sup>4</sup>. Сурхон воҳасида эса 60 йиллардан бошлаб Аҳамонийлар даври ёдгорликлари аниқланиб ўрганила бошланди<sup>5</sup>. Ҳозирги кунда эса факат Сурхон ва Шеробод воҳаларида шу даврга оид ўнлаб ёдгорликлар аниқланган бўлиб, айрим ёдгорликлар тўлиқ очиб ўрганилди<sup>6</sup>.

Аҳамонийлар даври ёдгорликларининг сони ортиб бориши билан тадқиқотчилар уларни сугорилиш шохобчаларига қараб районлаштириш масаласини ҳам ечишга киришганлар. Э.В. Ртвеладзе шу давр ёдгорликларини 5 та сугорилиш районига (Уланбулоқсой, Шеробод,

<sup>1</sup> Гафуров Б.Г. К 2500-летию Иранского государства // История иранского государства и культуры. - М.:1971. - С. 5-37.

<sup>2</sup> Дьяконов М.М. Археологические работы в нижнем течении реки Кафирниган // МИА., №37, 1958. – С. 178-189; Забелина Н.Н. Раскопки на городище Калаи-Мир // МИА, №37, 1958. – С. 190-207.

<sup>3</sup> Зеймаль Т.И. Древнеземледельческое поселение Болдай-тепе // МКТ, Вып.2, Душанбе, 1971. – С. 32-49.

<sup>4</sup> Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА. XIX, 1954. – С. 219-238.

<sup>5</sup> Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа в Узбекистане // МСПИАРИ. Тезисы докладов. - Баку, 1965. – С 194.

<sup>6</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... –С.127; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии ... –С. 97.

Бандиҳонсой, Миршоди, Вахшувар) бўлган бўлса, А.С. Сагдуллаев 8 та районга ажратган<sup>1</sup>.

Аҳамонийлар даврида давлат бошқаруви усууларининг такомиллашган формасининг жорий этилганлигини, ёдгорликларни суғориш иншоотларига қараб районлаштириш сиёсий ва ижтимоий тарих учун кам маълумотлар беришини инобатга олиб, Бақтрияниң Аҳамонийлар даври ёдгорликларини дехқончилик ўлкалари бўйича районлаштиришни таклиф этмоқчимиз. Шу услугуб бўйича Шимолий Бақтрия худудида 7 та дехқончилик ўлкаси, ҳар бир дехқончилик ўлкасида эса 2-3 тадан суғорилиш районларининг мавжудлиги кузатилмоқда.

1. Шеробод дехқончилик ўлкаси ўз таркибига Уланбулоқсой ва Шеробод суғорилиш районларини бирлаштириб, Шеробод воҳаси ва Кўҳитангтоғ яйловларини ўз ичига олган. Ўлканинг сиёсий маркази вазифасини Жондавлаттепа ёдгорлиги бажарган. Жондавлаттепа шаҳридан ташқари бу ерда Кучуктепа, Пшактепа, Талашқон I каби ёдгорликлар жойлашган.

2. Бойсун дехқончилик ўлкаси ўз таркибига Сурхондарёнинг юқори оқимлари ҳудудларини ва Бойсун яйловларини бирлаштириб, бу ерда учта табиий суғорилиш иншооти жойлашган. Барча сув ўзанлари Бойсунтоғдан бошланиб, ўз сувларини Сурхондарёга қуяди. Булар Бандиҳон, Миршоди ва Сангардак-Тўполанг дарёларидир. Ушбу дехқончилик ўлканинг маданий ва сийсий маркази вазифасини Қизилтепа ёдгорлиги ўтаган.

3. Сурхон дехқончилик ўлкаси ўз таркибига Сурхондарёнинг ўрта ва қуий оқимлари ўзанлари ва яйловларини ўз таркибига олади. Маркази Хайтобод тепа.

4. Коғирниҳон дехқончилик ўлкасида иккита суғорилиш райони бўлиб, биринчиси Коғирниҳон дарёсининг Чангоб ўзани ҳудудларини бирлаштиради. Бу ерда Ҳисор қалъасининг қуий қатламлари, Тупхона

---

<sup>1</sup> Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского вревени // С.А. №2, 1975. – С. 219-225; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии ... – С. 19.

сополлари уюми ёдгорликлари жойлашган. Иккинчи суғорилиш районига Кофирниҳон дарёси ўзанлари киради. Бу ерда Калаи-Мир ёдгорлиги ва Нахри-калон канали жойлашган. Ўлканинг маркази Калаи-Мир ёдгорлиги ҳисобланади.

5. Вахш дехқончилик ўлкасида ҳам иккита суғорилиш райони кузатилади. Булар Вахш дарёсининг Яван-су ўзани бўлса, иккинчиси Вахш дарёсининг чап қирғоқ худудларини ўз ичига олади. Яван-суда Томошотепа ва Шўраисой ёдгорликлари, Вахшда эса Болдай тепа ёдгорлиги ва Болдай каналлари шу даврга оид.

6. Панж дехқончилик ўлкаси шу номли дарё ўзанларини ўз ичига олиб, бу ўлкада Байдудашт ёдгорликлари жойлашган (Байдудашт I-VI). Воҳанинг маркази Байдудашт IV ёдгорлиги ҳисобланади.

7. Қизил-су дехқончилик ўлкаси Қизил-су дарёсининг қуи оқимларини ўз ичига олади. Бу ерда Мокини-мор ёдгорлиги жойлашган<sup>1</sup>.

3. Ҳакимов Жанубий Бақтрияниг шу давр ёдгорликлари тўртта дехқончилик ўлкасида жойлашганлигини кузатган бўлса (Даштли, Фарухобод, Олтин-Дилёр ва Наибобод)<sup>2</sup>, В.И. Сарианиди қуидаги ўлкаларни кўрсатган: Шибирғон, Қундуз, Наибобод, Шўртўғай<sup>3</sup>.

Ҳар бир дехқончилик ўлкасини Бақтрия сатраплиги ҳудудидаги маҳаллий амалдорлар бошқарган кичик иқтисодий бирлашма сифатида эътироф этиш мумкин. Негаки, ҳар бир дехқончилик ўлкасида биттадан шаҳар ва шу шаҳарлар атрофида 4-11 тагача қишлоқ типидаги ёдгорликларнинг жойлашганлигини кузатишимииз мумкин.

Бақтрияниг Аҳамонийлар даври ёдгорликлари А.С. Сагдуллаев томонидан бешта типга бўлинган:

1. Тарқоқ ҳолда жойлашган қалъли қишлоқлар;
2. Тарқоқ ҳолда жойлашган катта қишлоқлар;
3. Мудофаа девори бўлмаган кичик қишлоқлар;

<sup>1</sup> Абдуллаев А.Л. Памятники раннекелезного века Южного Таджикистана ... - С. 3-4.

<sup>2</sup> Ҳакимов З.А. Оазисное расселение в Бактрии эпохи раннего железа ... - С. 134.

<sup>3</sup> Сарианиди В.И. Раскопки Тилля-тепе в Северном Афганистане ... - С. 7.

4. Мудофаа деворлари билан ўралган кичик қўрғонлар;
5. Шаҳарлар<sup>1</sup>.

Э.В. Ртвеладзе ҳам худди шунга ўхшаш типологияни таклиф этган, лекин у ҳарбий истеҳкомларни (қалъа) алоҳида тип сифатида ажратган<sup>2</sup>.

Фикримизча, юқорида эслаб ўтилган ёдгорликлар типологиясида ёдгорликларнинг функцияси эътиборга олинмаган. Масалан, тўлиқ очиб ўрганилган Пишактепа ёки Пачмактепани улар таклиф этган типологиянинг қайси типига мансуб эканлигини айтиш қийин. Ёки, А.С.Сагдуллаев Кучуктепа ва Қизилча VI ёдгорликларини бир типга, яъни мудофаа деворлари билан ўралган қўрғонлар тоифасига киритилганлигини қандай тушуниш мумкин? Биринчиси тўрт метр қалинликдаги платформа устига қурилган, уч қатор мудофаа девори билан ўралган бўлса, иккинчиси ҳовлили кичик қўрғондан иборат бўлган ёдгорликлар бир тоифага киритилганлиги каби масалалар бизни ушбу масалага яна бир бор қайтишга ундали. Шимолий Бақтрияниг Аҳамонийлар даври ёдгорликларини қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

1. Арк ва шахристон қисмдан иборат бўлган, мудофаа деворлар билан ўралган, умумий майдони 22 гектаргача бўлган шаҳарлар. Шимолий Бақтрия ҳудудида Қизилтепа, Хайтободтепа, Жондавлаттепа, Байтудашт IV, Қалаи Мир каби ёдгорликлар шаҳарлар тоифасига киради.

Диссертацияниг «Илк давлатларнинг археологик белгилари»га бағишлиланган қисмида шаҳар ва давлатларнинг ўзаро муносабатларига ва шаҳарларнинг ривожланиш босқичларига ўз муносабатимизни билдириб, ilk давлатларнинг империялар босқичида шаҳарларнинг тоифаларга бўлинишини кўрсатиб ўтган эдик. Шимолий Бақтрия ҳудудида жойлашган Қизилтепа шахридан бошқа биронта шаҳар типидаги ёдгорликни Бақтр шаҳри ёдгорлиги билан таққослаб бўлмайди. Аҳамонийлар империяси XII сатраплигининг пойтахти бўлган Бақтр шаҳри Бақтрия ҳудудидаги энг

<sup>1</sup> Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа ... - С. 7.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия - Средневековый Токаристан. Динамика историка-культурного развития (по материалам амударынского правобережья). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - М.: 1988. - С. 8.

ирик, пойтахт шаҳар харобасидир. Қолган шаҳарлар дехқончилик ўлкаларининг маркази вазифасини бажарган. Аҳамонийлар даврида ҳар бир дехқончилик ўлкасида биттадан шаҳарнинг жойлашиши қузатилмоқда.

2. Аркли қишлоқлар. Шаҳарлардан ҳудудий жиҳатдан кичик бўлиб, тарқоқ ҳолда жойлашган. Шу типдаги ёдгорликлар ирригацион районларнинг маркази вазифасини бажарган бўлиши мумкин. Улар ҳудудий жиҳатдан дехқончилик ўлкасидан узокроқ жойлашган ирригацион районларда учрайди. Шундай ёдгорликлар тоифасига Обиширтепа, Добилқўрғон тепаликлари киради.

3. Арксиз қишлоқлар. Бир ва бир неча тепаликлар мажмуасидан ташкил топган, мудофаа деворларига эга бўлмаган, тарқоқ ҳолда жойлашган ёдгорликлар. Шу типдаги ёдгорликларга Термиз шаҳри ҳудудидаги Номсизтепа, Бандихонсойтепа, Бобиртепа, Болдайтепа, Байтудашт I тепаликларини киритиш мумкин.

4. Қўрғонлар. Бир ва бир неча патриархал оиласига мўлжалланган, ҳудудий жиҳатдан энг кичик бўлган, алоҳида жойлашган қўрғонлар (Қизилча I-XI, Байтудашт II-III). Ушбу типдаги ёдгорликлар Қизилча VI мисолида А.С. Сагдуллаев томонидан батафсил ўрганилган<sup>1</sup>.

5. Ҳарбий истеҳком, қалъалар. Алоҳида жойлашган, ўз замонасининг энг мукаммал мудофаа иншоотларига, яъни 5 метр қалинликдаги мудофаа деворлари ва буржларига эга бўлган ёдгорликлар тоифаси. Доира шаклида қурилган Талашқон I, квадрат шаклидаги Бандихон II ёдгорликлари ҳарбий истеҳкомлар тоифасига киради<sup>2</sup>.

6. Ибодатхоналар. Ушбу тоифадаги ёдгорликларга Пачмактепани киритиш мумкин. У пиллапоя услубида, квадрат шаклида қурилган платформа бўлиб, Ш.Р. Пидаев томонидан платформа устида қурилма қолдиқлари аниқланган. Тадқиқотчи ушбу ёдгорликни олов ибодатхонасининг ўрни деб ҳисоблади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии ... – С. 97.

<sup>2</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... - С. 50-64.

<sup>3</sup> Пидаев Ш.Р. Открытие нового памятника середине I тысячелетие до н.э. // ОНУз. - № 11, 1973. - С. 77-82;

7. Маълум мақсадга йўналтириб қурилган ёдгорликлар мажмуасига Пшактепани киритиш мумкин. У А.А. Асқаров томонидан ўрганилган. Ёдгорликнинг марказий қисмида коридор шаклли узун иккита хона жойлашган бўлиб, улар арк услубида ёпилган. Ушбу хоналарнинг икки ёнида ҳовлисифат катта хоналар жойлашган. Ушбу мажмуанинг атрофларида ҳам коридорсимон, узун хоналар жойлашган. А.А. Асқаров ушбу ёдгорликни Кучуктепа хукмдорларининг хилхонаси бўлган деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Географик жиҳатдан Пачмактепа Жондавлаттепанинг, Пишактепа эса Кучуктепанинг ёнида жойлашган. Жондавлаттепа ва Кучуктепа Бақтриянинг Аҳамонийлар даврига оид энг асосий, сераҳоли ёдгорликларидан ҳисобланади. Фикримизча, Пачмактепа ва Пишактепа ёнидаги ёдгорликлар - Жондавлаттепа ва Кучуктепа ёдгорликлари аҳолисининг маънавий эҳтиёжлари учун ҳизмат қилган.

### 5. 3. 1 - жадвал

#### Шимолий Бақтриянинг Аҳамонийлар даври ёдгорликлари ва жойлашиши

Дехқончилик ўлкалари	Ўлка маркази	Аркли қишлоқ	Арксиз қишлоқ	Қўрғон	Қалъа	Мақсадли ёдгорлик
Шеробод	Жондавлат тела	Добилқўргон			Талашқон I	Пишак, Пачмак тела
Бойсун	Қизилтепа	Обишир	Бандихон-сойтепа	Қизилча I-XI	Бандихон I	
Сурхон	Хайтобод	Шўроб				
Кофирихион	Қалаи Мир		Бобуртепа Болдайтепа			
Панж	Байтудашт		Байтудашт I	Байтудашт II-III		

Аҳамонийлар даври ёдгорликларини типларга ажратиш шуни кўрсатадики, бу даврга келиб икки қисмли шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг жойлашиши маълум бир қонуниятга асосланган. Ҳар бир дехқончилик ўлкасида биттадан шаҳарнинг жойлашиши ва шу шаҳар атрофида қишлоқларнинг жамланиш жараёнини кузатишимиз мумкин.

Қишлоқлар ҳам топографик жиҳатдан икки типга ажralади. Шаҳарга яқин қишлоқлар тарқоқ ҳолда жойлашган уйлар мажмуасидан иборат бўлса,

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Пшактепа // ИМКУ. Вып, 17. - Ташкент, 1982. - С. 33-37.

шаҳардан узоқда, алоҳида ирригацион районда жойлашган қишлоқлар аркли бўлиб, шаклланиб келаётган аристократларни эслатади.

Шу давр ёдгорликлари мисолида зардуштийликнинг ривожланганлигини кўрсатувчи - алоҳида қурилган, Пачмактепа каби ибодатхоналарни ҳам кўришимиз мумкин.

Аҳамонийлар империяси тузумининг ҳарбий диспотизм эканлигини тасдиқловчи ҳар бир дехқончилик ўлкасида алоҳида қурилган ҳарбий истеҳкомлар - қалъаларнинг вужудга келганлигини кўришимиз мумкин (Талашқон I, Бандихон II).

Бақтрияning аҳамонийлар даври ёдгорликларини, унинг моддий маданиятини ўрганиш ва бошқа ҳудудлар билан таққослаш натижасида шундай хulosага келдикки, Бақтрияning Аҳамонийлар империяси таркибида ўз ўрни бўлган. Бақтрияликлар Эрон Аҳамонийлари ҳарбий қуролларининг такомиллашувига катта ҳисса қўшишган. Ўрта Осиё қуролларининг, ҳар хил тақинчоқларнинг ва металдан ишланган идишларнинг Эронга олиб борилганлиги Персеполь релефларида ифодаланган расмларда кўринади<sup>1</sup>. Ундан ташқари металл қалқонли, отлари ҳам қалқон билан ҳимоя қилинган жангчиларнинг, яъни шу тарзда қуролланиш одатининг Аҳамонийлар даврида Эронга, ундан олд Осиёга ва Хиндистонга тарқалганлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан зикр этилади<sup>2</sup>. Бу маълумотлар ҳарбий соҳанинг ривожланганлигини кўрсатади.

Яратилаётган илмий асарларда Аҳамонийлар даврида сунъий суғоришга асосланган дехқончиликнинг ҳар томонлама ривожланганлиги хусусида фикрлар мавжуд. Бунга мисол қилиб тадқиқотчилар Кофирихион ва Вахш дарёларидан воҳалар томон қазилган каналларни, Сарикамиш делтаси

<sup>1</sup> Gerold Walser. Persepolis. - Tubingen, 1980. - P.32-34.

<sup>2</sup> Гафуров Б.Г. К 2500 летию Иранского государства // История Иранского государства и культуры. - М.: 1971. - С. 5-37.

бўйларида ўрганилган, Кўзалиқир ёдгорлиги атрофида жойлашган Қадимги Хоразм каналларини ёки Куняуаз каналларини мисол қилиб кўрсатадилар<sup>1</sup>.

Бизгача етиб келган ёзма манбалар асосида айтиш мумкинки, Аҳамоний шоҳлар ва сатраплар дехқончиликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори бўлган. Ксенофонтнинг хабарига кўра « ... шоҳ ҳар йили империя ҳудудидаги дехқончилик далаларини ўзи айланиб чиқишга ҳаракат қилган, кўрмаган ерларни эса ишончли одамлари орқали текширирган. Яхши ҳосил етиштирган дехқонлар шаҳаншоҳдан ҳар хил қимматбаҳо совғалар олишга муюссар бўлган»<sup>2</sup>.

Сунъий суғоришнинг яна бир тури - кориз қазиш усулига Аҳамонийлар даврида асос солинганлигини И.В. Пьянков ишончли манбалар асосида исботлаган. У Полибий хабарлари асосида, яъни унинг Салавкийлар шохи Антиох III нинг Парфия чўлларидан ўтиш даврида ер ости каналларига дуч келганлиги ва бу каналларнинг форсийлар даврида қазилганлиги ва бу янгилик учун парфияликларнинг форс шоҳидан совғалар олганлиги хусусида маълумотлар қолдирган<sup>3</sup>.

Маълумки, Шеробод воҳасидаги Уланбулоқсой ўзанининг бошланғич оқимлари Добилсой деб аталади. Добилсойнинг ўнг соҳилида Добилқўрғон ёдгорлиги жойлашган бўлиб, бу ёдгорликка илк темир даврида асос солинганлиги Э.В. Ртвеладзе томонидан қайд этилган<sup>4</sup>. Добилсой ёдгорлигидан 10-12 км қўйида Фоз қишлоғи жойлашган. Шу қишлоқ ҳудудида 4 та кориз услубида қурилган сунъий суғориш шоҳобчалари жойлашган. Ушбу коризларнинг ёшини албатта шу ерда жойлашган ёдгорликлар ёрдамида аниқлашимиз мумкин. Бу ерда учта ёдгорлик жойлашган бўлиб, энг қадимгиси Фоз тепа бўлиб, илк темир даврига оид. Шу ёдгорлиқдан илк темир даврига оид сополлар мажмуалари ва тошдан ясалган

<sup>1</sup> Зеймаль Т.И. Древние и средневековые каналы Вахшской долины // СНВ. - Вып.10. - М.: 1971. - С. 50-52; Пьянков И.В. Средняя Азия в Ахеменидскую эпоху // ИТН, Глава V, Душанбе, 1998. - С. 266; Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. - М.: 1969. - С. 151-157.

<sup>2</sup> Пьянков И.В. Средняя Азия в Ахеменидскую эпоху ... - С. 267.

<sup>3</sup> Пьянков И.В. Средняя Азия в Ахеменидскую эпоху ... - С. 267.

<sup>4</sup> Ртвеладзе Э.В. Разведочное изучение памятников на юге Узбекистана // Древняя Бактрия. - Л., 1974. - С.13-18.

кели топилдики, шу топилмалар асосида Фоз қишлоғида жойлашган коризларни илк темир даври билан саналаш мүмкін.

Аҳамонийлар даврида дәхқончиликнинг янада ривожланганлигини яна бир археологик манба - темирдан ясалған меңнат қуролларининг пайдо бўлиши ва кенг ёйилиши мисолида кўришимиз мүмкін. Шимолий Бақтриядаги Қизилча VI қўрғонидан топилган темир ўроқ, Қадимги Хоразмдаги Кўзалиқир, Дингилже, Сўғд худудидаги Афросиёб каби ёдгорликлардан топилган, темирдан ясалған меңнат қуроллари бунга мисол бўлади<sup>1</sup>.

И.В. Пьянков тадқиқотларига кўра Аҳамонийлар даврида ер эгалигининг «патбажик» ва «узбаръя» каби турлари мавжуд бўлган. Агар патбажик ерларидан олинган ҳосил тўлиқ шаҳаншоҳ саройи хўжалиги учун сарфланган бўлса, узбаръя ерларидан олинган ҳосилнинг бир қисми сарой ғазнасига жўнатилган<sup>2</sup>.

Аҳамонийлар даврида ҳунармандчилик Қадимги Бақтрия маданияти даврида қай йўсинда ривожланган бўлса, шу тарзда давом этган. Ҳунармандчилик соҳаларининг бирор тармоғида Эрон Аҳамонийлари анъанасининг таъсири сезилмайди. Бақтрия ва Марғиёнада Қадимги Бақтрия маданияти кулолчилиги ўзининг энг ривожланган палласига киради. Кучук IV даври сополларининг 14 та типга ва кўплаб вариантларга бўлиниши фикримиз далилидир<sup>3</sup>. Шу даврга келиб, Сополли маданиятига характерли бўлган вазаларнинг тикланиши ҳам кулолчиликнинг ривожланганлигидан далолатдир (Расм №54). Кучук IV даври сополлари империянинг катта қисмига ёйилади. Эрон Аҳамонийларининг асосий ёдгорликлари бўлган Нади Али<sup>4</sup> ёки Сват<sup>5</sup> ёдгорликларидан қучук IV даври кулолчилиги ашёларининг топилиши Бақтрия-Марғиёна қулолчилик анъаналарининг

<sup>1</sup> Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии ... - С. 31; Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. // Труды ХАЭЭ. Т.2, М.: 1958. - С. 149; Воробьев М.Г. Дингилдъже. Усадьба середины I тыс. до н.э. в древнем Хорезме. М. 1973. - С. 153-154; Тереножкин А.И. Согд и Чач // КСИИМКА. 1950. - С. 150-173.

<sup>2</sup> Пьянков И.В. Средняя Азия в Ахеменидскую эпоху // ИТН, Глава V. - Душанбе, 1998. - С. 267.

<sup>3</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века ... - С. 93.

<sup>4</sup> Chirshman R. Village Perse-Achemenide. - Paris, 1954. – P. 212.

<sup>5</sup> Antonini C.S. Swat and Central Asia // East and west. Vol.19. - Rome, 1969. – P. 119.

Аҳамонийлар даврида унинг энг ривожланган шаҳарларигача ёйилганлигидан гувоҳлик беради. Сват ёдгорлигига тадқиқотлар олиб борган Киара Силви Антонини Сват кулолчилигидаги бу ўзгаришларни Бақтрия ва Марғиёнадан излайди ва Ўрта Осиё кулолчилиги анъаналарининг Эрон кулолчилигига таъсири деб баҳолайди<sup>1</sup>.

Аҳамонийлар империясида, умуман Эронда тоштарошлиқ, тошга ишлов бериш бронза давридан бошлаб энг ривожланган ҳунармандчилик тури бўлган. Аҳамонийлар империяси даврида тоштарошлиқ санъат даражасига кўтарилигани. Суза, Персополь саройлари қурилиши, Персополь қоя тош суратлари бунга мисол. Ҳаттоқи, Эрон Аҳамонийларида энг ривожланган тоштарошликнинг Ўрта Осиёга таъсир этмаганлиги Аҳамонийларнинг империя худуди бўйлаб маданий юриш қилмаганлигидан далолатдир.

Аҳамонийлар даврида Бақтрияда тоштарошлиқ ҳам ўз анъаналари бўйича ривожланган. Тошдан тегирмон тош, ўғир, қайроқлар, мунчоқлар ясалган. Бу борада Фоздан топилган ўғирга тўхталиб ўтишни лозим кўрдик, негаки бу топилма, Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши хусусида янги маълумотлар беради.

Кели юмшоқ таркибли монолит тошдан ясалган бўлиб, баландлиги 22 см, эни 20 см. Кели косасининг чуқурлиги 12 см. Идишнинг ташқи тарафида 13 та пиктографик белгили ёзувлар мажмуаси жойлашган (Расм №56). Маълумки, Сополли маданиятининг илк даврида пиктографик белги-ёзувларнинг тарқалганлиги хусусида фикр юритган эдик. Фоз қишлоғи-ёдгорлигидан ушбу топилманинг топилиши Бақтрияда пиктографик ёзувнинг ривожланиши тўғрисида янги маълумотлар беради.

Ўғир (кели) форс тилида «ҳована» деб аталиб, маздапарастлиқда оташкаданинг энг муҳим ашёларидан бири ҳисобланган. Ҳавм гиёҳи ҳованада янчилган ва ундан ҳавм урф-одатида ишлатиладиган шарбатлар тайёрланган.

---

<sup>1</sup> Antonini C.S. Swat and Central Asia ... – P. 100-115.

Зардүштийлиқда бомдоддан чошгоҳгача бўлган вақтда ўқиладиган дуолар - номоз «ҳовангоҳ» деб аталади. Ҳована термини яна бир диндорлар гурухи, зардүштийлиқдаги дин пешволари - «ҳован»лар билан ҳам боғланади. Ҳованлар илоҳий язишна маросимини ўтказишда масъул кишилар ҳисобланиб, ҳавм шарбатини тайёрлаш уларнинг зиммасида бўлган.

Келининг ясалиши илк темир даврига оид тоштарошлиқдан гувоҳлик берса, вазифаси хусусида унинг зардүштийлик динида илоҳийлик маъно касб этиши юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан маълум бўлади.

Сўнгги бобга хulosса қилиб шуни айтиш мумкинки, биринчидан Аҳамонийларнинг давлатни идора қилиш усули ҳақиқий ҳарбий диспотизм бўлган. Негаки, Аҳамонийларга давлатни идора қилишнинг қонун чиқарувчи, ижро ёки суд органлари каби бошқарув усуллари умуман бегона бўлган. Шоҳ ёки шоҳлар-шоҳи барча ҳокимият эгаси ҳисобланган.

Иккинчидан, янги маълумотларга кўра Кичик Осиёда концелярия ишлари грек тилида, Каппадокия, Киликия, Сурия ва Фаластинда оромий тилида олиб борилган, Мисрда эса Фиръавнлар замонидан қўлланиб келинаётган иероглифика давом этган бўлса, форсларда ва Ўрта Осиёда миххатсимон ва оромий ёзувлари қўлланилган. Бу маълумотдан шундай хulosса қилиш мумкинки, империя ҳудудида ягона оромий тили концелярия тили вазифасини бажармаган.

Учинчидан, Аҳамонийлар империяси даврида Бактрия ҳудудида 11 та дехқончилик ўлкасининг фаолият этганлиги кузатилди. Ҳар бир дехқончилик ўлкасини Бактрия сатраплиги ҳудудидаги маҳаллий амалдорлар бошқарган кичик иқтисодий бирлашма сифатида эътироф этиш мумкин. Негаки, ҳар бир дехқончилик ўлкасида биттадан шаҳар ва шу шаҳарлар атрофида 4-11 тагача қишлоқ типидаги ёдгорликларнинг жойлашганлигини кузатишимиз мумкин.

Тўртинчидан, Ўрта Осиё халқлари мил.ав. VI-IV асрларда Аҳамонийлар империяси таркибига кирган бўлса-да, унинг моддий маданияти намуналарида, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларида

аҳамонийларнинг маданий таъсири сезилмайди. Ўзгаришлар географик бўлиниш ва сиёсий бошқарув соҳаларида амалга оширилган.

## ХУЛОСА

Диссертацияда республикамиз ҳудудида давлатчиликнинг шаклланиш жараёни ва пайдо бўлиши яхлит илмий иш сифатида қараб чиқилди. Илк давлатчиликнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган масалалар археологик ва ёзма манбалар асосида ёритилди.

Сўнгги йилларда Қадимги Шарқ тарихи соҳасида қилинган тадқиқотлар якуни бўйича айтадиган бўлсак, мил.ав. IV минг йиллик сўнггида инсоният тарихида илк маротаба Месопотамияда шаклланган илк давлатчилик муносабатлари мил.ав. III минг йилликда шарққа - Эрон, Ҳиндистон томон кенгаяди. Мил.ав. III минг йиллик сўнггида Жанубий Туркманистоннинг Тежен, Мурғоб воҳаларида, II минг йиллик бошларида эса Жанубий Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида ҳам шаҳар-давлатларнинг шаклланганлиги аниқланди. Бу маданиятларнинг моддий манбалари бир-бирига жуда яқин бўлса-да, фанда улар турли номлар билан аталмоқда. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида тарқалган маданиятни А.А.Аскаров Сополли<sup>1</sup>, Шимолий Афғонистонда ўрганилган ёдгорликларни В.И. Сарианиди Даشتли<sup>2</sup>, Жанубий Туркманистондаги турдош маданиятни В.М. Массон Номозгоҳ маданияти деб атаган<sup>3</sup>. Америка олимлари бу маданиятларни умумлаштириб Окс цивилизацияси<sup>4</sup>, европалик олимлар эса Турун цивилизацияси деб атадилар<sup>5</sup>.

Шимолий Афғонистон ва Жанубий Туркманистонда узоқ вақт мобайнида олиб борган археологик тадқиқотлардан сўнг В.И. Сарианиди бу маданиятларни Бақтрия - Марғиёна археологик комплекси (БМАК) деб атади<sup>6</sup>. Фикримизча, Бақтрия ва Марғиёнанинг илк даврлари учун бу номни қўллаш мумкин, лекин вақт ўтиши билан жойларда моддий маданият ўз

<sup>1</sup> Аскаров А.А. Сапаллитепа ... .

<sup>2</sup> Сарианида В.И. Древние земледельцы Афганистана. - М.: «Наука», 1977.

<sup>3</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, . - № 73, М.: Л., 1959.

<sup>4</sup> Ламберг-Карловски К.К. Модели взаимодействия в III тысячелетии до н.э.: от Месопатамии до долины Инда // ВДИ. - М.: 1990, №1.

<sup>5</sup> Tosi M. The Archaeological Evidence for Protostate Structures in Eastern Iran and Central Asia at the End of the 3<sup>rd</sup> Millennium D.C. La plateau Iranien et La Asie centrale des origines a la conquete islamique // CNRS. Paris, 1977.

<sup>6</sup> Wiktor Sarianidi. Margush. Ashgabat, 2002.

ривожланиш йўлига ўтган. Сополли маданиятининг Кўзали даври кулолчилиги намуналарига ўхшаш сополлар мажмуаси Бақтрия ва Марғиёнанинг бошқа худудларида учрамаслиги ва Кўзали кулолчилиги анъанаси фақат Жарқўтон ёдгорлигига хослиги БМАҚни умум термин сифатида қўллаб бўлмаслигини кўрсатади.

Фикримизча, моддий маданият намуналари жуда яқин бўлган ушбу маданиятлар тадкиқотчилар томонидан қандай аталган бўлса шундай қолиши керак, аммо ушбу маданиятлар учун цивилизация терминини қўллаганда, Т.Ш. Ширинов ғоясини қўллаб, Қадимги Турон цивилизацияси деб аталса мақсадга мувофиқ бўлади<sup>1</sup>.

Қадимги Турон цивилизацияси аҳолиси Қадимги Шарқнинг энг ривожланган маданият марказлари ҳамда Евроосиёнинг кўчманчи-чорвадор ҳалқлари билан доимий маданий ва иқтисодий алоқада бўлган. Бу худуд Қадимги Шарқ билан Евроосиё минтақаси ўртасидаги алоқаларда маданий кўприк вазифасини бажарган. Қадимги Турон цивилизацияси Марказий Осиё ҳалқлари ривожланишининг пойдеворини, асосини ташкил этади. Худди шу цивилизация аҳолиси тарихимизда нафакат илк шаҳар маданиятига, балки давлатчиликка ҳам асос солган.

Давлатчиликнинг шаклланиши узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, унинг куртаклари патриархал ва қишлоқ жамоалари давридан бошланади. Ўрта Осиё худудида жамоаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Қадимги Шарқ жамоалари тараққиётига монанд ҳолда ривожланганлиги Жанубий Туркманистон ва Жанубий Ўзбекистоннинг энеолит ва илк бронза даври ёдгорликлари мисолида ўрганилди ва шундай хулосага келиндики, Қадимги Шарқда жамоалар тараққиёти бир текисда ривожланмаган, аммо барча худудларда жамоалар қон-қариндошликка асосланган уруғчилик жамоаси → оила жамоаси → патриархал оила → қишлоқ жамоаси → илк шаҳар каби босқичлардан ўтган.

---

<sup>1</sup> Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии//Автореф. дис... д.и.н. - М.: 1992.

Жамоалар ишлаб чиқариш хўжалигидан иборат бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, жамоа ичида тартибни сақлаш, жамоа аъзоларининг тинчлигини сақлаш ва қўшни жамоалар билан маданий ва иқтисодий алоқалар қилиш каби муносабатларни бажарган. Жамоаларни, айниқса қишлоқ жамоасини бошқаришни бир қолипга солиб бўлмайди. Қишлоқ жамоасини бошқаришда шу қишлоқнинг ишлаб чиқариш усули нимага асосланганлигига асосий эътиборни қаратиш керак. Бунда жамоа аъзоларини жипслаштириб турган дин намоёндаларининг ёки ҳарбийларнинг (куролли кишилар грухси) жамоада тутган ўрнини ҳисобга олиш керак. Жамоаларнинг ривожланиши шуни кўрсатмоқдаки, илк давлат белгилари давлат пайдо бўлмасдан аввал, жамоанинг турли босқичларида пайдо бўлган. Мавжуд бошқарув усули ва унинг такомиллашиб бориши, меҳнат тақсимоти ва маҳсулотларни айрибошлишнинг бошланиши ва ниҳоят жамоалар иттифоқининг шаклланиши давлатчиликка бўлган талабни оширган.

Давлатчиликнинг асосий шартларидан бири у шакланаётган жамоа ижтимоий табақаларга, қоловерса синфий характерга эга бўлиши керак. Археологик жиҳатдан ўрганилаётган маданиятда илк синфий жамият ўрнатилганлигини тўртта археологик белги асосида кузатиш мумкин:

1. Ёдгорликлар иерархиясининг кузатилиши;
2. Қабрларда учрайдиган археологик топилмаларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари;
3. Ривожланган ҳунармандчилик;
4. Илк шаҳар маданиятининг шаклланиши.

В.М. Массоннинг таъкидлашича кўрсатиб ўтилган мана шу тўртта археологик белгидан биронтаси аниқланмаса, иқтисоди деҳқончиликка асосланган маданиятда илк синфий жамият ўрнатилган деб бўлмайди. Сополли маданиятининг Жарқўтон ёдгорлигига юқорида кўрсатиб ўтилган барча археологик белгиларнинг мавжудлиги Ўзбекистон худудида бронза даврида илк синфий муносабатларнинг шаклланиши ва шу асосда илк давлатларнинг пайдо бўлиши масаласини ўрганишга имконият яратди.

Сўнгги йилларда бронза ва илк темир даври ёдгорликларида олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, илк шаҳарлар илк давлатларнинг маркази сифатида пайдо бўлган. Уларнинг ривожланиши ҳам бир-бирига боғлиқ ҳолда кечган. Шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини яхлит бир муаммо сифатида ўрганишни таклиф қилган ҳолда уларнинг ривожланишини қуидаги даврий босқичларга бўлинди:

1. Илк дехқончилик воҳалари доирасида таркиб топган шаҳар-давлатлар. Бу давр шаҳар-давлатлари мил.ав. II. минг йиллиқда ташкил топган (Жарқўтон, Дашли I).

2. Худудий давлат маркази ролини бажарган шаҳарлар. Бу давр шаҳарлари асосан мил.ав. I минг йиллик бошларида таркиб топган. Бу даврда битта ҳудудий давлат доирасида факат битта шаҳарнинг бўлиши характерлидир (Қизилтепа, Жондавлаттепа, Хайтободтепа).


3. Марказлашган давлатлар, империялар даври шаҳарлари. Ўрта Осиё ҳудудларида Қадимги Бақтрия, «Катта Хоразм» подшоҳликларининг вужудга келиши ва бу подшоҳликларнинг Аҳамонийлар империяси таркибига кириши билан шаҳарлар тараққиётининг ушбу босқичи бошланади. Марказлашган давлатлар ҳудуди жуда кенг бўлиб, бир ва бир неча ўлкаларни ўз ичига олган. Бу даврга келиб шаҳарлар тоифаларга ажrala бошлади. Марказлашган давлат ёки империя пойтахтлари сифатидаги шаҳарлар (Суза, Персополь), марказлашган давлат ҳудудидаги сатраплик марказлари (Бақтр). Сатрапликлар ҳудудидаги шаҳарларни сиёсий мавқеига ва иқтисодий имкониятига қараб катта ёки кичик шаҳарларга ажратиш мумкин (Афросиёб, Қизилтепа, Хайтободтепа, Кўктепа каби).

Ўрта Осиё халқлари тарихида илк давлатлар типологиясига жуда кам эътибор берилган, айтиш мумкинки бу мавзу деярли тадқиқ этилмаган. Шунинг учун бу боради Қадимги Шарқ тарихи бўйича бажарилган илмий ишланмаларга мурожаат этдик<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Дьяконов И.М.: Якобсон В.А. «Номовые государства» ... - С. 3-11

Месопотамияда илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши археологик ва ёзма манбалар асосида ўрганилган. Месопотамия илк давлатлари тарихини ўрганиш учун ишлаб чиқилган типология сўнгги йилларда кўпгина қадимги цивилизациялар учун ҳам қўлланилаяпти<sup>1</sup>. Бу илмий ишланмага мувофиқ Месопотамия илк давлатлари «шаҳар-давлатлар», «худудий давлатлар» ва «империялар» босқичларидан ўтган. Ушбу илмий ишланмани ўзбек давлатчилигининг шаклланиш даврлари ва ривожланиш босқичлари учун ҳам қўлладик. Археологик манбалар бу усул ўзбек давлатчилигининг илк босқичларини ўрганиш учун мос келишини кўрсатди.

Жамоаларни ва илк давлатларни бошқаришда муҳим рол ўйнаган диннинг ривожланиши жамоалар ва илк давлатларнинг ривожланиши билан ҳамоҳанг ривожланганлиги кузатилди ва қўйидаги кўринишни олди:



Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, диссертацияда биринчи марта илк давлатларнинг 24 та археологик белгиси ва шу белгилар асосида 11 та ижтимоий белгиси ишлаб чиқилди. Шу археологик ва ижтимоий белгилар асосида Жарқўтон ёдгорлиги илк давлатларнинг шаҳар-давлатлар тоифасига оидлиги кўрсатиб ўтилди.

<sup>1</sup> Гуляев В.И. Типология древних государств: Месопотамия и Мезамерика // Древние цивилизации Востока (Материалы II Советско-американского симпозиума). - Ташкент. ФАН, 1986. - С.76-77.

Диссертацияда нафақат илк давлатчилик муаммолари, балки шу муаммо билан боғлиқ бўлган археологик муаммолар ҳам ўз ечимини топди. Жумладан, сўнгги йилларда Жарқўтон ёдгорлиги бўйича 23 та радиокарбон анализи ўтказилди. Бу анализлар Сополли маданиятининг умумий ёшини қадимилаштириш учун янги маълумотлар берди. Қадимги Шарқ ёдгорликларида маданиятлараро тарқалган археологик манбалар, яъни хлорид тошдан, алебастран, фил суюгидан ясалган топилмалар ёрдамида ҳам Сополли маданияти ёшини қадимилаштириш имконияти туғилди.

Сополли маданияти мил.ав. XIV аср охирида инқирозга юз тутгани ва шу даврдан бошлаб бу ерда Кучуктепа маданиятининг тарқалганлиги янги археологик манбалар асосида тасдиқланди. Кучук I даври учта қурилиш даври давомида фаолият этади. Мил.ав. X асрда Қадимги Бақтрия маданиятининг тўлиқ шаклланганлигини кўрамиз. Кучук II, Кучук III ва Кучук IV даврлари ҳам янги стратиграфик маълумотлар асосида кўриб чиқилди ва Шимолий Бақтриянинг бронза ва илк темир даври ёдгорликлари учун қуйидаги хронологик жадвал таклиф этилди:

Шимолий Бақтриянинг бронза ва илк темир даври маданиятлари ва уларнинг хронологик босқичлари		Даврий санаси мил.ав.
Сополли маданияти	Сополли босқичи	XXII аср ярмидан XX аср
	Жарқўтон босқичи	XIX-XVII асрлар
	Кўзали босқичи	XVI аср
	Мўлали босқичи	XV аср
	Бўстон босқичи	XIV аср
Кучуктепа маданияти	Кучук I	XIII-XI асрлар
Қадимги бақтрия Маданияти	Кучук II	X асрдан VIII асрнинг ярмигача
	Кучук III	VIII аср ярмидан VI аср ярмигача
	Кучук IV	VI асрнинг иккинчи ярми V аср
Илк антик даврга ўтиш даври		IV асрнинг биринчи ярми

Жарқўтон ёдгорлигининг тарихий топографияси Қадимги Шарқ шаҳар-давлатлари топографиясига монандлиги кузатилди. Унинг аҳолиси

хунармандчилик, меморчилик, заргарлик, металсозлик, санъат соҳасида эришган ютуқлари жиҳатидан Қадимги Шарқ шаҳар-давлатлари аҳолиси билан бир хил ривожланиш даражасида бўлган.

Жарқўтон шаҳар-давлати «Жарқўтон олов ибодатхонаси»дан бошқарилган. №6 тепаликда жойлашган монументал ишоот нафақат ибодатхона, балки сарой-ибодатхона вазифасини ўтаган. Бу бинони сарой-ибодатхона деб аташ меморий ечим ва жамоанинг ижтимоий қатламлари жиҳатидан ҳам тўғри келади. Илк синфий муносабатларнинг шаклланиши даврида ҳукмдорлар ва коҳинлар алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида бўлинмаганлигини инобатга олсак биз чиқарган хулоса тарихий эканлиги кўринади.

Илк давлатларнинг шаклланиши билан диннинг ҳам марказлашув жараёни кечиши табиий ҳол, албатта. Жарқўтон сарой-ибодатхонасининг бунёд этилиши бу фикрнинг исботидир. Шу билан бир қаторда жамоалар сифиниб келган жамоа динлари ҳам сақланиб қолаверади. Зоолатирик ва аждодлар руҳига ибодат каби дин турлари Жарқўтонда анча ривожланганлиги ашёвий манбалар асосида ёритилди.

Цивилизациянинг асосий кўриниши бўлган ёзув ҳам Сополли маданияти даврида кашф этилган. Бу пиктографик белгили ёзув бўлиб, Жарқўтон сополларида шундай белгиларнинг 47 та хили аниқланди. Бу белгиларнинг тарқалиш географияси анча кенг бўлиб, Ўрта Осиёнинг жануби, Шимолий Афғонистон, Марказий ва Шимолий Эрон бронза даври ёдгорликларида учрайди ва бир-бирига ўхшашлиги билан характерланади.

Диссертацияда шахсий мулк ва давлатчиликнинг археологик белгиси сифатида эътироф этилаётган Сополли маданияти муҳрлари биринчи марта типологик классификация қилинди. Улар Сополли маданияти анъаналари асосида ясалган ва маданиятлар аро тарқалган муҳрларга ажратилди. Муҳрлар илгари айтилиб келинаётганидек, Сополли маданияти сўнггида эмас, балки Кўзали даврида ҳаёт тарзидан чиқиб кетганлиги аниқланди.

Сополли маданияти аҳолиси халқаро алоқаларга ҳам асос солган. Хараппа, Қадимги Эрон, Андроново маданиятлари билан бевосита, Сурия, Хетт, Месопотамия билан эса билвосита маданий алоқада бўлганлиги янги ашёвий манбалар асосида кўрсатилди.

Сополли маданияти аҳолиси Анов-Номозгоҳ, Мурғоб, Даштли, Марказий ва Шимолий Эрон аҳолиси билан бир этник гуруҳни ташкил этган. Жарқўтон аҳолиси европоид ирқига оид бўлиб, қирра бурун, соч - соқоллари қора кишилар бўлган. Мумкинки, қадимги Эрон тил лаҳжаларидан бирида гаплашган. Шу тил асосида Қадимги Бақтрия ва «Авеста» тили шаклланган.

Сополли ва унга турдош бўлган Номозгоҳ, Даштли маданиятлари иирик давлатчилик сиёсатининг ўрнатилмаганлиги сабабли инқирозга юз тутган. Сополли маданияти даврида иқтисодий жиҳатдан бир-бирига қарам бўлмаган жамоа тинч йўл билан янги дарё ўзанлари томон тарқаб кетган. Натижада, Бақтрия, Марғиёна ҳудудларида Кучуктепа, Ёздепе маданиятлари даврида кичик-кичик, умумий майдони 0,6 - 1,5 гектарлик ёдгорликлар пайдо бўлган.

Сополли ва унга турдош маданиятларнинг инқирози натижасида шаҳар-давлатларнинг фаолияти тугаб, Кучук Ідаврида «ном» типидаги ҳудудий давлатлар шаклланади. Бу митти давлатларнинг маркази вазифасини Кучуктепа, Бандиҳон I, Қизилтепа сингари аркли ёдгорликлар бажарган. Ҳудудлари эса бир ёки бир неча кичик дарё ўзанларини бирлаштирган.

Сополли ва унга турдош маданиятларнинг сопол буюмлари шаклларининг бир хиллиги ва сифатлилиги кулолчилик билан фақат бир гуруҳ кулоллар шуғулланганлигини кўрсатади. Кучуктепа маданияти даврида эса тарқалиб кетган ҳар бир жамоанинг ўзи қулолчилик билан шуғулланишга мажбур бўлган. Шунинг учун бу давр қулолчилик ашёлари сифат жиҳатидан қўпол ва шакллари жуда оддийдир.

Сополли маданияти даврида зардуштийлик динининг айrim кўринишлари пайдо бўлишини инобатга олиб, илк зардуштийлик урф одатларининг пайдо бўлиши даври деб атадик. Зардуштийлик динининг

ривожланишидаги иккинчи босқични «Заратуштра» даври дейилди. Бу давр мил.ав. II минг йилликнинг сўнгги чораги ва Аҳамонийлар босқинигача бўлган даврни ўз ичига олади. Кейинги даврлар Аҳамонийлар даврида зароастризм, Сакистон зароастризми ва Сосонийлар даврида зароастризм деб аталади.

«Авеста»ни тарихий манба сифатида француз, немис, америка, рус ва инглиз олимлари чуқур ўрганиб келмоқда, лекин унда келтириладиган моддий маданият ҳақидаги маълумотларни фақат Ўрта Осиё археологлари археология маълумотлари билан таққослаб ўрганиш имкониятига эга. Диссертацияда биринчи марта шу ишга қўл урилди. Бу билан «Авеста» даври тарихини ўрганишда янги йўналиш бошланди. Натижада, «Авеста»нинг энг қадимги қисмларида Ёз I даври воқеликлари куйланганлиги ойдинлашди.

«Авеста»нинг Яшт китобида эсланадиган Парадата (Паретака), Атвийа, Хайана, Кави ва Тур каби юрт номларини шаклланиб келаётган «ном» типидаги ҳудудий давлатлар сифатида қабул қилишни таклиф этдик. Фикримизча, шу ва шу каби ҳудудий давлатлар асосида Вандидотда ёзилган Аряна-Вайджа (Арийлар юрти), Гава Сугда (Сўғд), Мору (Марғиёна), Бахди (Бақтрия), Хоройу (Хваразм) каби шоҳликлар-давлатлар пайдо бўлган.

Бугунги кунга келиб, мавжуд ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлар натижасида олинган илмий маълумотлар асосида ишонч билан айтиш мумкинки, Аҳамонийлар империясига қадар Бақтрия, Хваразм каби подшоҳликлар мавжуд бўлган.

Қадимги Бақтрия маданиятининг шаклланиши мобайнида «ном» типидаги ҳудудий давлатларнинг такомиллашув жараёни кечади. Йирик, кучли мудофааланган шаҳарлар пайдо бўлади (Жондавлат, Ҳайитобод, Қизилтепа), бу шаҳарлар савдо йўллари устида жойлашганлиги билан характерланади. Агар Кучук Ідаврида шаклланган «ном» типидаги давлатлар кичик дарё ўзанларида яшаган аҳолини бирлаштирган бўлса, Қадимги Бақтрия маданияти даврига келиб, ҳудудий давлатлар йирик, яъни бутун бир деҳқончилик ўлкаси ҳудудларини бирлаштирган (Сурхон, Шеробод,

Кофирихион, Вахш). Шу дәхқончилик ўлкалари сиёсий жиҳатдан бирикиб, Қадимги Бақтрия каби йирик подшоҳликларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Қадимги Бақтрия маданияти даврида кўплаб йирик каналларнинг қазилганлиги марказлашган давлатнинг пайдо бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бақтрияning сўнгги бронза ва илк темир даври ёдгорликлари стратиграфияси шуни тасдиқлайдики, Қадимги Бақтрия маданияти (қучук II-III) қучуктепа маданияти асосида, Сополли маданияти анъаналарининг тикланиши натижасида пайдо бўлган.

Эрон Аҳамонийларининг Ўрта Осиёни босиб олишлари натижасида бу юрт ҳалқлари давлатчилиги тарихида империя босқичи бошланади. Ўрта Осиёга Аҳамонийлар даврида давлатчилик бошқарувининг илғор усуллари кириб келган деган советлар даври тарихчиларининг айрим қарашларига танқидий муносабатда бўлишга мажбур бўлдик. Аҳамоний шоҳаншоҳларнинг империяни бошқаришда олиб борган ишларининг тарихда номаълум томонлари ёритилди. Айниқса, рус тарихшунослигида Аҳамонийлар империясида ягона ёзув - оромий ёзуви қўлланилган деган маълумотларнинг ёлғон эканлиги ишончли маълумотлар асосида очиб берилди. Аҳамонийлар даврига оид археологик манбаларга қараганда, бу даврда моддий маданият ҳеч бир ўзгармасдан ерли маҳаллий ҳалқ анъаналари асосида ривожланган. Бильъакс, Ўрта Осиёликлар яратган зардуштийлик дини Аҳамонийларнинг давлат динига айланганлиги, бақтрияликлар куролларининг аҳамонийлар армиясининг асосий ҳарбий куролига айланганлиги ҳам маълум. Демак, Ўрта Осиёликларнинг Аҳамонийлар империясида ўз ўрни бўлган ва факат сиёсий жиҳатдан уларга бўйсунган.

Аҳамонийларнинг давлатни идора қилиш усули ҳақиқий ҳарбий деспотизмдир. Негаки, Аҳамонийларга давлатни идора қилишнинг қонун

чиқарувчи, ижро ёки суд органлари каби бошқарув усуллари умуман бегона бўлган. Шоҳ ёки шоҳлар шоҳи барча ҳокимият эгаси ҳисобланган.

Янги маълумотларга кўра Кичик Осиёда канцелярия ишлари грек тилида, Каппадокия, Киликия, Сурия ва Фаластинда Оромий тилида олиб борилган, Мисрда эса Фиръавнлар замонидан қўлланиб келинаётган иероглифика давом этган бўлса, форсларда ва Ўрта Осиёда миххатсимон ва оромий ёзувлари қўлланилган. Бу маълумотдан шундай хulosса қилиш мумкинки, Аҳамонийлар империяси ҳудудида ягона оромий тили канцелярия тили вазифасини бажармаган.

Аҳамонийлар империяси даврида Бақтрия ҳудудида 11 та дехқончилик ўлкасининг фаолият этганлиги кузатилди. Ҳар бир дехқончилик ўлкасини Бақтрия сатраплиги ҳудудидаги маҳаллий амалдорлар бошқарган кичик иқтисодий бирлашма сифатида эътироф этиш мумкин. Негаки, ҳар бир дехқончилик ўлкасида биттадан шаҳар ва шу шаҳарлар атрофида 4-11 тагача қишлоқ типидаги ёдгорликларнинг жойлашганлигини кузатишимиш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўрта Осиё халқлари мил.ав. VI-IV асрларда Аҳамонийлар империяси таркибиға кирган бўлса-да, унинг моддий маданияти намуналарида, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларида аҳамонийларнинг маданий таъсири сезилмайди. Ўзгаришлар географик бўлиниш ва сиёсий бошқарув соҳаларида амалга оширилган.

Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши борасида айтилган қисқача фикрлар шулардан иборат. Президентимиз ўз асарларида тарихни ёритишида бирёқламаликка, субъектив фикрларга йўл қўймаслик керак, «фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хulosаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади»<sup>1</sup> деб ёзадилар. Шундай экан муаллиф бажарилган иш бўйича холисона танқидни, фикр ва мулоҳазаларни қабул қиласи, тоқи бу танқид ва мулоҳазалар фанимиз ривожига, ёритилаётган мавзунинг янада ишончлироқ бўлишига ҳизмат қилсин.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. - Тошкент, Ўзбекистон, 1999. -Б. 134.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ**

### **1. Президент асарлари:**

1.1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Тошкент. - 1999. – Б. 138.

### **2. Манбалар:**

2.1. «Авесто» Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. - Тошкент, Шарқ, 2001.

2.2. «Авеста». Видевдат. М. Исҳоқов таржимаси. - Тошкент, Шарқ, 2008.

2.3. «Атхарваведе» I. II.

2.4. Арриан. Поход Александра. Пер. М.Е.Сергеенко. - М.:Л., 1962.

2.5. Брихаспати XVII.

2.6. Вишну V.

2.7. Геродот. История в девяти книгах. Пер. Г.А. Страновского. - Л., 1972.

2.8. Диодор. Историческая библиотека. Кн. 17. Пер. М.Е. Сергеенко.

2.9. Законы вавилонского царя Хаммурапи // Хрестоматия по истории древнего Востока. - М.: 1980. Часть I.

2.10. Ксенофонт. I.

2.11. «Ману» VIII.

2.12. Помпей Трог I.

2.13. Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. Под. ред. В.С. Соколова, М.: 1963.

### **3. Монография, рисола ва тўпламлар:**

3.1. Абаев В.И. Антидэвовская надпись Ксеркса // Иранские Ёзыки. Труды Института Ёзыка и мышления АН СССР. Т.І. - М.: Л., 1945. - С. 104-140.

3.2. Абаев В.И. Надпись Дария о сооружении дворца в Сузе // Иранские Ёзыки. - М.: Л., 1945. - С. 85-130.

3.3. Абаев В.И.. Скифский быт и реформа Зороастра // Archiv Orientalni, XXIV, 1956. - С.23-56.

3.4. Дъяконов М.М. Очерк истории древнего Ирана. - М.: 1961. – 273 с.

3.5. 3.6. Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент, Akademiya, 2009. – 142 б.

3.7. Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры // Российские вести. Вып. 4. - С. 63-70;

3.8. Аванесова Н.А. Новые памятники андроновской культурно-исторической общности Узбекистана // Достижения советской археологии в XI пятилетке. Тезисы докладов. - Баку, 1985. – С. 191-197;

3.9. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи. - Тошкент, 1964. – 517 б.

3.10. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент, 2000. 157 б.

- 3.11. Акишев К.А. Образ верблюда в легендах Центральной Азии // Этнография народов Сибири. - Новосибирск, 1984. - С. 71-80.
- 3.12. Андрианов Б.В Неоседлое население мира (Историко-этнографическое исследование). - М.: 1985. – 351 с.
- 3.13. Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. - М.: 1969. – 257 с.
- 3.14. Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств (На примере Средней Азии) // От доклассовых обществ к раннеклассовым. - М.: Наука, 1987. - С. 93-114.
- 3.15. Анорбоев А, Исломов У, Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. - Тошкент, Фан, 2001. 87 б.
- 3.16. Антонова Е.В. Контакты Месопотами с восточными землями в IV-III тыс.до н.э // Азия диалог цивилизаций. - С. Петербург, 1996. - С. 197-240.
- 3.17. Аскаров А. Орийлар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндошувлар. Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. - Тошкент, Фан, 2005. – Б. 69-80.
- 3.18. Аскаров А.А, Буряков Ю.Ф, Квирквелия О.Р, Радилловский В.В. Теоретические и методологические проблемы исследования в археологии. - Ташкент, Фан, 1988. – 214 с.
- 3.19. Аскаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. – 1993. – 187с;
- 3.20. Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. – Тошкент, Фан, 1977. – 248 с.
- 3.21. Аскаров А.А. Исконная ... ИМКУ, Вып.32. – С.58-69.
- 3.22. Аскаров А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа // Этнография и археология Средней Азии. - М.: 1979. - С. 34-37.
- 3.23. Аскаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎзР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишиланган халқаро илмий анжуман материаллари. - Тошкент, 2004. – Б. 76-84.
- 3.24. Аскаров А.А. Проблема становления раннегородской культуры на юге Узбекистана и ее свўзи с Индостаном // Древние культуры Средней Азии и Индии. - Ташкент, 1984. - С. 87-97.
- 3.25. Аскаров А.А. Пшактепа // ИМКУ. Вып, 17. - Ташкент, 1982. - С. 33-37.
- 3.26. Аскаров А.А. Сапаллитепа. - Ташкент, Фан, 1973. – С. 144.
- 3.27. Аскаров А.А. Степные компоненты в комплексах оседлых культур эпохи бронзы в Северной Бактрии // Проблемы древней истории Северного Причерноморья и Средней Азии. - Л., 1980. – С.168-175.
- 3.28. Аскаров А.А. Южный Узбекистан во II тысячелетии до н.э // Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. Труды международного симпозиума по этническим проблемам истории

Центральной Азии в древности (II тыс. до н.э.). Душанбе, 17-22 октября 1977 г. - М.: 1981. - С. 167-179.

3.29. Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Тошкент, Фан, 1979. 139 с.

3.30. Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Древнебактрийский храм огня в Южном Узбекистане // Градостроительство и архитектура. - Ташкент, 1989. – С. 22-35.

3.31. Асқаров Аҳмадали. Энг қадимий шаҳар. Тошкент, 2001. 37 б.

3.32. Бартольд В.В. Иран. - Ташкент, 1926. - 317 с.

3.33. Бартольд В.В. К истории персидского эпоса // Записки Восточного отделения Российского Археологического общества. XXII, 1915. - С. 258-259.

3.34. Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Амудары с древнейших времен до XVII в. Соч., Том 3, М.. 1965. - С. 24-75;

3.35. Бердыев О.К. Материальная культура Туркменистана в период неолита и раннего энеолита // Первобытный Туркменистан. - Ашгабад, 1976. – С. 87-91.

3.36. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. - М.: 1960. – 238 с.

3.37. Бичурин Н.Н. Собрание о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М.: - Л., 1950 №2. – 211 с.

3.38. Бобомуллоев С. Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зарафшане // Stratum plus №2. От Балкан до Гималаев: Время цивилизаций. - Санкт-Петербург – Кишинёв - Одесса, 1999. - С. 307-313.

3.39. Бойс М. Зороастрйцы. Верования и обычаи. 3-ое изд. – СП.Б., 1994. – 527 с.

3.40. Бонгард-Левин Г.М, Ильин Г.Ф. Дреная Индия. - М.: 1969. – 366 с.

3.41. Вайман А.А. Урартская иероглифика: расшифровка знака и чнение отдельных надписей // Культура Востока. Древность и раннее средневековье. - Л.: Гос. эрмитажа. 1978. - С. 100-105.

3.42. Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарыкамышской дельты Амудары в 70-80 годах // Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма. - М.: 1991. С. 67-98.

3.43. Вайнберг Б.И. Памятники Куюсайской культуры // Кочевники на границах Хорезма. Тр. ХАЭЭ, XI. - М.: 1979. – С. 37-59.

3.44. Вайнберг Б.И. Памятники скотоводческих племен в левобережном Хорезме // Археология СССР. Степи Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. - М.: 1992. - С. 117-147.

3.45. Вайнберг Б.И. Скотоводческие племена в древнем Хорезме // Культура и искусство древнего Хорезма. - М.: 1981. - С. 95-128.

3.46. Васильев Л.С. Протогосударство - чифдом как политическая структура // Народы Азии и Африки. - М.: 1981, №6. - С. 157-175;

3.47. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья // ТХЭ. Т. XIII, - М.: 1981. - С. 119-160.

3.48. Воробьева М.Г. Дингилдъже. Усадьба середины I тыс. до н.э. в древнем Хорезме. М. 1973. – 154 с.

- 3.49. Воробьева М.Г. Керамика с городища Кюзели-Гир // ТХЭ, Том II, М.: 1958. - С. 87-103;
- 3.50. Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. - М.: 1979. - С. 33-42.
- 3.51. Гайбов В.А, Кошеленко Г.А, Бадер, А.Н. Система расселения в Мервском оазисе эпохи бронзы // Проблемы истории, филологии, культуры. Вып.4. Часть 1, История. - Москва-Магнитогорск, 1997. - С. 21-48.
- 3.52. Галибин В.А. Спектральный анализ находок из Сумбарских могильников // Хлопин И.Н. Юга-западная Туркмения в эпохе поздней бронзы. - Л., 1983. - С. 227-234.
- 3.53. Ганялин А.Ф. К стратиграфии Намазга-тепе // ТИИАЭ АН ТССР, II, 1956. - С. 86-97.
- 3.54. Гафуров Б.Г. История Таджикского народа. Т.1. - М.: 1955. – 431с.
- 3.55. Гафуров Б.Г. К 2500 летию Иранского государства // История Иранского государства и культуры. - М.: 1971. - С. 5-37.
- 3.56. Генинг В.Ф. Проблема социальной структуры общества кочевых скифов IV-III вв. до н.э. по археологическим данным // Ф. Энгельс и проблемы истории древних обществ. - Киев, 1984. - С. 215-234.
- 3.57. Генинг И.Ф., Зданович Г.Б., Генинг В.В. Синташта. Т.1, - Челябинск, 1992. – 342 с.
- 3.58. Георгадзе Г.Г. Производство и применение железа в центральной Анатолии по данным хеттских клинописных текстов // Древний Восток (этнокультурные свидетельства). LXXX, М.: 1988. - С. 238-261.
- 3.59. Гончарова Ю.В. К вопросу о классификации дисковидных псалий с шипами эпохи поздней бронзы на территории Восточной Европы // Древние культуры и технологии. Новые исследования молодых археологов Санкт-Петербурга. - СПб, 1996. - С. 34-43;
- 3.60. Гончарова Ю.В. Некоторые аспекты интерпретации погребений с дисковидными псалиями в степной и лесостепной зонах Евразии // Stratum plus №2. От Балкан до Гималаев: Время цивилизаций. - Санкт-Петербург – Кишинёв - Одесса, 1999. - С. 336-348;
- 3.61. Горелик М.В. Оружие Древнего Востока (IV тысячелетие - IV в. до н.э.). - М.: Наука, 1993. – 423 с.
- 3.62. Грантовский Э.А. Иран и иранцы до Ахеменидов. Основные проблемы. Вопросы хронологии. - М.: 1998. - 307.
- 3.63. Грантовский Э.А. Ранняя история иранских племен Передней Азии. - М.: 1970. – 390 с.
- 3.64. Гуляев В.И. Города государства Мая. (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). - М.: 1979. – 219 с.
- 3.65. Гуляев В.И. Типология древних государств: Месопотамия и Мезоамерика // Древние цивилизации Востока. Материалы II Советско-Американского симпозиума. - Ташкент, 1986. - С. 81-85.
- 3.66. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. - Ташкент, Фан, 1957. 341 с.

- 3.67. Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскаров А.А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. - Ташкент, 1966. - 410 с.
- 3.68. Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах (VI в. до н.э.). М.. 1963. – 263 с.
- 3.69. Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. М.: 1980. - С. 340.
- 3.70. Дуке Х. Туябугузские поселения бурглюкской культуры. - Ташкент, 1982. – 98 с.
- 3.71. Дуке Х. Чиракчинское поселение // ИМКУ. Вып.17. - Ташкент, 1982. - С. 19-24.
- 3.72. Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира (К возможности новых постановок вопроса) // История Иранского государства и культуры. - М. 1971. – С. 118-141.
- 3.73. Дьяконов И.М. Истории Мидии. - М.: Л., 1956. – 358 с.
- 3.74. Дьяконов И.М. Ёзыки древней Передней Азии. -М.: 1967. –212 с.
- 3.75. Дьяконов М.М. Археологические работы в нижнем течении реки Кафирниган // МИА., №37, 1958. – С. 178-189.
- 3.76. Дьяконов М.М. Очерк истории Древнего Ирана. - М.: 1961. –264 с.
- 3.77. Елизаренкова Т.Я. Древнейший памятник индийской культуры - Ригведа. - М.: 1972. – 211 с.
- 3.78. Жарқутон-1998. Ўзбек-Олмон археологик экспедициясиning 1998 йилги ҳисоботи. - Самарқанд, 1999. Ўз.Р ФА Археология институти архиви. – 148 б.
- 3.79. Забелина Н.Н. Раскопки на городище Калаи-Мир // МИА, №37, 1958. – С. 190-207.
- 3.80. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып. 118. 1962 – 278 с.
- 3.81. Зданович Д.Г. Синташтинское общество: социальные основы «квазигородской» культуры Южного Зауралья эпохи средней бронзы. - Челябинск, 1997. – 87 с.
- 3.82. Зеймаль Е.В. Амударынский клад. Каталог выставки. - Л., 1979. – 103 с.
- 3.83. Зеймаль Т.И. Древнеземледельческое поселение Болдай-тепе // МКТ, Вып.2, Душанбе, 1971. – С. 32-49.
- 3.84. Зеймаль Т.И. Древние и средневековые каналы Вахшской долины // СНВ. - Вып.10. - М.: 1971. - С. 50-52;
- 3.85. Играг Алиев. Истории Мидии. - Баку, 1960. – 324.
- 3.86. Тревер Г.В. Гопадшах - пастух-царь // ТОВЭ, II, 1940. - С. 85-107.
- 3.87. Илюшечкин В.П. Теория стадийного развития общества. - М.: 1996. – 296 с.
- 3.88. Исаков А.И. Саразм. - Душанбе, 1991. – 328 с.
- 3.89. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандинского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). - Ташкент, 2002. – 227 с.

- 3.90. Исамиддинов М.Х. Некоторые вопросы этногенеза и этнической истории Средней Азии // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. - Ташкент, Фан, 2005. - С. 135-144.
- 3.91. Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган. - Ташкент. 1984. – 162 с.
- 3.92. История государственности Узбекистана. - Том I. – Ташкент, Узбекистан. – 2009. – 560 с.
- 3.93. История древнего Востока. Зарождение древнейших классовых обществ и первые очаги рабовладельческой цивилизации. Часть первая. Месопотамия. Под. Ред. И.М.Дьяконова. - М.: 1983.
- 3.94. История древнего мира. Часть I. – М.: 1983. – С. 148.
- 3.95. История таджикского народа. С древнейших времен до V века н.э. Под ред. Б.Г.Гафурова и Б.А.Литвинского, Том I, - М.: 1963. –С. 340.
- 3.96. Исҳоқов М.. «Авесто» - тарих ва маънавий дунёмиз сарчашмаси. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. - Тошкент - Урганч, 2001, - Б. 5-9.
- 3.97. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // ТХАЭЭ, Т. X. - М.: 1977. - С. 217.
- 3.98. Итина М.А. Хорезмская экспедиция - основные итоги и перспективы исследований // Культура и искусство древнего Хорезма. - М.: 1981. - С. 9-78.
- 3.99 Качурис К. Раскопки на Елken-депе в Южной Туркмении // АО, 1966, М.: 1967. - С. 335-336.
- 3.100. Кирчо Л.Б, Попов С.Г. К вопросу о радиоуглеродной хронологии древнейших цивилизаций Средней Азии. // Stratum plus. №2. От Балкан до Гималаев: Время цивилизаций. - Санкт-Петербург, - Кишенёв, - Одесса, 1999. - С. 350-361.
- 3.101. Крадин Н.Н. Вождество: современное состояние и проблемы изучения // Ранние формы политической организации. - М.: Восточная литература РАН, 1995. - С. 11-61.
- 3.102. Крюков М.В. Социальная дифференциация в древнем Китае: Опыт сравнительно-исторической характеристики // Разложение родового строя и формирование классового общества. - М.: Наука, 1968. - С. 199-293.
- 3.103. Кузмина Е.Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. М. 1980. №6. - С. 27-41.
- 3.104. Кузмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 9. -М.: 1985. -С. 43-62.
- 3.105. Кузьмина Е.Е. Арии – путь на юг. - М., - С.Пб. Летний сад, 2009. 557 с.
- 3.106. Кузьмина Е.Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. - М.: 1980. № 6. – С. 76-82.
- 3.107. Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников андроновской культурной общности // Бюллетень Международной

ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып.9. - М.: 1985. - С. 43-58.

- 3.108. Кузьмина Е.Е. Кубкообразные сосуды Казахстана эпохи поздней бронзы // В глубь веков. - Алма-Ата, 1974. - С. 16-23.
- 3.109. Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? М.: 1994. -С. 224.
- 3.110. Лившиц В.А. Древнейшие государственные образования // ИТН. Глава III. – Душанбе, 1963. – С. 65-71.
- 3.111. Литвинский Б.А. Бронзовый век // ИТН. Том I. - М.: 1963. - С. 56-68.
- 3.112. Литвинский Б.А. Древние кочевники «крыша мира». - М.: 1972. – 269 с.
- 3.113. Литвинский Б.А. Древний среднеазиатский город. (Местные традиции и иноземные модели) // Древний Восток. Города и торговля (III-I тыс. до н.э.). - Ереван, 1973. С.131-143.
- 3.114. Литвинский Б.А. Проблемы этнической истории древней и раннесредневековой Ферганы // История культуры народов Средней Азии. - М.: 1976. – С. 45-68.
- 3.115. Литвинский Б.А., Окладников А.П., Ранов.В.А. Древности Кайрак-Кумов. - Душанбе, 1962. – 222 с.
- 3.116. Маккей Э. Древнейшая культура долины Инда. -М.: 1951. –217 с.
- 3.117. Мамбетуллаев М. Хум с городище Айбуйир-кала с древнейшей надписью в Средней Азии // Вестник Каракалпакского филиала АН Уз ССР. 1979. №1. - С. 46-48.
- 3.118. Маргулан А.Х., Акишев К.А., Кадырбаев М.К., Оразбаев А.М. Древняя культура Центрального Казахстана. - Алма-Ата, 1966. - С. 376.
- 3.119. Марущенко А.А. Елken-депе // ТИИАЭ АН ТССР, V, 1959. - С. 61-72;
- 3.120. Масимов И.С. Жилой дом на Келлели // Памятники Туркменистана. №2, 1984. - С. 16-28;
- 3.121. Масимов И.С. Новые исследования памятников эпохи бронзы на Мургабе // Древние цивилизации Востока. - Ташкент, 1986. - С. 171-181,
- 3.122. Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. – 324 с.
- 3.123. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959 . - № 73. – 239 с.
- 3.124. Массон В.М. Древние цивилизации востока и степные племена в свете данных археологии // Stratum plus. №2. От Балкан до Гималаев: Время цивилизаций. - Санкт-Петербург. – Кишинев. – Одесса, 1999. - С. 265-297.
- 3.125. Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес // Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. - М.: 1967. -С. 173- 182.
- 3.126. Массон В.М. Комплексы типа Ёз I // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – Л.: 1966. – С. 173-197.
- 3.127. Массон В.М. Основные направления культурно-исторического процесса // Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М.. Наука, 1981. - С. 31-48.

- 3.128. Массон В.М. Первые цивилизации. - Л.: 1989. – С. 291.
- 3.129. Массон В.М. Поселение Джейтун. - Л., 1971. – С . 324.
- 3.130. Массон В.М. Поход Александра Македонского в Среднюю Азию // ИТССР, 1957. - С. 65-78.
- 3.131. Массон В.М. Протобактрийский блок древневосточных цивилизаций (К выходу книги: Amiet P. L'age des échanges inter-iraniens 3500-3700 avant J.-C. Paris, 1986) // Информационный бюллетень МАИКЦА Вып.14, М.: 1988. – С. 56-78.
- 3.132. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. - М.: -Л., 1962. – 423 с.
- 3.133. Массон В.М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток и античный мир. - М.: МГУ, 1980. - С. 12-40.
- 3.134. Массон В.М. Экономические предпосылки сложения классового общества // Ленинские идеи в изучении истории первобытного общества, рабавладения и феодализма. - М.: Наука, 1970. - С. 58-75.
- 3.135. Массон В.М. Экономический и социальный строй древних обществ. - Л., Наука, 1976. - С. 184.
- 3.136. Матбабаев Б.Х. Некоторые итоги сравнительного изучения расписной керамики чустской культуры // ИМКУ. - Самарканд, 1999. Вып. 30. - С. 41-51.
- 3.137. Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. - Ташкент, Фан, 2003. - С. 210.
- 3.138. Мери Бойс. Зороастрцы. Верования и обычаи. - М. 1987. - С. 556.
- 3.139. Мухаммаджонов А.Р. Қўйи Зарафшон водийсининг сурорилиш тарихи. - Тошкент, Фан, 1972. - 368 б.
- 3.140. Окладников А.П. Исследование мустьевской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш. Южный Узбекистан. Тешик-Таш. Палеолитический человек. - М.: 1949. – 283 с.
- 3.141. Оранский И.М. Изучение памятников древнеиранской письменности в СССР (1917-1970) // История Иранского государства и культуры (К 2500 - летию Иранского государства). - М.: 1971. - С. 45-69.
- 3.142. Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. - Киев, 1989. – 172 с.
- 3.143. Переломов Л.С. Империя Цинь. - М.: 1962. – 295 с.
- Першиц А.И. Вождество. Свод этнографических понятий и терминов // Социально- экономические отношения и соционормативная культура. - М.: 1986. - С. 24-35.
- 3.144. Першиц А.И. К вопросу о социальных отношениях у кочевников // Основные проблемы африканистики: Этнография. История. Филология. - М.: Наука, 1973. - С. 3-23.
- 3.145. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия - Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). - Ташкент, 1990. - 238 с.

- 3.146. Пьянков И.В. Некоторые вопросы этнической предистории таджикского народа // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. II. История и археология. – М.: 1990. - С. 50-69.
- 3.147. Пьянков В.И. Река Ох и Арьяна Вайджа // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом Востоке. - М.: 1983. - С. 234-248.
- 3.148. Пьянков И.В. Некоторые вопросы этнической предыстории таджикского народа // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. II. История и археология. - М.: 1990. – С. 224-232;
- 3.149. Пьянков И.В. Средняя Азия в Ахеменидскую эпоху // ИТН, Глава V, Душанбе, 1998. - С. 166-191.
- 3.150. Пьянкова Л.Т. Древние стотоводы Южного Таджикистана. - Душанбе, Дониш, 1989. – 208 с.
- 3.151. Пьянкова Л.Т. К вопросу о семейных и общественных отношениях в эпоху поздней бронзы (по материалам могильников Вахшской культуры) // МКТ. Вып. 4. - Душанбе, 1987. - С. 43-70.
- 3.152. Раимкулов А. А, Исамиддинов М. Х. Турткултепа - новый памятник эпохи финальной бронзы в Южном Согде // Археологические работы на новостройках Узбекистана. - Ташкент, ФАН, 1990. - С. 30-37.
- 3.153. Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. - М.: 1998. – С. 34-56.
- 3.154. Рахманов У. Зооморфные изображения на керамике памятника эпохи бронзы Бустан IV // ИМКУ, Вып.16, - Ташкент, 1981. – 34-41.
- 3.155. Рахманов У. Об орнаментации керамики с поселение Джаркутан // ИМКУ, Вып.17. - Ташкент, 1982. С. 28-33.
- 3.156. Ричард Фрай. Наследие Ирана, М.: 1972. – 271 с.
- 3.157. Ртвеладзе Э.В, Саидов А.Х, Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент, Адолат, - 2001. – 239 б.
- 3.158. Ртвеладзе Э.В, Саидов А.Х, Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. - Ташкент, 2000. – 234 с.
- 3.159. Ртвеладзе Э.В. К вопросу о субстратном Ёзыке юга Средней Азии (III-II тыс.до н.э.) // Тарих, Мустақиллик, Миллий ғоя (Республика иммий назарий анжумани материаллари). - Тошкент, Академия, 2001. - С. 124-129.
- 3.160. Ртвеладзе Э.В. Ксениппа-Паретака // Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. - Л., 1981. – С. 156-161.
- 3.161. Ртвеладзе Э.В. Новые бактрийские памятники на юге Узбекистана // ИМКУ. Вып.21. - Ташкент, 1987. – С. 32-38.
- 3.162. Ртвеладзе Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана // Бактрийские древности. - Л., 1976. - С. 95-102.
- 3.163. Ртвеладзе Э.В. Разведочное изучение памятников на юге Узбекистана // Древняя Бактрия. - Л., 1974. – С. 13-18.

- 3.164. Сагдуллаев А, Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи (қадимги даврдан XIX асрнинг ўрталариға қадар). - Тошкент, 2006. – 139 б.
- 3.165. Сагдуллаев А.С, Аминов Б, Мавлонов Ў, Норкулов Н, Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I-қисм. - Тошкент, Академия, 2000. –131 б.
- 3.166. Сагдуллаев А.С. Вопросы типологии и хронологии древнейших государств Средней Азии // Средняя Азия и мировая цивилизация. – Ташкент. - 1992. – С. 121-133.
- 3.167. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. - Тошкент. Ўқитувчи, 1996. – 78 б.
- 3.168. Сагдуллаев А.С. Проблемы инноваций в Среднеазиатских комплексах эпохи раннего железа // Преемственность и инновация в развитии древних культур. - Л., 1981. - С. 105-112.
- 3.169. Сагдуллаев А.С. Усадьбы Древней Бактрии. - Ташкент, 1987. – 127 с.
- 3.170. Сарианида В.И. Древние земледельцы Афганистана. - М.: Наука, 1977. – 184 с.
- 3.171. Сарианиди В.И, Кошаленко Г.И. Средняя Азия в ранножелезном веке // Археология СССР. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. - М.: 1985. - С. 202-237.
- 3.172. Сарианиди В.И. Amiet P. L'age des échanges inter-iranians 3500-3700 avant J.-C. Paris, 1986 // Информационный бюллетень МАИКЦА Вып.14, М.: 1988. - С. 99-100.
- 3.173. Сарианиди В.И. Змей и драконы в глиптике Бактрии и Маргиании // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и среднего востока. - М.: 1986. - С. 66-71.
- 3.174. Сарианиди В.И. Исследование слоев ранножелезного века на Улуг-депе // АО, 1970. - М.: 1971. - С. 443.
- 3.175. Сарианиди В.И. Исследования памятников Дашилинского оазиса // Древняя Бактрия. Материалы 1969-1973 гг. - М.: Наука, 1976. - С. 21-86.
- 3.176. Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. - Ашгабат, 2002. – 279 с.
- 3.177. Сарианиди В.И. Раскопки Тилля-тепе в северном Афганистане. Вып. I. - М.: 1972. – 97 с.
- 3.178. Сарианиди В.И. Энеолитическое поселение Геоксюр (Результаты работ 1956-1957 гг) // Тр. ЮТАКЕ, Т. Х. Ашгабат, 1960. – С. 34-48.
- 3.179. Смирнов К.Ф, Кузмина Е.Е. Происхождение индоиранцев в свете новейших археологических открытий. - М.: 1977. – 232 с.
- 3.180. Смирнов К.Ф. Вооружение савроматов // МИА, №101. - С. 37-55.
- 3.181. Соколова З.П. Культ животных в регигиях. - М.: 1972. – 149 с.
- 3.182. Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество.-М.: 1992 –182 с.
- 3.183. Струве В.В. Восстание в Маргиане при Дарий I. Материалы ЮТАКЭ. Вып.I, - Ашгабад, 1949. - С. 9-34.

- 3.184. Струве В.В. Древний Иран и Средняя Азия // Всемирная история. Т. 1. - М.: 1955. - С. 490-521.
- 3.185. Струве В.В. Поход Дария I на саков-массагетов. Изв. АН СССР, 1946, №3. - С. 229-250.
- 3.186. Струве В.В. Проблема зарождения, развития и упадка рабовладельческих обществ Древнего Востока // ИГИМК. Вып.77. - Л., 1934. - С. 36-48.
- 3.187. Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. - Л., 1968. – 271.
- 3.188. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. - Ташкент, Фан, 2000. – 592 с.
- 3.189. Т.Я.Елизаренкова. «Ригведа» - великое начало индийской культуры и литературы. Ригведа, Мандалы I-IV. - М.: 1989. - С. 433.
- 3.190. Тереножкин А.И. Согд и Чач // КСИИМКА. 1950. - С. 150-173.
- 3.191. Тойнби А.Ж. Постижение истории. - М.: 1991. – С. 239.
- 3.192. Токаров С.А. Ранние формы религии. - М.:1990. - С. 255.
- 3.193. Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948. - С. 341.
- 3.194. Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. // Труды ХАЭЭ. Т.2, М.: 1958. - С. 149-168.
- 3.195. Тревер К.В. Гопат-шах - Царь-пастух // ТОВЭ. Т.2, 1940. – С. 37-58.
- 3.196. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. - Тошкент: Шарқ, 2001. –176 б.
- 3.197. Фридрих Эньгелс. Оила, хусусий мулк ва давлатларнинг пайдо бўлиши // К Маркс, Ф Энгельс. Асарлар тўплами. Том 21. - С. 169-218.
- 3.198. Хазанов А.М. Социальная история скифов: Основные проблемы развития древних кочевников евразийских степей. - М.: Наука, 1975. - С. 275.
- 3.199. Хиберт Ф, Мур К. Новые стратиграфические раскопки в Гонур-депе(север) // Информационный бюллетень МАИКЦА. Вып.19. 1994. – С. 109-119.
- 3.200. Хиберт Ф. Раскопки жилых кварталов Гонур-депе (северный холм, весна 1989 г) // Информационный бюллетен МАИКЦА. Вып.19. 1994. - С. 120-134.
- 3.201. Хиберт Ф. Хронология Маргианы и радиокарбонные данные. Информационный бюллетень МАИКЦА, 1994. Вып.19. - С.76-108.
- 3.202. Хлопин И.Н. Геоксюрская группа поселений эпохи энеолита. - М.: Л., 1964. – С. 158.
- 3.203. Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. - Ашхабад, 1983. – 168 с.
- 3.204. Хлопин И.Н. О так называемых печатях (Индикатор собственности или штампа) // Проблемы археологии. Вып.II. - Л.,1978. - С. 33-38;
- 3.205. Хлопин И.Н. Образ быка у первобытных земледельцев Средней Азии // Древний Восток и мировая культура. - М.: 1981. - С. 26-30.

- 3.206. Хлопин И.Н. Юга-западная Туркмения В эпохе поздней бронзы. - Л., 1983. - 259 с.
- 3.207. Хужаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракиясая.- Самарканд, 1996. – 198 с.
- 3.208. Хўжаев А, Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. - Тошкент, 2001. 117 б.
- 3.209. Черников С.С. Восточный Казахстан в эпоху бронзы. М.-Л., 1960. – 211 с.
- 3.210. Шайдуллаев Ш.Б, Диетрих Хуфф, К.Рахимов. Жарқутон - 2002 // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. № 2, - Тошкент, 2003. – Б. 17-20.
- Шайдуллаев Ш.Б., Диетрих Хуфф. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ, Вып.30 - Самарканд, 1999. – С. 31-42.
- Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000. – 119 с.
- 3.213. Ширинов Т.Ш. Қадимги Бақтрия подшолиги “Катта Хоразм” // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент, Шарқ, 2001. – Б. 7-13.
- 3.214. Ширинов Т.Ш., Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о хронологической периодизации Кучуктепа // ИМКУ, Вып.22. - Ташкент, Фан, 1988. - С.13-26.
- 3.215. Щетенко Ф.Я. Новые серийное издание по проблематике древнеиндийской цивилизации // Археологические вести. №4. РАН ИИМК, 1995. - С. 244-253.
- 3.216. Щетенко Ф.Я. Первобытный Индостан. – Л., Наука, 1979. - С.187.
- 3.217. Юсифов Ю.Б. Купля-продажа недвижимого имущества и частное землевладение в Эламе II тыс. до н.э. // «КЕИО», XXXVIII, 1960. - С. 5-22.
- 3.218. Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). - М.: 1996. - С. 170.
- 3.219. Якобсон В.А. Межгосударственные отношения и дипломатия на древнем Востоке. - М.: 1987. - С. 158.
- 3.220. Якобсон В.А. Представления о государстве и древней Месопотамии // Древний Восток. Вып.3. - Ереван, 1978. - С. 8-19.
- 3.221. Якобсон В.А. Регулирование международной торговли по законам Хаммурапи // Древний Восток и мировая культура. - М.: 1985. - С. 53-54.
- 3.222. Якобсон В.А. Цари и города Древней Месопатами // Государство и социальные структуры на древнем Востоке. - М.: Наука, 1989. - С. 21-22.

#### **4. Журнал мақолалари:**

- 4.1. Абаев В.И. Два зароастризма в Иране // ВДИ. - М.: 1990, №4. - С. 198-207.
- 4.2. Абаев В.И. Пятый столбец Бехистунской надписи Дария I и Антидэвовская надпись Ксеркса // ВДИ. 1963, №3. - С. 113-118.

- 4.3. Амусина И.Д.. «Народ земли» // ВДИ. - М.: 1955, №2. - С. 14-35.
- 4.4. Анарбоев А.А. Города Северной Ферганы в древности и раннем средневековье // ОНУ, 1-2, 1994. С.31-43.
- 4.5. Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // O'zbekiston tarixi. 2004. № 4.
- 4.6. Антонова Е.В. К проблеме функций печатей ранних земледельцев Востока // СА. №4, 1984. - С. 26-34.
- 4.7. Асқаров А.А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // ЎИФ. 1994. №6.
- 4.8. Байпаков К. Империя древних тюрок // Тюркский мир (Этнополитический и литературно-художественный журнал). - М.: 1999. - № 1-2. - С. 10-12.
- 4.9. Ганялин А.Ф. Раскопки в 1959-1961 гг. на Алтын-депе // СА. - М.: 1967. №4. - С. 216.
- 4.10. Гельцер М.Л. Материалы к изучению социально-экономической структуры Угарита // ВДИ. - М.: 1952, №4. - С. 28-34.
- 4.11. Гельцер М.Л. Некоторые вопросы политической структуры Алалаха // ВДИ. - М.: 1956, №3. - С. 29-36.
- 4.12. Гельцер М.Л. Новые данные о социальной структуре Угарита // ВДИ. - М.: 1954, №4. - С. 72-74.
- 4.13. Георгадзе Г.Г. «Текст Анитты» и некоторые вопросы ранней истории хеттов // ВДИ. - М.: 1965, 4. –С. 3-17.
- 4.14. Гинзбург В.В. Материалы к антропологии гуннов и саков // СЭ. 1946. - № 4. - С. 210.
- 4.15. Горбунова Н.Г. К истории Ферганы в эпоху раннего железа // СА., 1962. № 4.
- 4.16. Гуляев В.И., Гусаков М.Г. Всесоюзная научная конференция «Причины перехода от классовых к раннеклассовым обществам». Москва, 1984 // СА. 1986. - № 1.
- 4.17. Дандамаев М.А. Государства и религия на древнем ближнем Востоке // ВДИ. - М.: 1985, №2. - С. 3-9.
- 4.18. Дандамаев М.А. Социальная сущность переворота Гауматы // ВДИ. 1958, №4. - С. 36-50.
- 4.19. Долуханов П.М., Щетенко А.Я., Тоси М. Серия радиоуглеродных датировок наслойений эпохи бронзы на Намазга-депе // СА. 1985, №4. - С. 118-123.
- 4.20. Дьяконов И. М, Якобсон В. А. «Номовые государства», «территориальные царства», «полисы» и «империи». Проблемы типологии // ВДИ. - М.: - № 2, 1982. - С. 3-12.
- 4.21. Дьяконов И.М. Ассирио-Вавилонские источники по истории Урарту // ВДИ. 1951. - № 2. - С. 335-336.
- 4.22. Дьяконов И.М. Община на древнем востоке в работах Советских исследователей // ВДИ. - М.: 1963, №1. – С. 43-51.
- 4.23. Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА. XIX, 1954. – С. 219-238.

- 4.24. Иванов В.В. О соотношении археологических, лингвистических и культурно-семиотических реконструкций. На материале комплекса Тоголок-21 // ВДИ. - М.: 1989. №2. - С. 173.
- 4.25. Исаков А.И., Потемкина Т.М. Могильник эпохи бронзы в Таджикистане // СА. №2, 1988. – С.198-201.
- 4.26. Итина М.А. Охранные археологические работы в Хорезме: итоги и перспективы // СЭ. - №1. - С. 53.
- 4.27. Кабанов С.К. Изучение стратиграфии городища Афрасиаб // СА. №1, 1969. – Рис. 3,23.
- 4.28. Кошеленко Г.А., Губаев А.Г., Гайбов В.А., Вадер А.Н. Мервский оазис: динамика систем расселения и ирригация // ВДИ. - М.: 1994, №4. - Карты 1-4.
- 4.29. Крюков М.В. Род и государство в иньском Китае // ВДИ. - М.: 1961, №2. - С. 3-22.
- 4.30. Құдратов С. Ўзбекистон худудида илк давлатлар пайдо бўлишининг баъзи масалалари // O'zbekiston tarixi, 1999 . - № 2. – Б. 11.
- 4.31. Кузмина Е.Е. Древнейшая фигурка верблюда из Оренбургской области и проблема доместикации бактрианов // СА. 1963. №2. - С. 39.
- 4.32. Кузмина Е.Е. Культура Свата и ее свЁзи с Северной Бактрией // КСИА. Вып.132, - М.: 1972. - С. 137-138.
- 4.33. Кузьмина Е.Е. Бактрийский мираж и археологическая действительность // ВДИ. - М.: 1978. - № 2. – С. 198-211.
- 4.34. Кузьмина Е.Е. Могильник Замон-баба // СЭ, 1958 . - № 2. - С. 31;
- 4.35. Кузьмина Е.Е. Некоторые спорные вопросы истории первобытной культуры в низовьях Зарафшана // СА, 1968. - № 2. - С. 309.
- 4.36. Ламберг-Карловски К.К. Модели взаимодействия в III тысячелетии до н.э.: от Месопотамии до долины Инда // ВДИ. - М.: 1990, №1.
- 4.37. Массон В.М. Печатиprotoиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока) // ВДИ. - М.: 1977, №4. – С. 192-208.
- 4.38. Мандельштам А.М. Новые погребения срубного типа в Южной Туркмени // КСИА, 112, М.: 1967. – С. 14-19.
- 4.39. Мандельштам А.М. Погребения срубного типа в Южной Туркмени // КСИА, 108, М.: 1966. - С. 28-33.
- 4.40. Масимов И.С. Изучение памятников эпохи бронзы низовьев Мургаба // СА. - М.: 1979, №1. - Рис.1.
- 4.41. Масимов И.С. Новые находки печатей эпохи бронзы с низовий Мургаба // СА. №2, 1981. - С. 132-150.
- 4.42. Массон В.М. Алтындеpe в эпоху энеолита. // СА,1977, №3. - С. 165-171.
- 4.43. Массон В.М. Джейтун и Карадепе // СА. - М.: 1957, №1. – С. 167-174.
- 4.44. Массон В.М. Печатиprotoиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока) // ВДИ. - М.: 1977, №4. – С. 185-194.

- 4.45. Массон В.М. Проблема древней Бактрии и новый археологический материал // СА. - М.: 1958. - № 2. – С. 49-65.
- 4.46. Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии // СА. - М.: 1967, №3. - С. 165-190.
- 4.47. Массон В.М. Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке // ВИ, 1967, №5. - С. 82-94.
- 4.48. Массон В.М.. Изучение энеолита и бронзового века Средней Азии // СА. - М.: 1957, №4. – С. 198-211.
- 4.49. Матбобоев Б.Х. К локализации древних городов Ферганы // ОНУ. 1995. - № 9. – С.29-31.
- 4.50. Медведская И.Н. О происхождении бронзовых черешковых наконечников стрел Средней Азии // КСИА, 119, М.: 1969. - С. 62-64.
- 4.51. Пидаев Ш.Р. Открытие нового памятника середины I тысячелетие до н.э. // ОНУз. - № 11, 1973. - С. 77-82.
- 4.52. Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции) // ВДИ. - М.: 1996. №3. - С. 3-23.
- 4.52. Пьянков И.В. Сведения Ктесия о владениях Бардии на востоке Ирана // ВДИ. - М.: 1961 №4. - С. 100.
- 4.53. Рахманов У.В, Шайдуллаев Ш.Б. О влиянии культур степной бронзы на керамические комплексы Сапаллинской культуры // ОНУз, 1985, № 11. - С. 58-63.
- 4.54. Ртвеладзе Э.В. К вопросу о фискальной службе в древней Средней Азии // ОНУз. 1999, . - № 9-10. - С. 55.
- 4.55. Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени // СА. - М.: №2, 1975. – С. 218-226.
- 4.56. Ртвеладзе Э.В. Титулы правителей государств и владений Средней Азии в начале I тыс.до н.э // ОНУ. – 2006. -.№ 5-6. – С. 46-57.
- 4.57. Рубин В.А. Народное собрание в древнем Китае в VII-V вв. до н.э // ВДИ. - М.: 1960, №4. - С. 22-40.
- 4.58. Рузанов В.В. Еще раз о хронологии Чустской культуры ферганы // Российская археология, №4. - М.: 1999. – С. 233-239.
- 4.59. Сагдуллаев А.С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии // СА. - №2. 1982. - С. 229-234.
- 4.60. Сагдуллаев А.С. Некоторые аспекты проблемы происхождения Среднеазиатских комплексов типа Ёз I // СА, 1989, №2. - С. 62.
- 4.61. Сагдуллаев А.С. Поселение раннежелезного века в бассейне Кашкадарья // СА. - М.: №3. 1984. - С. 221-230.
- 4.62. Сарианиди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. 4. 1974. - С.49-71; Ali Hakemi. Sahdad. - Roma, 1977. –Р. 341.
- 4.63. Сарианиди В.И. Культовые здания поселений анауской культуры // СА, 1962, №1. - С.64.
- 4.64. Сарианиди В.И. Некоторые вопросы древней архитектуры энеолитических поселений Геоксюрского оазиса // КСИА, 1962. Вып. 91. - С.29.

- 4.65. Сарианиди В.И. О великом лазуритовом пути на Древнем Востоке // КСИА, вып. 14. 1968. - С. 3-9.
- 4.66. Сарианиди В.И. Об одной группе культовых изделий Бактрии // СА №3, 1979. - С. 262-265.
- 4.67. Сарианиди В.И. Протозороастрыйский храм в Маргиане и проблема возникновения зароастризма // ВДИ. - М.: 1989. №1. - С. 152.
- 4.68. Сарианиди В.И. Сельский храм Тоголок I в Маргиане // ВДИ. - М.: 1990, №2. - С. 10-13.
- 4.69. Сарианиди В.И. Сиро-Хеттское происхождение Бактрийско-Маргианской глиптики // ВДИ. - М.: №1, 1999. - С. 55.
- 4.70. Саркисян Г.Х. Самоуправляющийся город Селевкидской Вавилонии // ВДИ. - М.: 1952, №1. - С. 68-83.
- 4.71. Т.В.Степучина. К вопросу о социально-экономических отношениях в Китае в XIV-XII вв. до н.э // ВДИ. - М.: 1950, №2. - С. 56-76.
- 4.72. Толстов С.П. Основные вопросы древней истории Средней Азии // ВДИ. 1938 . - № 1. - С. 183.
- 4.73. Толстов С.П., Итина М.А. Проблема суюрганской культуры // СА. - М.: №1, 1960. - С.31-35.
- 4.74. Толстов С.П., Итина М.А. Саки низовьев Сыр-дарьи // СА. - М.: 1966, №2. - С. 62.
- 4.75. Тревер К.В. Александр Македонский в Согде // ВИ, 1947, №5. – С. 21-36.
- 4.76. Тюменов А.И. К Вопросу о наемном труде в царском хозяйстве времени III династи Ура // ВДИ. - М.: 1950, №1. - С. 48-52.
- 4.77. Хазанов А.М. Материнский род у Сарматов // ВДИ. - М.: 1970, №2. - С. 147-148.
- 4.78. Хлобыстина М.Д. Вопросы изучения структуры Андроновских общин «алакульского типа» // СА. - М.: 1975 №4. - С. 26-34.
- 4.79. Ходжаев Т.К. Динамика ареалов антропологических типов на территории Средней Азии (неолит - нач. XX в.) // СЭ. – М.: 1983 - № 3. - С. 101.
- 4.80. Черников С.С. Роль Андроновской культуры в истории Средней Азии и Казахстана // КСИА, 1957, XXXVI.
- 4.81. Шайдуллаев Ш.Б., Аванесова Н.А. Қадимги Бақтрия олтинлари // Фан ва турмуш. 2000, - № 1, - Б. 8.
- 4.82.Шишкина Г.В. О местонахождении Мароканды// СА №1, 1969. - С. 65.
- 4.83. Щетенко А.Я. О торговых путях эпохи бронзы по материалам Туркенистано-Харапских параллелей // КСИА. Вып.122. - М.: 1970. – С. 17-21.
- 4.84. Щетенко А.Я. Обмен и торговля доисторического Индостана // КСИА №138. - М.: 1974. –С.13-22.
- 4.85. Янковская Н.Б. Хурритская Аррапха // ВДИ. М.: 1957, №1. - С. 17-33.

4.86. Янковская Н.Б. Землевладение большесемейных домовых общин в клинописных источниках // ВДИ. - М.: 1959, №1. - С. 35-51.

## **5. Хорижий илмий адабиётлар:**

- 5.1 Adams R.Mc. History patterns of Mesopotamian irrigation agriculture // Irrigation's impact on Society. - Tucson, 1974. – P. 345-357.
- 5.2. Ali Xakemi. Shahdad. - Roma, 1997. – P.439.
- 5.3. Amiet P. Elam and Baktria // Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. - Roma-Venezia, 1989. - P.137-138.
- 5.4. Amiet P. Glyptique Susienne // Des origines a L'epoque des perses Achemenides (MDAI, XLIII). - Paris, 1972. – P. 147-161.
- 5.5 Amiet P. L'age des echanges inter-iraniens 3500-1700 avant. - Paris, 1986. - P.133.
- 5.6. Antonini C.S. Swat and Central Asia // East and west. Vol.19. - Rome, 1969. – P. 101- 119.
- 5.7. Askarov A., Shirinov T. Le temple du feu de Dzarkutan, le plus ancien centre cultuel de la Baktriane septentrionale // Histoire et cultes de L'Asie Centrale preislamique. Actes du Colloque international du CNRS. - Paris, 1991, - P.129-136.
- 5.8. Avanesova N, Šajdullaev Š, Ěrkulov A. Dzam - ein neuer bronzezeitlicher Fundort in der Sogdiana // AMIT. Band 33. - Berlin, 2001. – P.321-337.
- 5.9. Avanesova N.A. Spätbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flussoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // AMIT 29,1997, - P.147-178.
- 5.10. B.B.Lal. Некоторые представления о социальной стратификации и политической системе Индской цивилизации // Harappan studies. Vol.1 Editors G.L.Possehl, M.Tosi. 71 pages. 1993. – Delhi-Bombay-Callcutta. - P. 68-79.
- 5.11. Baghestani Suzanne. Metallene Compartimentsiegel aus Ost-Iran, Zentralasien und Nord-China // Archäologie in Iran und Turan. Band 1. - Leidorf, 1997. - P.250.
- 5.12. Botta. Mémoire sur L'écriture cunéiforme assyrienne. - Paris, 1849.
- 5.13. De Saulcy. Recherches sur L'écriture cunéiforme assyrienne. - Paris, 1849.
- 5.14. Botta. Monuments de Ninive. - Paris, 1850, Vol.5.
- 5.15. Boyce M.A. History of Zoroastrianism. Vol. II. Under the Achaemenians. - Leiden-Köln, 1982, - P.305.
- 5.16. Charpin D. Le clergé d' Ur au siècle d' Hammurabi. - Genève-Paris, 1986. - P.140.
- 5.17. Childe V.G. The urban revolution // Town planning Review. Vol. 21. 1950, - P. 9-16.
- 5.18. Chirshman I. Fouilles de Nad-i Ali dans le Seistan Afghan // Revue des arts asiatiques. 1939, Vol. XIII. №1. - P. 20-34.

- 5.19. Chirshman R. Recherches préhistoriques dans la partie Afghane du Seistan // MDAFA, XVIII. - Paris, 1959. - P. 3-164.
- 5.20. Chirshman R. Village perse-Acheménide. - Paris, 1954. - P. 212.
- 5.21. Cooper J.S. Reconstructing History from Ancient Inscriptions: The Lagash-Umma Border Conflict, Sources from the Ancient Near East. 1983. - P. 217.
- 5.22. Cooper J.S. Gilgamesh and Agga // Journal of Cuneiform Studies. 33. - New Haven, 1981. - P. 198-238.
- 5.23. Cooper J.S., Heimpel W. The Sumerian Sargon Legend // JAOS, 103, 1983 - P.67-82.
- 5.24. Dietrich Huff, Chakir Pidaev, Chapulat Chaydoulaev. Uzbek-German archaeological researches in the Surkan Darya region // La Baktriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie centrale. - Paris, 2001. - Fig.10.
- 5.25. During Caspers E. Some Motifs as Evidence For Maritime Contact Between Sumer and Indus Valley // Persica, V, 1970. - P. 112-134.
- 5.26. E.R.Servis. Primitive social organisation. An evolutionary perspective. - New York, 1971. - P. 68-73
- 5.27. Erzard D.O. Fischer Weltgeschichte. Bd.2, 1965. - P.173.
- 5.28. Fevioli P., Fiandra E. The administrative Functions of Cley Sealings in Prehistoric Iran // Iranica. - Napoli, 1979. -P.121-134.
- 5.29. Finet A. Introduction au colloque. Le trône et la rue en Mésopotamie: l'exaltation du roi et les techniques de l'opposition // Le voix d'opposition en Mésopotamie. - Bruxelles, 1973. - P. 2-27.
- 5.30. Forbes R.J. Metallurgy in Antiquity. - Leiden, 1950, - P.443.
- 5.31. Foucher A. La vieille route de l'Inde Baktres à Taxila. - Paris, 1942. P-149.
- 5.32. Frangfort H.P. Fouilles de Shortugai. Recherches sur l'Asie Centrale protohistoriques. V. I. - P.321; II. - P.239 - Paris: Boccard, 1989.
- 5.33. Frankfort H. Tell Asmar, Khafadje and Khorsabad // OIP, 16, 1933. - P. 3- 52. - Fig. 32.
- 5.34. Frankfort H. The Art and Architecture of the Ancient Orient. - L., 1977. - P. 394.
- 5.35. Görssdorf J.,Huff D. C/14-Datierungen von Materialien aus der Grabung Džarkutan, Uzbekistan // AMIT. Band 33. - Berlin, 2001. - P.75-87.
- 5.36. Garelli. P. Les pouvoirs locaux en Assyrie. Les pouvoirs locaux en Mésopotamie et dans les régions adjacentes. - Bruxelles, 1982. - P.76-91.
- 5.37. Geiger W. Civilization of the Eastern Iranians in Ancient Times. - London, 1985. - V. 45.
- 5.38. Geiger W. Ostiranische Kultur im Altertum. - Erlangen, 1882, - P. 338.
- 5.39. Gelb I.J. The function of language in the cultural process of expansion of Mesopotamian society // City Invincible, and Oriental institute Symposium,1960. - P. 45-61.
- 5.40. Gerold Walser. Persepolis. - Tübingen, 1980. - P.231.
- 5.41. Gershevitch I. The Avestan Hymn to Mithra. – Cambridge, 1959. - P. 298.

- 5.42. Girshman R. *Perse*. - Paris, 1963. - P.263.
- 5.43. Gnoli G. *Zoroaster in History* (Biennial Yarshater Lecture Series, 2) // *Bibliotheca Persica* Press. - New York, 2000. - P. 210- 228.
- 5.44. Goetze A. *Kleinasien*. - München, 1957.
- 5.45. Gupta S.P. *Archaeology of Soviet Central Asia and the Indian Border lands*. Vol.II. B.R. Publishing corporation. - Delhi, 1979. - P.167.
- 5.46. Hakemi A. *Ecriture pictographique decouverte dans les fouilles de Shahdad* // Permanent Bureau of the International Congresses of Iranian Art and Archaeology. - Teheran, 1976, - P. 3-46.
- 5.47. Henning W.B. *Zoroaster: Politican or Witch-doctor?* - Leiden, 1951. - P.143.
- 5.48. Hiebert F.T. *Chronology of Margiana and Radiocarbon Dates* // *Information Bulleten of IASCCA*. - Moskov, 1993, Issue 19: -P.136-148.
- 5.49. Hiebert F.T. *Origins of the Bronze Age Oasis Civilization in Central Asia* // *American School of Prehistoric Research Bulleten*. 42. - Cambridge, 1994. – P.89-95.
- 5.50. Indus civilization in Saurashtra. - Delhi, 1980. – C.291.
- 5.51. Jacobsen Th. *Primitive Democracy in Ancient Mesopotamia* // *JNES*, II, 1943. - P.159.
- 5.52. Justi F. *Der Bundeheesch*. Lpz.,1868, 1-20.
- 5.53. Kaniuth K., Teufer M. *Zur Sequenz des Gräberfeldes von Rannij Tulchar und seiner Bedeutung für die Chronologie des spätbronzezeitlichen Baktrien* // *AMIT*. Band 33. - Berlin, 2001. - P. 89-115.
- 5.54. Klackhohn C. *The moral order in the expanding societi* // *City Invincible, and Oriental institute Symposium*, 1960. - P.400.
- 5.55. Kohl Ph.L. *Central Asia (Western Turkestan): Neolithik to the Early Iron Age* // *Chronologies in Old World Archaeology*. Ed. by Ehrich R.W. - Chicago. Vol. I: - P.179-195; Vol. II: - P.154-162.
- 5.56. Kohl Ph.L. *Central Asia. Palaeolithic Beginnings to Early Iron Age*. - Paris, 1984. P.310.
- 5.57. Lamberg-Karlovsky. *Third Millenium Models of Exchange and Models of Production* // *Ancient Civilizations and Trade*. - Albuquerque, 1975. - P. 358.
- 5.58. Lamberg-Korlovskiy C. *The Bronze Age of Baktria* // *Baktria. An Ancient Oasis Civilizations*. - Roma-Venezia, 1989. – P. 17-32.
- 5.59. Lambert. M. *Textes Commerciauxde lagash* // *Rerue d'Assyriologie*. 1953. - P. 3-47.
- 5.60. Laroche Em. *Etudes de vocabulaire. VI. Revue hittite et asianique*, 1957.
- 5.61. Larsen M.T. *The City and its King* // *On Old Assyrian Notion of Kingship. Rencontre assyriologique internationale*. XIX. La hflfis et la royaunte. - P., 1971. - P. 285-300.
- 5.62. Larsen M.T. *The old Assyrian City-State and its Colonies Mesopotamia*. - Copenhagen, 1976. –P.194.
- 5.63. Layard. *Monuments of Nineveh*. - London, 1851.

- 5.64. Lenormant Ch. Introduction a l'histoire de l'Asie Occidental. 1838. – P. 249.
- 5.65. Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de l' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836. - P. 255.
- 5.67. Lyonnet B. Ceramique et peuplement du chalcolitique a la conquete arabe. (Prospections archeologiques en Bactriane orientale (1974-1978). Soes La direction de Jean-Claude Gardin. V.2). - Paris, 1997. – P. 192.
- 5.67. M.Dhalla. Zoroastrian Civilization. - New York, 1922. – P.107.
- 5.68. Mackay E. Early Indus civilizations. - London, 1948. – P. 129.
- 5.69. Mallovan M. Excavations at Brak and chagar Bazar // Iraq, IX, 1947. - P. 31-40.
- 5.70. Markwart J. Wehrot und Arang. - Leiden, 1938, - P.112.
- 5.71. Masson V. M. La dialectique des traditions et des innovations dans le developpment culturel de la Bactriane. // L archeologie de la Bactriane ancienne. Actes de colloque Franco-Sovietique. - Paris, 1985. – P.47-55.
- 5.72. Matthews R.J. Defining the style of the period: Jemdet Nasr 1926-28 // IRAQ, Volume LIV, 1992. - Fig.12
- 5.73. Mc.Alpin D. Proto-Elamo-Draavidian: The Evidence and its Implications // Transactions of the American Philosophical Society. 1981. V.71. №3. –P. 58-68.
- 5.74. Mellaart J. Çatal Hüyük. A Neolithic Town in Anatolie. - L., 1967. – P. 218.
- 5.75. Nildeke T. Iranisches Nationalepos, Grundriss der Iranische Philologie, II. 1896-1904.- V. 141.
- 5.76. Nissen H.J. The City Wall of Uruk // Man, Settlement and Urbanism. Ed. by P.J.Ucko, R.Tringham and G.W.Dembleby. - L., 1972. - P.793-798.
- 5.77. Pampelly R. Explorations in Turkestan. - Washington, 1908. - № II. - P.96.
- 5.78. Parrot A. Le Temple D'Ishtar. - Paris, 1956. - Fig.93.
- 5.79. Piggott St. Dating the Hissar Seguence-the Indian Evidence // Antiquity 17, 1943, - P.169-182.
- 5.80. Prasek J.D. Geschichte der Meder und Perser. Bd. I. - Gotha, 1906. - V. 50-54.
- 5.81. Rao S.R. Excavations at Rangpur and Other Explorations in Gujarat // Ancient India. Nos. 18-19 (1963). P. 5-207.
- 5.82. Ray W. Topferei und Tongesehirr im vedischen Indian // AWL. Jg. 1972, 10. – P. 246-252.
- 5.83. W.Ray. Zur vedischen Altertumskunde // AWL. Jg. 1983, 1. – P. 311-327.
- 5.84. Reisch E. Baktrionoi // Pauly's Real-Encyclopödie. T. II. 1896.
- 5.85. Renfrew C. The emergence of civilization: The Cyclades and the Aegean in the third millennium B.C. - London, 1972, - P. 213.
- 5.86. Salonen A. Agricultura Mesopotamica: Annales Asademiae Scientiarum Fenniae-Series. B 149. - Helsinki, 1968.

- 5.87. Salvatori S. Bactria and Margiana Seals // East and West. Vol.50, 2000, - P. 97-145.
- 5.88. Salvatori S. Protohistoric Margiana: on a Recent Contribution. (Review of: «IASCCA. Information Bulletin», 19, Moskow 1993 // Revista di Arheologia. - Venice, 1995. Anno XIX: - P.38-54.
- 5.89. Salvatori S. Sequential Analysis and Architectural Remains in the Central Quarters of Shahr-i Sokhta // Papers from the 4<sup>th</sup> international Congress on South Asian Archaeology, - Neapel 1977. - P.141-148.
- 5.90. Sarianidi V. Margiana and Protozoroastrism. - Athens, 1998. – P. 241.
- 5.91. Sarianidi V.I.. Sial-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. - New York, 1981. - P. 221-225.
- 5.92. Sarianidi, V.I. Seal-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. Ed. by Kohl P. L. - New York, 1981, - P. 221-225.
- 5.93. Sergej Baratov. Fergana und das Syr-Darja-Gebiet im spaten 2. und fruhen 1. Jahrtausend v Chr // Migration und Kulturtransfer. Der Wandel vorder- und zentralasiatischer Kulturen im Umbruch vom 2. zum 1. Vorchristlichen Jahrtausend. (Berlin, 23. bis 26. November 1999). - Bonn, 2001. - P. 161-179.
- 5.94. Sulimirski T. Scythian Antiquities in Western Asia // Artibus Asiae, V. XVII, 1954. - P.297.
- 5.95. Tanabe K., Hori A., Ishida K., Nagasawa M., Itami S. Animals in the Art of the Ancient Orient // The Ancient Orient Museum, - Tokyo, 1983. – P. 81-96.
- 5.96. Tosi M. A Topographical and Stratigraphical Periplus of Sahre Suxteh // Proc.ASARI 1975, 1976, - P.130-158.
- 5.97. Tosi M. Excavations at Shahr-i Sokhta // Preliminary Report on the Second Campaign, Sept.-Dec.1968 // EW 19, 1969, - P.283-386.
- 5.98. Tosi M. The Archaeological Evidence for Protostate Structures in Eastern Iran and Central Asia at the End of the 3<sup>rd</sup> Millennium D.C. La plateau Iranien et La Asie centrale des origines a la conquete islamique // CNRS. Paris, 1977.
- 5.99. Tosi M. The Origins of Early Bactrian Civilization // Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. - Roma-Venezia, 1989. - P. 69-71.
- 5.100. Vinogradova N. Die spatbronzezeitliche Siedlung Tasguzor in Sudtadzhikistan // AMIT. Band 31, - Berlin, 1999. - P.33-46.
- 5.101. W.Geiger, Ostiranische Kultur im Altertum. - Erlangen, 1882. - P. 147-148.
- 5.102. Waldbaum J.C. The First Archaeological Appearance of Iron and the Transition to the Iron Age // The Coming of the Age Iron. Ed. by Th.A.Wertime and J.D. Muhly. - New Haven-London, 1980. - P.69-98.
- 5.103. Wertime T.A. Pyrotechnology: Man's First industrial Uses of Fire // American Scientist.1973, Vol. 61. 6. - P. 682.
- 5.104. Widengren G. The Sacral Kingship of Iran. «Numen», Supplement, - Leiden, 1959. - P. 242-257.

5.105. Winckelmann Sylvia. Intercultural Relations between Iran, the Murghabo-Bactrian Archaeological Complex (BMAC), Northwest India and Failaka in the Field of Seals // East and West. Vol.50, 2000, - P.43-95.

5.106. Wittfogel K. Oriental despotism // A Comparative Study of Total Power. - New Haven, 1957.

5.107. Woolley L, Litt D. Ur Excavations. Volume VI. - Philadelphia, 1974.

5.108. Woolley L. The Development of Sumerian Art. - N.Y. 1935. - P.96.

5.109. Piggott S. Prehistoric India. - L., 1950. - P.119.

## **5. Конференция, симпозиум ва семинар маъruzalari тезислари:**

6.1. Абдуллаев А.Л. Памятники ранножелезного века Южного Таджикистана // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию ЮТАЭ. - М.: 1983. - С. 3-14.

6.2. Аскarov А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎзР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишиланган халқаро илмий анжуман материаллари. - Тошкент, 2004. – Б. 76-84.

6.3. Аскarov А.А. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Тезисы докладов советско-французского симпозиума по археологии Центральной Азии и соседних регионов. - Алма-Ата, 1987. - С. 57-58.

6.4. Аскarov А.А. Южный Узбекистан во II тысячелетии до н.э // Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. Труды международного симпозиума по этническим проблемам истории Центральной Азии в древности (II тыс. до н.э.). Душанбе, 17-22 октября 1977 г. - М.: 1981. - С. 167-179.

6.5. Грантовский Э.А. Бактрия и Ассирия (в свЁзи с проблемой древнебактрийского «царства») // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию Южно-Таджикистанской археологической экспедиции. - М.: 1983. - С. 27-30.

6.6. Гуляев В.И. Типология древних государств: Месопатамия и Мезоамерика // Древние цивилизации Востока. Материалы II Советско-Американского симпозиума. - Ташкент, 1986. - С. 81-85.

6.7. Заднепровский Ю.А. Ранножелезный век Ферганы и проблемы возникновения Даваньского государства // Ранножелезный век Средней Азии и Индии. Тезисы докладов Советско-Индийского симпозиума. - Ашгабад, 1984. С.57-61.

6.8. Итина М.А. Изамодействие земледельческих цивилизаций Средней Азии и их «варварской» периферией в эпоху бронзы // Древние

цивилизации Востока (Материалы II советско-американского симпозиума). - Ташкент, 1986. - С. 135.

6.9. Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона // Ўзбек давлатчилиги тарихида Қадимги Фарғона. Академик Яҳё Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарининг маъruzалари матнлари (15-16 май, 2001 йил, Наманган). - Самарқанд, 2001. Б. 23-40.

6.10. Пьянков И.Н. Древнейшие государственные образования Средней Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Материалы Международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАЕН, доктора исторических наук, профессора Б.А.Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.). - М.: 2001. - С. 334-348.

6.11. Ртвеладзе Э.В. К вопросу о субстратном Ёзыке юга Средней Азии (III-II тыс.до н.э.) // Тарих, Мустақиллик, Миллий ғоя (Республика илмий назарий анжумани материаллари). - Тошкент, Академия, 2001. - С. 124.

6.12. Ртвеладзе Э.В. Формирование городов Бактрии-Тохаристана // Городская среда и культура Бактрии - Тохаристана и Согда (IV в. до н.э. - VII в. н.э.). Тезисы докладов Советско - Французского коллоквиума. -Ташкент, 1986. С. 68-71.

6.13. Сагдуллаев А.С.. «Авесто»да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар // «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Ташкент-Урганч, 2001. –Б. 21-23.

6.14. Хакимов З.А. Оазисное расселение в Бактрии эпохи раннего железа // Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии. Тезисы докладов. (26-29 мая 1985 г. Далварзин-тепе). - Ташкент, 1985. - С. 134.

6.15. Ходжайов Т.К. Антропологический состав населения эпохи бронзы Сапаллитепа // Тезисы докладов на сессии, посвященной итогам полевых этнографических и антропологических исследований в 1974-1975 гг. - Душанбе, 1976. - С.78.

6.16. Шайдуллаев Ш.Б. Давлат ва дин // «Сўғд Марказий Осиёнинг маданий алоқалари тизимида». Р.Х.Сулаймонов таваллудининг 60-йиллигига бағишланган конференция. - Самарқанд, 1999. Б. 42-43.

6.17. Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатлар типологияси // “Жаҳон маданият тарихи тизимида Қадимги Хоразм цивилизациясининг ўрни” халқаро симпозиуми ва «Қадимги Тошхирмон воҳаси археологияси» дала семинари. Симпозиум материаллари ва маъruzалар матни. - Нукус, - Бўстон, 2000. – Б. 4-5.

6.18. Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о локализации Паретака, Бубакена и Габаза // Формирование и развитие трасс ВШП в Центральной Азии в древности и средневековье. Тез. докл. международного семинара ЮНЕСКО. - Ташкент, Фан, 1990. – С.17-19.

6.19. Шайдуллаев Ш.Б. Шимолий Бақтрия илк темир даври археологиясининг айрим муаммоли масалалари хусусида // Ўзбекистон-

қадимда ва ўрта асрларда. (Республика ёш тарихчи олимлари анжуманининг маърузалари матн. 16-17 март). - Самарқанд, 1992. - С. 34-36.

6.20. Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии (III-II тыс. до н.э.) // Формирование и развитие трасс великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. - Ташкент. 1990. – С.34-39.

## **7. Диссертация ва диссертация авторефератлари:**

7.1. Абдуллаев У.И. Историография древней системы управления и ранней государственности Средней Азии (XX-начала XXI в.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, ИИ АН РУз., 2008. – 21 с.

7.2. Алекшин В.А. Социальный строй раннеземледельческих обществ по погребальным памятникам культур Средней Азии и Ближнего Востока. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - М.: ИА АН СССР. 1977. – С.21;

7.3. Дандамаев М.А. Бехистунская надпись как источник по истории начала царствования Дария I. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Л., ЛГУ. 1958. – С. 21.

7.4. Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы и памятники железного века Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - М.: ИА АН СССР. 1978. - С. 32.

7.5. Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Самарканда. ИА АН Уз.ССР. 1990. – 21 с.

7.6. Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандинского Согда (Проблемы взаимодействия культурных традиций в периоды раннежелезного века и античности). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Самарканда, ИА АН РУз. 2000, - С.42;

7.7. Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда. (По материалам памятников Китабского и Яккабагского районов). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Самарканда, ИА АН РУз. 1998. – С.21.

7.8.Рахманов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Самарканда, ИА АН РУз.ССР 1987. – С.19.

7.9. Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия - Средневековый Тохаристан. Динамика историка-культурного развития (по материалам амударьинского правобережья). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - М.: МГУ. 1988. - С. 42.

- 7.10. Сабиров К Оборонительные сооружения древних поселений и городов Средней Азии. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - М.: ЛОИА СССР. 1978. - С. 21.
- 7.11. Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа (по материалам памятников района Шурчи-Байсугна). Автореф. дисс ... канд. ист. наук. - Л., ЛОИА. 1978. - С. 21.
- 7.12. Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дис. ... док. ист. наук. - М.: МГУ. 1989. - С. 40.
- 7.13. Шайдуллаев Ш.Б. Памятники раннего железного века Северной Бактрии. Автореф. дисс. ... канд. ист. Наук. - Самарканд, ИА АН РУз. ССР. 1990. - С. 21.
- 7.14. Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - М.: ИА АН России. 1993. - С.42.
- 7.15. Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Ташкент, ИИ АН РУз. 2008. - С. 42.

## **ҚИСҚАРТИРИЛГАН ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР**

**Автореф. дисс. ... канд. ист. наук.** - Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук

**Автореф. дисс. ... докт. ист. наук..** - Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук

**АН РУз** - Академия наук Республики Узбекистан

**АО** - Археологические открытия

**АРТ** - Археологические работы в Таджикистане

**БД** - Бактрийские древности

**БМАК** - Бактрийско-Маргийанский археологический комплекс

**ВДИ** - Вестник древней истории

**ВИ** - Вопросы истории

**ВШП** - Великий Шелковый Путь

**ИГАИМК** – Известия Государственной академии истории материальной культуры

**ИМКУ** - История материальная культуры Узбекистана

**ИТН** - История таджикского народа

**ИТССР** - История Туркменской ССР

**ИТОРГО** – Известия Туркестанского отделения Русского географического общества

**КСИА** - Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях Института археологии АН России

**КСИИМК** - Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях Института истории материальной культуры АН СССР

**Л.,** - Ленинград

**МАИКЦА** - Международная ассоциация по изучению культур Центральной Азии

**МГУ** - Московский Государственный Университет

**МИА** - Материалы и исследования по археологии СССР

**МКТ** - Материальная культура Таджикистана

**М.**, - Москва

**МСПИАЭИ** - Материалы сессии, посвященной итогам археолого-этнографических исследований в СССР, Баку

**МХЭ** - Материалы Хорезмийской археолого-этнографической экспедиции

**НАА** - Народы Азии и Африки

**ОНУз** - Общественные науки в Узбекистане

**СА** - Советская археология, (Российская археология)

**СЭ** - Советская этнография

**РА** - Российская археология

**ИМКУ** – История материальной культуры Узбекистана

**ИИМК** - Институт истории материальной культуры

**Т.**, - Ташкент

**ТД** - Тезисы докладов

**ТИИАЭ АН ТССР** - Труды Института истории, археологии и этнографии АН Таджикской ССР

**ТОВЭ** - Труды Отдела Востока Эрмитажа

**ТХАЭЭ** - Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции

**ТЮТАКЭ** - Труды Южно-Туркменистанской археологической экспедиции

**ЮТАЭ** - Южно-Таджикистанской археологической экспедиции

**УСА** - Успехи среднеазиатской археологии

**ХАЭЭ** - Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция

**ЎзР ФА** - Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

**AI** – Acta Iranika, Liege

**AMIT** - Archäologische mitteilungen aus Iran und Turan

**AWL** - Jg. 1983 W.Ray. Zur vedischen Altertumskunde //

**JA** – Journal aziatique

**EW** - East and West

**OA** – Oriental Art

**SI** – Studia Iranika. Leiden

**SPA** – A Survey of Persian Art. London

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
САМАРҚАНД БҮЛИМИ  
АКАДЕМИК ЯҲЁ ФУЛОМОВ НОМИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

ШАЙДУЛЛАЕВ ШАПУЛАТ БАЗАРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА  
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (БАҚТРИЯ МИСОЛИДА)  
(АЛЬБОМ)

Мутахассислик - 07.00.06 - археология

Илмий маслаҳатчи:  
тарих фанлари доктори,  
профессор, Ўз.Р ФА академиги  
А.А. АСҚАРОВ

САМАРҚАНД - 2009

## РАСМЛАР РҮЙХАТИ

- 1-расм. Бақтрияниң табиий географик харитаси.
- 2-расм. Ўрта Осиёниң жануби ва Шимолий Афғонистоннинг бронза даври шаҳар-давлатлари.
- 3-расм. Ўрта Осиёниң жануби ва Шимолий Афғонистоннинг Яз I даврига оид «ном» типидаги худудий давлатлар.
- 4-расм. Ўрта Осиёниң жануби ва Шимолий Афғонистоннинг Аҳамонийлар даври ёдгорликлари.
- 5-расм. Ур шаҳар-давлатининг топографик плани.
- 6-расм. Жанубий Туркманистон. Мурғоб воҳаси шаҳар-давлатлари.
- 7-расм. Жарқўтон ёдгорлигининг топографик плани.
- 8-расм. Жарқўтондан топилган Қадимги Шарқ бронза даври ёдгорликларига хос бўлган, маданиятлар аро тарқалган, хлорид тошдан ясалган ашёлар.
- 9-расм. Жарқўтондан топилган Қадимги Шарқ бронза даври ёдгорликларига хос бўлган, маданиятлар аро тарқалган, гипсдан ясалган ашёлар.
- 10-расм. Жарқўтон. Арк. Марказий қисм. План.
- 11-расм. Жарқўтон. Арк. Марказий қисм. Топилмалар.
- 12-расм. Жарқўтон. Арк. Шарқий қисм. План.
- 13-расм. Жарқўтон. Арк. Шарқий қисм. Топилмалар.
- 14-расм. Жарқўтон. Арк. Шимолий қисм. Хумдон ва ўчоқ. Умумий кўриниш.
- 15-расм. Жарқўтон. Арк. Жанубий қисм. План.
- 16-расм. Жарқўтон. Арк. Жанубий қисм. Катта хумдон.
- 17-расм. Жарқўтон. Арк. Жанубий қисм. Кичик хумдон.
- 18-расм. Жарқўтон. Арк. Жанубий қисм. Икки камерали ўчоқ.
- 19-расм. Жарқўтон. Арк. Жанубий қисм. Топилмалар.
- 20-расм. Жарқўтон. Арк. Жанубий қисм. Лойдан ясалган, ўлган эркак кишининг бюст ҳайкали.
- 21-расм. Жарқўтон. Арк. Жанубий қисм. Лойдан ясалган иккиқат аёлнинг ҳайкали ва эмбрионларнинг кўриниши.
- 22-расм. Жарқўтон. Шахристон. № 6 тепалик. План.

- 23-расм. Жарқұтон. Шахристон. № 5 тепалик. План. I қурилиш даври.
- 24-расм. Жарқұтон. Шахристон. № 5 тепалик. План. II қурилиш даври.
- 25-расм. Жарқұтон. Шахристон. № 5 тепалик. План. III қурилиш даври.
- 26-расм. Жарқұтон. Шахристон. № 5 тепалик. План. IV қурилиш даври.
- 27-расм. Жарқұтон. Шахристон. № 5 тепалик. Умумий план.
- 28-расм. Жарқұтон. Шахристон. № 5 тепалик. Меъморий қирқим.
- 29-расм. Жарқұтон. Шахристон. № 5 тепалик. Платформа. Умумий күриниш, қирқим.
- 30-расм. Жарқұтон. Шахристон. № 5 тепалик. Платформа. Топилмалар.
- 31-расм. Жарқұтон. Шахристон. № 4 тепалик. План.
- 32-расм. Жарқұтон. Терракот ҳайкалчалар.
- 33-расм. Жарқұтон. Пиктографик белги чизилган сополлар.
- 34-расм. Жарқұтон. Пиктографик белги чизилган сополлар.
- 35-расм. Жарқұтон. Пиктографик белгилар.
- 36-расм. Сополли маданияти мухрлари. Сополлитепа.
- 37-расм. Сополли маданияти мухрлари. Сополлитепа, Жарқұтон.
- 38-расм. Сополли маданияти мухрлари. Жарқұтон.
- 39-расм. Жарқұтон. Хараппа маданиятига хос бўлган ашёлар.
- 40-расм. Жарқұтондан топилган фил суюгидан ясалган ашё (1-2), схоластик белги (3) ва Хараппа мухрларида ифодаланган схоластик белги ва ёзув.
- 41-расм. Жарқұтон. Фил тасвирили терракот ҳайкалча (1), Хараппа маданияти мухрида тасвиirlанган фил (2).
- 42-расм. Сополли ва Хараппа маданиятларига хос бўлган ашёлар.
- 43-расм. Жарқұтон. Андронова маданиятига хос бўлган ашёлар.
- 44-расм. Жарқұтон. Андронова маданиятига хос бўлган сополлар.
- 45-расм. Жарқұтон. Тақинчоқлар.
- 46-расм. Жом. Галашерик. Топографик план.
- 47-расм. Жом. Галашерик. Мурғоб воҳасига (1) ва Сополли маданиятига хос сопол буюмлар (2), болта (4) ва пайкон (3).

48-расм. Жом. Галашерик. Буғи тасвири соч түнгігіч (1), Сополли маданияти услубида ишланған ойналар (2) ва ойнага Андронова маданиятига хос безакнинг чизилиши (3).

49-расм. Жом. Галашерик. Андронова маданиятига хос сирғалар (1), дәхқончилик ва чорвадор маданиятларига хос билагузуклар (2, 3), мунчоқлар (4).

50-расм. Кучук Iа даври сополлари мажмуаси.

51-расм. Кучук Iб даври сополлари мажмуаси.

52-расм. Кучук II даври сополлари мажмуаси.

53-расм. Кучук III даври сополлари мажмуаси.


54-расм. Кучук IV даври сополлари мажмуаси.

55-расм. Илк антик даврига ўтиш даври сополлари мажмуаси.


56-расм. Фоз. Кели. Пиктографик белгилар битилгандың ёзув.




1-расм.




2-расм.




3-расм.






5-расм.




6-расм.




7-расм.







9-расм



10-пакм.



11-pacm.




11(a)-pacm.



1a

1b




1




1c


12-пачм.





13-расм.




14-расм.




15-расм.




16-расм.



17-пачм.



18-пакм.



19-расм.



20-расм.



1a



1b




2




3

21-расм.



22-пачм.





**Условные обозначения**

1	[Solid Box]	Стена 1го этажа
2	[Hatched Box]	Внутрикомнатная перегородка
3	[Dashed Line]	Обрывы
4	[Dashed Line]	Контуры отсечения
5	[Hatched Box]	Очаг-камин
6	[Room Label N15]	Комната
7	(n)	Погребение
8	(◎)	Хум
9	[Kiln Label]	Остатки керамический печи
10	(зерно)	Хранище для зерна
11	(□)	Лунки от столбов
12	(глина)	Хранилище для отмеченной глины
13	(кормушка)	Кормушка

Условные обозначения

1		Стена 1го этажа
2		Внутрикомнатная перегородка
3		Обрыв
4		Контуры отсечения
5		Очаг-камин
6		Комната
7		Погребение
8		Хум
9		Остатки керамической печи
10		Ханище для зерна
11		Лунки от столбов
12		Хранильнице для отмеченной глины
13		Кормушка










ЧИСЛОВЫЕ ЗАДАНИЯ

<b>1</b>	СТЕНА 1 <sup>го</sup> этажа.
<b>2</b>	Внутрикомнатная перегородка
<b>3</b>	Порыв.
<b>4</b>	Контуры строения
<b>5</b>	Лист камни
<b>6</b>	Комнаты
<b>7</b>	Погребение
<b>8</b>	ХУМ
<b>9</b>	Платки керамических пещер
<b>10</b>	Храмы для зефира
<b>11</b>	Луки от столов
<b>12</b>	Храмы для отмеченный глины
<b>13</b>	Хоромы






27-расм.










2

1




3


29-расм.




30-расм.




31-расм.




1




2



4



3




5




6


32-расм.



33-расм.



34-расм.





1



2



3



|




4



5



6




|



7






8




9

0 5CM

36-расм.



37-расм.



38-расм.



1



4



2



5




3




6


39-расм.




Encarta Encyclopedia, © Microsoft Corporation. All Rights Reserved.




1




2



3




4



5

40-расм.





1






2


41-расм.




42-расм.




43-расм.




44-расм.




45-расм.



46-расм.






0 3 cm




0 3 cm


4







49-расм.










52-пакм.








55-расм.



|



0

20CM

56-расм.